


АБДУҒАҒУР РАСУЛОВ

ИСТЕЪДОД ВА ЭЪТИҚОД

(Озод Шарафиддиновнинг адабий портрети)



**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2000**

Расулов Абдуғафур.

Истеъдод ва эътиқод: (Озод Шарафиддиновнинг адабий портрети). — Т.: «Шарқ», 2000. — 208 б.

ББК 83.3(5У)—8

АБДУҒАФУР РАСУЛОВ

ИСТЕЪДОД ВА ЭЪТИҚОД

(Озод Шарафиддиновнинг адабий портрети)

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 2000 йил

Муҳаррир *А. Бобониёзов*
Бадий муҳаррир *М. Самойлов*
Техник муҳаррир *Л. Хижова*
Мусахҳиҳ *Ж. Тоирова*

Теришга 13. 07. 2000 да берилди. Чоп этишга 5.10.2000 да рухсат берилди. Бичими 84x108^{1/32} Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 10,92. Нашриёт ҳисоб табоғи 10,75. Адади 2000 дона. Буюртма № 810. Баҳоси келишилган асосда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти, 2000.

СЎЗ БОШИ

Тарихи мингйилликлар булоқларидан сув ичган халқимизнинг дилбар қўшиқларидан бирида шундай ҳазин ва даъваткор мисралар учрайди: «Бу дунёда бор бўлса, юрак-бағри бутуни, қоғоздан ўчоқ қилай, гулдан қилай ўтинин».

Абадан бағри кемтиклик манбаи бўлиб келган ишқу муҳаббатни истисно қилсак-да, ўз-ўзимизга шундай савол берсак: «Хўш, бағри бутун одам ким, ўзи?»

Халқ бу каби инсонларни «эл назаридаги одам» дея шарафлайди, ҳавас қилади, умрлари ва аъмоллари ибрат эканлигини тан олади. Аслида ҳам ўзбекнинг маънавияти ибрат олишдан бошланиб, ўз ибратини яратиш билан шукуҳланади. Маънавиятнинг ўзи аслан бағри бутунлик эмасми?

Элимизнинг бағри бутун ўғлонларидан бири таниқли мунаққид Озод Шарафиддинов бўлади.

Киши исмига тортади деган таъбир — доно ҳикмат. Озод Шарафиддинов Ўзбекистон ва ўзбек адабиётининг XX аср тарихида чинакамига ўз шахси, ўз дунёқараши, ўз эътиқоди, ўз истеъдоди, ўз имкониятлари озодлигини бир бутун такрорланмас ҳодиса деб билган, бу юксак қадриятлар тақозо этадиган машаққатлар юкига елкасини оғринмай тутган, бир зум эл назаридан четда эмаслигини ҳис этиб яшаган алломалардан.

Хива ёки Бухородами, Самарқанд ё Шаҳрисабздами бўлганингизда аждодларимиз тиклаб кетган иморатларга назар ташлаганингизда, уларнинг тарҳи ва таровати, нақшлари ва ҳажмлари бир-бирини такрорламаслигига гувоҳ бўласиз. Ҳар бир иморат алоҳида меъморий дoston, ибратли васият.

Озод Шарафиддинов бағри бутун инсон бетакрор бўлмоғини ўрганган эмас, ўзгалар ва ҳатто ўз-ўзини такрорламасдан, ҳамиша янгиланиб, бутунлашиб бормоқ унинг қониди, амалларида.

Ҳазрати Маҳмуд Кошғарий қомусини тузиб кетган туркий тилда Юсуф Хос Ҳожиб ва Мир Алишер Навоий руҳий қудрати билан буюк маънавий обидалар яратилганидан кейин асрлар ўтиб Мавлоно Абдулла Қодирий қаламидан дилбар наср дунёга келгани ҳаммага аён. Ана шу силсилада давр тақозоси билан узилиш содир бўлганида Озод Шарафиддинов деган мунаққид дунёга келиши табиий эди. Гап шундаки, Одил Ёқубов насри ва Абдулла Орипов назми янги бир авлод дунё келганини исботлаши учун уларни назарий, таҳлилий

жиҳатдан қўллаб-қувватлаш керак эди. Ана шу залворли юкни зиммасига олган адабий танқидчимиз ўзбек адабиёти силсиласида узилиш бўлмаслиги учун курашди, масъулиятни тенгдошлари билан баҳам кўрди, ранг-баранг асарларни қўллаб-қувватлади, жавобини ололмаган саволларига жаҳон адабиёти ва фалсафаси уммонидан талқин излади, нималарнидир топгандек бўлди. Қарабсизки, нафақат 60-йиллар авлодлари, қолаверса янги авлодлар ҳам Озод Шарафиддинов нуқтани назари билан ҳисоблашадиган бўлди. Бунинг боиси аллома яратган мақолалар ва асарлар наинки адабий, шунинг баробарида фалсафий танқид эди.

Озод Шарафиддинов адабиётнинг бош вазифаси Олам, Инсон ва унинг қалбини тасвирлаш деган азалий қадрият, яъниким бағри бутунликда эканлигига содиқ қолди. Боиси адиблар, олимлар, санъаткорлар, эл фарзандларининг ҳурматига сазовор бўлди.

Озод Шарафиддинов адабий танқид даргоҳига қадам қўйган кезларда ўзбек адабиёти деб аталган бир бутун воқелик тўртала каттакон шўъбада ҳар бири ўзича яшаётган эди. Булар, биринчидан, худди фольклор сингари зарур бўлгандагина мурожаат этиладиган мумтоз адабиёт. Иккинчидан, қатагон этилган XX аср сўз санъаткорларининг ҳали халқ ёдидан чиқмаган ёки нашриётлар тортмаларида қолиб кетган асарлари. Учинчидан, ҳар кунги газета ва журналларда чоп этилаётган, қатагон бўронидан эгилган, мафкура жазирамасида қовжираган ўта сиёсийлашган совет кишисини ўзбек танаси ва тимсолида тасвирловчи асарлар ва, ниҳоят, тўртинчидан, адабиётга эндигина кириб келаётган навқирон ижодкорларнинг асарлари. Фольклор ва мумтоз адабиёт соф адабиётшунослик мавзун бўлгани боис мунаққидимиз охирида саналган учтасига мурожаат этишга интилган. Аммо... Бутун бахт-саодатини ўзлигидан йироқ кетганича жамоавийликда, зўравонларча сингдирилган мафкура таъсиридаги совет кишиларига хос ажабтовур маҳдудлик ва қайсарликда деб билмагани, ҳар бир хатти-ҳаракати алалоқибат Ватан ва ўзликка бориб тақалгани боис Абдулла Қодирий ёки Чўлпон яратган бадий оламга мурожаат этиш имкониятлари чекланган эди.⁴ Бу бадий оламга мурожаат этиш имконияти туғилишини роппароса қирқ йил кутган Озод Шарафиддинов замондошлари билан, уларнинг янгидан-янги асарлари билан ҳамнафас яшадди, ажойибларини қувватлади, ҳотамтоёна қўллаб-қувватлади, арзимасларини аямади, шафқатсиз чиппакка чиқарди. Вақт муқаррар қилиши мумкин бўлган ишга эш бўлди.

Жасорат ва адолатни ўзида бутунлаштирган ижодкор мунаққиднинг бадий асарга нисбатан қўяётган янгидан-янги талаблари, янгиланиб бораётган дунёқарашни яқин ўтмиш мафкурасининг садоқатли ижрочиларига ёқмас эди, албатта. Бундай зотлар ва казо-казолар Озод Шарафиддинов билан қалам воситасида ошқора курашга киришмадилар — катта билим соҳиби бўлиш керак эди. Озод Шарафиддинов эса

бундай «давр адабиёти ижодкорлари» да уларни шунчаки эътиборга ва тилга олмаслик тариқасида зиёлиёна муҳофаза йўлини тутди. Бунга мисоллар бир талай. Уларни ҳар бир шахснинг ўзи яратди. Жумладан, Озод Шарафиддинов ҳам.

Умуман, Озод Шарафиддинов қарийб эллик йиллик ижоди давомида ижодиётига ва шахсиятига мурожаат этган сиймоларнинг ўзига хос рўйхатига мурожаат қилар эканмиз, уларнинг асосан мунаққидга замондош ижодкорлардан иборат эканлигини кузатамиз. Дарвоқе, бу рўйхатда тунов кунгача бизни «коммунизмнинг ёруғ истиқболлари» чорлаганча алмисоқдан қолган шапқачасининг соясидан кўзларини муғомбирона жавдиратиб турган «пролетар доҳийси» ва унинг... кутубхонаси ҳам бор. Дарвоқе, мунаққид Владимир Ульяновга чинакамига буюк рус адабиёти нуқтаи назаридан, тагинам аниқроғи, — инсониятга ато этилган буюк неъмат Китоб нуқтаи назаридан қарайди, ўзича нималарнидир топади, ўзича нималарнидир йўқотади. Уша эссенинг Бош қаҳрамони... ҳар қалай китоб эди. Зиёли мунаққид «доҳий» ва «китоб» мезонларини ўзича қиёслайди, ўша кезлардаги эътиқоди аъмолларини баён этади. Мунаққид бир умр китоб жамлади, хонадони асл китобларга тўла даргоҳга айлана борди. Кун келади-ю, Озод Шарафиддинов «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» мақоласини ёзади. Бунга элнинг зиёли фарзанди Ватан аҳли қаватида узоқ йиллар давомида тайёргарлик кўришга мажбур эди. Худди Абдулла Қаҳҳор меросини изчил таҳлил қилиш, Абдулла Орипов шеърятидан, Ўткир Ҳошимов насридан, Неъмат Аминов сатирасидан завқ туйиш асносида Абдулҳамид Сулаймон «Чўлпонни англаш» га шайланган сингари. Ваҳоланки, Озод Шарафиддинов замондошларининг кўпчилигида эътиқод уникидан-да мустақкамроқ, уникидан-да қайсарроқ эди. Фақат чинакам зиёлигина ўз янглишларини тан олади, фақат билимдон одамгина истиқлол дунёқарашини самимий қаршилайди. Чунки унда истиқлолга ташна ва ошуфта қалб бор, ростакамига бой билим бор, ошуфта юрак ва катта қалб соҳиби эса «ўтулғуси» (Чўлпон ибораси) шарт бўлган йўллардан муқаррар ўтади, янгилашиб, бутунлашиб бораверади. Бу йўл дунёга келиб меҳнат қилиш, ўз ҳаётини ташкил қилиш боробарида Ер юзидаги, ҳаётдаги ўрнини излаётган, қалбига қулоқ тутган инсоннинг такрорланиб турувчи бетакрор йўлидир аслида.

Озод Шарафиддинов ижод қилган каттакон даврда ўзбек адабиётида жаҳон адабиёти талабларига жавоб бера оладиган бир талай асарлар яратилди. Жангтоҳ ва қамоқхонадан қайтган Шухрат, Саид Аҳмад, Шукрулло, уларнинг изидан келган Одил Ёкубов ва Пиримқул Қодиров, сўз санъатимизга янги қон бўлиб қўшилган Ўткир Ҳошимов ва Шукур Холмирзаев, шеърятимиз уфқларини кенгайтирган Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов сингари ўнлаб, юзлаб ижодкорлар бири-бирига ўхшамаган, бетакрор асарлар яратдилар. Шунда Озод Шарафиддиновнинг «Истеъдод — халқ мулки» деган ибораси мағрур жаранглади. Унинг ютуқларидан қувонган

мунаққид ҳар бир яхши намунасини китобхон аҳлига яқинлаштирди, ижодкор назарда тутмаган жиҳатларини кашф этди, халқ фарзандларини Адабиётни тушунишга ўргатди.

Булар ҳам ҳали етарли эмасди теграсидаги воқеликни изчил кузатган Зиёлига. Чунки инсоннинг инсонлиги фикрмулоҳазаси, ақл-ҳуши, фаросатию топқирлиги, ҳар қандай вазиятда гўзал тадбир топа олиши билан белгиланади. XX асрнинг сўнгги чораги нафақат Абдурауф Фитрат ва Чўлпоннинг ўзбек халқи бағрига қайтиши, наинки, собиқ СССР ҳудудида яратилган «ман этилган» ҳаққоний асарларнинг қайтиши, жаҳон аҳли яратган буюк адабий ва фалсафий меросга, жонли янгилликларга йўл очилиши билан зийнатлани, муҳими, Ўзбекистон ва унинг халқи миллий истиқлолга эришди.

Ҳали-ҳануз ёдимизда. Ошқоралик одат тусига кириб бораётган кезларда, шўро давлати ҳукмронлигининг охириги паллаларида газета, журналлар шунақанги мақолалар, маълумотлар, талқинлар, таҳлилларни ҳавола этдиларки, уларни ўқиб, ўқиб улгуриб бўлмасди. Кўплаб илмий ва бадиий асарлар шўролар босиб ўтган қонли ва мураккаб йўлни, партия даҳоларининг ваҳшиёна қилмишлари, ғайриинсоний бошқарув усуллари талқини таҳлил қилиш баробарида фикрловчи одамларга «Булардан бутунлай воз кечиш керак» деган тўғри йўлни кўрсатиб турардилар. Бундай бутунлай воз кечиш замирида эса аввалги билимлар ва тажрибалардан халқчилари ва умуминсонийларини танлаб олиш; янгиларни яратиш ва ўзлаштириш эҳтиёжи балқиб туради. Очиғи, кўплар бунга тайёр эмас, қийин-қийин, ижодкорга қийин эди. Айни воз кечишнинг буюк неъматини бўлиши Истиқлолнинг дастлабки йилларида кўпларнинг бағри ҳувиллаб қолгандек бўлди, кимдир толеномалару саргузаштларга ўзини урди. Шунда ҳам Озод Шарафиддинов ўзига хос йўлдан борди. Воз кечиладиган тизим ва эътиқод моҳиятини очиб берган асарларни таржима қилди, Истиқлол Маърифатини англашга тутинди, Ортега И. Гассет ёки Томас Фуллер фалсафасига мурожаат қилди, қийинчилик билан бўлсада ўзига йўл очиб бораётган бозор муносабатларига муносабатини билдирди, турли мавзуларда мақолалар ва бадиалар яратди, тиниб-тинчимасди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлгач, унинг туғи, байроғи, мадҳияси дунёга аён бўлди. Буюк миллатимиз руҳида кескин ўзгаришлар рўй берди. Биз энди халқ онгидаги эски мафкурадан халос бўлишимиз, янги, демократик, одил жамият қуришимиз керак эди. Бу шарафли ишларни амалга ошириш, улғу тарихий вазифани адо этиш мустақилликнинг бош меъмори Ислоҳ Каримов зиммасига тушди. Президентнинг йўлбошчи сифатидаги иродаси, қатъияти, донолиги туфайли республикамизда иқтисод, сиёсат, мафкура-маънавият, маърифий соҳаларида ниҳоятда изчил, асосли йўналишларда иш олиб борилди. Озод Шарафиддинов шу юртнинг бир зиёлиси сифатида Президентимиз томонидан қисқа муддатда амалга оширилган улкан ишларга ўзининг «Йўлбошчи» мақоласида фикр билдирди.

Ақл, тафаккур етакчилик қилган ерда иқтисод ҳам, моддий бойлик ҳам, савдо-сотик ҳам, фаровонлик ҳам тараққий этади. Президент Ислон Каримов «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига жавобларида бундай дейди: «Бугунги ҳаётимизнинг кечаги кунимиздан асосий фарқини тоймоқчи бўлсак, бу аввало одамларнинг тафаккури ўзгариб, аниқроғи, юксалиб бораётгани билан белгиланади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Аслида, одамзод тафаккурининг чегараси йўқ... Агар тафаккурни атрофимиздаги ҳаёт тарзининг маҳсули сифатида қабул қилсак, унинг иккинчи жиҳати шундаки, ҳаётнинг ўзи ҳам унинг ўзгаришлари ҳам одамзод тафаккурининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ.

Шу қисқа давр ичида — кейинги етти-ўн йил давомида замоннинг шиддат билан ўзгариши одамлар тафаккурининг ҳам тез ўзгариб боришига таъсир қилмоқда».

Фикрлайдиган одам ўта нозик атамалар маъносини чуқур англайди, лўнда ифодалайди. Биз тез-тез «концепция» деган атамани қўллаймиз. Унинг маъносини ҳам англаймиз. Президент Ислон Каримов мазкур савол-жавобида «концепцияни» «маънавий-мафкуравий фаолият мақсадлари» дея лўнда, тушунарли ифодалайди.

Президент Ислон Каримов айтганидек, кейинги етти-ўн йил давомида теран фикрлайдиган, аҳли дониш кишилар кўзга яққол ташланиб қолди. Шундай кишилардан бири — профессор, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Мустақил Ўзбекистоннинг фахрий нишонларидан — «Буюк хизматлари учун», «Меҳнат шўхрати»нинг соҳиби Озод Шарафиддиновдир.

Неврология деган мураккаб фан соҳаси вакилларининг тасдиғича, инсоният тарихидаги энг даҳо зотлар ҳам миёларининг имкониятларидан бор-йўғи 3 фоиз атрофида фойдаланиб, биз бугун неъматларидан фойдаланаётган буюк меросни яратишган экан. Қолган 97 фоиз миё имкониятлари-чи? Борди-ю улар ҳам ишга солинса, бани башар ҳозиргидан-да бахтлироқ, фаровонроқ яшаган, уни ўртаётган муаммою масалалардан тезроқ халос бўлган бўлардими? Тахмин, фараз, башорат қилиш анча мушкул. Лекин, шуниси аниқки, фикрлаётган инсон ҳамиша бағри бутун бўлади, ҳар доим янгиликни қўллаб-қувватлайди, умуман, ўзлигини намоён этаверади. Бу намоён этишнинг тўла-тўқислиги эса ёлғиз Яратгангина аёндыр.

Озод Шарафиддинов ўзидан фикрат ибрати, жасорат ибрати, таъб ибрати, заковат ибрати сингари бир қанча ибратларни ўзида мужассамлаштирган алломаларимиздан. Суянадигани Маърифат бўлганидан кейин шундай бўлиши табиийдир.

Этиборингизга ҳавола этилаётган рисола ана шу ибратлар талқинига бағишланган дил изҳоридир.

ШАКЛЛАНИШ

Инсон туғилганидан то паймонаси тўлгунча жисман, руҳан, маънан, ақлан ўзгариб боради. Уни турғун ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Шўро адабиётшунослигида галати бир қоида бор эди: ёзувчи ижод майдониға кирдимиз, бас, доимо ўсиб, тараққий этиб, эволюцион босқични ўтиб бораверади. Ваҳоланки, ёзувчи барча одамлар сингари, иссиқ жон, фикрловчи шахс. У гоҳида зўр, гоҳида ўртачароқ, баъзан эса ўта ожиз асар ёзиши табиий. Тўғри, истеъдодли ижодкор ҳаминша маҳорат сирларини тиниқ-пукта эгаллаб, ҳаётий характерлар яратишға интилади. Лекин ҳамма вақт ижодкор ўйлагани амалға ошавермайди.

«Бизнинг танглаймизни Фафур Фулом шеъри билан кўтаришган, — деб ёзади Озод Шарафиддинов «Дарёдил шоир» бадиасида. — Менга тенгқур авлоднинг руҳий оламини, маънавий дунёсини Фафур Фуломсиз тасаввур этиш мушкул. Фафур Фулом бўлмаганида бу олам анчагина ғариб, кемгик бўларди». Мана шу қисқа, лўнда фикрда Озод Шарафиддиновнинггина эмас, у мансуб авлоднинг, қолаверса, Фафур Фуломдай ижодкорлар авлодининг моҳияти англашилади.

Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳ. Олимжон, Миртемир, М. Шайхзода авлоди қаддини ростлаб, ўзбек адабиёти тизгинини ўз қўлиға олаётган пайтда О. Шарафиддинов қурдошлари атак-чечак қилаётган, яхшилар меҳр-оқибатидан баҳраманд бўлаётган, танглайи қотаётган эди. Шуниси ҳам борки, О. Шарфиддинов ҳарфларни ҳижжалаб ўқий бошлаганида А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Отажон Ҳошим барҳаёт эди. Озод Шарафиддинов 14—15 ёшларида Абдулла Қодирий, Чўлпон романларини ўқиганлигини, у асарлар руҳиға қаттиқ таъсир этганлигини хотирлайди. «Қизик», «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз»ни менга ўқитувчим, онам ёки мактабдошим эмас, нотаниш бир рус йигити келтириб берган. Ҳар бир

асарни ўқишга бир кун муҳлат ажратган эди», — дея эслайди Озод Шарафиддинов. Замоннинг зайли ҳар нарсадан устун эди. Озод Шарафиддинов болалиги, йигитчилигида халқ душманларини лаънатлаб кўчага чиққан халқни кўрган. «Доктор Живаго» романини чет элда чоп этирилганлиги учун маломат тошларига кўмиб ташланган Борис Пастернак беадад руҳий изтироб чекаётганида Озод Шарафиддинов САГУ ўқитувчиси эди. Сал олдинроқ Озод Шарафиддинов университетни битириш арафасида яна бир дилсиёҳлик рўй беради. «Саида Зуннунова деган ёш шоира бизнинг факультетимизда ўқир эди — деб ёзади О. Шарафиддинов, — эндигина илк китоби чоп этилган, умидли ижодкор ҳисобланарди. У андижонлик бўлиб, яқинда Саид Аҳмадга турмушга чиққан эди. Раҳбарият шоирадан эридан воз кечишни, кўпчилик олдида эрини қоралашни талаб қилди. Негаки, талабалар сафи ғоявий соғлом бўлмоғи керак, унда халқ душманларининг хотинларига ўрин йўқ эди. Саидаси тушмагур эса, ўзи жинқарчадай бўлатуриб «чиқадиган эрим йўқ, эрим гуноҳсиз!» деб оёқ тираб туриб олди. Саидага ачинамиз-ҳарқалай, нима бўлганда ҳам ўзимизга ўхшаган талаба, турмушга чиқиб, ҳали бирон бир рўшнолик кўргани йўқ, энди эса «ҳе» йўқ, «бе» йўқ, боши очик қолса алам қилади-да! Бунақа десангиз, топган эри душман чиқиб қолган бўлса, нима дейсиз! Борингки, Саида эридан ажрамади — уни университетдан ҳайдадилар. Биз эса томоша қилиб, бақрайиб туравердик».

Озод Шарафиддинов фикрловчи йигит эмасми, унга ҳамма воқеалар қаттиқ таъсир этарди. Аммо у замоннинг бош йўлидан тоймасдан бораверди. Университетда ўқиб юрганидаёқ Тошкентдаги 59-қизлар мактабида адабиётдан дарс берди. Университетда берилиб ўқиди. Пешқадам талаба бўлди. Қолаверса, О. Шарафиддинов курсида Эркин Юсупов, Музаффар Хайруллаев, Ҳайдар Пўлатов, Манноп Эгамбердиев сингари билағон талабалар ўқирди. Университетни тугатгач, Озод Шарафиддинов юзлаб ўзбек йигит-қизлари қатори Марказга — Москвага ўқишга жўнади. Аспирантурада ўқиш жараёнида у республика матбуотида адабий-танқидий мақолалари билан қатнаша бошлади. 50-йилларда Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов пешқадам танқидчилар сифатида танилган эдилар. Воҳид Зоҳидов, Юсуф Султонов, Фулом Каримов бот-бот мақолалар ёзар эдилар. Сарвар Азимов, Солиҳ Қосимов, Турсун Собиров, Абдулла

Олимжонов, Ҳафиз Абдусаматов, Суннатилла Анорбоев, Бердиали Имомов, Баҳодир Фуломов, Нуриддин Шукуров сингари танқидчилар энди-энди танилиб келаётган эдилар. Қизиқ, 50-йилларда танқидчиликда табақаланиш, соҳа-соҳага бўлиниб кетиш сезилади. Ҳомил Ёкубов, С. Азимов, Н. Шукуров, О. Шарафиддиновлар кўпроқ поэзия муаммолари билан шуғулланган бўлсалар, Иззат Султон, Солиҳ Қосимов сингарилар назарий муаммолар ҳақида ёздилар. Ҳафиз Абдусаматов, Турсун Собиров, Бердиали Имомов, Баҳодир Фуломовларни кўпроқ драматургия муаммолари жалб этди. Ҳамза ижоди билан Ю. Султон, Ойбек, Фафур Фулом ижоди билан Ҳ. Ёкубов, Ҳ. Олимжон ижоди билан С. Азимов, Абдулла Қаҳҳор ижоди билан кўпроқ Ҳафиз Абдусаматов шуғулланди.

Москвадаги таҳсил Озод Шарафиддиновга жуда кўп нарсани ўргатди. Биринчидан, у адабий ҳаётни ҳис қилди; адабий учрашувларда мунтазам қатнашди, газета-журнал таҳририятларида бўлди, кўплаб ёзувчилар билан танишди. Озод Шарафиддинов Москвада Пиримкул Қодиров билан учрашганлигини, бу ёзувчи туйфайли адабий ҳаётга киришиб кетганлигин хотирлайди. Москвада, аспирантурада ўқиш Озод Шарафиддиновдаги мутолаа қилиш, ўқиш эҳтиёжини янада чуқурлаштирди. Озод Шарафиддинов Ойбек ҳақидаги портретида ёзади: «Ойбекнинг илмий-танқидий мероси билан танишар экансиз, кишини биринчи навбатда, лол қолдирадиган нарсаси шундаки, олимнинг қизиқиш доираси бениҳоя кенг. У фақат ўзбек адабиёти ҳақида эмас, қардош халқлар адабиёти ҳақида ҳам, рус ва жаҳон адабиёти ҳақида ҳам ёзади. Ёзганда ҳам жуда чуқур билим билан қаламга олган масаласининг туб моҳиятини атрофлича очиб берадиган тарзда ёзади»¹ Ойбек рус, ўзбек, жаҳон адабиёти ҳақида «чуқур билим билан» ёзиш учун қанчадан-қанча китобларни ўқигани, улар ҳақида мулоҳаза юритганини тасаввур қилиб кўрингчи?! Олим Ойбекдаги истеъдод, энг аввало, маънавий ташналик кўпроқ, чуқурроқ билиш иштиёқида сезилди. Одам қанча кўп билса, билганларини чуқур ўзлаштиради, ўйнаб-ўйнаб ёзади, эркин қалам тебратди. Бошқача айтганда, танқидчи асарларидаги образлилик, ҳис-туйғулар сероблигини таъминлайдиган манба чу-

¹ О. Шарафиддинов. Истеъдод жилолари. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1976, 61-бет.

қур билимдир. Чуқур билим баъзиларни янада мураккаб фикрлашга, фалсафий умумлашмалар чиқаришга унда-са, баъзиларни бадиийликка яқинлаштиради, образли-лик-ҳиссийликка ундайди. Демак, танқидчи моҳиятини билим, илмий хулоса белгилайди. Шундай қилиб, тан-қидчининг истеъдоди ўзига хос мазмун касб этади. Озод Шарафиддинов ҳақиқий танқидчи истеъдодига эга. Унинг энг севган нарсаси, энг ардоқлайдиган бойлиги, аж-ралмас дўсти — китоб. Китобга қизиқувчилар ҳам ҳар хил: баъзилар модага берилиб китобга «қизиқадилар», баъзилар ён-веридагилардан уялганидан китоб олади-лар, баъзилар ички, табиий эҳтиёж туфайли китобга ўзларини урадилар. Озод Шарафиддинов китобни сев-масдан машҳур одам, хусусан, санъаткор туғилишига ишонмайди. Тўғрироғи, у кишиларга баҳо беришда ки-тобга муҳаббатини алоҳида ўлчов қилиб олади. «Ялов-бардорлар» китобидаги очеркларда бир ўхшашлик бор: барча очерклар қаҳрамонлари китобни бебеҳо бойлик деб билдилар. Масалан, қишлоқи ўспирин Михайло Стельмах бешта тухумга «Бир тўрва кулгу» сотиб олган-лигини ёзса, Петрусь Бровка «унинг учун янги ва сир-ли олам — китоблар оламининг эшиги очилганлигини» қувонч билан эслайди. О. Шарафиддинов Андрей Упит ҳақидаги очеркида ёзади: «Китоб унинг машаққатли меҳнат билан тўла оғир болалигини безаган ягона омил бўлди. Шунинг учун ҳам Андрейнинг энг ёрқин болалик хотираси китоб билан боғланган». А. Корнейчук, Б. Кер-бобоев ва бошқалар ҳам китобни энг қимматли бойлик деб билдилар. Озод Шарафиддинов «Китобларим ҳақида ҳикоялар» туркумини бошлаб берган танқидчидир. У ҳар бир китоби баҳонасида бирор киши характери ни очади, унга ўз муносабатини билдиради. Фафур Фулом, Ҳасан Пўлат О. Шарафиддинов ҳикояларининг қаҳра-мони бўлдилар. Ишонч билан айтиш мумкинки, тан-қидчи шу туркумини давом эттирса, мемуар адабиёти-миз катта бойликни қўлга киритган бўларди.

Озод Шарафиддинов характерининг, ҳаётининг кўпгина томонлари китоб воситасида англашилади. Озод акани хурсанд қилмоқчи бўлсангиз, унга ноёб китоб совға қилинг. У шундай яйраб, қувониб кетадики, асти қўяверасиз. Муҳими, у китобни ушлаб туриб, уни қачон-дан бери қидираётганини, унга нима учун қизиқиб қолганлигини, унда қандай воқеа тасвирланганини сизга айтиб бера бошлайди. Озод аканинг қанчалик серҳара-кат, синчков эканлигини кўрмоқчи бўлсангиз, у билан

пок асар, макола ярата олманган танкидчи-олиmlар оз эмас. Кулланган муаммо «илдизига» изчил кириб бо- рип, замон такозо етаётган муаммоларни уз вақтида билай олиш танкидчи қобилиятига боғлиқ. Танкидчи-олиmlнинг қуролини «ишлан чикариб», уни яраятис, ҳафсаласиз қилиб ташлайдиган тўсиқлардан муҳим — фактарнинг ўзар, зич қатламидир. Далил қаршилиги ни енгил, уларни уз ғосси йўлида «ишлага билиш»да ҳақиқий олим кўзга қўринади. О. Шарафиддинов про- фессор Фулом Қаримов тўғрисидаги «Қамолот» очерки- да, «Дўстлик қонун» муаммоли мақолада эмпиризм касалигининг даҳшатини кўрсатиб беради. Ҳаётда, ада- биётда қизик, китобхонни ром этадиган фактар мул- Олим далиллар «қуршовинни» ериб ўта олмаса, яхлит асар ярата олмайди. Далиллар қалин туман мисоли асо- сий мақсадни хираташтиради, мақоланинг изчил, бир бутунлиги раҳна солади. Ниҳоят, далиллар ҳар қанча қизикарли бўлмасин, китобхонни бездиради, далиллар тирлобига айланаверипш унинг «жонига» тегади. Чин олим фактар янганта кириб боради, уларни ўзига тобе қилиб, мақсади йўлида фойдаланади. «Факат ақл-зеҳн ёрдамида фактарни ҳаққоний тақин қилиш мумкин. Бунинг учун фангазая ҳам даркор. Манбаалардаги тари- хий фактар тош ва гипс, мисоли. Ҳақиқий санъаткор шу материядан хушбўйичим иморат қура олади», — деб ёзган эди В. Г. Беллинский.

Озол Шарафиддинов шўро давлати парчаланиб кет- туғча Москва, Ленинград, Киев, Боку, Тбилиси, Минск, Қозон, Олмаота, Иркутск, Владивосток сингари шаҳар- ларда бўли, қанчадан-қанча адабий кечаларда, илмий- назарий анжуманларда иштирок этди. Москва шаҳри О. Шарафиддинов тақририда алоҳида ўрин этайлади. Ас- пирантурани Москвада тўтаган, ёш олим бу шаҳарни севиб қолди. Уни қадимий, тарихий бинолар, музейлар, кўчалар ром этар, ушкан қиратхонада ўтказган дамла- рини хузур қилиб эслайди. Кейинчалик ҳам О. Шара- фиддинов поштахтда кўп марта бўлди: ўзбек адабиети ва санъати декадасида (1959) қатнашди; умумиттифоқ ада- биётшунослиги масалаларига бағишланган анжуманларда маъруза қилди. О. Шарафиддинов «Кўп миллатли шўро адабиети тарихи» номли етти ушкан китоб, олти томдан иборат асар муҳокамасида иштирок этди. Бу ушкан китобни тўлиғича дедирди ҳеч қим ўқимган. Ҳар бир

китоб дўконига кириш. У китоб сотувчи билан бирикки офиз ҳазил-хузул гап қилиб олгач, ҳамма нарсани унутиб, китоблар дунёсига шўнғиб кетади. Керакли китобни топиб олса, денгиздан дур олиб чиққан ғаввосдай қувонади, мағрурланиб кетади. Озод Шарафиддиновнинг яқин дўстлари ҳазил қилишади: Озоднинг ўзи майли-я, ҳатто машинаси ҳам китоб дўкони олдига бориб таққа тўхтади. Мен Озод ака билан кўп саёҳатларда бирга бўлганман. Тожикистондаги энг кичик, энг шинам «осмон»даги Хорог шаҳридами, Уссурийск тайгасидаги «Олтин калит» деб аталган туристлар базасидами, тоғли Филон қишлоғидаги жаннатдай боғдами, Боботоғда яшайдиган чўпоннинг ўтовидами, бахмаллик муаллим хонадонидами — қаерда бўлмайдик эрта тонгда Озод акани бир хил ҳолатда — ётган жойида китоб ўқиётганлигини кўрганман. Озод ака саёҳатни, янги жойларни кўришни, дўстлар орттиришни севади. Лекин бу қизиқиш китобга бўлган муҳаббат олдида ҳеч гап эмас. «Китоб уйингизга узоқ денгизларнинг мовийлигини, азамат тоғларнинг виқорини, бепоён саҳроларнинг жазирамасини, асрий музликларнинг мусаффолигини, қалин ўрмонларнинг сукунатини, қадимий шаҳарларнинг ғала-ғовурини олиб киради, — деб ёзади О. Шарафиддинов «Китобларим ҳақида ҳикоялар» бадасида. — Китоб туйғули қанчадан-қанча халқларнинг фарзандларидан дўст орттирасиз, энг згу туйғуларингизга ҳамроҳ топасиз»

Танқидчининг билимдонлиги, яхши асардан завқланиши, жаҳон халқларининг адабий картасини қийналмай «ўқий олиши» масаланинг бир томони, холос. У билганларини адабий жараёнга талбиқ қила олиши, ўз йўналишини изчиллик билан давом эттириши, муҳими, нуқтаи назари ҳаётда қўлланилаётганига ишонч ҳосил қилиши керак. Бошқача айтганда, танқидчи истеъдодининг юзага чиқиши, амалда қўллана бошланиши муҳимдир. «Танқидчининг кучи, танқидчининг қадри унинг адабий жараёнга таъсири билан белгиланади, — деб ёзади О. Шарафиддинов «Танқидчилик касби ҳақида» мақоласида. — Адабий жараёнга таъсир кўрсатиш учун танқидчи ғоят чуқур, ғоят салмоқли, далилли фикрлар, муаммолар, мулоҳазаларни ўртага ташлаши керак. Фикр эса ғойибдан ҳосил бўлмайди. Фикр билимнинг ҳосиласи». Имкони бўлса биз сўнгги жумлани фикр билим ва истеъдоднинг ҳосиласи деб тўлдирган бўлардик. Сир эмас, кўп ва тинимсиз ўқигани билан дуруст-

мутахассис ўз адабиётига тааллуқли қисмни, нари борса, рус адабиёт ҳақидаги маълумотларни ўзлаштирган, холос. Мазкур китоб шўро ҳукумати даврида ҳамиша мақтаб келинган ягона шўро адабиётининг яхлит, мўъжаз кўриниши эди. Ўнлаб миллий адабиётлар тарихи мазкур асарга зўрлаб, мажбурлаб тиқиштирилган эди. «Кўп миллатли шўро адабиёти тарихи»да миллий адабиётларни коммунистик мафкурага мослаштириш, соцреализм методи деб номланган сохта назариядан «бахраманд этиш» тамойили сезилиб турарди. Кўпмиллатли шўро адабиётида коммунистик мафкура — марксча-ленинча таълимот етакчилик қилар, рус адабиётининг миллий адабиётларга таъсири уқтирилар, адабиётлараро алоқалар, ўзаро таъсир масалалари бирёқлама талқин қилинар эди. «Кўп миллатли шўро адабиёти тарихи»да айтилгандек, ўнлаб миллий адабиётлар жой олган бўлса-да, уларнинг мазмун-моҳияти бир хил эди.

Ҳақиқий олим катта муаммо ечимига қўл урар экан, табиий ҳолда ўтмишга теран назар ташлайди, жаҳон адабиёти миқёсида фикр юритади. Озод Шарафиддинов Ойбек ҳақидаги адабий портретини ёзганида тасаввуф адабиёти ҳақида жуда кам ёзиларди. Олим Ойбек илмий меросини ўрганар экан, тасаввуф адабиёти ҳақида тўхталинади: «У Алишер Навоий лирикасига бағишланган мақоласида Шарқ поэзиясидаги образлар системасининг айрим хусусиятларини тасаввуф таъсири билан изоҳлайди. Бу ўриндаги энг муҳим нарса шундаки, Ойбек тасаввуф таъсирини қайд қилиш билан чекланмайди, балки бу ҳодисанинг моҳиятини ечишга, тасаввуф билан адабиёт ўртасидаги алоқанинг ички муруватларини тушунишга интилади. Бу эса уни тасаввуфнинг гносеологик илдизларини тадқиқ қилишга ундайди».

Озод Шарафиддинов «Дўстлик қонуни» мақоласида адабий ҳамкорликлар илдизини энг қадим замонлардан излайди, ўзаро таъсир жаҳон адабиётининг бош белгиларидан бири эканлигини таъкидлайди. У «Дўстлик қонуни» мақоласининг асосий қисмини конкрет масалани очиш, адабий ҳамкорликнинг энг чуқур илдизини ёритишдан бошлайди. Миллий адабиётлар тараққиётининг ҳамма босқичларида уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири адабий жараённинг муҳим омили сифатида кўзга ташланади. Қадимги ҳинд адабиёти ёдгорликлари араб, форс, тожик ва бошқа Шарқ халқларининг адабий ижодига таъсир кўрсатган. Фирдавсий, Умар Хайём, Ҳофиз, Жомий каби буюк санъаткорлар ўзбек

мумтоз адабиётининг ривожланишига улкан ҳисса қўшганлар. Ўз навбатида ўзбек классиклари ҳам озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, татар адабиётига унумли таъсир кўрсатганлар. Қадимги юнон ва рим адабиётининг бой тажрибаси Уйғониш даврида Сервантес ва Шекспир каби доҳо санъаткорларни озиқландирди. Шекспир XIX асрда романтизм ва реализмнинг камолотга эришишига ёрдам берди.»¹

Танқидчи адабий ҳамкорлик масаласини жамиятнинг ижтимоий мафкуравий ҳаёти билан узвий боғлиқлигини кўрсатар экан, унинг моҳиятини, тараққиётдаги ўрнини аниқ белгилайди. «Адабий алоқалар ҳар қанча муҳим бўлгани билан янги адабиётларни вужудга келтирмайди, балки адабий жараённи тезлаштирувчи каталлизатор ролини ўйнайди».

Озод Шарафиддиновнинг истиқлолгача ёзган мақола, китобларида шўро мафкураси, марксча дунёқараши сезилади. Лекин олим ўз қарашларининг сўзсиз қабул қилинишига даъвогар эмас. У ўзи билган, ўзи ҳис қилган нарсаларни ёзган. Табиийки, О. Шарафиддинов ҳар бир мақоласида замонга маълум даражада мослашаётганини ички туйғу билан ҳис қиларди. Акс ҳолда унинг асарлари умуман чоп этилмаган бўларди. Қолаверса, олим ўзи билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасидаги мафкура ходимлариаро таранг, «шарт» узилиб кетиши хавфи ҳамиша сезилиб турган муносабатни яхши англари. Умуман, Озод Шарафиддинов мақолаларида доимо шиддатли, тезкор оҳанг, иложи борича жиддий масалалар хусусида фикр юритиш етакчилик қиларди. Олим асарларида теранлик, дадиллик, яхлитлик мавжуд. Мен Озод Шарафиддинов асарларида XX асрнинг мураккаб, дадил, улугвор овози-оҳангини узоқ замонда ҳам эшитаётгандай бўламан.

ИНСОН МЕХРГА МУҲТОЖ

Озод Шарафиддинов Одил Ёкубовнинг «Ларза» қиссасига ёзган тақризига «Инсон меҳрга муҳтож» деб сарлавҳа қўйган эди. Чиндан ҳам, инсон борки, у ҳамиша меҳрга интиқ, муҳаббатга ташна. Дов-дарахт, экин-тикин, ўт-ўлан нурга қанчалик интиқ бўлса, инсон фарзанди ҳамиша меҳр-муҳаббатдан куч олади. Озод ака

¹ О. Шарафиддинов. Биринчи мўъжиза. Адабий танқидий мақолалар. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1979, 67-бет.

худо суйган бандалардан: Яратган у кишини истеъдоддан, оилавий бахтдан; фарзанд, неvara, эvara кўриш қувончидан, ўнлаб шогирдларга устоз бўлиш марҳаматидан; университетдай муқаддас даргоҳда толиби илмларга сабоқ бериш шарафидан, айни вақтда, бот-бот бемор бўлиб туришдан камситмаган. Истеъдоди туфайли Озод Шарафиддинов ўзбек адабиётшунослиги илмига, танқидчилик соҳасига ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшди. Оила бошлиғи сифатида Озод ака ярим асрдан бери Шарофат янга билан ҳавас қилгудай турмуш кечирмоқдалар, фарзанду неvara-эваралари тарбиясига ҳиссаларини қўшмоқдалар. Озод домла минглаб филолог-талабаларга ҳар томонлама ўрناق бўладиган маърузалар ўқидилар, ўттиздан ортиқ шогирднинг филолог-олим бўлишига улкан ҳисса қўшдилар. Ўйлаб кўрсам, Озод ака шогирд танлашда зинҳор-базинҳор шахсий манфаатни кўзламаган эканлар. У кишининг барча шогирдлари оддийгина оилада тарбия кўрган, ўз кучи, истеъдоди туфайли адабиётшунослик майдонига кириб келган ёшлар экан. Озод ака шогирдларига фақат билим, йўл-йўриқ, тансиқ китобларнигина бермайди, муҳими, инсоний меҳр улашади. Меҳр устоз ва шогирд орасидаги самимийликни, эмин-эркинликни вужудга келтиради. Озод ака ва шогирдлари орасидаги самимийлик, беғуборликни кўрсатадиган кўплаб мисоллар бор. Улардан иккитасинигина айтиб бераман. Сурхондарёда Озод Шарафиддиновнинг Жума Хўжакулов, Шайдулло Муродов, Нормат Йўлдошев, Омон Чўтматов деган шогирдлари бор. Уларнинг ҳар бири ўз табиатига, бетақрор хусусиятларига эга. Омонжон — Алпомишдай паҳлавон келбатли йигит. Унинг қалами ўткир, диди нозик. Айни вақтда у ўта содда, самимий, қувлик-шумликдан йироқ йигит. Омонжон домласи Озод акани ҳаддан ташқари ҳурмат қилади, унинг ҳар бир гапини жон-дили билан қабул қилади. Озод ака шогирдидаги самимийликни янада бўрттиришга ҳаракат қилади.

Айни саратонда Термиз аэропортига кўндик. Озод аканинг шогирдлари, таниш-билишлари кутиб олишди. Устози ташриф буюрганидан Омонжоннинг боши осмонда, қувончини яшира олмайди. Озод ака бундай пайтларда имконни қўлдан бермайди, шўхлик қилиш пайига тушади.

— Биродарлар, самимий кутиб олганларингиз учун катта раҳмат. Лекин... Лекин... Омонжон, мени Термизга Сиз таклиф қилган эдингиз. Шундайми?

— Шундай, устоз. Ташрифингиз учун раҳмат. Озод ака кўнгли тўлмаган одам — раҳбар қиёфасига кирди:

— Термизда қанчадан-қанча аълочи ўқувчилар бор. Битта отрядни анови қуёшрўяга турғизиб қўйиш, 10—15 ўқувчини гулдаста топширишга тайинлаш шунчали қийинмиди? — деди устоз.

Омонжон ҳангу манг бўлиб қолди. Озод акани кўраётган кўзларига, ҳозирги гапларини эшитган қулоғига ишонмайди. Лекин у содда-самимий эмасми, «айблари»ни дарҳол бўйнига олди.

— Устоз, кузатаётганда бу камчиликни тўғрилаймиз, — деди. Ўша сафарда Боботоққа бордик, қанчадан-қанча учрашувларда бўлдик. Ҳамма ерда Омонжоннинг содда, самимийлиги ўйин-кулгу, хушчақчақликка сабаб бўлди.

Озод ака ва шогирди аро самимий муносабатга яна бир мисол.

Сирдарё давлат педагогика институтида Одил Ёқубов билан учрашув бўлди. Талабалар, ўқитувчилар, Одил Ёқубовга ҳамроҳ бўлиб борганлар гапирдилар. Анжуман узоқ давом этди. Институт маъмурияти дастурхон безади, яна қизгин фикрлашув бўлди. Ҳамма чарчади. Кун иссиқ. Шунда Озод аканинг шогирди Қодир Пирматов ҳаммани уйига таклиф қилиб қолди:

— Бормасангизлар бўлмайди. Қишлоқдан отам, акаларим келишган. Махсус тайёргалик кўрилаяпти, — деди.

Ҳамма Озод акага қаради. Озод ака шогирдига ён босди:

— Биров кириб чиқмасак бўлмайди. Қодиржоннинг отаси табаррук одам, — деди.

Қодиржон кўп қаватли уйда тураркан. Бир уйга шундай дастурхон безаптики, асти қўяверасиз. Ейилди, ичилди. Мезбондан кетишга рухсат сўралди. Қодиржон кўнмади:

— Мен Одил ака, устозим ҳақида икки оғиз гапирмасам бўлмайди, — деди.

Унинг имоси билан бир неча тўн, қийиқ, дўппи олиб киришди.

Қодиржон меҳмонлар, Одил ака, Озод ака ҳақида жўшиб, тўлиб-тошиб гапира бошлади. Қани энди, Қодиржон тушмагурни тўхтатиб бўлса. Уй исиб кетди, ҳамма рўмолчаси билан артина, елпина бошлади. Қодиржон жўяли, яхши гапларни жон-жаҳди билан гапиряпти. Лекин ҳозирги вазиятда ҳар қанча самимий, жўшқин бўлгани билан гап ортиқча! Мезбон дрим соат,

қирқ минутлар чамаси гапирди. У гапини тугатгач, ҳам-мага тўн, дўппи кийдирди, белқарс боғлади.

Шу пайт Озод ака гапириб қолди:

— Шогирдларга ўргата-ўргата ўзимга қолмади-да. Барака топгур Қодиржон, тўн, дўппини кийгизиб, белбоғни боғлаб кўйиб, сўнг гапирсангиз бўлмасмиди?!

Иссиқдан бўрсиқиб ўтирган меҳмонлар ҳаҳолаб кулиб юборишди. Қодиржоннинг ўзи мазза қилиб, силкиниб-силкиниб кулар эди.

Хуллас, Озод ака қаерда, қачон бўлмасин ён-веридагиларга, яқинларига, катта-кичик шогирдларига меҳр улашаверади. Озод Шарафиддиновни ўзига устоз деб билган ёзувчилар бисёр. Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Эркин Аъзамов, Дадахон Нурий, Турсуной Содиқова, Абдулла Шер, Шукур Курбон сингари адиблар Озод аканинг шогирди эканликларидан фахрланадилар. Буни улар кўп бор изҳор қилганлар.

Озод ака бемор бўлиб касалхонада ётганида, менимча, шифокорларнинг дори-дармонидан кўра одамларнинг меҳр-муруввати у кишига куч-қувват, соғлиқ бағишлайди. Озод Шарафиддинов 1997 йилда Ислом Каримов кўлидан мамлакатимизнинг фахрли нишонини олар экан, бундай деди:

— Ислом Абдуғаниевич, мен бу йил узоқ вақт шифохонада бўлдим. Оёқдан ажралдим. Шифокорларга балли: кўлларидан келган муолажани қилдилар. Лекин, ҳурматли Президент, Сизнинг меҳр-мурувватингиз, касалхонага ўз вакилингизни совға-саломлар билан жўнатишингиз мени қайтадан ҳаётга қайтарди. Қолган кучимни, истеъдодимни Мустақил республикам равнақи йўлида сарфлайман.

Озод Шарафиддиновнинг Президентга қарата айтган юрак сўзлари устознинг ўз мухлисларига, мингминглаб, шогидларига ҳам тааллуқли, боғлиқ эди.

Озод Шарафиддинов бағри кенгликни, меҳр-мурувват кўрсатишни кимдан, қачон ўрганган? Бағри кенглик, меҳригиёлилик бандага худонинг инояти. Солиҳ инсон ўзидаги хусни фазилатларни такомиллаштиради, холос. Лекин, барибир, қуш уясида кўрганини қилади, деган гап бор-да. Озод Шарафиддинов 1929 йил 1 мартда Қўқон яқинидаги Охунқайнар қишлоғида туғилган. У туғилган пайтда социалистик ҳаёт тарзи ҳар жабҳада етакчилик қила бошлаган эди. Ғафур Ғулом шу йили:

*Отинг, опа-сингиллар бошдан бало паранжи,
Куйсин, йўқолсин энди, топсин жазо паранжи!*

мисралари мавжуд шеърини ёзган эди. Олимнинг онаси Зубайда ая паранжи ташлаб, эндигина туғилган ўглини кўтариб кўчага чиққанини эслайди. Хотин-қизларнинг озодликка чиқиши, янги турмуш тарзи туфайли Зубайда ая тўнғичига Озод деб исм қўйди. Аммо у чиндан ҳам Озод, бахти бекам, меҳр-муҳаббатга чулганган эдими? Зубайда ая беш-олти йил ичида тўрт фарзандли — икки ўғил, икки қизли бўлди. Озод мактабга қатнаганида халқ душманларига қарши кураш авжга чиққанди. Унинг ўспиринлик йиллари уруш йилларига тўғри келди. Устига устак, Зубайда ая тақдирида болаларини бир ўзи боқиб, тарбиялаш бор экан. Озод Шарафиддинов «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» мақоласида ёзади: «Аям чамаси ўн йил савдо соҳасида меҳнат қилганларидан кейин — 1938 йилда партиёга кирдилар. У киши партиёга чин юракдан ихлосманд эдилар. Аёлликларига қарамай, у кишини том маънода партиёнинг солдати деса бўларди. Партиё қайси ишга, қандай лавозимга қўймасин, аям уларни гап-сўзсиз, эътирозсиз бажарар, партиёнинг ҳар бир топширигини сидқидилдан адо этишга тиришар эди. Биз оилада тўрт фарзанд эдик; очигини айтганда, болаликда она меҳрига тўйганмизми-йўқми, аниқ айта олмайман. Биз уйқудан турмасдан аям ишга кетган бўлар, кечқурун у киши ишдан қайтганда биз ухлаб қолардик».

Зубайда ая Кўқонда яшайдими, Тошкентда ишлайдими, онаси Тошбиби ҳамиша у билан бирга бўлди. Озод ака, у кишининг ука ва сингиллари Тошбиби аянинг ширин сўзлари, меҳр-муҳаббати билан вояга етишишди. Тошбиби ая тўғри сўз, ўйлаб турган гапини тортинмай айтадиган, ҳар қандай шароитда ҳам невараларига бўлган меҳр-муҳаббатини изҳор қила оладиган ўткир аёл эдилар. Раҳматли бувисининг сурати Озод ака китоб жавонидаги кўринадиган ерга қўйилган. Қачонки бувилари ҳақида гап бошланса, Озод аканинг чеҳраси нурланиб кетади, энг қадрдон кишисига бўлган меҳр-муҳаббат ярқ этиб кўринади.

Озод Шарафиддинов ҳурматига сазовор бўлган кишилардан яна бири олим-педагог Қудрат Аҳмедов эди. Бўлажак олимнинг мактабда яхши ўқиши, олтин медаль олиши, қолаверса, адабиётшунос-танқидчи бўлишида Қудрат аканинг ҳиссаси катта. Мен Қудрат муал-

лим дарсларида қатнашмаганман, ўқитувчилик сир-синоатларидан беҳабарман. Аммо у киши етиштирган шоғирдлари орасида Озод Шарафиддиновдай кишилар бўлганлиги туфайли ҳам руҳлари олдида таъзим қилман. Озод Шарафиддинов университетда ўқитувчи бўлганларида ҳамкасблари Субутой Долимовга алоҳида меҳр қўйдилар. Бу меҳрнинг сабаблари ниҳоятда кўп. Аввало, Субутой Долимов ҳақиқий ўзбекона муҳитда тарбия топган: мумтоз адабиёту мусиқани нозик ҳис қилар, ўзи қўшиқ айтар, шеър ёзарди. Озод ака Субутой домланинг ака-укалари — Нўмонбек, Зиёдбек, Султонбекларни ниҳоятда ҳурматлардилар. Ака-ука Долимовлар, гарчи турли соҳа кишилари бўлса-да, мумтоз мусиқа, мақом йўлидаги қўшиқлар шайдоси эдилар. Ака-укалар мақом йўлидаги ашулаларни маромига етказиб ижро этардилар. Ниҳоят, Субутой домла Ойбек, Чўлпон ҳурматини қозонган эдилар. Субутой Долимов чалган куйларни, айтган ашулаларни Чўлпон ҳам, Ойбек ҳам завқ-шавқ билан тинглар эди. Субутой Долимов билан ҳамдам бўлиш Озод устозга ҳам насиб этди.

Озод Шарафиддинов ҳурмат билан тилга оладиган кишилар сони адабиётимизда талайгина. У «Китобларим ҳақида ҳикоялар» туркум хотираларида қалбига яқин кишилар қаторида Ҳасан Пўлат номини тилга олади. Ҳасан Пўлатнинг 30-йилларда адабиётимизга кириб келганлиги, жўшқин шеърлари билан мухлислар ҳурматини қозонганлиги кўпчиликка маълум. Аммо Ҳасан Пўлатнинг ёшлар тарбиясига эътибор берганлиги, ёш Озод қалбида сўз санъатига муҳаббат уйғотганлиги кўпчиликка аён эмас эди.

Озод ака Миртемир, Ҳомил Ёқубов билан яқин муносабатда эдилар. Мен Миртемир домлани бир неча бор Озод ака хонадонларида кўрганман, суҳбатлашганман. Ҳомил Ёқубов 50-йилларнинг ўрталарида САГУ да домлачилик қилганлар. Шу даврда икки устоз-икки мунаққид — Ҳомил ака ва Озод аканинг яқинлиги, ҳамкорлиги бошланган. Озод аканинг қалбини ром этган, ўзига нисбатан улкан эъзоз қозона олган шахслардан бири Абдулла Қаҳҳор эди. Икки истеъдоднинг ҳамкорлиги, ҳамфикрлиги ҳақида алоҳида тўхталинамиз.

Ҳурматли китобхонларни Озод Шарафиддиновнинг отаси, ота ва ўғил муносабатлари қизиқтириши табиий. Тақдир тақозоси билан Зубайда ая ва Миробид акалар ажрашиб кетганлар. Миробид ака асли Ушли бўлган, савдо соҳасида ишлаган. Миробид аканинг кейинги аёл-

ларидан анчагина фарзандлари бўлган. Бир қизлари ТошДУнинг филология факультетини тугатган. Миродил деган ўғилларини ҳам кўрганман.

1973 йилда Озод аканинг ташаббуси билан Тоғли Бадахшонга, Хорог шаҳрига борадиган бўлдик. Июль ойида Ўшга жўнадик. Ўша ердан юк машиналари Хорогга қатнар экан. Бизнинг Ўш-Хорог сафаримиз Ўткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романида бош қахрамон характериға боғланган ҳолда ўз ифодасини топган.

Хуллас, Ўш шаҳрида биз анча-мунча кишилар билан учрашдик. Драматург Абдуғани Абдуғафуров уйида меҳмон бўлганимизда Чўлпоннинг куёви — Фотима аянинг эри Шарафиддин махзум билан учрашдик. Мен илк бор Чўлпон шахси, феъл-атвори ҳақида Шарафиддин отадан қизиқ-қизиқ воқеларни эшитганман. Дарвоқе, «Жаҳон адабиёти» журналининг 1997 йил, 1-сонида Чўлпоннинг Шарафиддин Салоҳиддин ўғлига йўллаган иккита шеърий мактуби босилди.

Бир куни Озод ака.

— Менинг дадам шу ерда. Ўшда яшайди. Бир кўриб келмаймизми? — деб қолдилар. Биз — на Бегали, на Ўткир ва на мен Озод аканинг отаси билан қизиқмаган эканмиз. Ҳайрон бўлдик.

— Ҳа, албатта, борамиз. Бир зиёрат қилиб келамиз, — дедик.

Янглишмасам, Озод Шарафиддиновнинг «Китобларим ҳақида ҳикоялар» туркумининг бирида отаси ҳақида ёзилган, жаҳли чиқиб турган ота ўғилчасининг «Том тоғанинг кулбаси» китобчасини тупроққа кўмиб юборганлиги айтилган эди.

Бир куни кечки пайт Ўшнинг чеккароғидаги файзлиқкина ҳовлиға бордик. Бизни ўрта ёшлардаги аёл кутиб олди. У Озод акани танир экан, дарров жой ҳозирлади. Ўтирдик, ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Дадангиз ҳали замон келиб қоладилар, — деди мезбон аёл. Бу Озод аканинг ўғай онаси экан. Озроқ муддат ўтгач, ориққина, оқ-сарикдан келган, мўйлабида оқ толалари кўп, баланд бўйлиқкина одам кириб келди. Кўришдик. Уёқ-буёқдан суҳбатлашдик. Ўша куни Миробид аканикида ётиб қолдик. Ота-бола орасидаги муносабат анча расмий, зўрма-зўракилиги сезилиб турарди. Лекин битта ҳолатни сездим: Миробид ака таниш-билишларига Озод акани таништираётган, ота-гагина хос гурур билан:

— Ўғлим... Мирозод... Мени кўргани келибди, — дерди.

Озод ака ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмидаги ур-сур, қама-қама, от-ўлдири пайтида, урушнинг қилдай қимматчилик йилларида болалик, ўсмирлигини ўтказди. Ўша пайтда қанчадан-қанча болалар безорилик, ўғрилик йўлларига кириб кетмаган, дейсиз? Озод ака уруш йилларида қийналди, укаларига қаради, мактабдан қолмади. Янглишмасам, Озод Шарафиддинов уруш йилларидаги меҳнати учун қандайдир хужжат, нишон олган. Озод ака университетга янги кирган йилларини гапириб берадилар.

Университет талабаси бўлган пайтида Озод Шарафиддинов узоқ-узоқ вилоятларга, туманларга маъруза ўқишга борар, ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс берарди.

Озод Шарафиддинов мураккаб йилларда ўсди, улгайди. Лекин қалби қаттиқ, тош меҳр бўлмади. Аксинча, Озод ака одамохун, инсоннинг кўнглига қарайдиган, қариндош-уруғларига оқибатли, куда-андалар орасида эътиборли бўлди. Озод Шарафиддиновнинг ёш болаларга муносабатини кўп бор кузатганман. Домла болалар билан болаларча, самимий гаплашади. 1962 йил эди, шекилли, Алишер алақандай қоғозни Озод акага узатди:

— Дада, Сизга хат келибди...

— Ўзинг ўқиб кўя қолмадингми, ўғлим?

Тўрт ёшга тўлмаган Алишер ўта сиполик билан

— Ўқидим. Сиз ҳам ўқинг-да, — деди.

1987 йилда «Саодат» журнали (9-сон) Озод Шарафиддиновнинг невараси Олия билан тушган расмини зарварақда босиб чиқарди. Олия хурсанд. Кимни кўрса бобоси билан тушган расмини айтиб мақтанади. Озод ака Олия руҳиятини яхши тушунади. Бола шўхликни ошириб юборса:

— Ҳозир расмчини чақираман, сени суратингни мени ёнимдан олиб ташлайди, — дейди Озод ака жиддий оҳангда.

— Бўлди, бобожон, тўпалон қилмайман. Расмчи мени ёнингиздан олиб ташламасин, — деб ялинади Олия.

Озод ака қачон, қаерда бўлмасин болалар билан берилиб суҳбат қилишни ёқтиради. 70-йилларнинг бошларида мен ўғилларимни хатна тўйи қилдим. Кимдир Озод ака келаётганликларини айтди. Уйда ўтирганлар дарҳол ўринларидан туришди, Озод акани кутиб олишга шошилишди. Лекин Озод акадан дарак йўқ. Анча вақт

Ўтди. Кўчага чиқдим. Анча нарида ўнга яқин болалар (менинг ўғилларим ҳам) давра олиб ниманидир кузатишяпти. Борсам, Озод ака болаларнинг ўртасига ўтириб олиб ўғилларимга совға қилиб олиб келган велосипедларини хафсала билан «йиғяптилар». Ишни тугатмагунча, тўй болалар велосипедни миниб кетишмагунча, Домла ўша ердан жилмадилар. Орадан қанча йиллар ўтди, ўғилларим бола-чақали бўлишди. Ҳануз улар Озод ака совға қилган велосипедни эслаб юришади.

Яна бир ҳолат мени жуда-жуда қизиқтиради. Озод ака қайси даврага кириб, қайси қурга кўшилмасин, дарҳол сингишиб кета қолади. У киши турлича издиҳомга Домла (олим, танқидчи, ёзувчи) сифатида кириб борадилару, «Озод ака» бўлиб чиқиб кетадилар. Муҳими, Озод ака билан бир бор суҳбат қурган одам ҳам у кишини эски қадрдонидай эслаб юради... Айтилганлардан Озод Шарафиддиновни мослашувчи, келишувчи экан деган хулоса чиқарилиши зинҳор тўғри эмас. Домла жинлари суймаган — ёқтирмаган одамлар билан умуман гаплашмайдилар, бирга бўлиш зарурияти туғилса, зинҳор «очилмайдилар». Безбет, майда сўз, мақтанчоқ кишилар Домлага маъқул келмайди. Қайсидир йили Бухоро сафаридан қайтар эканмиз, бир хонадон меҳмони бўлдик. Уёқ-буёқдан гурунглашиб ўтирган эдик, одмигина одам кириб келди. Кун дим бўлишига қарамай шляпа кийган, бўйинбоғ таққан, костюмда, ўқитувчи бўлса керак. Озод ака билан кўриша туриб:

— Бўлди. Бўлди. Сизни танидим. Шарафиддиновсиз. «Алифбе»ни ёзгансиз, — деди.

Ҳаммамиз меҳмон янглишаётганини, Оқилхон Шарафиддинов тамоман бошқа одамлигини айтдик. У эса ўзиникини маъқуллай бошлади:

— Йўқ, йўқ. Сиз ўша машҳур Шарафиддиновсиз. «Алифбо»ингизни ўқиганмиз, ўқиямиз. Сиз шеър ёзасиз, қайсидир шеърингизни ёд олганман...

Озод ака «тамом» бўлди. Мезбондан кетишга рухсат сўрай бошладик...

Озод Шарафиддиновдан меҳр кўрган, меҳр кўрсатганлар ҳақида гап борар экан, Устознинг турмуш йўлдошлари Шарофат опа Қўшбоева ҳақида тўхталмаслик зинҳор мумкин эмас. Озод ака ва Шарофат опа бир-бирларини таниганларига 54—55 йил бўлди, турмуш қурганларига ярим аср тўлди. Ярим асрлик йўлнинг бетакрор тарихи, иссиқ-совуқ кунлари, қувончу таҳликалари бор. Шарофат опа Озод ака билан бир курс, бир

факультетда ўқиганлар — филологлар. Опа умрлари да-
вомида битта жойда — ўзбек киностудиясининг дубляж
бўлимида катта муҳаррир бўлиб ишладилар. Қанчадан-
қанча ўзбекчага ўтирилган фильмларга муҳаррирлик
қилдилар, ўзлари ҳам кўплаб фильмлар матнини ўзбек-
чага ўтирдилар. Шарофат опа туфайли Озод ака ҳам бир
қанча фильмлар матнини ўзбекчалаштирдилар. Озод ака-
нинг таржимон бўлишларида Шарофат кеннойининг
ҳиссалари бор.

Озод ака ва Шарофат опа бир қиз, икки ўғил кўриш-
ди, фарзандларига яхши тарбия, билим беришди. Қизла-
ри Муҳаббат филолог — олима: Тошкент Давлат педаго-
гика университети доценти. Катта ўғиллари Шерзод —
шарқшунос. Кенжа ўғиллари Алишер — ҳуқуқшунос, ўз
соҳасининг эътиборли кишиларидан бири. Шарафидди-
новларнинг куёв, келинлари ҳам шу оилга ниҳоятда мо-
нанд, маданиятли, билимли, обрў-эътиборли одамлар.

Шарофат ая нафақат фарзандлари, набиралари
ҳақида оғизларидан бол томиб гапирадилар.

— Набира куёвларнинг меҳрибонлигини айтмайсиз-
ми, — деб қолдилар Шарофат опа Домлани янги Тош-
кент Тиббиёт институтига, жарроҳлик бўлимига кўрга-
ни борганимда, — бува, буви деб эслари кетади. Ҳали
дори-дармон, ҳали тансиқ таом кўтариб кириб келиша-
веради, кўнглимизни олмоқчи бўлишаверади. Шуниси-
га ҳам шукур...

Шарофат опани кўрсам ўзбекнинг мунис, меҳрибон
оналари кўз ўнгимдан ўтаверади. Опада Зарифа Саид-
носирова, Кибриё Қаҳҳорова, Саида Зуннунова синга-
ри аёлларга хос фаришталилик, улуғворлик, мушфиқ-
лик кўриниб туради.

СЕҲРЛИ ОЛАМ ТАЛҚИНИ

Мунаққид истеъдоди бадийий ижоднинг барча турла-
ри бўйича нафосат-у маҳорат билан қалам тебрата оли-
ши билангинамас, ўрни келганда адабиётшунослик
муаммолари бўйича асосли мулоҳаза юрита олиши, тан-
қиднинг ўзга фанлар билан боғлиқлигини ёритиб бе-
рувчи пишиқ-пухта асарлар яратиши билан намоён бўла-
ди. Эҳтиёж фарзанди сифатида туғилган, адабий
жараёнга мусбат таъсир кўрсата оладиган асарларгина
мунаққид эътиборини оширади. Чин санъаткорларнинг
мана бу қويدаси танқидчи фаолияти учун ҳам зарурдир:

ёза олмаслигинг мумкинлигини сезсанг, қўлингга қалам олмай қўя қол. Йўқдан йўндирилиб, мажбурлаб чиқарилган фикр ҳеч кимга наф келтирмайди. Афсуски, танқидчиликда уқуви етмаган, қалби чопмаган масалаларга қўл урганлар кўп бўлган, ҳозир ҳам сероб. Айниқса, шўро танқидчилигида таваккалчилик, мафкуравий, сиёсий томонни рўкач қилиб қулоч-қулоч мақолалар ёзавериш одагий ҳолга айланиб қолаёзганди. Шундайлар шеъриятнинг сеҳрли оламига қуюндай кирар, фикр-у туйғудан тўқилган нафосат тўрларини йиртар, рангларнинг ажиб тобланишини бузар, юраги туппа-тузук «уриб» турган сўзларнинг уволига қолардилар. Ҳануз бундай ҳолатлар учрайди. Билмайдиларки, «шеърият оламида сув сув эмас, болалик эсдаликлари, ёмғир ёмғир эмас, айрилиқ ёшлари, япроқ япроқ эмас, китоб саҳифаси бўлиши мумкин. Хуллас, шеърият биринчи навбатда инсоннинг ички дунёси, маънавий бойлиги, руҳий олами, унинг қалбидаги туйғулари ва фикрлари билан боғлиқ». Шеъриятнинг бу пурҳикмат қондасини устоз Озод Шарафиддинов бундан чорак аср муқаддам, «Шеърият ва танқид» мақоласида айтган. Ўша давр танқидчилигидаги дидсизлик, баёнчилик, адабий эзмалик, насихатгўйлик — истеъдодга ҳурматсизликни аниқ, лўнда кўрсатиб берган эди. Товушлар олами аро оҳанглар жозибасини, ранг-баранглигини фарқламайдиганларни мусиқа соҳасига, рангларнинг камалакдай тобланишини ҳис қилмаганларни рассомликка яқинлаштирмаганлар. Лекин, негадир шеъриятни англашга уқуви етмаган одам танқидчилик — шеъриятшунослик даъвосини қилаверган. Шўро шеършунослиги-танқидчилигида нозик туйғулар ҳақида фикр юрита туриб бирдан сиёсатбозлик, мафкурабозликка ўтиб кетиш, гўзал-гўзал асарларни соцреализм қанорасига осиб қўйиш ҳоллари бот-бот учрайди. Шундай йўл тутилмаса, танқидчининг ўзи ҳам, асарлари ҳам танқид майдонига киритилмас эди. Мен ушбу адабий портретни яратишдан олдин Озод Шарафиддиновнинг «Замон — қалб — поэзия», «Йиллар ва йўллар», «Шайхзода», «Миртемир» асарларини, кўплаб тақриз-у мақолаларини синчиклаб ўқиб чиқдим, ажабки, ўта назокатли танқидчимиз ҳам замон қўшиғини куйлашга — соцреализму, марксча таълимот, замонавийлик ҳақида ёзишга мажбур бўлган экан. Аниқроғи, Озод Шарафиддинов, бошқа мунаққидлар сингари, шўро адабий танқидчилигидаги қонун-қоидаларни, зўрлаб сингдирилган кўрсатмаларни қонуний деб ан-

лаган, қабул қилган экан. Лекин ўша шўровий руҳдаги асарларда ҳам танқидчининг ўткир диди, фикрдаги ҳаракат, «жон»лилик аниқ сезилиб турган.

Ўзбек адабиётшунослигида шеърят танқидчилиги узоқ тарихга, бой анъаналарга, етук намояндаларга эга.

Мумтоз адабиётшуносликда шеършунослик, аниқроғи, шеърят танқидчилиги илми нақд дейилган. Шеършунослар ҳақиқий шеърлар орасидаги сохталик, беўхшовлик, айбларни лўнда-лўнда кўрсатиб берганлар. Атоуллоҳ Ҳусайний, Воиз Кошифий, Аҳмад Худайдод Тарозий сингари олимлар шеърни талқин қилиш, баҳолашда бой мактаб яратганлар. Бадийий санъатлар, илми қофия сингари соҳалар шеършунослик-танқидчиликда ўз ўрнини эгалляпти. Ҳозир шеърят танқидчиси заргарона иш юритиши — ҳар бир сўз, оҳанг, руҳ, ранг ҳақида тўхталлиниши: ўқувчисини бетакрор оламга олиб кириши, муҳими, гўзаликка ошно қилиши зарур. Шўро танқидчилигида марксча-ленинча таълимот, метод-у ҳар хил қарор — кўрсатмалар танқидчини эҳтиёткорликка ундар, гўзаллик дея сиёсий-мафкуравий хушёрликни бой бермасликни уқтириб турарди. Шўро даврида наср, драматургия танқидчилиги ўз йўлида давом этаверди. Кенг оммага бу соҳа танқидчилиги унча таниш эмас эди. Аммо халқ, унинг дид-фаросатли қисми шеърятни нозик ҳис қилар, шунинг учун ҳам шеърят ҳақида ёзилган жўн, юзаки мақолаларни қабул қилмас эди. Шеършунос поэзия майдонидаги «ўтоқчи» — айбларни кўрсатувчигинамас, у назмнинг таъсир кучини, ижтимоий моҳиятини, лирик қахрамон қалбидаги нозик ўзгаришларни, шеърятдаги услубий ранг-баранглик, усулий серқирраликни ёритиш билан шуғуullanарди. Озод Шарафиддинов шеърятни нозик, чуқур ҳис қиладиган, бу соҳа танқидчилигини юксак поғонага кўтарганлардан бири. Мунаққид наср, драматургия, танқидшунослик ҳақида жиддий мақолалар ёзган. Лекин шеърят Озод Шарафиддиновни танқидчиликда машҳур қилган соҳа. У Ҳасан Пўлат ҳақидаги воқеий ҳикоясида шеърятни ёшлигидан севганини, ҳатто «дўндириб» шеърлар ёзганини айтади. Шеърятга садоқат уни САГУнинг филология факультетига олиб келди, адабиётшунос бўлишга ундади. Аспирант бўлишида, диссертация ёзишида, мушоираларга сидқидилдан интилишида шеърятта бўлган муҳаббат ҳал қилувчи омил бўлди. Озод ака Москвада ўқиган, Корнелий Люцианович Зелинскийга шогирд бўлган йилларини бот-бот эслайди.

— Аспирантурага янги кирган пайтим. Устозим билан адабиёт, санъат, адабиётшунослик ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Хайрлашаётганимизда Домлам шеърият ҳақида кичикроқ иш ёзиб келишимни тайинлади. Илк топшириқ. Енг шимариб ишга тушиб кетдим. Вазифани тез, осон бажардим.

— Ўзингиз ёздингизми? — ажабланиброқ сўради устозим. — Дурустсиз-ку!

Мана шу «дурустсиз-ку!» менга жуда қимматга тушди. Ўзимга ортиқча баҳо бериб юборибман, шекилли. Китоблар ўқибман, тамоша, учрашувларга борибман. Қарабсизки, муддат тугаёзибди-ю, ишдан дарак йўқ. Енгни шимариб ишга тушиб кетдим... Домлам ишни қайтиб бераркан, ҳеч нарса демади. Диссертациямни варақляяпману ҳушим ўзимдамас: деярли ҳамма бет чизиб-чизиб ташланган. «Бўлмайди», «Тўғримас», «Нега»? деган сўзлар ҳукмдай янграйди қулоғим остида!

Муддат тугаган. Стипендия йўқ. Бугун бўлмаса, эртага ётоқдан ҳам чиқаришади. Ишониб жўнатишган эди. Оилам умид билан йўлимга кўз тикипти. Нима қилиш керак?! Олти ой сурункасига ишладим. Ишладиммас, мавзуимга сингиб кетдим. Ҳамма нарсани унутдим. Ҳаётимдаги ўша кунларни сира унутмайман.

Ишим муҳокамадан ўтди. Устозим Корнелий Люцианович:

— Дурустсиз-ку. Ҳимояга тайёрланинг, — деди мамнун жилмайиб.

Филология фанлари номзоди бўлгач, Озод Шарафиддинов юзлаб мақолалар ёзди, йигирмадан ортиқ китоб чоп эттирди. Аммо ҳалигача у ҳамма нарсани унутиб, берилиб ишлаш фазилатини йўқотгани йўқ. Аксинча, лоқайдлик билан ёзишни ёзиш демайди, шунчаки яратилган мақола остига имзо чекишни ор деб билади. «Шунчаки, лоқайдлик билан ёзилган асар ўқувчининг нафрати бўлиб ёзувчига қайтди,» — деган экан бир донишманд. Озод ака асарларидаги муҳим белгилардан бири ҳароратлилик, кўтаринки руҳ, ишонч билан фикр айтишдир. Бу хусусият танқидчи услубини белгилайди. Ойбекнинг илмий мақолалари ҳақида тўхтаб Озод Шарафиддинов ёзган эди: «...ҳар бир мақолада кўзга кўринмаган ҳолда муаллифнинг шахси мавжуд. Биз уларда тадқиқотчининг синчков тафаккуринигина эмас, санъаткорнинг қайноқ қалбини ҳис қиламиз. Улар ёзувчининг моҳир қўли билан ёзилган. Уларнинг ҳаммаси юксак дидли кузатувчининг ўткир нигоҳи билан

кўрилган ажойиб тафсилотларга бой»¹. Шунга ўхшаш гапни О. Шарафиддинов мақолаларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Замонавийлик—адабиётнинг қалби, деган ибора 60-йилларда кенг қўлланилар эди. Замонавийлик деганда ўша пайтларда ҳаётимизга баҳор эпкинидай кириб келган демократик тамойиллар, инсонни эъзозлаш, шарафлаш бўйича амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар назарда тутилди. Муҳими, замонавийлик деганда шеърининг руҳиятига яқинлашув ҳис қилинарди. Озод Шарафиддинов «Замон—қалб—поэзия» асарида инсон борлигини тўла ва мукаммал акс эттириш лозим деган тушунчани асос қилиб олди. Ўша давр шеъриятида чекланганлик, турғун, расмий ҳолатларни акс эттириш, баландпарвозлик, дабдабазлик каби инсон руҳиятини ишонарли ёритилишига тўсқинлик қилувчи нуқсонлар анча-мунча эди. Мунаққид ўзбек шеъринини талқин, таҳлил қиларкан, инсон руҳиятидаги ўзгаришларни ҳаққоний акс эттирган поэзияни асосий мезон деб билди. Ожиз, номукаммал шеър — хоҳ у оқсоқол адиб томонидан ёзилган бўлсин, хоҳ тажрибасиз шоир қаламига мансуб бўлсин — танқидчи томонидан кескин танқид қилинди. Ёш мунаққиддаги қатъият аввалига кўпчиликни ажаблантирди: унга ҳурмат билан қарайдиганлар, пайини қирқишга шай турганлар ҳам пайдо бўлди. Кувонарлиси шундаки, ғайратли мунаққиднинг самимий, ҳалоллигини кўпчилик тез англади. Озод Шарафиддинов адабиётга садоқати, шеърятга муҳаббати, танқидчилик майдонига катта ниятлар билан кириб келганлиги, поэзиямиз истиқболини астойдил ўйлаётгани билан адабий жамоатчиликка танилди қўйди. Унинг мақолаларидаги хусусиятлардан муҳими шундаки, танқидчи поэзиямизнинг соғлом танасидаги яралар, камчиликларни кўрсатиш билан чекланмас, уларни «даволаш» йўллари ёритарди. Танқидчи ҳеч қачон тадқиқот манбаини ерга уриб юбормайди: поэзиямизда ҳаётбахш руҳ, гўзаллик, соғломлик етакчи эканини кўрсатади, камчиликларнинг олдини олиш йўллари ҳақида ўйлайди. Шу ўринда Озод Шарафиддиновни чамандан бегона ўтларни беаёв юлиб отаётган боғбонга, ярани шарт-шарта кесиб патосини чиқариб ташлаётган жарроҳга қиёслаш жоиз. Тадқиқотчи ўзбек поэзиясининг чамани

¹ О.Шарафиддинов. Истеъдод жилолари. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1979, 68-бет.

тобора кенгайиб, гўзаллашиб бораётганлигини ранг-баранг услублар, кўлланилаётган ўзига хос усуллар, кашфиёт образлар, уч бераётган янги мавзулар орқали кўрсатади. Озод Шарафиддинов поэзия танқидчилигида биринчилардан бўлиб интеллектуал поэзия, унинг хусусиятлари, намояндалари ҳақида фикр юритди. Интеллектуаллик, тадқиқотчининг таъкидланишича, мушоҳаданинг теранлиги, фикрнинг етуклиги, янгилигидадир. Марҳум Теша Сайдалиевнинг «Янги меҳмон келди дунёга» деб аталган митти шеърини интеллектуаллик намунаси қилиб кўрсатади. Чиндан ҳам, интеллектуаллик тўла маънодаги эркин инсонга хос хусусият. Ҳозирги кундаги замонанинг, келажакнинг эгаси деб билган кишигина кенг миқёсда фикрлайди, катта гапни айта олади. Инсонни тўла намоён этиш учун санъаткор уни ҳар хил ҳолатларда тасвирлаши лозим. Озод Шарафиддинов «Замон—қалб—поэзия» мақоласида инсонни фақат хушнуд кайфиятда тасвирлаш одат тусига кириб қолганлигини, аслида эса, инсонни баъзан гам-андўхта, ўйчан ҳолатда, жумбоқлар гирдобида тасвирлаш ҳам поэзия учун табиий ҳол эканлигини кўрсатади.

Озод Шарафиддиновнинг ўзбек танқидчилигига шитоб билан кириб келиши, ундан фахрли ўрин эгалашининг сабаблари ҳақида ўйлар эканмиз, мунаққид ижодининг яна бир хусусияти диққатни жалб этади. Озод Шарафиддинов адабиётшунослик майдонига кириши биланоқ, келажак ҳақида қайғурди, ёш шоирлар ижодини синчковлик билан ўрганди. «Ниҳоллар» мақоласини ёзди. Бу мақола, «Замон—қалб—поэзия» сингари, тадқиқот характериға эга. Лекин ҳар иккала мақоланинг ўз йўналиши, мақсади бор. Синчковлик, аниқ далиллар (асарлар) таҳлилидан кенг умумлашма чиқариш томон бориш ҳар иккала мақола учун муштарак белги. «Замон—қалб—поэзия»да танқидчи кечаги поэзия билан бугунги шеърятни қиёслаш йўлидан борган, ўзбек шеърятининг сифати, бойлиги учун курашган бўлса, «Ниҳоллар»да ёш шоирлар ижодини ўрганар экан, улар орасидан эртанги шеърят куртакларини излайди. Ёш шоирлар ижодидаги янгиликни кенг шарҳлашга, унинг келажagini очишга интилади. Танқидчи ёшлар ижодидаги ижобий анъаналарни тасдиқлагани ҳолда уларнинг ижодий ўсишида тўсқинлик қилаётган камчиликларини лўнда-лўнда кўрсатиб беради. Таҳсинга сазовор ери шундаки, О. Шарафиддинов «Ниҳоллар» мақоласида келажакига ишонч билан қараган, илк асар-

ларини севиб таҳлил қилган шоирларнинг деярли ҳаммаси ўзбек шеъриятида ўз ўрнига эга бўлди. Бу ўринда мен Эркин Воҳидовни, Ҳусниддин Шариповни, Жуманиёз Жабборовни, Теша Сайдалиевни, Хайриддин Салоҳни, Охунжон Ҳакимовни назарда тутаман.

Озод Шарафиддинов шеъри матбуотда эълон қилинган ёшлар ҳақида ёзиб, улар ижодининг кузатиб қолмайди, балки истеъдодли ёшларга алоҳида муносабатда бўлади. У ҳар қандай йўллар билан бўлса ҳам ёш ижодкордаги имкониятларнинг юзага чиқишига ҳаракат қилади. Масалан, Абдулла Ориповнинг шеърлари матбуот юзини кўрмаган бир пайтда Озод Шарафиддинов унга дўстона муносабатда бўлди, бўлажак шоирдаги истеъдоднинг тўла намоён бўлиши йўлида қўлидан келган ёрдамни, маслаҳатни аямади. Озод Шарафиддинов ва Абдулла Орипов орасида бошланган устоз-шогирдлик муносабати дўстликка, қадрдонликка айланди. Муҳими шундаки, Озод Шарафиддинов А. Орипов ижодини баҳолашда ҳеч шахсий мойилликка берилмади. Холислик, ҳаққонийликни бош ўлчов деб билди. Умуман, холислик, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақиқатни айтиш Озод Шарафиддиновнинг яшаш қоидаларидан бирини ташкил қилади. Бундай ҳолни истеъдодли ёзувчи Ўлмас Умарбеков мисолида ҳам айтиш мумкин. Ўлмас Умарбековнинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» қиссасига тақризи эълон қилинганида, Озод ака касалхонада эди. Тақризни ўқидиму, «Ўзбекистон маданияти» газетасининг мақола босилган сонини олиб, Озод аканинг олдига бордим.

— Ўқидингизми? — салом-алиқдан сўнг сўради Озод ака.

— Биламан, Ўлмас хафа бўлади. Лекин насримиздаги мана шу «касаллик»ни шу тақриз муносабати билан айтаман деб ўйламагандим. Шундай бўлиб қолди. Лекин барибир санъаткорнинг фуқаролик бурчи, маъсулияти ҳақида яна ёзаман.

Озод Шарафиддинов «Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси» тақризидаги мана бу гапларни назарда тутаятган эди. «...Ўлмас Умарбеков жуда яхши ният билан қўлига қалам олиб партия ходимлари ҳаётини ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган, у эски қолишлардан қочишга интилган ва кўп ўринларда бунга мувофиқ ҳам бўлган. Лекин шунга қарамай, унинг яратган қаҳрамонлари ҳали бадий мукамаллик касб этган эмас — бундай бўлишига яна ўша схематизм халақит берган.

Табий савол туғилади: нега проза соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган иқтидорли ёзувчининг ижодида шу ҳол содир бўлди. Ахир Ўлмас Умарбеков схематизмнинг зарарини жуда яхши билади, ижодида ундан қочишга, қаҳрамонлар характерини ҳаётий тасвирлашга интилади-ку? Менимча, бундай зиддиятли ҳолнинг сабабини Ўлмас Умарбековнинг шахсидан изласак унча тўғри бўлмас. Аниқроқ айтганда, бу қусур фақат Ўлмаснинг қаламигагина хос эмас, балки у бугунги ўзбек прозасида анча кенг тарқалган қусурдир. Биз кейинги йилларда кўпгина ёзувчиларимиз юракдан ҳаётийликка, теран ҳаққонийликка интилганини, лекин асарида охир-пировардида схематизм инерцияси салбий таъсир кўрсатганининг гувоҳи бўлдик. Бу ўринда гап фақат истеъдод устидагина бораётгани йўқ — ҳатто истеъдодли деб тан олинган айрим ёзувчилар ижодида ҳам сўнги йилларда шундай қусур намоён бўлмоқда. Ҳўш, бунинг боиси нимада? Нима учун биз ҳамон схематизм иллатидан батамом қутилиб кетолмаяпмиз? Гап шундаки, схематизм адабиётнинг тасвир воситалари, композицион приёмлари, сюжет яратиш принциплари, характер ва тип барпо қилиш масалалари билангина эмас, биринчи навбатда, бадиий тафаккур билан, санъаткорнинг ҳаёт ҳодисаларига муносабати, уларни умумлаштира олиш иқтидори билан боғлиқ. Санъаткор ҳаётни кузатар экан, ҳаёт ҳодисалари ҳақида мулоҳаза юритар экан, уларнинг реал нисбати ва таққосларидан келиб чиқилмай, улар ҳақидаги тайёр тасаввурлардан, аввалдан мавжуд қолиплардан келиб чиқади. Бундай ҳолларда ҳаёт ҳақиқати ёзувчига керагидан ортиқ кескин, шиддатли, юмшатмаса, силлиқлаб тарашламаса бўлмайдиган кўринади. Санъаткор ичидаги аллақандай муҳаррирнинг унинг елкаси оша ёзганига қараб, қаламини эркин ва бемалол югуришидан тийиб туради, бундай ҳолларда асарда асли ҳақиқатнинг ўзи эмас, балки шаклан ҳақиқатга ўхшаган, лекин моҳиятига кўра ундан жуда олис турадиган ясама нусха пайдо бўлади. Схематизмнинг энг ашаддий зарари ҳам мана шунда. Ҳаёт ҳақиқати қаршида ҳадиксираш, уни баралла овоз билан айтиш ўрнига бир чимдим-бир чимдимдан намоён этиш — бадиий асарни кўламдан маҳрум этади, заифлаштиради, умрини қисқартиради¹.

¹ *Озод Шарафиддинов*. Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси. «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1979 йил, 14 сентябрь.

Озод Шарафиддинов ижодининг бошланиш даврида ҳам ёш ижодкорларга алоҳида эътибор билан қараган эди. Ҳозир ҳам, орадан қарийб қирқ йил ўтгач, ёшлар ижодини чуқур ўрганувчи, таҳлил қилувчилардан бири Озод Шарафиддиновдир. Танқидчи характеридаги бундай фазилатни ҳаммада ҳам учратавериш қийин. Кишининг ёши улгайган сари вазифалар ҳам жиддийлашади, катта-катта муаммолар диққатни жалб қила бошлайди: ёшлар ижоди билан шуғулланиб ўтиришга фурсат топилмайди. Аслида-ку, гап фурсатда, юмушларнинг жиддийлашиши, катта миқёсга ўтишидамас. Вақт оқими кишини жисмонангина эмас, руҳан, қалбан ҳам қаритади. Кўпинча ёш ижодкорлар ҳақида ёзиш учун дид, тушунча, муносабат ўтмаслашиб қолади. Натижада, ёшлар ҳақида ёзиш ёшларнинг ўзига ҳавола қилинади. Озод Шарафиддинов сингари танқидчилар дидларининг ўтмаслашиб, билимларининг саёзлашиб, муносабатнинг хиралашиб қолишининг олдини оладилар: ўқийдилар, ёшлар қалбига йўл топадилар, улар билан руҳан бирга бўлишга интиладилар. Озод Шарафиддиновнинг А. Орипов ҳақидаги «Қалб ёлқини», Абдулла Шер тўғрисидаги «Шоирнинг баҳорий сози» мақолаларини ўқийсизми, «Талант — халқ мулки» китобидаги ёшлар ижодига бағишланган тадқиқотларни кузатасизми, янги фикр айтишга интилишни, ёшлар ижодидаги ютуқ ва камчиликларни лўнда-лўнда кўрсатишга ҳаракатни сезасиз. Замондан ортда қолиш, ҳаётнинг илғор сафларида бораётганлардан ажралиб кетиш учун қалбнинг салгина мудраши, тараққиётга бепарво бўлишигина кифоя. Озод Шарафиддинов ҳаёт завқини, маъносини тиниб-тинчимаслик, руҳан тетик бўлишда деб билишидан, кулоғини доим замон қалбига тутиб туришидан қатъий назар, мана бундай гапларни ёзади: «Очигини айтганда, кейинги икки-уч йил ичида ҳар хил сабаблар билан ёшлар ижодини кўнгилдагидай мунтазам кузатиб бора олмаган эдим. Ўтган йилнинг охирида Эркин Воҳидов уйга телефон қилиб Ёзувчилар союзида ёшлар шеърляти ҳақида суҳбат ўтказиб беришимни илтимос қилди. Суҳбатга тайёргарлик охирлаган сари алланечук таассуф ва ўкинч кўнглимнинг бир четини хижил қилаверди. Уйлаб қарасам, мен ёшлар поэзиясини бир муддат эътиборимдан қочириб, ўзимни ўзим катта неъматдан, ажиб бир маънавий бойликдан маҳрум қилган эканман. Сўнгги ойлар мобайнида мен ўзим учун «ҳозирги ёшлар поэзияси» деб аталган

бир дунёни кашф этдим»¹. Бундай гапни ўзига ўта талабчан одамгина ёзиши мумкин. Озод аканинг диққатидан ёшлар ижоди, ундаги янгиликлар четда қолганлигига ишонмайсан киши. Озод Шарафиддиновни танибманки, у киши университетда бўлмасин, Ёзувчилар уюшмаси ёхуд газета, журнал тахририятларига кирмасин, дарҳол атрофига ёш ижодкорлар тўпланади. Озод ака маъруза ўқиётган аудитория олдида албатта кимдир у кишини кутиб турган, муҳим масала бўйича маслаҳат олишга чоғланаётган бўлади. Домланинг кўп вақти маъруза ўқишдан кўра бевосита суҳбатларда ўтади. У кишини гоҳ аспиранти билан диссертация режасини кўриб чиқаётган ҳолда, гоҳ ёш шоирга ниманидир уқтираётганида, гоҳ бир гуруҳ ижодкорлар даврасида радио ва телевидениедаги эшиттириш ниятини пухталаётганда кўрасиз. Озод ака университетга, дарсга китоб-дафтар, конспект кўтариб келмасди, лекин уйига албатта бирор олим ёки ижодкорнинг ишини қўлтиқлаб кетарди. Озод Шарафиддинов кўрган, тасдигидан ўтган иш, одатда, Илмий кенгашдан ҳам, тахририятлардан ҳам қайтмайди. Ёшлар билан ишлашда Озод Шарафиддинов битта мезонга қаттиқ риоя қилади: ёш олимми, ёзувчими матбуотда кўриниши, кўпчиликка танилиши лозим. Унинг шоғирдлари орасида кўпчиликка танилмай, илмий жамоатчилик диққатини ўзига тортмай, диссертация ҳамоя қилгани йўқ, ҳисоби. Аспирантлик давридаёқ матбуотда кўринишга одатланган олим кейинчалик ҳам тинч турмайди: мақолалар ёзади, китоб чиқаришга интилади. Бундан чорак аср муқаддам Озод Шарафиддинов ҳали ҳеч кимга таниш бўлмаган Санжар Содиқовни танқидчилик майдонига бошлаб кирган, унга илмий ишида ютуқлар тилаган эди. Ҳозир республика танқидчилари орасида Санжар Содиқов, Михли Сафаров, Ортиқбой Абдуллаев, Маҳмуд Саъдий, Замира Эшонова, Шухрат Ризаев, Раҳмон Қўчқор, Муртазо Қаршибоев, Рустам Шарипов, Раҳимжон Раҳмат ва бошқаларни ҳамма танийди. Озод ака қайси шоғирди ҳақида гапирмасин, унинг фазилаги намоён бўладиган воқеаларни эслайди. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз: у бироқ шоғирдидан ранжиган бўлса, аламини ичига ютади. Ўзи ранжигани учунмас, ўша шоғирд бошқаларни ҳам ранжитиши мумкинлигидан куйинади, азоб че-

¹ О. Шарафиддинов. Талант — халқ мулки. «Ёш гвардия» нашриёти, Т., 1979, 105—106-бетлар.

кади. Қисқаси, Озод Шарафиддинов устоз сифатида фақат олимнигина етишгирмайди, инсонпарвар, юксак қалб одамни тарбиялайди. Бу эзгу иши билан у фахрланади.

Озод Шарафиддинов шогирдлари илм соҳасидамас, бадий адабиёт соҳасида — шоирлар, адиблар орасида ҳам талайгина. Ёш ижодкорларни тарбиялашда ҳам Озод аканинг ўз ақидалари бор. Ёш ижодкор асарида ноёб фикрни учратса, оҳорли образларни кўрса, муҳими, адибнинг истеъдодига ишонса, уни сал орттириброк мақташдан, китобхонга тавсия қилишдан чўчимайди. Чунки ҳақиқий ижодкор ўзига берилаётган баҳонинг қимматини аниқ белгилайди: мақтовлардан эриб кетмайди, аксинча, яна ҳам масъулият билан ишлашга интилади. «Шеърят эстафетаси давом этади» мақола-сида О. Шарафиддинов ёш шоира Фароғат Камолова-нинг «Гўдак» шеърига, ундаги мана бу мисраларида ифодаланган образли фикрга эътибор беради:

*Гўдак ким: у менинг тинимсиз ўйларим,
Шеър бўлиб қуйилар дилу жонимга.
У тинмай тортқилар дунё эшигин,
Дунё эшик очар ҳаяжонимга.*

«Ўйлайманки, бундай машқи баланд шоирадан келажакда анча нарса кутиш мумкин», — деб ёзади танқидчи.

Озод Шарафиддинов ёшларга мақтовдан кўра тўғри йўналиш кўрсатиш манфаатлироқ эканини тушунади. У ҳар қачон шеър билан назмбозликни фарқлаш лозимлигини уқтиради. Шеър кашфиёт, борлиққа янги нуқтадан қараш, онгимиз, шууримизга янги озиқ беришдир. Янги туйғу, оҳорли фикр бўлмаган жойда назмбозлик пайдо бўлади. «Хуллас, бугунги ёшлар шеъриятида назмбозлик жиддий қусурлардан бири сифатида мавжуд. У ҳар қанча янги қиёфага киришга уринмасин, моҳияти эскича қолган — назмбозлик йўлида ёзилган шеърлар, чинакам ҳаётийликдан ва оригинал поэтик фикрдан маҳрум, китобий шеърлардир»¹.

Ёшлар поэзиясида оламнинг кемтик тасвири танқидчини ташвишга солади. Бу камчиликни ҳаётни чуқур ўрганиш, дунё ва кишилар ҳақидаги билимни

¹ О. Шарафиддинов. Талант — халқ мулки. «Ёш гвардия» нашриёти, Т., 1979, 111-бет.

кенгайтириш, ижодкор масъулиятини теран ҳис қилиш орқали тугатиш мумкин. Шоир Асқад Мухтор Ҳамид Олимжон ҳақидаги хотирасида қизиқ бир далилни келтиради. Ҳамид Олимжон Асқад Мухтор билан илк учрашувидаёқ унинг шеърларидаги камчилик — оламнинг тор тасвирланишини айтган, кўп юришни, ҳаётни кузатишни маслаҳат берган.

Озод Шарафиддинов мақолаларида ёшлар шеърлятида фуқаролик масъулияти етарлича эмаслиги таъкидланади. Бу камчиликни енгиш йўллари кўрсатилади. Танқидчи Миразиз Аъзам, Усмон Азимов, Азим Суюн, Шавкат Раҳмон, Муҳаммаджон Раҳмон, Хуршид Даврон, Шукур Курбон, Садриддин Салим Бухорий шеърларини ўқир экан, истиқбол поэзиясининг тўлиқ, ранг-баранг, етук бўлишидан қувонади.

Бадиий ижоднинг қайси турида бўлмасин жанр талабларига қатъий риоя қилиш талаб этилади. Ёзувчи повесть ёзиб, асарини роман деб атаса, ёхуд ҳикоя материални «чўзиб» повесть яратса, танқидчилик бу нотабиийликка дарҳол эътибор беради. Поэзия ва драматургия танқидчилиги ҳам жанр талабларига қай даражада риоя қилинаётганлигини кузатиб боради. Афсуски, танқидчилик жанрларига жиддий эътибор бериш, ҳар бир шаклнинг талабларига риоя қилиш, уни изчил кузатиб бориш сезилмайди. Танқидчи кўпинча қандай шаклда бўлмасин, фикрини ифода қилишгагина интилади. Гоҳо бир мақоланинг ўзида ҳам шарҳ, ҳам бадиа, ҳам муаммоли тадқиқот жанрининг белгилари сезилиб туради. Танқидчилик маданиятини кўтаришда, маҳорат масалалари ҳақида гапирганда жанр талабларига риоя қилинишини ҳам назарда тутиш жоиз. Ҳозирги танқидчилигимизда ҳамма танқидчилар ҳам жанр қонуниятларидан келиб чиқиб иш кўравермайдилар. Озод Шарафиддинов танқидчилик жанрларини тўла тушунувчи, уларнинг ички тузилишига риоя қилувчилардан бири. Унинг тадқиқот мақоласи шарҳдан, эссеси тақриздан аниқ белгилар билан ажралиб туради. Озод Шарафиддиновнинг жиддий асарларидан яна бири — «Йиллар ва йўллар». Бу асарни жанрига кўра илмий-мавзуий шарҳ дейиш ўринли. Узоқ тарих, бой анъаналарга эга бўлган адабиётни баҳолашда, тажрибаларни умумлаштиришда шарҳ жанри муҳим ўрин эгаллайди.

Озод Шарафиддинов «Йиллар ва йўллар» шарҳини адабиётшунослик мулкига киритиш ўринлими, танқидчилик асари ҳисоблаш жоизми, деган савол ҳам

туғилади. Маълумки, адабиётшунослик узил-кесил хулоса чиқарадиган, ҳар бир асарнинг ўрнини аниқ белгилайдиган фан. У кўпинча тугаган жараённи текшириш объекти қилиб олади. Адабиётшунос асари назарий умумлашмаларга бойлиги, илмий хулосаларнинг қатъий ва асослилиги билан ажралиб туради. «Йиллар ва йўллар» асарида бир қанча муаммоли масалалар кўтарилади. Олим уларни ўз билими, тушунчасига кўра ҳал қилишга интилади. Бу хусусиятларга кўра мазкур асарни адабиётшунослик тадқиқотлари қаторига киритиш жоиз. Иккинчидан, Озод Шарафиддинов 60-йиллар поэзияси юксаклигидан туриб ўзбек шеърятининг тараққиёт йўлини кузатишни мақсад қилиб қўйди. Озод Шарафиддинов эллик йил ичида юксакликка кўтарилган ўзбек поэзиясидан мағрурланади, унинг тараққиёт йўлини назардан ўтказишга киришади. Шундай қилиб, «Йиллар ва йўллар»ни танқидчилик асари деб аташ ҳам ўринли. Фикримизни далилланш учун мазкур тадқиқотни кўздан кечирамиз.

Озод Шарафиддинов «Йиллар ва йўллар» асарида ярим аср давомида ўзбек поэзияси эришган ютуқлар мустаҳкам заминда вужудга келганлигини кўрсатмоқчи бўлди. Иккинчидан, муаллиф поэзия ўта мураккаб, нозик, жиддий ўрганишни тақозо қиладиган воқеа эканлигини тасдиқлайди. Озод Шарафиддинов ўз тадқиқотида тўғри йўналишни танлайди: шеърятимиз тарихида жиддий ўринга эга, аммо тадқиқотчилик диққатидан четда қолиб келаётган шоирларга, асарларга кўпроқ эътибор беради. Тадқиқотчи поэзиямизнинг нодир асарларини тилга олади, лекин уларнинг қайта бор таҳлил қилиб ўтиришни лойиқ топмайди. Шарҳда йигирманчи ва ўттизинчи йиллар поэзияси жиддий, илмий таҳлил қилинади. Лекин уруш даври поэзияси шарҳида янги, оҳорли далиллар унчалик кўп эмас. 60-йиллар поэзияси танқидчининг «Замон—қалб—поэзия», «Ниҳоллар», «Лирик поэма», «Поэма ва қаҳрамон» мақолаларига манба бўлган эди. «Йиллар ва йўллар»да яна шу манбага мурожаат қилинади. Лекин муаллиф бу манбани энди янги нуқтаи назардан текширади, баҳолайди, хулоса чиқаради. Шарҳнинг бош ғояси эллик йиллик поэзиямизнинг ютуқларини таъкидлаш, рўй берган қамчиликларни кўрсатиш, унинг янгича моҳиятини ишонarli ёритиш бўлса-да, аниқ давр, жанрлар таҳлилда алоҳида-алоҳида илмий хулосалар чиқарилади. Бу хусусий хулосалар шарҳнинг илмий қимматини оширади.

«Йиллар ва йўллар» илмий-назарий шарҳида Озод Шарафиддинов 10-йилларнинг охирларидан 1967 йилгача бўлган ўзбек шеърининг ҳолатини илмий назардан ўтказди. Бу тадқиқот яратилганига ўттиз йилдан ошди. Ўттиз йил ичида адабиётшунослик жуда илгарилаб кетди. XIX асрнинг охири, XX аср бошларидаги миллий уйғониш даври адабиёти, унинг намояндалари ижоди нафақат Ўзбекистонда, балки Туркия, Олмония, Франция, Америка Қўшма Штатлари сингари мамлакатларда жиддий ўрганилмоқда. Озод Шарафиддинов «Йиллар ва йўллар»-да Чўлпон, Фитрат ҳақида ўта эҳтиёткорлик билан фикр айтган, «Чигатой гурунги»ни шўро мафкураси нуқтаи назаридан баҳолаган эди. Сўнгги ўн йил ичида О. Шарафиддиновнинг ўзи Чўлпон, Фитрат, Элбеклар ижоди ҳақида жиддий тадқиқотлар яратдики, бу ҳақда кейинроқ батафсил мулоҳаза юритамиз.

Озод Шарафиддинов ижодида тақриз жанридаги асарлар салмоқли ўрин эгаллайди. Назарий-муаммоли мақола мунаққиднинг билим доираси, умумлаштириш уқуви, илдизли хулосалар чиқариш истеъдодини кўрсатади. Адабий шарҳда мунаққиднинг тафаккур миқёси, далилларни умумлашма фикр чиқаришга йўналтира билиши англашилади. Адабий тақриз танқидчи қалби, шавқ-завқи, гўзаллик туйғуси, асардаги энг нозик нуқталарни қай даражада ҳис қила олишини кўрсатади. Шеърятда лирика, насрда ҳикоя қанчалик муҳим, аҳамиятли ҳисобланса, танқидчиликда тақриз таянч жанрлардандир. Ёзувчининг ижоди кичик жанрлардаги машқлардан бошланса, танқидчи асосан тақриз «йўлакча»сидан адабий жараён майдонига кириб келади.

Тақриз — танқидчи қаламининг қайроғи. Қалбидаги ҳарорат пасаяётганини ҳис қилса, танқидчи ўзини тақриз ёзиш билан синаб кўради. Танқидчиликнинг кичик жанри мунаққид яратган барча асарлар таркибида сезилиб туради: муаммоли мақолами, адабий шарҳ ёки бадиами — барибир асарга баҳо берилади, муносабат билдирилади. Бошқача айтганда, танқидчи ҳеч қачон тақриздан узоқлаша олмайди: турли шаклларда бу жанрга мурожаат қилаверади. Тақризда танқидчи характери аниқ, равшан «кўринади». Ҳақиқий тақриз мунаққид қалбида тобланган фикрларнинг ифодаланиши, туйғуларнинг юзага чиқиши шакли. Тақризчи ўзига хос шоир, шоир бўлганида ҳам унча-бунча эмас, улкан шоирдир. Танқидчи асарни қанчалик ёқтириб қолса, унинг ижтимоий илдизларини шунчалик теран англайди, бадиий

асар баҳонасида қалб мулкида сақланган эъзозли фикрларини, ҳаётга муносабатини, идеалларини ифодалаб олади. Озод Шарафиддинов тақриз қадрини ҳеч қачон туширмайди: у қалбига яқин олган асарлари ҳақида тақриз ёзади. Афсуски, танқидчининг тақриزلари унчалик кўп эмас. Шеърят соҳасида унинг Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Зулфия асарларига ёзган тақриزلари ўқувчида катта таассурот қолдирган. Тўғри, наср ёки адабиётшунослик асарига ёзиладиган тақриз шеърый асар ҳақидаги мақоладан фарқ қилади. Мунаққид ҳар бир жанр спецификасини ҳисобга олган ҳолда қалам тебратади. Унинг адабиётшунослик асарлари ҳақидаги «Адабиётнинг ўзига хослиги, санъаткорнинг бетакрорлиги»¹, «Ўзбек адабиёти тарихи очерклари ҳақида»², тақриزلарида илмий қиёслар, адабий қонуниятлар, ўсиш-улғайишнинг аломатлари тўғрисида фикр юритилса, «Улғайиш самараси»³, «Курашчан авлод»⁴ тақриزلарида П. Қодировнинг «Қора кўзлар», О. Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса...» романлари баҳоланади. Мунаққид ҳам ёзувчиларнинг ўзига хос услублари ҳақида, ҳам мазкур асарларнинг ўзбек адабиётида турган ўрни тўғрисида кенг тўхталади. Миртемирнинг «Ёдгорлик» тўпламига ёзган «Юртин мадҳи бўлди сўнгги сатри ҳам»⁵, Мақсуд Шайхзоданинг «Хиёбон» китобига аталган «Нур шайдоси»⁶, тақриزلари фикрнинг поэтиклиги, кузатишларнинг нозиклиги билан юқоридаги мақолалардан тубдан фарқланиб туради. Озод Шарафиддиновнинг ҳар бир мақоласи, тақризи ўзининг бетакрор қиёфасига эга. Лекин унинг барча тақриزلарини бирлаштириб турувчи муштарак белги мавжуд. Танқидчи ҳар бир асарни яхлит ҳолда, бир бутунликда таҳлил қилади. Бошқача айтганда, мунаққид асардан олган туйғуларини, тушунчасини китобхонга тўлалигича, беазаҳа етказишга интилади. Бунинг учун у тақриз ёзишда сийқалашиб қолган шакл—қолипни тамоман инкор қилади. У асарнинг ижтимоий-эстетик, ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида бир йўла фикр баён қилиб боради. Озод Шарафиддинов тақриزلарида учрайдиган бу хусусиятни структурали таҳлил деб аташ мумкин.

¹ «Вопросы литературы» журналы, 1975 йил 6-сон, 57—61-бетлар.

² «Шарқ Юлдузи» журналы, 1963 йил, 3-сон, 147-бет.

³ «Шарқ Юлдузи» журналы, 1967 йил, 1-сон, 207—223-бетлар.

⁴ «Гулистон» журналы, 1967 йил, 1-сон, 28—29-бетлар.

⁵ «Гулистон» журналы, 1979 йил, 1-сон, 28-бет.

⁶ «Гулистон» журналы, 1968 йил, 3-сон, 24-бет.

Озод Шарафиддиновнинг шеъриятга бағишланган ишларини ўрганаётганимиз сабабли унинг шеърий тўпламлар таҳлилига бағишланган тақризлари ҳақида фикр баён қилишни, структурали таҳлил намунасини кўрсатишни маъқул кўрдик. «Нур шайдоси», «Юртин мадҳи бўлди сўнгги сатри ҳам» тақризлари М. Шайхзода, Миртемир вафотидан сўнг ёзилган. Ҳар иккала тақриз деярли бир хил, маюс оҳанг билан бошланади: «Хиёбон»—Мақсуд Шайхзода ўз қўли билан дасталаган сўнгги тўплам», «Улкан шоиримиз Миртемир ўз қўли билан дасталаган сўнгги китобини «Ёдгорлик» деб атади». Биринчи жумла китобхонда кайфият туғдиради, янги фикрларни билишга чоғлайди. Муаллиф ҳар икки тўпламдаги асосий масалани кўрсатишга интилади. «Хиёбон»даги шеърларда юрт ишқи, Ватан муҳаббати одамларга муҳаббат билан чатишиб кетган. Шоир ажойиб самимият ва нурли ҳарорат билан инсонни улуғлайди, унга таъзим қилади». «Миртемир шеърларида она-юрт тушунчаси унинг гўзалликларини барпо этаётган, бойликларини ижод қилаётган одамлар билан чамбарчас боғланиб кетган. Миртемир ҳамиша ўз ижодида оддий одамларни, меҳнат кишиларини улуғлаб келган». Тақризлар бир-бирига яқин маънодаги фикрлар билан тугалланади: «Унинг хиёбонининг поёни йўқ. У шеърларида, қўшиқларида, мисраларида яшайди. «Хиёбон»га кирган шеърлар, уларда гурсиллаб уриб турган шоир қалби бунинг далилидир». «Шоир ўзи айтганидай, унинг сўнгги сатри ҳам юртининг мадҳига бағишланди. Бундай фарзандларнинг хотираси эса меҳнаткаш ва заршунос халқ қалбида муқаддас ва мангу яшайди».

Мазкур маънодош сатрларда танқидчининг «мен»и, унинг Шайхзода ва Миртемир шеъриятига муҳаббати, шоирларга чексиз ҳурмати сезилиб туради. Хўш, тақризларда Шайхзоданинг Шайхзодалиги-ю, Миртемирнинг Миртемирлиги англашиляптими? Тақризчи санъати, шеърлар юрагини ушлаб кўраётган қўллар маҳорати қани? Ниҳоят, асарни бир бутун ҳолда таҳлил қилиш сири кўриняптими? Шеърият тақризчилигида алоҳида-алоҳида шеърлармас, қўпинча, тўпламлар ҳақида фикр юритилади. Бу иш танқидчи масъулиятини мушкуллаштиради: ҳар бир шеър алоҳида дунё. Тўплам — дунёлар бирлиги. Аввало, танқидчи шу яхлитликнинг (тўпламнинг) етакчи хусусиятларини белгилаб олади. Бу ўринда шоир услубини қай даражада мукаммал билиши танқидчига қўл келади. «Миртемир бу китобида ҳам

бутун умри давомида куйлаган оҳангларига амал қилган, эстетик принципларига содиқ қолган. Лекин шоир шеъриятининг фазилатлари бу китобда ўзгача бир тиниқлик касб этган», «Нур шайдоси» тақризида ўқиймиз: «... тўпламдаги шеърлар қанчалик хилма-хил бўлмасин, уларнинг тематик фарқи қанчалик кенг бўлмасин, уларнинг ҳаммасини бир-бирига пайванд этиб, бирлаштириб, бир бутун қилиб турган нарса бор. Бу — ҳар шеърга, унинг ҳар бир бандига, ҳар бир мисрасига сингиб кетган, ҳар бир поэтик образга нур ва ранг бериб турган, шеърларнинг ҳар бир тўқимасига жон ва руҳ бахш этган шоир қалбидир». Танқидчи ҳар икки тўпламдаги асосни тўғри белгилади. Энди у бутун диққатини мана шу марказни очишга йўналтиради—тақриздаги ички яхлитликни таъминлайди. «Нур шайдоси» ихчам тақриз бўлгани сабабли шеърларнинг алоҳида-алоҳида таҳлилига урғу берилмайди. Мақсуд Шайхзода услубидан келиб чиқиб, тўпламнинг бош йўналиши ёритилади, холос. Шоир шеърларида инсонни улуғлаш айниқса сезилиб туради. М. Шайхзода интеллектуал, файласуф шоир эди. У озод инсонни куйлар экан, дунёнинг кўпчилик мамлакатларида инсон эркига зид турувчи ишлар қилинаётганидан афсусланади. Шоир ҳар бир тушунча-ҳодиса моҳиятини асосли ёритишга ҳаракат қилади.

«Ёдгорлик» тўпламига ёзилган тақризда муаллиф фикри икки муаммони ёритишга хизмат қилади. Миртемирнинг сўнгги тўламидан публицистик лирика намуналари анчагина ўрин эгаллаган эди. Тақризчи бу лириканинг шеъриятимиздаги ўрни, аҳамиятини белгилаб, «Тошкент оқномлари» шеърини таҳлил қилади. «Патгининг ҳасратлари», «Тошбу» шеърларини талқин қилар экан, мунаққид Миртемир шеърларида оддий кишилар характерини мукамал чизиш бош белги бўлганлигини таъкидлайди. Шоир ўз асарларида армони бор, ҳаётда йўқотишларга учраган, лекин иродаси буқилмаган шахслар қиёфасини анчагина яратди. Миртемир ўз қаҳрамонларини жонли сўзлашув тилида таърифлайди, улар номларини халқ талаффузида қандай айтилса, шеърга шундайлигича олиб киради. «Патгининг ҳасратлари» — инсон фожеаси, урушнинг аёл тақдиридаги битмас жароҳати ҳақидаги шеър. Бош қаҳрамонда инсонга муҳаббат аллақандай алам, йўқотиш, ўкиниш каби туйғулар билан чатишиб кетган. Инсон характеридаги бундай мураккабликни катта насрда ҳам

ёритиш мушкул. Қарангки, Миртемир битта шеърда инсон қалбининг мураккаб ҳолатини тасвирлашга жазм қилибди. Миртемир ижодида бутун бошли характер ёритилган, қаҳрамоннинг ички зиддиятлари асосида ёзилган шеърлари оз эмас. Озод Шарафиддиновнинг нозиктаъб шеършунослиги «Чигилдоқ» шеърининг мукамал таҳлилида, шоирнинг увоқ восита орқали ҳам катта умумлашма чиқара олиш маҳоратини кўрсатишида сезилади. Бошқача айтганда, танқидчи чигилдоқнинг товуши орқали шоир «оламни тўкис, расо, мукамал, гулгун кўриш, ундан дилхунликнинг соқит бўлишини» ишташигача бўлган маънони ёритиб беради. Мазкур шеърни Озод Шарафиддинов лириканинг етук намунаси сифатида таҳлил қилади. Озод Шарафиддинов 60-йилларнинг бошларида «Мақсуд Шайхзода», «Миртемир» портрет-мақолаларини яратган эди. Кейинчалик танқидчи ўзининг мақола, тақризлари билан ўша портретларни тўлдириб бойитиб борди. «Нур шайдоси» ва «Юртин мадҳи бўлди сўнги сатри ҳам» тақризлари М. Шайхзода, Миртемир портретларидаги кичкинагина бир чизиқча, холос. Аслида чизиқчамас, ҳатто бир нуқта портретни жонлантириб, нурлантириб, жозиба бахш этиб юбориши мумкин. Назаримда ҳар иккала тақриз М. Шайхзода, Миртемир портретидаги ана шундай муҳим чизиқ ҳисобланади.

Озод Шарафиддинов 80-йилларда кўплаб тақризлар ёзди. Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссаси ҳақидаги «Она» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 5 март, 1982 йил) тақризи мунаққид ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Озод Шарафиддинов табиатан ҳиссий — образли танқидчи. Лекин унинг асарларида ҳамиша фикр, далил, таҳлил етакчилик қилиб, услубий ўзига хослик оҳангда, моҳиятда сезилади. «Она» тақризида туйғу, ҳис-ҳаяжонга берилиш кўзга яққол ташланади. Лекин, барибир, мунаққид «Дунёнинг ишлари» нима сабабдан кенг китобхонлар оммаси томонидан самимий кутиб олинганлиги сабабларини ёритиб беради. Мунаққиднинг «Курашларга чорлар шеърят» тақризи афғон шоир Лойиқ Сулаймоннинг «Тонг кўшиғи» тўплами ҳақидадир. Табиийки, мазкур тақризда дўстлик, ўзаро ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилади. Озод Шарафиддинов ижодида спектаклларга, драма асарларига ёзилган тақризлар талайгина. «Иллатларга ўт очиб...» («Шарқ Юлдузи», 1986 йил, 5-сон) тақризида Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Тусмол» пье-

салар китоби ҳақида мулоҳаза юритилади. Такризда А. Иброҳимовнинг бетакрор услуби, ўзбек драматургиясига қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталинади. Мазкур тақриз ўзбек дараматургиясида пайдо бўлаётган янгиликларини ҳам кўрсатиб беради.

Озод Шарафиддинов ижодида янги бир тоифа асарлар борки, уларни соф танқидий-биографик очерк ҳам, адабий портрет ҳам деб бўлмайди. Мунаққид бир ёзувчи ижодини узоқ йиллар давомида кузатади, айрим асарларига тақриз ёзади, адабий шарҳларда кузатаётган адиби асарлари ҳақида фикр айтади. Ниҳоят, ўзи яхши билган адиби ҳақида яхлит асарлар яратади. Масалан, 60-йилларнинг бошларида у «Ниҳоллар» мақоласини ёзган. Э. Воҳидов, Ҳ. Шарипов, О. Ҳакимов, Т. Саидалиев, Ж. Жабборов, Гулчеҳра Жўраева курдошлари ҳақида самимий фикрлар билдирган эди. 1983 йилда Ҳусниддин Шарипов, 1986 йилда Эркин Воҳидов, 1991 йилда Ўткир Ҳошимов ва Абдулла Орипов элик ёшга тўлади. Олим ўз ниҳоллари ҳақида «Ниҳолнинг камоли» («Ёшлик» журнали; 1983 йил, 2-сон), «Қуёш ошиғи» («Шарқ юлдузи» журнали, 1986 йил, 12-сон), «Халқ устозим, мен эса толиб» («Шарқ юлдузи» журнали, 1986 йил, 12-сон) сингари мақолаларни ёзади. Бу мақолаларда ниҳолнинг ўсиши—улғайиш йўли кузатилади, мевалари — сархил асарлари таҳлил қилинади. Муҳими, адабиёт боғида бу мевали дарахтнинг ўзига хосликлари ишонарли ёритилиб берилади. Одил Ёкубовнинг 70 йиллиги муносабати билан ёзилган «Адибнинг қутлуг ёши» («Халқ сўзи» 1998 йил, 24 октябрь) мақоласида ҳам синчков назар, ёзувчи босиб ўтган йўлга илмий ёндашув сезилади. Мунаққид ижодида тарихий-биографик очерклар катта ўрин эгаллайди. Озод Шарафиддинов XX аср ўзбек адабиётининг етук намояндалари ҳақида адабий портретлар яратган, кўз ўнгида адабиётга кириб келган санъаткорлар тўғрисида руҳий-кузатув мақолалар битган. Ҳўш, мунаққиднинг очерклари кимлар, қайси ёзувчилар ҳақида? Озод Шарафиддинов — ўзбек адабиётшуноси, танқидчиси. Аммо у жаҳон адабиётининг муҳлиси, ҳақиқий санъаткорлар яратган асарларнинг синчков, ашаддий ўқувчиси. Танқидчи борки, қилни қирқ ёради, масаланинг моҳиятига назар ташлайди. Бундай танқидчи ўзи тўлиқ билмаган асари, ижодини атрофлича ўзлаштирмаган санъаткор ҳақида мақола ёзмайди. Борди-ю, у бирон асар, ижодкор ҳақида ёзишга жазм этдими, билингки, унинг оҳор-

ли гапи бор, айтиб олиши лозим бўлган мулоҳазаси мавжуд. Унинг мақоласидаги ҳар бир фикр салмоқдорлиги, самимийлиги, жўшқинлиги билан китобхонни жалб этади. Озод Шарафиддиновнинг «Бизнинг Пушкин», Л. Толстой ҳақидаги «Халқлар ҳомийси» мақолаларидаги етакчи белги шундаки, олим ҳар икки санъаткор яратган адабий оламни мукамал ўзлаштирган: Пушкин ҳам, Л. Толстой ҳам унга қадрдон. Табиийки, ҳамма гапларни айтиш мумкин эмас. Танқидчи Пушкин ва Л. Толстой яратган асарларда Шарқ мавзусининг ёритилиши масаласи атрофида мушоҳада юритади. Танқидчи мулоҳазалари Пушкин ва Л. Толстой ижоди мухлисларини бефарқ қолдирмайди. Озод Шарафиддинов Пушкин, Л. Толстой, М. Лермонтов, Н. Гоголь, А. Чехов ижодини жаҳон адабиёти миқёсида ўрганади. Мазкур санъаткорлар рус ёзувчилари бўлганликлари учунгинамас, жаҳон халқлари маънавиятини бойитган ижодкорлар сифатида танқидчи диққатини жалб этади.

XX асрда шўро ҳукумати ҳудудида ўнларча санъаткорлар етишдилар. Улар шўро адабиётининг пешқадам намояндалари сифатида жаҳонга танилдилар. Бу намояндалар шўро ҳукуматининг нишон-у мукофотларига, Меҳнат қаҳрамони шарафига эга бўлдилар. Табиийки улар ижодида мафкуравий, соцреализм методидаги асарлар мавжуд, лекин бу санъаткорларнинг аксариятлари соцреализм қуюшқонидан чиқиб кетганлар, умуминсоний ғояларни куйлаганлар. Озод Шарафиддинов 1974 йилда чоп эттирган «Яловбардорлар» асарига 15 та санъаткор ҳақидаги танқидий-биографик очерк киритилган. Муаллиф ўз мақолалари жанрини атайин очерк деб белгилади. Мазкур китоб қаҳрамонлари ҳақида ўнлаб илмий-назарий, маърифий-оммавий асарлар яратилган. М. Шолохов, Л. Леонов, К. Федин, Н. Тихонов, А. Упит, А. Корнейчук, М. Стельмах, Б. Кербобоев, М. Турсунзода, Ч. Айтматов ижодларини ўрганишни ҳаётларининг мақсад-мазмунини қилиб олган тадқиқотчилар қанчадан-қанча. Озод Шарафиддинов машҳур ёзувчилар ижоди ҳақида тадқиқот яратишга кучи етмаганлиги учун очерк жанрига қўл урмади. Танқидчиликда ҳар бир жанр, шаклнинг ўз ўрни, қиммати бор. Мунаққид ҳар бир жанр шаклидан ўрни ўрнида фойдаланмоғи зарур. Афсуски, ўзбек танқидчилигида ҳануз жанр танлаш, ундан унумли фойдаланиш иши йўлга қўйилмаган. 50—60 йилларда ўзбек танқидчилигида танқидий-биографик очерк, ёзувчининг ҳаёти, ижоди ҳақида монография яратиш кенг йўлга

қўйилган бўлиб, машҳур адабиётшунос, танқидчилар бу жанрларга бот-бот қўл урар эдилар. 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб бизда адабий портрет жанри асосий бўлиб қолди. Ҳозир очерк ҳам, тадқиқот ҳам, монография ҳам портрет номи билан юритилмоқда. Ваҳоланки, танқидчиликдаги ҳар бир жанрнинг ўз талаблари, қонунқоидалари бор. Озод Шарафиддинов етук ёзувчилар ҳақида танқидий-биографик очерклар яратар экан, ўз қаҳрамонининг инсоний қиёфасини, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини, ниҳоят, ижодий қиёфасини ёритишга интилади. «Яловбардорлар» китобидаги очеркларнинг яна бир хусусияти диққатни жалб қилади: муаллиф ўз қаҳрамонларини севиб, қалб кўрини сингдириб тасвирлайди. Натижада ҳар бир очеркда муаллифнинг қаҳрамонга, тасвирланаётган ҳар бир ҳодиса — воқеага муносабати аниқ сезилиб туради. Бошқача айтганда, очеркларда муаллифнинг характери кўринади. Бу характердаги бош хусусият адабиётни чуқур муҳаббат билан севиш, ижодкорларга нисбатан ички ҳавас, ҳурмат. Озод Шарафиддинов ўн бешта ёзувчи ҳақида очерк ёзиш учун адабиётимиз босиб ўтган йўлни ўн беш маротаба бошдан оёқ кузатиб чиқди. Ҳар гал у адабиёт тарихи — тадрижини янги қаҳрамон, янги адабий материал воситасида кузатади. Муаллиф латиш Андрей Упит тўғрисида, белорус Петрус Бровка хусусида, рус Леонид Леонов ҳақида — қайси миллий адабиёт вакили ҳақида гапирмасин, ўзининг ўзбек адабиёти вакили, шу адабиёт манфаатини кўзлаб иш юритаётганини унутмайди. Аниқроғи, у ўз қаҳрамонлари фаолиятини иложи борида ўзбек адабиёти билан боғлиқликда тасвирлашга интилади. Унинг диққатидан А. Сурковнинг Самарқанднинг 2500 йиллиги тантанасида иштирокидан тортиб, Л. Леоновнинг Каттақўрғон сув омбори ҳақидаги «Бахт кўли» очеркигача, Берди Кербобоев ва Мирзо Турсунзоданинг Ўзбекистон билан қадимдан танишлигидан тортиб, Павло Тичина ижодидаги халқлар дўстлиги мавзусигача четда қолмайди. «Яловбардорлар» тўпламидаги очерклар ҳақида гап борар экан, яна икки хусусиятни алоҳида таъкидлаш жоиз. Муаллиф барча очерклариди асрга тенгдош, бир касбадаги кишилар ҳақида фикр юритади. Бу, бир томондан, очеркчи вазифасини бир оз енгиллаштиради. Очеркларнинг деярли барча қаҳрамонлари машаққатли турмушни татиб кўрганлар: қашшоқлик, оғир меҳнат, ижод қилиш, асарни чоп этиш мураккабликларни ҳис қилганлар.

«Яловбардорлар»даги иккинчи хусусияти шундаки, ўн беш қаҳрамоннинг ҳар бири ўзига хос адабий олам яратган. Бу оламнинг ўз қонуниятлари, кишилари, хусусиятлари, мураккабликлари мавжуд. Очерклар муаллифи санъаткорлар яратган оламини сиртидан кузатиб қўлга қалам олмаган. У ҳар бир адабий олам билан чуқур танишган: унинг бетакрор томонларини, бошқа оламларда учрамайдиган хусусиятларни синчиклаб кузатган. Мана, масалан, Андрей Упит яратган адабий олам. Ёзувчи йигирмадан ортиқ роман, юзлаб повесть ва ҳикоялар, минглаб адабий мақолалар ёзган. Ёзувчининг ҳар бир романи латиш халқи тарихидаги муҳим воқеаларни акс эттиради. Ўзини ҳурмат қилган танқидчи А. Упит асарларини ўқимасдан, билмасдан бир улuf санъаткор ҳақида ёзишга журъат этармикан? Озод Шарафиддинов ишини ҳам енгиллаштирган, ҳам мураккаблаштирган яна бир масала бор. У машҳур ёзувчилар ижоди ҳақидаги илмий адабиётларни ҳам кўздан кечирган. Масалан, Михаил Шолохов асарларини у қанчалик чуқур ўзлаштиргани билан Л. Якименко, М. Соيفерларнинг буюк санъаткор ҳақидаги тадқиқотларни кўздан кечирмаслиги мумкин эмас эди.

Танқидий-биографик очерк жанри санъаткор ижодидаги бош белгиларга, етакчи асарларга урғу берилишини талаб қилади. Озод Шарафиддинов М. Шолохов ижоди ҳақида тўхталар экан, унинг «Тинч Дон», «Очилган кўрик» асарлари хусусида кенг фикр юритади. Санъаткор услубидаги халқ тақдирини кенг тадқиқ қилиш хусусиятига эътибор беради. Леонид Леонов — фалсафий услубдаги санъаткор. Унинг ҳар бир асарида, хусусан, «Рус ўрмони»да инсон ва табиат масаласи ниҳоятда теран ҳал қилинади. А. Упит, М. Стелмах, Б. Кербобоев халқ ҳаётини эпик тасвирлаш, халқ руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларни нозик кузатиш, узоқ тарихни жонлантириш хусусияти кучли. Очеркчи маскур ёзувчилар ижодидаги барча асарларни тилга олган ҳолда, муҳим асарлари таҳлилига кенг ўрин ажратади. Николай Тихонов, Мирзо Турсунзодаларнинг ижодий тадрижи кўздан кечирилади, «Михлар ҳақида баллада», «Куз ва баҳор» асарларига эътибор берилади. Танқидчи бу ижодкорлар ҳаётида хорижий Шарқ мавзуси етакчи бўлганлигини кўрсатади. Н. Тихонов ҳам, М. Турсунзода ҳам Шарқ мавзусини янги руҳдаги санъаткор сифатида ишлайдилар. Уларнинг асарларида янгича идеал илгари сурилади.

«Яловбардорлар» китобида М. Исаковский, А. Сурков, А. Прокофьев, П. Тичина, Петрусь Бровка, С. Михалков сингари шоирлар ижоди ҳақида фикр юритилади. Танқидчи ҳар бир шоир ижодини алоҳида меҳр билан таҳлил қилади, услубдаги ўзига хосликларни очишга эътибор беради. «Александр Прокофьев ижоди давомида бутун бошли бир поэтик олам яратди. Бу поэтик олам ҳақида машҳур рус шоири ва адабиётшунос Н. Риленков жуда яхши ёзган эди: «Александр Прокофьевнинг замоннинг ҳамма шамолларига дуч келган поэтик дунёси ўзига хос. Бу дунёга кириш билан биз дарҳол ажиб бир майинлик ҳис қиламиз, унинг ранглари ёрқин, оҳанглари бой, унинг энг кичик гўшаси ҳам кенг ва шодиёна. Унда тўйиб-тўйиб нафас олгинг, ҳамма нарсани тўйиб-тўйиб кўргинг, ҳар товушга кулоқ тутгинг келади. Бу шимолий рус табиатнинг афсонавий гўзал дунёси, балиқчилар ва ғаллакорларнинг дўстлик ва садоқат дунёсидир.

Ҳақиқий поэзия, чинакам гўзал шеърият чегараларни тан олмайди. Прокофьев шеърияти ҳам ана шундай бахтиёр қисматга эга.»¹

«Яйловбардорлар» китобида Александр Корнейчук драмалари, Сергей Михалковнинг болаларга аталган шеърлари, масаллари ҳақида ҳам анча теран фикрлар баён қилинган. Танқидчи А. Корнейчукнинг «Фронт», «Эскадра ҳалокати», «Ҳақиқат» пьесалари, уларда кўтарилган масалалар, қаҳрамон характерининг яратилиши тўғрисида мулоҳаза юритади. Китобда С. Михалковнинг серқирра ижоди, бир-бирига сира ўхшамайдиган қаҳрамонлари ҳақида ҳам мулоҳаза юритилади.

Озод Шарафиддинов озарбойжон шоири Сулаймон Рустам, татар халқининг қаҳрамон фарзанди Муса Жалил ҳақида ҳам очерк яратди. Сулаймон Рустам ижоди ҳақида гапирар экан, танқидчи Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода номларини бот-бот тилга олади. С. Рустам ҳаёти кўп жиҳатдан Фафур Фулом ҳаётига ўхшаб кетади. Ҳар икки шоирнинг ижодий биографияси ҳам ўзаро яқин. С. Рустам ўз халқининг қаҳрамонона ўтмиши ҳақида кўплаб асарлар яратган. Айниқса, унинг «Қочоқ Наби» шеърий драмаси машҳур. Бу асарда шоир ҳақиқат ва адолат учун зolimларга қарши курашган халқ қаҳрамони образини яратди. Сулаймон Рустам — байналмилал

¹ О. Шарафиддинов. Яловбардорлар. «Ёш гвардия» нашриёти. Т., 1974, 146-бет.

шоир. Унинг кўпгина асарларида қардош халқлар ҳаёти тасвирланади. Бу ўринда унинг «Дўстлик» шеъри, Тошкент ҳақидаги «Туғма шаҳар» асарлари диққатга сазовордир.

Муса Жалилнинг қахрамонлиги, «Маобит дафтари» номли асари ҳақида эшитмаган одам топилмаса керак. Озод Шарафиддинов «Замон Прометейи» номли очеркида Муса Жалил ижодини тўла кўздан кечиради. Урушгача у етук санъаткор, чин гражданин бўлиб етишган эди. Унинг шоир сифатидаги фаолияти, жамоат арбоби сифатидаги ишлари диққатни жалб қилади.

Озод Шарафиддиновнинг яшаш тарзи, интилишлари Ватанга, халққа, адабиётга садоқат билан хизмат қилишини кўрсатади. Унинг табиати, руҳий-маънавий бойлиги бадиа жанрида яратган асарларида кўзга яққол ташланади. Ўзбек танқидчилигида адабий ўйлар, эссе-бадиа номи билан юритилувчи жанр ўз ўрнига эга. Кузатилса, бадиа ёзмаган ёзувчи, моҳир танқидчи топилмайди, ҳисоби. Танқидчилик тарихи бадиянинг ёрқин намуналари турли шаклларда яратилганидан гувоҳлик беради. Бадиа — фикрнинг эркин, табиий ифодаси. У қалбдаги ҳис-туйғулар жўшганда, фикр пишиб етилганда бир туртки туфайли қоғозга «сочилади». Бадиада замон ва замондошлар, санъат ва адабиёт ҳақидаги қарашлар акс этади; бурч, садоқат, тарих олдидаги масъулият ҳисси ҳақида мулоҳаза юритилади. Умуман, бадиа — кишининг ҳаққоний ўйлари, воқеа-одамларга ҳалол қарашларини акс эттирувчи жанр. Асқар Мухтор, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Шуктурулло, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Абдулла Орипов, Иброҳим Фафуров, Муҳаммад Али сингари ёзувчи ва танқидчилар ёзган бадиалар ўқувчиларга яхши таниш. Озод Шарафиддиновнинг «Биринчи мўъжиза», «Дўстлик тароналари», «Адабиётнинг муқаддас бурчи» бадиалари 80-йилларгача ёзилган бўлса, «Қайта қуриш ва адабий жараён», «Ҳақиқатга садоқат», «Амалий ишга кўчсак», «Шеърият қитъаларнинг Колумби» асарлари саксонинчи йилларнинг иккинчи яримларида яратилди.

Истиклол йилларида Озод Шарафиддинов кўплаб бадиалар ёзди. Мунаққиднинг «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» («Тафаккур» журнали, 1997 йил, 1-сон), «Йўлбошчи» («Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил, 30 январь), «Тилда ҳикмат кўп» («Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил, 6 ноябрь) сингари бадиалари халқ тилига тушди, диллардан мустаҳкам ўрин эгаллади. Мазкур бадиаларнинг ҳар

бири алоҳида-алоҳида талқин, таҳлилга лойиқ. Айниқ-са, инсоннинг руҳ-руҳидан келиб чиқадиган, фақат виждон, иймон туфайли қабул қилинадиган, ақлнинг минг турли хулосаларига зид боришга мажбур бўлинадиган эътиқодни ўзгартириш ҳақидаги азму қарор осонликча кечмагани аён. Инсон олтмишдан ошганида, характери шаклланиб, ҳаётдан оладиганини олиб, берадиганларидан ҳам қутилаётганида эътиқодини ўзгартириш улкан жасоратдир — ўзини ўзи енга олганликнинг намунасидир. Озод Шарафиддинов эътиқодини ўзгартирар экан, узоқ изланди, ўйланди, ҳаётга синчков назар солди, ён-веридагиларни, яқин-йироқларини кузатди. Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар заминида инсонийлик, эзгулик борлигига, маънавият-маърифатга, инсофга йўл очилаётганига ишонди. Озод Шарафиддинов эътиқодни ўзгартириш ҳақидаги руҳий-маънавий қароридан бир йил вақт ўтгач, «Йўлбошчи» бадиасини ёзди. Бир йил давомида Озод Шарафиддинов не-не синов-синоатларга дучор бўлмайди дейсиз? Устоз бу муддат ичида кўп ўқиди, узоқ-яқиндаги ҳар хил одамлар билан мулоқотда бўлди, вужуд хасталикларига тоб берди. Озод домла шу бир йил ичида учта одамдан кўрган меҳр-оқибатини, самимиятини хотирдан чиқармайди. Кунлардан бир кун уни қуриялик инсон билан таништирдилар. Бу инсон ўзгани чуқур англаб етадиган зот экан. У Озод акани бир неча бор тавоф қилади: ўз қорхонасида сунъий оёқ ясаб берди. Озод акага меҳр қўйган, қаттиқ боғланиб қолган одамлардан яна бири туркиялик маърифатпарвар, Ўзбекистондаги турк лицейларининг бошлиқларидан бири Хусайн Барган эди. Хусайн, ёш бўлишига қарамай, ўта вазмин, сипо, муомала маданиятини тўла эгаллаган одам. У Озод акани бир-икки бор кўрди, суҳбатлашди-ю, устозга ўзини яқин олди қўйди. Ҳозир Хусайн Барган устоз ҳақида мақолами, таассуротми ёзаяпти. Озод аканинг қалбида ўчмас из қолдирган хотиралардан яна бири Ислом Каримов — Ўзбекистон Президенти билан боғлиқ. Озод Шарафиддинов, кўпчиликка маълумки, узоқ йиллардан бери қанд касали туфайли бот-бот даволанади, гоҳ у, гоҳ бу касалхонада ётади. 1997 йилда хасталик Озод акани кўп безовта қилди. Республикадаги эътиборли, билагон шифокорларнинг аралашуви билан дард чекинди. Лекин бу гал у устозни чап оёқдан маҳрум этди. Домла янги Тошкент Тиббиёт институтининг жарроҳлик бўлимида дард билан курашиб ётгани-

да Президентнинг эзгу истаklarини, руҳга шифо бўладиган гап-сўзларини хос кишилар Озод акага етказдилар. Бемор Озод ака Шарафиддинов ҳолатини тасаввур қилиб кўринг: дард ҳужумни кучайтириб турганда Президент бошлиқ яхши кишилар Озод акага меҳр бердилар, садоқатларини, эҳтиромларини изҳор этдилар. Озод Шарафиддинов шўро даврида ҳам Ўзбекистон раҳбарлари билан учрашган эди. Синчков, инсонни чуқур англайдиган Озод муаллим Ислоҳ Каримов қалбини, ақлини, олиб бораётган сиёсати моҳиятини тушуниб етди. Бу инсонга тан берди. Мана шундай одам Озод акага қараб: «Бўш келманг, бардам бўлинг. Сиз ҳали жуда-жуда кераксиз», — деб турган экан, наҳотки бу гапларга кулоқ солмаса, Йўлбошчи ишончини оқлама-са?! Озод Шарафиддинов тез даво топа бошлади, касалхонани тарк этди.

«Йўлбошчи» бадиасида Озод Шарафиддинов инсон иродаси, маънавий-руҳий куч-қуввати ҳақида тўхталилади. Юртимизда, кишилар руҳиятида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида мулоҳаза юритади. Мазкур бадиада мақтов, ҳамд-у саномас, таҳлил, мушоҳада, мулоҳаза етакчи ўринни эгаллайди. «Ўзбекка донолик ярашади» бадиаси ҳам «Йўлбошчи» мақоласида айтилган фикр-мушоҳадаларга анча яқин. Ўзбек халқи ҳаминша ўйловли, фикр-мулоҳазали бўлган. У ўз ақли, топқирлиги билан чўлларни сувга сероб қилган, гулистонга айлантирган. Ўзбекнинг тарбиясини олган қанчадан-қанча кишилар оламга машҳур бўлганлар. Ўзбек нимага эришган бўлса, ақл-заковати, ҳалол меҳнати туфайли эришган. Меҳнат қилиб топилган нон, бойлик ҳеч қачон хор қилинмайди, елга соғурилмади. Гоҳо-гоҳо кўриниб қолаётган нонкўрлик, исроф, дабдабозлик ўзбекнинг асл табиатига ёт. Ўзбекнинг ажойиб анъаналари, тўйбайрамлари, кўнгил очар удумлари сероб. Лекин ҳеч қачон халқ инсофни, савобни унутмаган, меҳнат билан топилган қут-баракани енгил-елпи ҳай-ҳавасларга соғуормаган. Ўзбекнинг донолиги ҳақида турли замонларда доно фарзандлар гапирган, ёзган эдилар.

XX аср пировардида ўзбекнинг доно фарзандларидан яна бири — Озод Шарафиддинов ўз халқининг асл моҳияти ҳақида ҳаққоний гапларни холисона, баралла айтди.

ФИКРЛАШ БАХТИ, МУШОҲАДАКОРЛИК МАШАҚҚАТИ

Ўйчи ўйини ўйлагунча, таваккалчи ишини битиради, деган нақл бор. Ҳаётда ўйлайдиган, етти ўлчаб бир кесадиган, ақл-хуш билан иш юритадиган кишилар бўлганидай, таваккалчиликка таянадиган, девонанинг ишини худо ўнглайди, деган нақлга амал қилувчилар ҳам сероб. Кимдир ақллилик, фикрчанликни худонинг инояти деб билса, рус ёзувчиси ўз драмасини «Ақллилик балоси» дея номлаганлиги ҳам маълум. Ўйламай сўйлаган, оғримай ўлади деган хулосага келган донишманд ақллилик бало бўлишига ишонмайди. Улуғ Навоий «Муножот» асарида ёзади:

Илоҳи, жоҳил суҳбатига побанд этма ва арозил ҳамматиға ҳожатманд этма.

Сиркаси сув кўтармайдиган Қаландаров думбулгина хотини Хуринисони жеркиб ташлаганида нималар деганини эслайсизми? «Афлотуннинг қизи бўлсангиз ҳам гапни тонналаб олингу, граммлаб сотинг. Гапингиз гапга ўхшамайди, оғзингиз гапдан бўшамайди...»

Фикрлайдиган одам фақат тили биланмас, кўзи, юз ифодаси, туриш-турмуши, ҳолати, ҳатто сезилар-сезилмас имо-ишораси билан ҳам сўзлайди, рўй бераётган воқеа-ҳодисага, кимсага муносабат билдиради.

Озод Шарафиддинов фикрлайдиган, мушоҳадаси кенг шахс. У гапиришдан кўра кўпроқ тинглайди. Эшитётганлари ёқса, гапни гапга улайди. Акс ҳолда, гапни қисқа қилади кўяди.

Фикрлайдиган Озод ака ҳақида ўйлайман. Етмиш йиллик умри давомида ўйлай-ўйлай нима бўлди? Озод ака бепарво, таваккалчи, худбингина бўлганида нимага эришарди? Ҳозир бу одам ким: нимага эга бўлдию, нималарни бой берди? Озод Шарафиддинов олим-профессор бўлди, фан арбоби даражасига кўтарилди. Давлат мукофоти билан тақдирланди. Шу йўсинда фикрла-сам, бировнинг енгидан кириб, елкасидан чиқиб, ўта пачоқ мавзуда диссертация ҳимоя қилиб, доктору профессорлик, ҳатто фан арбоби даражасига кўтарилиб ўзини хон-у, кўланкасини азиз деб юрган одамни биланман. Бундайлар якка-яримта эмас... Озод ака фикрлаши туфайли элда эътибор топди, халқининг донишманд фарзандларидан бири бўлиб танилди. Лекин бу даражага эришиши учун не-не машаққатларга тоб бермади, урилиш-сурилишларга дучор бўлмади, чақув, гийбат,

тухматларга учрамади дейсиз? Чубаланг кўзининг, кундузнинг териси — душмани. Лекин фикр, тафаккур инсоннинг душмани бўлиши мумкинми? Ҳа, ҳеч қачон, ҳеч бир замонда фикрловчи, сертафаккур одамга осон бўлмаган. Бир чимдим намак бир қозон овқатга таъм берганидай, оддийгина яшаб, бола-чақа қилиб ўтиб кетаверадиган, қора меҳнатдан бошқани билмайдиган одамлар орасида ҳам фикрловчи зотлар, омма учун ёруғ нур вазифасини ўтаган сиймолар бўлади. Лекин Шўро давлати ўз моҳиятига кўра фикрлайдиган одамларни чиқиштирамайдиган тузум барпо этди. Шўро лак-лак одамларни ижрочилар, давлатни ҳаракатга келтирувчи афсонавий машинанинг майда-чуйда мурватлари, ўрмон кесилганида ён-атрофга учиб, сочилиб кетадиган шох-шаббалар, хуллас, кўпчиликнинг шунчаки қисми деб билди. Шўро давлати доҳилар-у дастёрлар ҳамда бўйсинувчи ижрочилардан иборат эди. Фақат Шўро давлати қўлга, оёққагинамас фикрга, руҳга кишан солди. Чўлпон монанд аҳли донишлар Шўро давлатининг моҳиятини тез англадилар, инсон яратилишиданоқ ҳур, озод бўлганлигини куйладилар. Шўро тузуми фикрлашдан тийинмаганларни аёвсиз қирди, қамоқхона, жиннихоналарга тикди. Коммунистик мафкура хоҳиш-иродаси бадий адабиёт жаҳҳасига соцреализм кўринишида кириб келди: ёзувчилар янги метод қоидаларни ёдлашга, белги-ланган тартиб-интизом бўйича асар яратишга мажбур бўлдилар.

Озод Шарафиддинов туғилганида янги ижодий метод шакл-шамойили кимларнидир онгида етилаётганди. Бўлажак олим ёзиш-чизишни ўрганаётганида соцреализм куч-қувватга тўлаётганди. Озод ака университетда таҳсил кўраётганида, аспирантурада ўқиётганида, диссертация ҳимоя қилганида, соцреализм баққувват, мустаҳкам эди. 1957 йиллардан соцреализм илдизига сув кета бошлади. Синчков ёшлар, ақлли тадқиқотчилар соцреализмнинг астар-аврасини афдара бошладилар. «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» бадиясида Озод Шарафиддинов худди шу масала хусусида ўз қарашларини ифода қилади.

Озод Шарафиддинов эътиқодига дарз кетган дамларни унинг ҳаёт йўлидаги биринчи босқич (1929—1957) дегим келади. Бу босқичнинг машаққатлари кўп бўлди. Аммо Озод Шарафиддинов ҳаётга энди келаётган, умр баҳори бошланаётган эди. Ўқиш, ўрганиш, танишувлар, дўстлар орттириш, севги, оилавий бахт,

оталик меҳрини ҳис қилиш, чоп этилган илк мақола, аспирант бўлиш завқи, шогирдлик масъулияти, олимлик шарафи, меҳнат фаолиятининг бошланиши, домлаликнинг бетакрор олами... Бу босқичдаги машаққатлар яшаш, билиш, ҳис қилиш завқи олдида ҳеч гап эмас эди.

Озод Шарафиддинов умрининг иккинчи босқичи — эллик ёшгача бўлган муддатни масъулиятни ҳис қилиш, фикрлаш туфайли кашф этилган ҳақиқатлар учун курашиш, ютуқларга эришиш, кутилмаган зарбаларга тоб бериш йиллари дейиш мумкин. Озод устознинг қатъий бир хулосаси бор: инсоният ҳаёт, одамлар ҳақидаги барча ҳақиқатларни аллақачон англаб етган. Ҳаёт, инсонлар ҳақидаги жамики ҳақиқатлар диний, илмий, бадий асарларда ёзилган. Аммо ҳар бир инсон мангу ҳақиқатларни ўзича кашф этади. Шундагина у китобларда ёзилган фикрларни ўзиники сингари ардоқлай бошлайди. Дейлик, кимлардир икки карра икки тўрт эмас, беш эканлигини аллақачон исботлаган. Одам юриб-юриб, кўриб-кўриб, иссиқ-совуқни бошдан ўтказиб-ўтказиб бирдан кўзи мошдай очилади, икки карра икки тўрт эмаслигига ишонади. Нафақат ишонади, энди унинг ўзи шу ҳақиқатни тарғиб қила бошлайди.

Озод Шарафиддинов умрининг биринчи босқичида коммунистик партия, шўро ҳукуматининг халқ душманларига қарши курашиш сиёсатига қўшилиб келди. Ҳукумат хато қилмайди деган тушунча унинг онгига сингдирилган эди. «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» бадиясида олим ёзади: «Буни қарангки, бу галги халқ душманларининг ҳаммаси ўзимиз яхши билган, яқиндан мулоқотда бўлган, элу юрт олдида катта ҳурматларга сазовор Шайхзода, Саид Аҳмад, Шухрат, Шукрулло, Мирзакалон Исмоилий, Ҳамид Сулаймон каби одамлар эди. Одам олмаси ичида деганлари шу экан-да! Бўлмаса, Ҳамид Сулаймон бизга Фарб адабиётидан бир йил дарс берган эди. Ҳали роса гўр эканмиз — бир йил шу одамнинг маърузаларини эшитибмиз-у, бир марта ҳам душманлигини пайқамабмиз-а! Асл қиёфасини зўр маҳорат билан яшириб юрар эканлар-да! Шунча таниш-билишлар қамалган бўлса-да, биз бир дақиқа ҳам уларнинг айбдорлигига шубҳа қилганимиз йўқ, чунки онгимизга, «шонли чекистларимиз сира хато қилмади!» деган гап сингдирилган эди. Шунинг учун бирор киши қайсарлик қилиб, бирон қамалган одамнинг гуноҳқорлигига шубҳа билдирса, гашимиз келарди».

Озод Шарафиддинов уруш йилларида Абдулла Қодирий, Чўлпон романларини ўқиган эди. Лекин қалбида ҳали Чўлпонпарастлик туйғуси уйғонмаган эди. Бу туйғу бирдан пайдо бўлди. «Кўзни каттароқ очиб қарасам, қаршимда шундай ҳақиқатлар намоён бўла бошладики, улар олдида ақлим шошилиб қолди. Кўзни каттароқ очиб қарасам... партиянинг ҳаёти инсоний мантиқдан ҳоли, ҳақиқат ва адолатдан йироқ, кўпинча ёлғон асосга қурилган ҳаёт эди. Нафақат партия ҳаёти, партия раҳбарлигида барпо этилган жамият ҳаётида ҳам соғлом ақлга зид, ҳар қандай мантиқдан тамоман узоқ ишлар кўп эди. Уларнинг тагига етаман деб ҳарчанд уринманг, уринишларингиз бекор кетади,» — деб ёзади «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» мақоласида Озод Шарафиддинов. Энди у Чўлпонни — Чўлпон асарларини ўзи кашф этган ҳақиқат асосида ўқий бошлади.

Одам танлаш, дўстлашишда ҳам ғалати ҳолатлар бўлар экан. Айниқса, танишаётган одамнинг ижодкор, адиб бўлса, вазият янада мураккаблашар экан. Ахир, баджаҳл, ўзига бино қўйган одам истеъдодли ижодкор бўлиши мумкин-ку? Фикрловчи одамлар ҳам гоҳида хато қилиб қўйишгача бориб қоладилар.

— Бутуниттифоқ Ёзувчиларининг иккинчи съезди бошланишига бир-икки кун қолган. Иш кўп. Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилувчиларнинг қўли қўлига тегмайди, бош қашишга ҳам вақт йўқ, — дея ҳикоя қилади Озод ака. — Пиримқул Қодиров Ўзбекистон ёзувчиларининг Москвадаги вакили, ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи. Пиримқул машҳур ўзбек ёзувчиларидан бирини аэропортда кутиб олишни, меҳмонхонага жойлаштиришни мендан илтимос қилиб қолди. Бажонидил рози бўлдим. Тошкентдан учган самолёт ярим кечадан ошганда Москва аэропортига қўнди. Амал-тақал қилиб самолёт қўнган жойгача бордим, машҳур ёзувчимизни кўриб қувониб кетдим, салом бердим.

— Сиздан бошқа одам қуриб қолибмиди кутиб олишга, — деди машҳур ёзувчи. Ер ёрилмадию, ерга кириб кетмадим. Тишни тишга босдим. Меҳмонхонада яна машамаша бошланди: машҳур ёзувчимизга хос хона ажратилмаган экан. Меҳмонхона ходимлари эшитадиганлари эшитишди. Ҳамманинг таъби тирриқ бўлди.

— Кўтаринг жомадонларни, — менга буйруқ берди машҳур ёзувчи. Шу буйруқсиз ҳам мен уни хос хонагача кузатардим. Табиийки, юкларни у кишига кўтартириб қўймасдим. Ўшанда машҳур ёзувчимиздан қўлимни ювиб

қўлтигимга урганман, — дея гапини якунлади Озод ака. Бундай ўйлаб қарасам, Озод Шарафиддинов «машҳур ёзувчи» ҳақида пичоққа илинадиган на тақриз, на мақола ёзмаган экан.

Аксинча, Озод Шарафиддинов бошқа машҳур ёзувчимиз, Абдулла Қаҳҳор ҳақида кўп ва ҳўб ёзган экан. Озод домла Абдулла Қаҳҳор билан илк учрашувлари, илк таассуротлари ҳақида ҳам сўзлаб берганлар:

— Абдулла Қаҳҳор билан танишувимга ҳам Пиримқул Қодиров сабаб бўлган. Аспирантурани тугатиб, уйга жўнашимдан олдин Пиримқул илтимос қилиб қолди:

— Абдулла ака битта велосипед юборишимни таъинлаганлар. Шу омонатни олиб кетсангиз.

Мен рози бўлдим. Ҳар эҳтимолга қарши Абдулла Қаҳҳорнинг турар жойларини аниқ билиб олдим. Тошкент вокзалига келдим. Уйдагилар, қариндош-уруғлар кутишга чиқишган экан. Ҳамма билан кўришиб, ҳолаҳвол сўрашиб бўлгач, кетишга чоғландик. Бундай қарасам, нарироқда фариштадай бўлиб, кулимсираб Абдулла ака турибдилар, ёнларида Кибриё опа...

— Велосипедни ўзим олиб бориб берардим... иссиқ кунда овора бўлибсизлар, — дедим.

— Йўқ, йўқ. Сизга раҳмат. Шундан шўёққа бизнинг омонатимизни олиб келибсиз...

Эр-хотин раҳмат айтиша-айтиша велосипедни олиб кетишди. Кўнглимда Абдулла акадан ёруқ бир нур қолди. Москвада кутиб олганим машҳур ёзувчини эсладим-у:

— Мана, бўлар экан-у, — деб қўйдим.

... Орадан бир йилми, бир ярим йилми ўтди...

Аниқ биламан, ҳали Абдулла Қаҳҳорнинг эллик йиллиги ўтмаган эди. Ёзувчилар уюшмасидан менга муҳимроқ топшириқ беришди. Топшириқни бажаришда Абдулла акадан йўл-йўриқ сўраб туришим керак эди. Дўрмонга бордим. Биласиз, Абдулла ака ҳам ўша ерда яшайдилар. Бир куни барвақтгина Абдулла акага учрашдим. Ўзим билмайман, чунонам берилиб суҳбатлашибмизки, кун қорая бошлабди.

Эртасига ҳам, индинига ҳам шундай бўлди. Суҳбатимиз ҳеч тугамайди... Шундай қилиб, Абдулла ака билан бот-бот учрашадиган, суҳбатлашадиган бўлдик. Уйларига бемалол борадиган бўлдим. Бир куни нима ҳам бўлди-ю:

— Мен ҳам Сизни уйга таклиф қилай дейман-ку, буёғи қандай бўларкин, — дедим.

— Аввал Сиз таклиф қилинг-чи. Кейин бир гап бўлар, — дедилар Абдулла ака хушнудлик билан.

Шундай қилиб, Абдулла ака билан яқин бўлиб кетдик. Бошимга иш тушганда ёнимда туриб бердилар...

Озод Шарафиддинов «Тобутдан товуш» пьесасига жўшқин такриз ёзди, «Синчалак» ҳақида биринчилардан бўлиб мақола эълон қилди. Озод ака таклифи билан Абдулла Қаҳҳор ТошДУ филология факультети талабалари билан учрашди. Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртактар» қиссасини биринчилардан бўлиб Озод Шарафиддинов ўқиди. Озод Шарафиддинов ўз ижодининг чўққи асарларидан бири — «Истеъдод жилолари» адабий портретини яратди. Табиийки, Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳорнинг 60 йиллик тўйида бош-қошлардан бири бўлди.

Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳор билан 10—12 йил давомида яқин алоқада бўлди. Шу даврда у адабиёт, ҳаёт, одамлар ҳақида қанчадан-қанча янгиликларни билиб олди, ижод сирларини ич-ичидан ўрганиш имкониятига эга бўлди. Абдулла Қаҳҳор фикрловчи шахслиги, мутафаккирлиги билан Озод Шарафиддиновни ром этди. Устоз ва шогирд қанчадан-қанча муаммолар ҳақида бош қотиришди, баҳслашишди. Бундай жонли баҳслар ёзувчига ҳам, ёш мунаққидга ҳам наф келтирди. Аммо Озод Шарафиддиновнинг А. Қаҳҳор билан ҳамфикр, ҳамкор бўлиши кимларгадир ёқмас эди...

Озод Шарафиддинов 60-йиллардан бошлаб Чўлпонга қаттиқ боғланиб қолди: дўстлари доирасида Чўлпон шеърларини жўшиб ўқир, «Кеча ва кундуз»даги нозик ўринларни сўзлар эди. Бора-бора Озод домла талабалар, малака ошириш учун келган олий ўқув юртлари ўқитувчилари аудиториясида ҳам Чўлпон ҳақида гапирадиган бўлди. Бугина эмас, Озод Шарафиддинов ҳар хил йўллар билан Чўлпон асарларини халққа етказишга интилди. Абдулла Қаҳҳор билан ҳамфикрлик, Чўлпон ижодининг турли алфозда тарғиб қилиш Озод Шарафиддинов ҳақида «юқори идора»да бошқача фикр тугдирди.

Озод ака ёш, бакувват, серсурур эмасми, университетда жўшиб маъруза ўқир, талабаю аспирантларга устозлик қилар, ёзувчилар уюшмаси тadbирларида фаол қатнашар, муҳими, тинимсиз ижод билан шуғулланди. Унинг тишли-тирноқли, мағизи тўқ мақолалари нафақат ўз юртида, балки марказ — Москвада ҳам эътибор қозона бошлади. Табиийки, бу пайтда О. Шарафидди-

новнинг ҳам адиблар, ҳам олимлар орасида дўст-ҳамфикрлари бўлганидай, рақиблари ҳам талайгина эди. Одам рақиб, ҳатто битта бўлса-да, эҳтиёткор бўлиши лозим. Озод Шарафиддиновни университетда Саъдихон Сирожиддинов, Фулом Каримов, Шоислом Шомуҳамедов сингари олимлар қўллаб-қувватладилар. Ёзувчилар уюшмасида ҳам Озод Шарафиддиновга ҳамфикр ёзувчилар, айниқса, ёшлар талайгина эди.

70-йиллар ҳам Озод Шарафиддинов ҳаётининг олтин дамлари бўлди. Унумли ижод қилди: қанчадан-қанча адабий-танқидий, таржима китобларини чоп эттирди. Москва, Қозон, Боку, Олмаота, Тошкент шаҳарларида ўтказилган илмий, адабий анжуманларда иштирок этди.

Шу ўн йилликда Озод ака қиз узатди, келин туширди, бува бўлди. Иккала ўғли, қизи университетни тамомлаб, шарқшунос, ҳуқуқшунос, филолог сифатида иш бошлашди. Адабий жамоатчилик, ТошДУ жамоаси Озод Шарафиддиновнинг 50 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўра бошлади: Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Андижон олий ўқув юртлирида Озод Шарафиддинов билан учрашувлар ўтказилди.

Озод Шарафиддинов табиатан саёҳат қилишни, юртлири кезишни, эллири кўришни ёқтиради. 60-йилларнинг охири, 70-йилларда биронта таътил — ёз ойлари бўлмаганки, О. Шарафиддинов қандайдир сафар, саёҳат режасини тузмаган, уни амалга оширмаган бўлсин. Фулом Каримов, Субутой Долимов, Аъло Ашрапов, Умарали Норматовлар Арслонбоб, Саричелак саёҳатини эслаб юрадилар. Озод ака бошлиқ ёш домлалар, ёзувчилар Зомин, Бахмал, Ўснат қишлоқларига, Оҳангарон тоғларидаги Арашон чашмасига, Искандар ва Тумор кўлларига қилган сафарларини унутмайдилар. Оҳангароннинг Чет сув қишлоғида униб-ўсган, ўқитувчилик қилган, ҳозир 70 дан ошиб кетган бўлса-да Қурама қишлоғида оқсоқоллик қилаётган Абдуманноп Мингбоев тошкентлик олти-етти зиёлини отда ўн-ўн беш кун мобайнида Оҳангарон водийси: сойлари, қирлари, адирлари, чашмалари, кўл-у дарёлари бўйлаб саёҳат қилдирган эди. Ургут сафари, тоғли Филон қишлоғида ўтказилган завқли-сафоли кунлар на Озод ака, на Ўткир Ҳошимов, на Бегали Қосимов, на ушбу сатрлар муаллифи хотирасидан ўчмайди.

Озод Шарафиддинов ташаббуси билан уюштирилган икки сафар-саёҳат ҳақида ёзишни лозим деб била-

ман. Шўро даврида кўп ҳудудлар, шаҳарлар «берк» ҳисобланарди.

У ерларга махсус идораларнинг рухсати билан киритиларди. Рухсатнома олиш амри маҳол эди. Озод ака елиб-югуриб Тоғли Бадахшон ўлкасига, Хоруқ (Хорог) шаҳрига рухсатнома олдилар. Саратоннинг сариқ кунларининг бирида Ўшдан Хоруққа катта юк машиналари кабиналарида тўрт сайёҳ йўлга чиқдик. Йўл азоби, қийинчиликлар ҳақида Ўткир Ҳошимов насрий саёҳатнома ёзган, «Тошкнет оқшоми» газетасининг ўнга яқин сониди куз ойларида эълон қилинган эди. Ўткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романига ҳам Ўш — Хоруқ сафари бадийлаштирилган ҳолда, асар қаҳрамони тақдирига алоқадор тарзда киритилган. Ғунт дарёси устига қурилган меҳмонхонада ўтказган кунларимиз, Ишқашим, Бартанг, Мурғоб бўйлаб қилган сафарларимиз, юзлаб тоғли-бадахшонли эркаг-у аёл, йигит-қизлар билан қурган суҳбатларимиз, жаҳон томидаги афсонавий боғда кечирган дамларимиз, Панж дарёси ёқалаб эллик километрларга яқин йўлни машинада кезганимиз, ниҳоят, шўро чегарачилари ҳузурида бўлиб, 18, 40 метрли мезаналардан Афғон ерларини тамоша қилганларимиз, нарзан чашмаларида чўмилиб, Пири Шоносир чашмасидан кумуш пиёлада сув ичганимиз ширин тушдай ҳамон ёдимизда.

Шўро даврида ҳамманинг нигоҳи Масков-у Ленинградга қараган, аксарият йўллар Ғарбга тушган эди. Камдан-кам одам Сибир ўлкасига, Эркут, Хабаров, Владивосток шаҳарларига сафар қилишга чоғланарди. Озод ака яна елиб-югуриб Приморье ўлкаси — Владивосток, Находка, Партизан шаҳарларига рухсат олдилар. Ўн кун поездда юриб Владивостокка бордик. Йўл-йўлакай Эркут шаҳарини тамоша қилдик. Бойкўлни пароходда кездик, сувнинг совуқлигига қарамай озроқ чўмидик.

Приморье ўлкасида ўтказилган кунлар: Япон денгизида чўмилиш, Находка шаҳридан туриб Японияни тамоша қилиш, Партизанлар шаҳри обидаларини кўриш, ниҳоят, Тайгадаги сайёҳлар оромгоҳи — «Олтин калитча» қўналғасидаги ўйин-кулгу, таниш-билишлар орттириш нақадар завқли кечган эди.

Ёшлик, соғлиқ — инсоннинг бебаҳо бойлиги. Озод Шарафиддинов ёш, соғлом экан, ишлашдан чарчамасди, кент-у қишлоқлар, тоғу тошлар, қўрилмаган юртларни кезиш, нотаниш одамлар билан танишишдан зерикмасди. Лекин унинг фикрлаш қобилияти, кўп нар-

ни тадқиқ қилади. Олимнинг таъкидлашича, бадий асардаги ҳар бир характер ўз мантиқига кўра ҳаракат қилади. Ёзувчи колхоз раисими, фирқа ташкилоти котибими — кимнинг характерини яратса, юзакиликка, сохталикка йўл қўйишга ҳаққи йўқ. Ёзувчи хатоларини ҳақиқий бадий характер мантиқи фош қилиб қўяди. Мунаққид насримиздаги қусурларга ўт очган экан, тил масаласини ҳам четда қолдирмайди. «Бадий тил муаммолари» («Шарқ юлдузи», 1985, 1-сон), «Адабиёт тилидан бошланади» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1986, 5 сентябрь), «Бир тилда гаплашайлик» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1987 йил, 9 январь) сингари мақолаларда, гарчи бадий асарнинг тили масаласи қўйилса-да, бадийликнинг барча томонлари қамраб олинади. 60-йилларнинг бошларида мунаққид ўзбек шеърини асарларини бадийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилган бўлса, 80-йилларда шу юмушни наср асарлари мисолида давом эттиради. Озод Шарафиддинов А. Орипов, Э. Воҳидов, Ў. Ҳошимов, Н. Аминов, А. Иброҳимовнинг бу йилларда пайдо бўлган асарларини кўнгли тўлиб талқин қилган бўлса, Иброҳим Раҳим, Сафо Очил асарларидаги бадий ожизликларни тўлиб-тошиб, далиллаб фош этади. Олимнинг бадий адабиётнинг сифатини кўтариш йўлидаги хатти-ҳаракатлари қўллаб-қувватланарди. Аксинча, 80-йилларнинг ўрталарида ўзбекнинг бошига тушган ғам-ташвишлар Озод Шарафиддиновни ҳам четлаб ўтмади. Марказдан Ўзбекистондаги ҳаётни «изга солиш» учун келган «бошлиқлар» қилдан қийиқ ахтара бошладилар. Улар Ўзбекистонга келмасларидан олдиноқ ниятлари бузуқ эди: ўзбекнинг танобини тортиб қўйишни мақсад қилиб олган эдилар. Озод Шарафиддинов ҳалол ишлади, адабиётга виждонан хизмат қилди, улуғ оғалар мушигини «пишт» демади. Аммо Москва элчилари — «тартиб-интизом ўрнатувчилар» Озод Шарафиддиновга ҳам зулм ўтказа бошладилар. Озод ака юрагига қаттиқ олган ранжишлардан бири ҳақида «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» бадиасида қўйидагиларни ёзади: «...80-йилларнинг бошларида чорбоғ тарқатиш расм бўлди. Бир гуруҳ ёзувчилар ҳам бу насибадан қуруқ қолмади. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Ростини айтсам, менга бир шапалоқ ер текканига жуда суюндим — одам ёши ўтиб борган сари ерга яқинроқ бўлишни хоҳлаб қоларкан. Тўғри, жиндай узоклиги бор — Тошкентдан ўттиз беш чақирим келади. Нима қипти, йигирма йилдан бери

сани чуқур англаб, кенг тушуниши, «нега бундай эмас?», «нега шундай бўлиши керак?» тарзидаги саволлари расмий идорадагилар гашини келтирарди. У доимо фикрчанлиги туфайли куткиланди, четга суриб қўйилаверди. 1974 йилда олимнинг «Яловбардорлар» очерклар китоби чоп этилди, 1977 йилда Озод Шарафиддинов ташаббуси билан ТошДУда Абдулла Қаҳҳорнинг етмиш йиллиги нишонланди. Устига устак, Озод Шарафиддинов Чўлпон шоирни кенгроқ тарғиб қилишдан сира толмади. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати акс-садо берар, бебошбоқ О. Шарафиддиновни жиловлаб олиш йўллари ахтарилар эди. 70-йилларнинг иккинчи ярмида Озод ака бир қанча муддат телевидениега яқинлаштирилмади, айрим газета-журнал тахририяти аъзолigidан чиқарилди. Бундай пайтларда олим ғайрат билан ишлар, мақола, китоблар ёзар, таржимонлик қиларди.

Сўнгги йигирма йил Озод Шарафиддинов ҳаётининг учинчи босқичидир. 80-йилларни Шўро давлатидаги ижтимоий-сиёсий zilзилалар палласи дейиш мумкин. Коммунистик партия Марказий Комитетидаги емирилишлар: учта Бош Котибнинг вафот этиши, мункиллаб қолган раҳбарларнинг четга чиқиб қолиши миллий республикалар ҳаётида акс-садо берди. Дастлабки 5—6 йилда жиловни бураш, емирилаёзган тартиб-интизомни қаттиққўллик билан ўрнига келтиришга беҳуда ҳаракат қилинди. Партия Марказий комитети жиловни қаттиқ бураш сиёсатини бошлаши билан бадий адабиёт соҳасида ҳам вулгар социологизм — зўр асарларни турли баҳонаи сабаблар билан ёмон отлиқ қилиш сезилди. Айрим ёзувчилар партия раҳбари — туман партия ташкилотининг биринчи котиби тимсолини бўяб-бежаб кўрсатишга, бир ёқлама тасвирлашга интидилар. Ў. Умарбековнинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори», И. Раҳимнинг «Оқибат» асарларида, Ўқтам Усмоновнинг «Гирдоб» романида партиянинг олийҳиммат, иши ўнгидан келаверадиган раҳбари характери яратилди, ҳаётни акс эттиришда юзакилик, сохталик ортиб бораверди. Адабиётда сирти ялтироқ, ичи қалтироқ асарлар кўпая бошлади. Шундай бир вазиятда Озод Шарафиддиновнинг «Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси» номли тақриз-мақоласи босилди. Худди шу пайтда олимнинг «Характер — бадийлик мезони» («Шарқ юлдузи» журнали, 1984, 3-сон) мақоласи босилди. У Эмин Усмонов асарларида характер яратиш масаласи-

бориб, болохонани кўпориб ташладик. Лекин томни ёполмадик. Кейин ёгингарчилик бошланди. Аксига олиб, ўша йили баҳор жуда серёгин бўлди. Ёзгача иморатнинг бари шўралаб, шувоқлари кўчиб тушди, деворлари ҳам уқаланиб яроқсиз ҳолга келди. Уч ой олдин бежиригимна турган иморат бомба тушган вайронага айланди-қолди.

Ўша пайтдаги изтиробларимни эсласам, ҳозир ҳам куйиб-ўртаниб кетаман. Чорбоғ деган нарсадан буткул кўнглим совиди. Ҳар гал ўша вайронани кўрганда чаласига ўзим ўт қўйиб юборгим келади. Лекин бундан ҳам ёмонроқ алам қилгани бошқа нарса бўлди. Қандай гуноҳим бор эдики, мени шунчалар бадном қилдилар? Ўғрилиқ қилган бўлмасам, бировнинг ҳақини емаган бўлсам, чорбоғни қуриб даромад манбаига айлантирган бўлмасам? Ахир, менинг ёшимдаги донороқ дўстларим сира жонларини койитмай, ҳатто ойлик ижара ҳаққини тўламай, ҳукумат қуриб берган ҳашаматли чорбоғларда яшаяпти-ку! Мен бўлсам, ҳукуматни чиқимдор қилмай деб ҳаммасини ўз меҳнатим билан қуриб юрибман. Ва раҳмат эшитиш ўрнига яна фельетон бўлиб ўтирсам! Мени эл-юрт олдида бадном қилсалар!»

Шўро ҳудудидаги миллий республикаларда «халқ душмани», «зарарли асар» сингари Сталин даврида удум бўлган қарашлар йўқолиб бўлаёзганди. Аммо 80-йилларнинг охирларигача ўзбек адабиёти ва матбуотида Чўлпон, Фитрат, Элбек асарлари ҳануз тилга олинган эмас эди. Бундай сусткашлиқ — ўта эҳтиёткорлик Озод Шарафидиновга ёқмас эди. У ўз руҳияти, қалам аҳлига муносабатини «Чўлпонни англаш» китобида бундай ифодалайди: «...умумий ишоралар билан чекланадиган замон эмас эди — конкрет масалаларга конкрет жавоб керак эди. Шундай қилиб, мажлисда (1987 йил 7 февралда Ўзбекистон Марказқўмида ўтказилган йиғилиш назарда тутиляпти. — А. Р.) «Чўлпон ва Фитрат ижодига қандай қараш керак, ҳамон уларни советларнинг душмани деб қарашда давом этамизми ёки асарларига ҳолисона баҳо бериб, уларни адабиёт сафига қайтарамизми?» деган масала кўндаланг бўлди. Сўзга чиққанларнинг кўпчилиги уларнинг асарларини босиб чиқариш зарурлигини, ўзларини эса адабиёт сафига қайтариш кераклигини ишончли далиллар билан исбот қилишди. Фақат Юсуф Султонов, Ҳафиз Абдусаматов ва Комил Яшингина уларнинг асарларини босиб чиқариб бўлмаслигини, бундай қилсак, гоёвий душманларимиз тегирмонига сув қуйишимизни,

гижинглатиб миниб юрган машинам бор, ҳар қандай узоғимни яқин қилади.

Ер ташландиқ, заранг экан, тупроғи шўр. Бунисини ҳам эплаймиз. Жойимиз дўнгроқ экан — сув чиқиши қийин. Бу ҳам шаштимизни қайтара олмади. Аммо ишни бирор бошпана барпо этишдан бошламоқ керак эди. Бутун оила аъзоларимиз баҳамжихат ишга киришдик. Қурилиш материаллари топиш қийин эди, уларни топсангиз, машина топилмайди, машина топилса, сабил қолгур пул топилмай хуноб қилади. Ҳарқалай, ёру дўстлар, ошна-оғайнилар жонга ора кирдилар. Уша йили ёзи билан ҳар куни чорбоғда ҳашар бўлди ва бу ҳашарларда иштирок этмаган биронта ёш ижодкор ёхуд шогирд қолмади. Хуллас иморатни кўпчиликлашиб тиклаб олдик. Лекин унинг пардоздан чиқиб узил-кесил битишига ҳали уч-тўрт қовун пишиғи бор эди. Шапалоқдек ерни эпақага келтириш, бошпана бўладиган мўъжазгина бир кулбани битириб олиш бунақа қийин бўлишини билганимда, чорбоғ деганини сира ҳам ҳавас қилмаган бўлардим. Аммо на илож — бошлаган ишни охирига етказиш керак.

Шу аҳволда кунлар ўтиб турарди, кунлардан бирида газетада «Чорбоғчилар» деган фельетон чиқиб қолди. Қарасам, уч-тўрт киши қаторида менинг ҳам фамилиям бор. Фельетончиси тушмагур роса бошлабди, унинг гапига қараса, мендай расво, мендай бойликка ружу қўйган махлуқ йўқ, нафсим ҳакалак отиб икки қаватли шоҳона қаср қуриб олибман. Ё тавбангдан кетай, ёлғон ҳам эви билан-да... Аммо партия ташкилоти учун матбуотда чиққан материал жиддий сигнал ҳисобланарди. Асосий машмашалар фельетон чиққанидан кейин бошланди — партия мажлисида масалам кўрилди, кетмакет парткому райкомларга чақирилдим, изоҳномалар, тушунтириш хатлари ёздим. Ниҳоят, мендан уйнинг иккинчи қаватини бузиб ташлаш талаб қилинди. Яхшими, ёмонми ўз қўлинг билан барпо этган нарсани бузиш жуда оғир бўлар экан. «Тайёр битган иморатни нега бузмоқ керак, ундан кўра уни олинглар, болалар боғчаси қиласизлар», дедим. «Йўқ», дедилар. «Бўлмаса, болохона қурганим учун жарима тўлай, лоақал йўлимизни асфальт қилишга харжларсизлар», дедим. «Йўқ», дедилар. «Бузинг, бўлмаса, партиядан ўчирамиз?» Мен, албатта, партиядан ўчишни истамас эдим. «Майли, бузаман. Лоақал, ёзгача рухсат беринглар» дедим. «Йўқ!!» Баҳорнинг илиқ кунларидан бирида уч-тўрт киши бўлиб

сақланган манбалар эълон қилина бошланган, гоҳ А. Бек ва А. Рибаклов, гоҳ В. Пикуль ва В. Гроссман, гоҳ А. Солженицин ва Ю. Домбровский, гоҳ А. Платонов ва М. Горький асарлари шўро тузуми ҳақидаги бор ҳақиқатларни ҳаққоний акс эттириб берарди. Чет эл адабиёти шўро худудига кириб кела бошлади. Марказий газета-журналларда босилаётган бир-биридан жиддий, таҳлилий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-экологик, адабий-танқидий мақолаларни айтмайсизми? В. Короленко, Валентин Катаев, Вениамин Каверин, Максим Горький сингари ёзувчиларнинг бадиа, нома жанридаги янги руҳдаги асарлари-чи? Ўқиганинг сайин ўқигинг, билганинг сайин билгинг келади.

В. Ленин, И. Сталин, Я. Свердлов, Л. Троицкий, М. Фрунзе, Ф. Дзержинский, Қизил маршаллар ҳақида шундай мақола, асарлар босилдики, китобхон ўз кўзларига ишонмай қолаёзди. Озод Шарафиддинов сингари китоб шайдоси, мушоҳадакор шахслар учун мисли кўрилмаган ҳодисалар рўй бера бошлади. Шундай спектакллар кўйилиб, фильмлар яратила бошладик, тамошабинлар ёқа ушладилар, «наҳотки кўрганларим рост бўлса?» деган таажжуб, ҳайратдан қутила олмадилар. «Тавба тазарру» сингари фильмлар покланиш зарурати ҳақида инсонларга йўриқ кўрсатгандай бўлди. 1987 йилдан бошлаб О. Шарафиддинов эркинроқ нафас ола бошлади. Уни «Ёш куч» журнали таҳририятига киритдилар. Озод Шарафиддинов Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси ҳайъати аъзоси қилиб сайланди, янги куч ва қувват билан ишлай бошлади.

Мамлакатимиз тарихи — чор истилоси, хонликларнинг тугатилиши, халқнинг қиргин-барот қилиниши, босмачилик номини олган ҳаракат моҳияти, Қўқон мухториятининг тугатилиши, минглаб оилаларнинг узоқ-узоқ ўлкаларга сургун қилиниши ҳақида кўз кўриб, кулоқ эшитмаган манба-ю маълумотлар чоп этила бошланди. Минглаб ғаройиб, поймол қилинган тақдирлар тўғрисида оҳорли материаллар юзага чиқди. Озод Шарафиддинов бу йилларда мук тушиб ўқиди, ёзди, архивларда уззу кун ўтириш, жилд-жилд манбаларни синчиклаб ўқишдан сира зерикмади. Олим руҳида, онгида, муносабатларида муҳим ўзгаришлар рўй бера бошлаганини ҳис қилди. Ҳаёт ўзгара бошлаганини, одамлар юз-кўзида маъно-мазмун жилваланаётганини англай бошлади. Ўзбекистон мамлакатининг мустақил, суверен давлат деб эълон қилиниши, бу мўътабар, асрий, орзу

бу аксилпартиявий иш бўлишини айтдилар. Булар ичида, айниқса Комил Яшиннинг гаплари мени таажжубга солди. Чунки Комил Яшин билан бу масалада илгарилари ҳам бир-икки суҳбатлашган эдим»*.

80-йилларгача соғлиғидан зинҳор-шикоят қилмаган, ишлаб чарчамаган, парҳез нима эканлигини билмаган Озод ака 50 ёшдан сал-пал ўтгач, бот-бот касал бўладиган бўлди. Шифокорлар Озод ака ўпкасида аллақандай доғ борлигини айтишди: узоқ муддат шифохонада даволанди. (Дарвоқе, мен «Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси» мақоласи босилган газетани касалхонага олиб борганимни ёзган эдим). Алал-оқибат Озод ака касалига жарроҳлар аралашинди. Устознинг кўкрак қафасини жарроҳлик илмий-текшириш институтида даволашди. Тиғ теккач, инсон вужуди нозик бўлиб қолади. Озод ака 86—87 йилларда яна касал бўлди. Бу сафар ўзини жуда олдириб қўйди. Абдулла Қаҳҳорнинг 80-йиллик юбилеи Университетнинг маданият саройида ўтказилди. Озод Шарафиддинов йиғилиш ҳайъати учун қўйилган курсигача битта-битта қадам ташлаб, ҳассага суяниб борганини кўрган талабалар-у профессор-ўқитувчилар ҳайрон бўлиб қолдилар. Соғлиқ ёмонлашаётган, жисмидаги қанд миқдори ортиб бораётганига қарамай, Озод домланинг руҳлари тетик, кайфиятлари чоғ эди. Шўро мамлакатида қайта куриш жараёни шитоб билан давом этаётганди. Фикрлаш, тафаккур юритиш учун шарт-шароитлар яратилаётганди. Айниқса, неча-неча ўн йилликлар давомида сир

* «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1999 йил 25 июнь, 3513 сонида Комил Яшиннинг О. Шарафиддиновга йўллаган мактуби, устоз Шарафиддиновнинг шу мактубга шарҳ сифатида битган «Адабиётимизнинг жонли тарихи эди» мақоласи чоп этилди. Мактуб ва шарҳ икки буюк алломанинг Чўлпонга бўлган улкан муҳаббати, улар орасидаги самимий муносабатнинг ёрқин далилидир. Таажжубки, шўро матбуотида босилган мақолаларида, қатор маърузаларида Чўлпонга манфий баҳо бериб келган Комил Яшин қалбан Чўлпоннинг муҳлиси, норасмий биографи, ҳатто узоқроқ қариндоши экан. Мазкур мактубда Чўлпон инқилобдан илгарийёқ «гап» номи билан «чоризмга қарши яширин сиёсий жамият» тузганлиги, «гап»даги улфатлар насаби, исми-шарифи айтилади. Озод Шарафиддинов шарҳ-мақоласида Комил Яшиннинг дилбар инсон бўлганлигини, умри давомида, айниқса, ёзувчилар уюшмасига раҳбар бўлганида ёзувчиларни асраб-авайлаш йўлида оғишмай борганлигини ўз тақдири мисолида кўрсатиб ўтади. Озод Шарафиддинов Комил Яшиннинг Чўлпон ижодини мукамал билганини, шеърларини ёддан ўқиганини айтар экан: «Эҳ-ҳе, у кишининг билганлари... ҳар бир ёзувчи ҳаётини ҳар бир асарнинг тарихи, ҳар бир ёзувчи атрофидаги можаролару адабиёт қозонининг пинҳона қайнашлари — Яшин ака буларнинг ҳаммасидан жуда яхши хабардор эдилар», — деб ёзади. Шарҳ-мақола пировардида муаллиф бундай тақлифи киритади: «... Яшин ака ўзбек адабиётининг жонли тарихи эди. Шунинг учун у кишининг архивини ўрганиш, уларни эълон қилиш, Яшин ака ҳақидаги хотираларни кечиктирмай бутун тўплаб нашр этиш адабиётимиз тарихининг жуда кўп туманли томонлари қандай кечганини чуқурроқ билиб олишимизга ёрдам беради». (Муаллиф).

бўлиб келган сўзларнинг қатъиятли, суянса бўладиган чўнг, иродали сиймо томонидан илк бор айтилиши, жамики ўзбек халқи қатори, мутафаккир Озод Шарафиддиновни тўлқинлантирди. У дилда қувонч, юзда табассум билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида ўзбек байроғининг ҳилпираётганини кузатди. Ўзбекнинг мадҳиясига ҳурмат бажо келтириб жумлаи жаҳон оёққа қалқиганида ҳис-ҳаяжонини боса олмади.

Озод Шарафиддинов табиатан фаолият кишиси, яратувчи инсон. У баҳоли қудрат Мустақил мамлакат кучига куч қўшишга, унинг маънавий-мафкуравий асосини мустақамлашга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилди. Мустақилликдан кейинги тўлқин, ғайришуурий хатти-ҳаракатлар Озод Шарафиддиновни ярим асрлик қадрдони — Тошкент Давлат университетидан узоқлаштирди. О. Шарафиддинов аудиторияда талабаларга, аспирантларга, малака ошириш учун келганларга маъруза ўқимаса-да, адабий-танқидий, публицистик мақолалар ёзишни, таржималар қилишни сира тўхтатмади. Университетда қолиб кетган минбарни Республика телемарказидан, радио уйининг осойишта хонадонларидан топди: энди олим, мутафаккир Озод Шарафиддиновни бутун Мустақил Ўзбекистон кўриб, тинглай бошлади. О. Шарафиддинов маълум муддат хусусий ноширлик билан шуғулланди. Мамлакатимиз Президенти Озод Шарафиддинов сингари юрагида ўти бор одамлар кучидан, билимидан унумли фойдаланиш зарурлигини тайинлади. Озод Шарафиддинов икки йил «Тафаккур» журнали таҳририятида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. Журналда Озод Шарафиддинов руҳи, қарашлари, ўтли қалами тафти сезила бошлади. Бош муҳаррир, истеъдодли ёзувчи Эркин Аъзамов Озод Шарафиддинов учун таҳририятда кўнгилдагидай шароит яратиб берди, устознинг мантиқли, асосли йўриқларини ҳисобга олди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 17 февралдаги қарорига биноан «Жаҳон адабиёти» журнали ташкил этилди. Журнал сал кам уч йилдан бери мунтазам чоп этилмоқда. Озод Шарафиддинов бошлиқ таҳририят жаҳон адабиётининг қайси асарларини чоп этажagini аллақачон белгилаб олган. Аниқроғи, Озод ака журналбоп роман, қисса, ҳикояларни тинимсиз изламоқда — туну кун жаҳон адабиёти асарларини ўқимоқда. Таҳририят ўзбек ўқувчисини нафақат жаҳон адабиёти, балки жаҳон санъати, фалсафа-

си, эстетикаси, илм-фани, маданияти, тамаддуни билан кенгроқ, теранроқ таништириш имкониятларини изламоқда.

Озод Шарафиддинов фаолиятини кузатар эканман, «ўз вақтида Бехбудий, Мунаввар Қори, Ашурали Зоҳирий, Чўлпону Қодирийлар ҳам шундай фидойилик билан ишлаган эканлар-да» — деган гап хаёлимдан ўтади. XX аср бошларидаги маърифатпарварлар олдида ҳам миллий маориф, маданият, адабиётни яратиш вазифаси турар эди. XXI аср бўсағасидаги фидойий маърифатпарвар, миллий мафкура тағ заминини қўяётганлардан фарқли ўлароқ М. Бехбудийлар авлоди ўзининг мустақил Ватанига эга эмас эдилар: улар олдида мустақил бўлиш имкониятигина бор эди, холос. Озод Шарафиддинов сингари фидойий миллатпарварлар халқнинг миллий онги, миллий маънавияти, маърифати, миллий ўзликни шакллантириш, ривожлантириш йўлида ҳаркат қилмоқдалар. Булар жаҳоннинг қайси мамлакати, шаҳарида ўзбек тили, адабиёти, санъати, маданиятини тарғиб қилувчи марказ, шахслар борки, улар билан ҳамкорлик ришталарини боғламоқдалар. «Жаҳон адабиёти» журнали АҚШдаги бир неча маданий, миллий марказлар билан алоқалар хусусида, Покистондаги ўзбек адабиёти, санъати марказидаги ишлар тўғрисида мақола, бадиалар босди. Ўзбек маданияти, фанининг чет эллардаги намояндалари мақолалари журналхонлар ҳукмига ҳавола қилинмоқда.

Озод Шарафиддинов 80-йиллардан бошлаб ўрта ва олий таълим муаммолари ҳақида жиддий мулоҳаза юритади. Озод ака меҳнат фаолиятини мактаб ўқитувчилигидан бошлаган. Ярим асрдирки, у мактабда ўқитиш-ўқиш масаласини кузатиб келади. Унинг «Адабиёт ўқитишга доир» (1982), «Яна олтин медаль ҳақида» (1984), «Адабиёт ва мактаб» (1984), «Амалий ишга кўчсак» (1988), «Маъқуллайман ва таклиф қиламан» (1988), «Адабиёт тарихи: муваффақият ва муаммолар» (1988) сингари мақолалари босилди. Озод Шарафиддиновнинг эътиқодича, ҳар бир миллий университет ўз дастурларини ўзи тузиши, ўқитиши жоиз. У «юқоридан» тайёр ҳолда юборилган дастурларга қарши эди. Ҳозир мамлакатимиз етакчи университетлари ўзликни тасдиқлашга, фақат шу университетга монанд юксак савиядаги дастур, дарсликлар тузишга киришмоқда. Бу соҳада Ўзбекистон Миллий университетидега бир мунча ижобий, ижодий ишлар амалга оширилмоқда. Озод Ша-

рафиддинов Университет профессорлари, Тил ва адабиёт институтининг етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда «Янги ўзбек адабиёти тарихи»ни яратишда иштирок этди.

Миллий кадрлар тайёрлаш дастурини ҳаётга жорий қилиш масаласида Озод Шарафиддиновнинг ўз нуқтаи назари бор. Миллий кадрлар тайёрлаш, лотин графикасидаги ёзувга ўтиш, Давлат тилини ҳаётга чуқур тадбиқ этиш жараёни бир пайтга тўғри келиб қолди. Бу масалалар аро боғлиқ ўринларни топиш ва уларни чуқур ўйлаб амалга ошириш жоиз.

Озод Шарафиддинов тушунчасича, истиқлолдаги ютуқлар гарови босиб ўтилган йўлдаги хато-камчиликлардан муносиб хулоса чиқара олишдадир. Олим шўро тузуми инқирози, улкан империянинг парчаланиб кетиши сабаблари ҳақида кўп, чуқур ўйлайди. Авваллари коммунист Озод Шарафиддинов Ленинни буюк сиймо деб билар, халқи бу шариф зот ҳақида кўп нарса билиши зарур деб англади. Адабиётшунос О. Шарафиддинов «Ленин ва адабиёт» мақоласида дохийнинг аҳли дарклигини теран ёритиб беришга интилган. Мутаржим Озод Шарафиддинов Ленин ҳақидаги роман, қисса, ҳикояларни ўзбек тилига таржима қилган. Ленинни халқига қайта таништираётганидан боши осмонга етиб юрган. Қайта қуриш даврида Ленин асарларининг 55 жилди чоп этилди, босилмай қолган яна олти жилди ҳақида кўп гап-сўзлар бўлди. Мазкур асарлар Лениннинг моҳиятини ишонарли ёритди. Бундан ташқари, В. И. Ленин фаолияти ҳақида кўлаб илмий-таҳлилий, воқеий, ҳужжатли асарлар пайдо бўлди. Инсон табиатида бир ҳолат бор: сен севган, ёқтирган одамнинг ҳақида ёмон гаплар айтилса, унинг қилмишлари ишонарли фош этиб ташланса, ниҳоятда эзиласан, қийналасан, виждонинг, руҳинг азоб чекади. Бундай синовли дамларда камдан-кам одам ўзини енга олади, ҳаққоний хулоса чиқаради. Озод Шарафиддинов шу мураккаб жараёни бошидан кечирди: суяниб турган тоғи қулаётганини бутун борлиғи, руҳи билан ҳис қилди. «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» бадиасида бу ҳақда муфассал ёзади: «Бу гаройиб ҳодисани идрок этмоқчи бўлиб ҳарчанд уринаман, лекин тагига ета олмайман. Қандоқ бўлдики, Россия империясидек катта бир мамлакат бир ҳовуч найрангбознинг тузоғига илинди? Нечун эс-хуши жойида, ақли расо миллион-миллион одамлар большевиклар тўқиган афсоналарга чиппа-чин ишонди? Ўтмиш

ҳақида қанча кўп ўйласам, бунақа саволлар шунча кўпроқ пайдо бўлади.

...Қайта қуриш даври кўп давом этгани йўқ. Аммо беш-олти йиллик қисқа муддат мобайнида нафақат Ленин тўғрисида, балки партиянинг бошқа арбоблари тўғрисида, партиянинг ўзи ҳақида шунақа ҳақиқатлар очилиб кетдики, улар эътиқодимизнинг қолган-қутганини ҳам барбод этди. Бу даврда эълон қилинган ҳужжатларда жинояткорлар бир тўда экани, етмиш йил мобайнида дунёнинг олтидан бир қисмини ёвузлик салтанатига айлантирган, одамларни иймон ва виждон, фаоллик ва ҳалолликдан маҳрум этгани узил-кесил исбот қилинди. Партия қулади. У елга учраган тутундай ғойиб бўлди. Ундан хотира сифатида мамлакат тарихида сира битмас бир яра бўлиб қора ўпқон қолди. Партия қулади-ю, унинг харобалари остида миллионлаб оддий партия аъзолари қолди. Мен шулардан бири эдим. Мени партия асоратидан қутулдим — эндиликда бўлар-бўлмас мажлисларда соатлаб қадалиб ўтиришларга, ҳисобот беришларга, ёлғон гапиришларга, ўзимда йўқ фазилатларни сотишга, риёкорликка ҳожат қолмади. Аммо бу ўттиз йил мобайнида вужудимга сингиб келган партиявий иллатларнинг қўланса бўйидан буткул халос бўлдим деган маънони билдирмайди. Ўттиз йил давомида кўнглимга жо бўлган, онгимга ўрнашиб олган оғулар ҳамон фикримни заҳарлашда давом этмоқда. Партия сафида ўтган ўттиз йиллик умримни сарҳисоб қилиб «Нима орттирдиму нималардан маҳрум бўлдим»? деган саволни қўйсам, орттирганим бир ҳовуч бўлса, йўқотганим тоғдай беқиёс!»

Фикрлаш инсонга берилган катта бахт, бойлик, қувватдир. Фикрлаган одам яшаш завқини ҳис қилади. Бундай одам серҳосил ерга, мевазор боққа, шовуллаб оқаётган дарёга ўхшайди. Ундан ҳамма манфаатдор бўлади. Озод Шарафиддинов минг-минг ёшларга билим берди, уларни маънан тарбиялади. Озод устоз халқига тафаккур боғида етиштирган ширин-шакар меваларини улашди. Шовуллаб оққан дарёдай меҳр-муҳаббати, кадр-қиммати, билими билан у элда эътибор, обрў қозонди.

ПОРТРЕТЧИ МАҲОРАТИ

Ҳар бир адабий турнинг етакчи жанри бўлганидай, адабий-бадий танқиднинг ҳам машҳур, қадимий жан-

ри бор. Бу — адабий-танқидий портрет бўлиб, уюштирувчи, қолипловчи хусусиятига эга. Мукамал адабий портрет таркибида тақриз, шарҳ, бадиа, баҳс сингари шаклларни фарқлаш қийинмас. Танқидчи адабий жараёнга таъсир этиш — тақризлар, шарҳлар, мақола ёзиш, баҳсга киришиш, суҳбатлар қуриш билан бирга йирик жанрдаги асарининг пойдеворини қуриб, материални йиғиб боради. Озод Шарафиддинов қирқ йилдан бери юзлаб мақолалар, тақризлар, шарҳлар ёзди. Ўзбек адабиётининг ўсишида, истеъдодли шоир-ёзувчиларнинг кашф қилинишида, ижодкорлар маҳоратининг ўсиб боришида, тўлақонли характерларнинг вужудга келишида танқидчи асарларининг ҳиссаси улкан. Лекин танқидчи узоқ йиллар давомида яратган асарларини алоҳида далил, хизматини ўтаб бўлган адабий маҳсул сифатида ташлаб қўймади. У ўз мақола, тақризларини умумлаштириш — йирик илмий-назарий тадқиқотлар ва мукамал адабий портретлар яратиш йўлини танлади.

Адабий портрет жанри танқидчидан, ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид материалларни мукамал ўзлаштиришдан ташқари, теран, замонавий назарий билимни, давр ва адабиёт тараққиётида бош тамойилларни нозик аниқ муносабатда бўлишни тақозо қилади. Адабий портрет яратувчида олим заковати, донишманд мушоҳадаси, санъаткор истеъдоди мужассамлашган бўлмоғи даркор. Мана шу учта хусусиятнинг бирлиги чин портрет яратиш учун етарли экан, дейиш ҳам гўллик бўларди. Баъзиларда юқоридаги белгиларнинг барчаси бўлиши, лекин маромидаги портрет яратилмаслиги мумкин. Моҳир портретчи ўз қаҳрамонига оид материалларни йиғиб бўлиб, уларни маълум қоидаларга мослаб асар ёзишга киришмайди. Бадиий асар яратувчида бўлгани каби, портретчи қалбида тайёрланиш, ҳарорат жамғариш жараёни давом этади. Танқидчи қалбидаги қўр, ҳарорат бутун материални уюштириш, яратилаётган портретга «жон» — ранг, файз бериш даражасида бўлиши керак. Бошқача айтганда, қалбга яқин санъаткор портрети тез, жонли яратилади. Бу ерда гап фақат танқидчи билан портрети яратилаётган санъаткор орасидаги инсоний самимиятда эмас. Танқидчи билан санъаткор услубидаги муштарақлик, тушунчаларидаги яқинлик ҳам жонли портрет яратилишининг омилларидандир.

Тасвирий санъат мутахассислари мусаввир яратган портретдаги ҳар бир белги, чизик, рангга эътибор бера-

дилар, ундаги ижтимоий-бетакрор маъноларни қизиқарли ҳикоя қиладилар. Танқидчи яратган портретни рассом яратган қиёфадай, завқ билан, ҳар бир чизиқ, белги моҳиятига кириб ҳикоя қилиш мумкинми? Эътибор берганмисиз, рассомнинг мукамал асари — портретни тушунтиришда мутахассислар гапни қораламалардан бошлайдилар. Мана, О. Шарафиддиновнинг «Халқ бахтининг оташин куйчиси» номли Фафур Фулом портрети. Бу портретни «Чўққи» деб аталган анча мукамал эскиз-мақола тўғрисидаги фикрдан бошлаш жоиз. Бу мақолада биз портретчининг тезкор ҳаракатини, портрет чизиқларини ёзиб боришини кузатамиз. Мақолада портретчи ҳолати жонланади: у чўққиға шитоб билан яқинлашаётган, мақсадга эриша бошлаганини сезгач, яна ҳам чаққон ҳаракат қилаётган абжир одамга ўхшайди. Муаллиф портрет чизиқларини ишонч билан тортади: унда иккиланиш, ўз ишининг ҳақлигига шубҳа йўқ. Дарвоқе, ҳали бу қораламада тиниқ, рангли чизиқлар йўқ.

Ўзбек танқидчилиги адабий портретлар яратишда ҳам бой тажриба орттирди. Ана шундай етук ижодкорлар портретини яратишда О. Шарафиддиновнинг мақола-портретлари ўзига хос ўрин эгаллайди. Мунаққид яратган портретлар ўзининг такрорланмас, жозибадор, ширали тили билан ажралиб туради.

«Чўққи» мақола-эскизида Фафур Фулом ижодига оид далиллар деярли тўла айтилади. Мақоладаги оҳанг бирлиги, бутунлиги ҳам диққатни жалб этади. О. Шарафиддиновнинг Фафур Фулом ҳақидаги хотира-таассуротлари назарий-танқидий қийматга эга. Чунончи, муаллиф Фафур Фулом ижодининг янги авлодни тарбиялашдаги қиммати, санъаткор ва халқнинг узвий бирлиги каби масалалар тўғрисида ҳам фикр билдиради. «Чўққи» мақоласида Фафур Фуломнинг санъаткор сифатидаги қиёфаси чизилган бўлса, «Дарёдил шоир» номли бошқа бир мақоласида шоир қиёфасига ранг берилади, унинг инсоний жозибаси, сахий қалби, одамларга нисбатан меҳр-муҳаббати акс эттирилади. «Чўққи» ва «Дарёдил шоир» мақоалари бир-бирини ўзаро тўлдирар, Фафур Фулом инсон, ижодкор ҳақида тушунча берарди. Лекин ҳали Фафур Фуломнинг мукамал портрети яратилмаган эди. Танқидчи портретга шундай чизиқлар тортиши лозим эдики, токи улар шоир ижодининг далилларини уюштирсин, портретга ранг-жозоба киритсин. Портретдаги чизиқлар бирлиги ҳаётдаги шоир, инсон Фафур Фулом билан танқидчи асаридаги қаҳра-

чилиқ ҳақида ҳам сўз юрталди. Таъкиқотчи ижодкор қалбни очар экан, энди шу қалб сувайиодидан туриб шоир яратган шерий олам тавсифини беради. Портрет-да Фафур Фуюмнинг шоир, фўқаро сифатидати улғайи-ши, ижодининг ҳаётийлиги, миллийлиги ўз ифодасини тошан. Фафур Фуюм эътиқолича, шериятта дахилдор бўлган ҳолиса, нарса йўқ. Санъаткор қўзи ҳар бир ҳолиса-воқеада, нарсада широна тимсолни, ижтимо-ий қийматга эга ғояни қўриши, ҳис этиши лозим эди. Фафур Фуюмдек буюк шоирнинг воқелиқни қамраш ва акс эттириш уфқи ниқовтда кенг эди. Шоир борли-ғида хўжайинлик ҳисси, яратувчилик қуввати қучли эди. Дунёдаги ҳамма ҳолисалар, қўлга киритилган ҳар бир ютуқ шоирни беҳад қувонтирар ва бу янги шерь, асар бўлиб юзата кетар эди.

Озод Шарафдинов Фафур Фуюм шериятининг миллийлигини турли масалалар атрофида, хусусан, тил бойлиқларидан фойдаланиш, сўзни ҳис қилиш нўқтан назардан текширади. Фафур Фуюм умуминсоний, бай-нальмилат мавзуларда қўлиаб асарлар яратди. Лекин шерь-лати миллий руҳ ҳар лозим ўзинг илҳизини — қайси ада-биётга тааллуқли эканлигини кўрсатиб туради.

Адабий портрет жанри қаҳрамоннинг ўсиш-ўзариши жараетини, инсон сифатидати ютуқ ва етишмовчилик-ларини кўрсатишни ҳам тақозо қилди. Санъаткор ҳаёти, характери ҳаққоний, барча мураккаблиқлари билан акс эттириб, ўзинг асарларини англаш, қаҳрамонларини тушуниш осонроқ бўлади. «Фафур Фуюм ҳар қанча буюк истеъдод эгаси бўлмасин, айни чоқда, у инсон эди ва инсоний заифлиқлар ўнга бетоно эмас эди, — деб ёзди Озод Шарафдинов. — Турмуш ўнга факат напшу намую шоду хўррамлиқ ато қилган эмас, балки ўни қўлтина эшилятилар, изтиробли синовлар билан тўқнаштирган. Буларнинг таъсирида баъзан шоир қала-ми суғлашиб, эҳтирослар тўлиқини пасайиб ўтраминена шерьлар ҳам туғилган бўлиши мўмкин.»

Бир ёзувчи ҳақида адабиётшунос-танқидчининг илмий таъкиқоти, монографияси, адабий ҳаёти ҳоли, танқидий портрети, мақоласи босилиши мўмкин. Ле-кин бир санъаткор ҳақида икки ёки ундан ортиқ тан-қидчининг бир хил асари яратилиши мўмкин эмас. Чўнки ҳар бир илмий асарда танқидчининг ўсиш-ў-

мон — характер орасидаги мутаносибликни вужудга келтириши керак эди. Танқидчи ўз олдига мушкул вазифани қўяди: у Фафур Фулом портретини XX асрдаги бетакрор санъаткорлардан бири сифатида яратмоқчи бўлади. Бошқа портретчи-танқидчиларидан фарқли равишда О. Шарафиддинов, Ф. Фулом характерининг шаклланишини, ижодий биографиясини XX аср хусусияти, ўзбек халқининг тарихи билан боғлиқликда кўрсатади. Фафур Фулом портретини чизар экан, танқидчи ижтимоий ҳаёт ва шахс тақдир масаласини портретнинг ўқ чизиғи сифатида тортади, асардаги мутаносиблик мана шу чизиққа кўра белгиланиб қиёсланиб борилади. Санъаткор асарида, илмий-назарий тадқиқотда, адабий-танқидий ишда ички боғлиқликни, мутаносибликни кўрсатиб турадиган қонуният мавжуддир. Санъаткор, тадқиқотчи ўз ишига қанчалик чуқур, жиддий киришса, сўзсиз, ички қонуниятлар, ёзилмаган тенгламалар сирини англайди. Бу ҳол тадқиқотчида, санъаткорда ўз ишидан қониқиш, завқланиш ҳиссини келтириб чиқаради.

Озод Шарафиддинов Фафур Фуломнинг Замон ва Макондаги ўрни, қимматини белгилагач, ўз қаҳрамонининг санъаткор сифатида шаклланишига ҳисса қўшган омиллар тўғрисида, шеърятда анъана масаласи хусусида мулоҳаза юритади. Портретдаги бу назарий фикрлар ўзаро боғланган, ички қонуниятлар талабига мос бўлса-да, қаҳрамон қалбини, моҳиятини очиш учун даромад эди. Тадқиқотчи Фафур Фуломнинг гўзалликни англаши ҳақида тўхталар экан, бақувват назариётчи, нозик кузатувчи-таҳлилчи эканлигини кўрсатади. «Девордаги дуторнинг ёнидан пашша ўтса билинганидек, шоирнинг ҳам қалби сезгир бўлиши керак», — деган эди Ф. Фулом. Тадқиқотчи Фафур Фулом шеърятининг ҳаётийлигини, шоирнинг ижод қилишдан мақсадини, ниҳоят, қалбининг сезгир, таъсирчан бўлишини кўрсатар экан, юқоридаги гўзал фикрни келтиради. Портретчи-танқидчи маҳоратидаги етакчи хусусият шоир қалбига «йўл топиш», унинг юриши-ю ҳароратини, меҳрининг кенглигини ишонарли акс эттиришдир. Қайноқ, ҳароратли қалб ҳар бир санъаткорда бор. Тадқиқотчи санъаткор қалби орқали унинг қайси замонга, қайси халққа тааллуқли эканлигини очиши лозим. Озод Шарафиддинов Фафур Фулом портретини яратишда унинг ўзбек қалбли эканлигини нодир мисолларда кўрсатиш орқали шоир қалбининг нодир бойлиги — халқ-

тушунчаси, билими, укуви, диди, зеҳни сезилиб туради. Фафур Гулом ҳақида ҳам ўнлаб йирик асарлар яратилган. Лекин ҳеч ким Салоҳиддин Мамажонов тадқиқотлари билан Ҳомил Ёқубов ишларини, А. Акбаров билан Л. Қаюмов портретларини, О. Шарафиддинов билан У. Норматов асарларини аралаштириб юбормайди. Ҳар бир тадқиқотчи ўз асарлари моҳиятига услубий «муҳри»ни тушириб қўйган бўлади. Адабиётшунослигимизда атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ҳақида ҳам кўплаб тадқиқотлар, монографиялар яратилган. П. Қодиров, И. Боролина, Ҳ. Абдусаматов, М. Қўшжонов, В. Смирнова, У. Норматов, И. Фафуров, Р. Қўчқоров ҳамда бошқа тадқиқотчиларнинг илмий асарларида А. Қаҳҳор ижоди таҳлил қилинади. Тўғри, ҳар бир адабиётшунос ўзи танлаган адабий-танқидий жанр талаби асосида, ўз услуби йўналишига кўра А. Қаҳҳор асарларини ўрганadi, ёзувчининг адабиётдаги ўрнини белгилашга интилади. Озод Шарафиддиновнинг А. Қаҳҳор ҳақидаги портрети ҳажман ўртача, бошқа тадқиқотлардан унчалик ортиқ ҳам, кам ҳам эмас. Албатта, ҳеч қандай асар, умуман ижод ҳажман баҳоланмайди. Гап асосда — айтилаётган гап салмоғида, маъноси — мағизида.

О. Шарафиддинов яратган «Истеъдод жилолари» портретининг қурилмаси мураккаб. Бир қарасангиз, танқидчи А. Қаҳҳор асарларининг яратилиши тарихи ҳақида, бир қарасангиз, адабиётда кулгунинг ўрни тўғрисида, яна бир бобда истеъдоднинг намоён бўлиши, уни кимга хизмат қилиши хусусида, бошқа бир ўринда ёзувчи меҳнати тўғрисида сўзлаётган бўлади. Хўш, бир-бирига унчалик уланиб кетмайдиган, бир ижод, ижодкор доирасидан четга чиқиб кетаётган фикрларни қандай бирлаштириш, портрет чизиқларини қандай туташтириш мумкин? Танқидчи дам Л. Н. Толстой, дам А. П. Чехов, дам Леонид Ленч, дам К. Симонову Ҳ. Тоқтош, Н. Г. Чернишевскию В. Г. Белинский фикрларига мурожаат қилади. Бир портрет яратиш учун шунча санъаткор қарашларига суяниш, улар фикрларини келтириш шартмикан? Ёзувчи ижодидаги «жонли одамларни кўрсатиш» мақсадида «Ўғри» ҳикоясини «ич-ичига кириб» текширади. Портретда ёзувчининг ҳар бир асарини тўлиқ таҳлил қилиш керакми? Танқидчи Абдулла Қаҳҳор ҳақида ёзар экан, ёзувчининг гоҳ деҳқонлару ишчилар, гоҳ талабалару зиёлилар билан учрашувни ҳам эслайди. Ёзувчининг машҳур санъаткорларнинг ижод ҳақидаги фикрларидан тортиб шоир А. Орипов шеърлари тўғри-

сида айтган мулоҳазаларини ҳам келтиради. Портрет таркибига шахсий учрашувлар, хотираларни сингдириш мумкинми? Агар сингдириш керак бўлса, уларнинг миқдори қанча бўлиши лозим? Ниҳоят, Озод Шарафиддинов А. Қаҳҳор ҳақида, унинг асарлари тўғрисида гапирар экан, санъаткорга бўлган самимияти аниқ сезилиб туради. Тадқиқотчининг ўз қаҳрамонига нисбатан ўта меҳр-муҳаббатли ёки аксинча бўлиши илмий ҳолисликка соя ташламайдими?

Бир пайтлар танқидчилигимизда асарни бўлак-бўлакларга ажратиб, уларни бир-бирига қўшмасдан «тахлил» қилиш урф бўлган эди. «Танқидчи» асардан узиб олинган «бўлак»ка ўз қарашларини «жойлаб», ёзувчи ҳақида тўлиб-тошиб, «эркин» фикр билдирган. Ҳозир танқидчилигимиз маҳорат палласига, асарни бир бутун ҳолда ўрганиш — ёзувчи ғояси, ҳаёт ҳақиқати, ўз тушунчаларини умумлаштирган ҳолда хулоса чиқариш даврига келди. Бутун ўзбек танқидчилиги асарни умумжаҳон адабиёти бирлигида ўрганишга интилмоқда.

Танқидчи адабий жараёни дунё миқёсида кузатиб бораётган бўлса, назарияни, ўтмиш адабиётни чуқур билса, унинг асарлари ҳар томонлама мукамал бўлиши табиий. Ўзбек танқидчилигида бадиий асар тўқимасини «кўриш», тузилишини англаш хусусияти кучли. Лекин танқидчилигимизда бадиий асар бутунлиги, яхлитлигини англаувчи оҳангни тинглаш маҳорати кучли эмас. Мен «Истеъдод жилolari» портретигаги ички тузилишни кўришга нисбатан, ундаги бирлик-бутунликдан таралаётган оҳангни эшитаётгандай бўламан. Бу оҳанг қалбдан отилиб чиқаётган, тобора авж пардаларига интилаётган кўшиққа ўхшайди. Кўшиқ, одатда, сўзлари, маъноси билангина эмас, қалбларимизга таъсири, мудраб қолган туйғуларимизни уйғотиб юбориши, ниҳоят ҳаётга завқ-шавқ билан қарашга ундаши билан ҳам қимматлидир. «Истеъдод жилolari»ни ўқир экансиз, ундаги фикрлар, туйғулар ижодкор яратган асарлар доирасидан четга чиқиб кетади. Сиз адабиётнинг сеҳрли кучини англагандай бўласиз, бадиий ижод деб аталган дунёга кириб олиш осон эмаслигини тушунасиз, сўз деб аталган қуролдан моҳирлик билан фойдаланиб, бир-бирига ўхшамайдиган жонли одамлар характери яратилаётганлигини, уларнинг ҳаётдаги кишилар қалбидан «жой» олаётганлигини кўриб қувонасиз. Аммо бу бир ёзувчи ижодига нисбатан муҳаббатнинг ифодаси эмас. Мақолада танқидчининг эстетик

детали орқали жамиятда инсоннинг қадр-қиммати масаласи кўрсатилади.

Абдулла Қаҳҳор портретидаги иккинчи чизиқ — ёзувчи асарларининг табиийлиги масаласини очишдир. Танқидчи асарнинг ҳаётийлиги, табиийлиги масаласини услубга улаб юборади. Санъаткор борки, у кўрган-билганини — чуқур ҳис қилганини ёзади. «Кўрмагунимча, билмагунимча ишонмайман» — деган қоида фанда қадимдан бор. Абдулла Қаҳҳор кўпроқ ҳаётда кўрганларини, билганларини битувчи санъаткор. Унинг энг яхши асарлари ҳаётий ҳодисаларни чуқур ҳис қилиш орқали ёзилган. Адиб услубидаги чуқур ҳис қилинган, яхши билинган воқеаларни акс эттириш тамойили бошқа санъаткорларда ўзгача акс этилишини кўрсатиш мумкин эди. Масалан, тарихий мавзуда асар ёзувчилар асосан ўзлари кўрмаган, аммо чуқур ҳис этган воқеаларни акс эттирадилар. Демак, ёзувчи ўзи шохиди бўлмаган воқеаларни ҳам берилиб, қалбдан чиқариб ёзиши мумкин экан.

Озод Шарафиддинов А. Қаҳҳор яратган, бир-бирига ўхшамайдиган адабий типлар ҳақида кенг фикр юритади. А. Қаҳҳор изчил реалист эди. Холислик унинг асосий мезони бўлиб келди. «Бемор», «Анор», «Даҳшат» ҳикояларида шундай ҳолатлар борки, уларни ҳис-туйғуларга берилмай, қаҳрамонга дардкаш бўлмасдан тасвирлаш амримаҳол. «Бемор»даги қўшни кампир ҳолатини эсланг: кампир беморнинг ёстиғини тўғрилади, у ёқ-бу ёққа қараган бўлди, кейин ўтириб йиғлади. Нега йиғлади? Ҳикоянинг моҳияти кампир йиғисининг сабабини очади. Ўқувчи бемор ҳолатини, гўдак ва Сотиболди аҳволини кампир анлаганидай ҳис этмоғи лозим. Туробжоннинг хотини («Анор») бошини тиззаларига қўйиб дераза ёнида ўтирибди. Бу ҳолатда қанчалик ўкинч, нолиш, қадрсизликни ҳис қилиш сезилиб турибди. Бу ҳолат рассом учун тайёр асар, портрет бўлиши мумкин.

А. Қаҳҳор асарларида типлар бир-бирини такрорламайди, уларнинг салбий, ижобийлиги характер моҳиятидан келтирилиб чиқарилади. Танқидчи бадиий тип яратган ёзувчи маҳоратини яна кўп мисоллар орқали кўрсатади.

«Истеъдод жилолари» портретидаги асосий чизиқлардан бири А. Қаҳҳорнинг ҳажвчи сифатидаги истеъдоди, маҳоратини очишга йўналтирилган. Инсонни табиий ҳолатдан чекинтириш — кулдириш, йиғлатиш, асабийлаштириш энг мушкул иш. Санъат, санъаткорги-

қоидалари: бадий адабиётни тушуниши, идеалидаги санъаткор тимсолини яратишга интилиши, ниҳоят унинг фикрларини англаб етадиган китобхонни ўз ёнида кўриш истаги англашилади. Биз учун китобхон билан қадамма-қадам юрадиган (баъзан ундан ортда қолиб кетадиган) танқидчимас, балки анча илгарилаб кетган, 10—15 йиллардан кейинги воқеаларни ҳам аниқ кўра оладиган олим — мунаққид қимматлидир. Ўзбек танқидчилиги учун ҳам назарий-ғоявий, ҳам бадий-эстетик жиҳатдан қимматли асарлар лозим.

Биз «портрет» сўзи чизиқлар, уларнинг ўзаро ула-ниб кетишидан келиб чиққанлигини айтган эдик. Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги адабий портретда қандай асосий чизиқларни — ёзувчи услубини белгилайдиган хусусиятларини фарқлашимиз мумкин? Танқидчи А. Қаҳҳор портретини яратишда асосий чизиқни тортар экан, адабиётнинг халқ учун яшашини, жамиятга хизмат қилишини кўрсатиб бермоқчи бўлади. Истеъдод — инсоннинг ноёб бойлиги. Бу бойлик халққа хизмат қилсагина ҳақиқий баҳосига эга бўлади. Озод Шарафиддинов ўзининг қатор мақолаларида истеъдод деган тушунча, унинг моҳияти ҳақида гапиради. «Талант — халқ мулки, — деб ёзади танқидчи. — Талантнинг мукамал рўёбга чиқишидан, камол топишидан бутун халқ баҳраманд бўлади. Шунинг учун ҳам талантларга ғамхўрлик ҳар бир адабиёт жонкуярининг муқаддас иши»¹. Истеъдод халққа хизмат қилмаса, юксак ғояларни амалга оширишга йўналтирилмаса, ундан ҳеч кимга наф йўқ. О. Шарафиддинов А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романидаги анча истеъдодли Саидийнинг фожиасини очиб кўрсатади. Саидий фақат худбинлик йўлидан борди, дўстларидан, соғлом муҳитдан четга чиқди, охир пировардида истеъдоднинг уволига қолди — хор бўлди.

Мунаққид юқорида тилга олинган адабий портретда «Шафтоли» (О. Генри) ва «Анор» (А. Қаҳҳор) ҳикояларини қиёсан таҳлил қилади. Бир ҳикояда кибор, тан-тиқ хонимнинг галдаги эркалиги туфайли эрининг елиб-югуришлари кўрсатилса, иккинчи ҳикояда хотини учун иккитагина анор топиб беролмаган эрнинг аҳволи, анорга бошқоронғи бўлган аёлнинг фожиавий ҳолати тасвирланади. Бир ҳикоядаги воқеалар теран ил-дизга — ижтимоий мазмунга эга эмас, иккинчисида анор

¹ О. Шарафиддинов. Талант — халқ мулки. «Ёш гвардия» нашриёти, Т., 1979, 65-бет.

на инсон қалбига таъсир этиши мумкин. Шунда ҳам инсонни кулдиришу йиғлатиш маҳорати ҳамма сўз санъаткорларига насиб қилавермайди. Кулдириш санъатининг ўзига хос сирини билиш мушкул. Бу санъат табиатида аллақандай сир, тўла тушуниб етиб бўлмайдиган асос бор. Аниқроғи, кулдирувчи санъаткор табиати барча одамлардан ўзгачароқ бўлади, шекилли. Унда кулгу кўзгатувчи ҳолатларни, хусусиятларни кўриш санъати, истеъдоди бўлса керак. А. Қаҳҳор инсон руҳиятидан, табиатидан келиб чиқадиган кулгу мурватини бурай олган ёзувчи эди. О. Шарафиддинов А. Қаҳҳор асарларидаги кулгу турларини санаб, баҳолаб берган. Ёзувчи вазиятдан, қаҳрамон характеридан келиб чиққан ҳолда кулгуга эътибор беради. Масалан, Суқсуров («Сўнгги нухалар») устидан кулиш Холнисо, Ҳамробиби муносабатларидаги кулгида ҳамоман фарқ қилади. Мулла Норкўзининг «фаришта» хотини устидан кулиш Бўстонбиби («Аяжонларим») қилиқлари устидан кулишдан ҳамоман ўзгачадир. Битта кулгули вазиятнинг ўзида кулгунинг йўналишига кўра фарқлар мавжуд. Масалан, Вали сўфига эшак мия едириш воқеасида китобхон «жазоланаётган» Вали сўфи устидан мириқиб кулади. Сўфини жинни қилиш йўлини топган содда кишилар қилмишидан китобхон чехрасига табассум югуради. (Қизиги шундаки, қиссада эшак мия едириш тўғри маънода қабул қилинади. Аслида, кишини ақдан оздирадиган дори эшак мияси эмас, эшак мия номли гиёҳдир). Абдулла Қаҳҳор ҳажвиётида тили дилига тўғри келмаган кишилар, ўзини олим, билагон деб тушунувчи фаросатсизлар типлари кўплаб яратилган. Н. Чернишевский кулгу кўзгатишнинг бундай усули ҳақида: «Хунук нарса ўз ўрнида бўлмаган чоғда, гўзал бўлиб кўринишга интилган чоғда бизнинг кулгимизни қистатади» — деган экан.

Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳор портретининг жонли чиқишига алоҳида ҳисса қўшган яна бир чизиқни тортади. Улардан бири ёзувчи меҳнати, асар устида чидам билан ишлаши масаласидир. Ҳар қандай бадиий асар ўзининг ички тузилиши қонуниятига эга. Санъаткор шу қонуниятни топмагунча изланишни давом эттирарверди. Қонуният топилмаса, асар қисмлариаро бирлик вужудга келмайди — характерлар боққа йўналса, композиция тоққа интилади, сюжет билан ғоя йўналиши мос келмайди. Асар моҳиятидаги қонуният белги-лангач, мослик, бутунлик, яхлитлик сезила бошлайди.

Мана шу — ички таянч нуқтани топилсагина санъаткор яратган асар бадий баркамоллик касб этади.

Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги адабий портретни ижодкорнинг сўзга муносабатисиз тасаввур этиб бўлмайди. О. Шарафиддинов санъаткорнинг сўз танлаш маҳорати ҳақида чуқур фикр юритади. Маълумки, ҳар бир асарнинг тўқимаси сўздан турлича фойдаланишни тақозо қилади. «Нутқ», «Адабиёт муаллими», «Оғриқ тишлар»даги персонажлар тилини ишлашда ёзувчи баландпарвоз, ялтироқ, тантанавор сўзлардан фойдаланади. Аслида, А. Қаҳҳор сўзни тежаб ишлатишни, жўнгина жумлалардан фойдаланишни хуш кўрадиган адиб. Абдулла Қаҳҳор ижодининг сўнгги палласида биз қисман сурурий майлни сезишимиз мумкин. Адибнинг «Муҳаббат», «Аяжонларим» сингари асарларида сал кўтаринки услуб сезилади. Бу ҳол ёзувчи асарларининг инсонпарварлик моҳиятини янада орттиради. Бошқача айтганда, инсонга муҳаббат туйғуси ёзувчи асарларига ҳам янгича руҳ, сурурий майл олиб кирди.

Умуман, «Истеъдод жилolari» портрети бадий ижод сирлари ҳақидаги дастурга ўхшаб кетади. Танқидчи бадий адабиёт ва халқ тақдири, асарнинг тарбиявий аҳамияти, уни ичдан ёритиб турадиган, маҳорат деб аталган дунёнинг тузилиши каби масалалар атрофида кенг мушоҳада юритади. Эҳтимол, баъзан танқидчи ўз қаҳрамони тасвирида холис бўлолмагандир, баъзан бутун бошли ижоддаги камчиликларни яхши кўролмагандир. Лекин бу камчиликлар «Истеъдод жилolari» тадқиқотининг қимматини пасайтира олмайди.

Озод Шарафиддинов 1988 йилда «Абдулла Қаҳҳор» номли китобини чоп эттиради. Бу асар ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақидаги бадий лавҳалардан иборат. Бошқача айтганда, «Абдулла Қаҳҳор» — «Машҳур кишилар ҳаёти» рукни остида 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб чоп этила бошлаган асарларнинг бири. Мазкур тоифадаги асарларда адабий-танқидий очерк, адабий портрет, бади жанрлари ўзаро бирлашиб кетади. Шу пайтгача яратилган «Ҳамза», «Ойбек», «Ғафур Ғулом», «Ҳамид Олимжон», «Усмон Носир», «Абдулла Қаҳҳор» сингари асарларни танқидчилик соҳасининг романи дейиш мумкин. Бу асарларни мутахассис-филолог ҳам, оддий китобхон ҳам ўқиши ва ўзига яраша наф олиши табиий. Озод Шарафиддинов, сўзсиз, китобхонни ром этадиган асар яратган. Унда бадий лавҳалар, ўзига хос ҳарактерлар, драматик ҳолатлар мавжуд. Аниқки, асарда

ёзувчи ҳаётининг муҳим воқеалари, саналари тасвирланган.

Озод Шарафиддинов А. Қаҳҳор яратган «майда» — «номаълум одам»ларни Анатолий Франсининг «Кренкель» ҳикояси қаҳрамони билан қиёслайди. Афсуски, бу янги йўналиш асарда изчил давом эттирилмаган.

«Абдулла Қаҳҳор» китобида ёзувчи биографиясига, ота-онаси, oilаси, болаларига оид маълумотлар бор. Асарда А. Қаҳҳор ҳаёт йўли, қизиқишлари, табиати ҳақида қизиқ-қизиқ воқеа-ҳодисалар тасвирланган. Менимча, мазкур асарда А. Қаҳҳор асарларининг биографияси — «Сароб», «Кўшчинор» романларининг муҳокамалари ҳақида янги, мукамал маълумотлар берилган. Китобда «Дардақдан чиққан қаҳрамон» асарининг яратилиши, унинг қаҳрамони ҳақида янги маълумотлар берилган.

«Абдулла Қаҳҳор» китобини ўқир экансиз, XX асрда яшаб ўтган ўзбек танқидчилари билан кўришгандай, улар руҳини ҳис қилгандай бўласиз. Адибнинг «Сароб» романи хусусида гапирган Ҳ. Мусаев, Ҳ. Ёқубов, Ю. Султонов, Р. Мажидий, Шокир Сулаймон, Уйғун, Охундий, Холид Расул нутқлари ўқувчини ўша давр адабий жараёнини қай тарзда кечганлигини кўрсатади. Китобда «Кўшчинор» романи ҳақидаги баҳслар, тортишувлар ҳаққоний тасвирланган. Бу роман ҳақида гапирган А. Алимухамедов, Ж. Шарипов, С. Сомова, Р. Жуманиёзов, М. Шевердин, Х. Турсунов, Мирмуҳсин, И. Султонов сингари мунаққидлар қанчалик ҳақ, ноҳақ эканликлари сезилади. Ўша давр адабий танқидчилик савияси А. Саъдийнинг қуйидаги сўзларида аниқ-равшан кўринади. Озод Шарафиддинов бу ҳақда ҳикоя қилади: «Танқидбозлик руҳи шу даражада кенг ёйила бошладики, кўп ҳолларда асарлардан айрим иборалар ва сатрлар узиб олиниб, асар контекстидан ташқарида бир томонлама талқин қилиниб, ёзувчига таъна-дашном берилган. Шу ўринда бир воқеани эслаймиз. Бу воқеа бугун бемаъни бир латифага ўхшайди — у китобхоннинг кулгусини кўзгатиши мумкин, холос. Аммо, афсуски, бу гаплар 1946 йилда жуда юксак ва мўътабар минбардан — ВКП(б) Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақидаги қарорининг муҳокама-сига бағишланган йиғилиши минбаридан айтилган эди. Тажрибали адабиётшунос, профессор Абдураҳмон Саъдий айрим ўзбек ёзувчиларини ғоясизликда айблаб шундай деган: «Энди Уйғуннинг «Раққоса» шеърини кўрай-

лик. Қандай раққоса бу — совет раққосасими ё бошқами? Ахир, буржуа жамиятида ҳам раққосалар кўп. Йўқ, бу ўринда совет раққосаси кўринмайди.

Менинг собиқ шоғирдим Зулфиянинг «Хаёл» шеъри ҳақида бир оғиз гапираман. Бу шеър, ўртоқлар, юз процент индивидуалистик буржуа поэзиясининг намунаси...

Миртемирнинг «Амударё» шеърини олайлик. Шеърни ўқиб чиққач, ўзингга ва шоирга савол берасан — қайси Амударё бу? Феодал давридагими, буржуа давридагими... Бундай асар ҳеч нарсага ярамайди. Бу Миртемирнинг жуда катта ғоявий камчилигидир».¹ Кўриниб турибдики, адабиётга бундай ёндашишда илмийлик ўрнини, объективлик ўрнини сиёсатбозлик, демонология, дўқ-пўписа эгаллаган. Урушдан кейинги йилларда худди шу тақлидда Ойбекнинг «Қизлар» достони ва «Навой» романи, Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» драмаси, Уйғун, Зулфия, Темир Фаттоҳ, Туроб Тўлаларнинг шеълари, Парда Турсуннинг «Ҳақ йўл» қиссаси ва яна бошқа бир қатор асарлар танқид қилинди.

«Абдулла Қаҳҳор» китобида адибнинг умр йўлдоши Кибриё Қаҳҳорова ҳақида ҳам самимий фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Умуман, Озод Шарафиддиновнинг «Абдулла Қаҳҳор» асари ўзбек қаҳҳоршунослигига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Бадиий асар биографияси ҳақида кўп гапирилади, ёзилади. Лекин танқидчилик асарларининг «ҳаёт йўли» ҳақида гапириш одат тусига кирмаган. Ваҳоланки, ҳар бир танқидчи ижодида қизиқарли «тақдирга» эга бўлган асарлар топилди. Озод Шарафиддинов қаламига мансуб икки портрет — «Мақсуд Шайхзода» ва «Миртемир»ни эгизакларга қиёс қилгим келади. Уларда ўхшаш томонлар жуда кўп: бир пайтда рус тилига таржима қилинган, юксак мукофотга сазовор бўлган

Адабий-танқидий асарнинг машҳур бўлиб кетиши, ўқувчи қалбидан ўчмас жой олиши, табиийки, унинг моҳиятига, маъносига боғлиқ. «Мақсуд Шайхзода», «Миртемир» портретларидаги асосий нуқталар қайси, бу икки портрет танқидчилигимизга қандай янгилик олиб кирди? Аввало, айтиш керакки, танқидчи портрет-мақола яратар экан, адабиётимиз босиб ўтган йўлни синчиклаб кузатди, ўз қаҳрамонининг адабиётимиз та-

¹ ЎзССР Марказий Давлат архиви, фонд 2356. опись 1, дело 115. 30-саҳифа.

рихидаги ўчмас изларини белгилашга интилади. Портрет-мақол да адабиётимиз даврлари, муҳим воқеалари аниқ шахс (ижодкор) фаолиятига боғлиқ ҳолда жонлантрилади. Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, М. Бобоевлар адабиёт майдонига Ойбек, Ф. Фулом, Файратий, Ҳ. Олимжон, Уйғун билан изма-из кириб келдилар. Танқидчи Мақсуд Шайхзода ва унинг қурдошлари ҳақида гапирар экан, Ф. Фуломлар босиб ўтган йўлни такрорламайди. Ойбек, Ф. Фуломлар ўз ижобий қаҳрамонларини жиддий курашларда тасдиқладилар. Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфиялар олдида воқеликни тўлиқ, бутун моҳияти билан акс эттириб бериш вазифаси турарди. Ҳаётимизда янгиликлар шунчалик кўп эдики, санъаткор уларни акс эттириш учун кашфиёт йўлидан бориши лозим эди. Озод Шарафиддинов М. Шайхзоданинг илк ижодидаги жўн, шунчаки ёзилган шеърларни кўрсатар экан, шоирдаги ўсиш, улғайишдаги мураккаблиklarини очади. Мақсуд Шайхзода шеърлятида интеллектуаллик ва замонавийлик аниқ кўрина бошлади. О. Шарафиддинов М. Шайхзода ижодини таҳлил қила туриб, замонавийлик тушунчаси моҳиятини очишга интилади. Маълумки, замонавийлик санъаткорнинг ҳаёт, тараққиёт билан узвий бирлигидан вужудга келадиган хусусият. Санъаткор қалбида яратиш туйғуси жўш урса, унда ҳаёт оқими ҳамда халқ тақдири билан бирлик ҳисси мавжуд бўлса, замонавий асар яратилади. Замонавийлик ва интеллектуаллик бир-бирини тўлдирадиган, бойтадиган тушунча. О. Шарафиддиновнинг деярли барча мақолаларида замонавийлик, интеллектуаллик ҳақида гап боради. Санъаткор моҳиятида замонавийлик туйғуси, интеллектуаллик мавжуд бўлса, у шу масала ҳақида теран мулоҳаза юритиш лозим. Аниқроғи, адабиётшунос-танқидчидаги замонавийлик ва интеллектуаллик туйғуси ўзига мос манба ахтаради. Озод Шарафиддинов ўз асарлари учун интеллектуал санъаткорлар, замонавийлик туйғуси устун бўлган қаламкашлар ижодини асос қилиб олади. Танқидчи Ойбек, Ф. Фулом, Яшин, А. Қаҳҳор, М. Шайхзода, Зулфия ҳақида ёзадими, А. Мухтор, М. Бобоев, О. Ёқубов, П. Қодиров, А. Орипов асарлари ҳақида ёзадими, доим интеллектуаллик ва замонавийлик тўғрисида мулоҳаза юритади. Танқидчи маҳорати шундаки, у ҳар бир санъаткордаги интеллектуаллик, асарларидаги замонавийликни ўзига хос йўллар билан юзага чиқаради. Мақсуд Шайхзода масалан, кутилмаган, чақмоқдай

пайдо бўлган тимсоллари, ҳодисалар маъносини теран очиши билан диққатни жалб қилса, Зулфия шеъриятидаги назокат, сертуйғулилик асосида интеллектуаллик мавжудлигини кўрсатади. Миртемирнинг замон, келажак ҳақидаги ўйлари фольклорга яқин, ўйноқи мисралар орқали юзага чиқса, Асқад Мухтор асарлари ўқувчини чуқур ўйга толдиради: инсоннинг, ҳаётнинг маъноси ҳақида хулосалар чиқаришга ундайди. М. Шайхзода ижодининг сўнгги палласи янгиликка интилишнинг ёрқин намунасидир. Шоир ўз қалбини дунё товушини тингловчи кучга айлантира олди: жаҳонда рўй бераётган қувончлару, қабоҳатлару, бунёдкорликлару, вайронагарчиликлар — барча-барчаси учун ўзини маъсул деб билди. М. Шайхзода шеърларида жаҳон жисмининг ҳаракати, асаби, товуши ўз ифодасини топди.

«М. Шайхзода» ва «Миртемир» портретларидаги академизм излари танқидчи услубидаги асосий белгиларга соя ташлай олмаган. О. Шарафиддинов — ҳиссий-образли услубдаги танқидчи. Шу сабабли ҳам у шоир ижодидаги ҳақиқий гўзалликни, кашфиётни нозик ҳис этади, уни мумкин қадар мукамал ёритишни ўз олдида мақсад қилиб кўяди. Мақсуд Шайхзода шеъриятини таҳлил қилар экан, танқидчи ундаги нозик, кутилмаганда пайдо бўлган куйма образларга бепарво қарамайди. У М. Шайхзоданинг:

*Ҳислар сизмас қалбимга,
Юраман хандон,
Ёндирмоқчи бўламан
Лабимдаги папиросни
Осиё куйишидан.*

Ёки:

*Баҳри Ҳазар лабига холдай
Кўниб олган озар пойтахти.*

сингари образлари ҳақиқий санъатнинг кашфиётлари эканлигини таъкидлайди. Танқидчи шоир кўзининг нақадар синчков эканлигини куйидаги образларда янада чуқурроқ кўрсатади.

*Саксовулнинг қил соясига
Сизмас ҳатто чибин қаноти.*

Ёки:

*Машина қизибди, отлар терлапти.
Капалак қаноти чангдан кирлапти.*

«Севги ва тинчлик» шеърисида ҳам худди ана шундай ихчам, аниқ ва дадил поэтик образни учратамиз:

*Билсанми, бўса нима?
у — сўзсиз газал.*

Фоят гўзал айтилган мисра, — деб ёзади танқидчи. Миртемир шеъриси — ўзига хос дунё. Унда ҳар бир сўз маъносига, ўрнига, рангига эътибор берилади. Шоирнинг лугат фонди бой. У шундай сўзларни топиб қўллайдикки, улар тасвирланаётган образни ёрқинлаштириб юборади. Миртемир шеъриси кайфият, ҳолатларни жонлантиради. Бундай поэзияни англаш, тушунтириб бериш кучли гўзаллик туйғусига эга бўлишни тақозо қилади. О. Шарафиддинов — Миртемир шеърисининг мафтунлиги. У шоир ижоди ҳақида ўнлаб мақолалар ёзса-да, ташналикни қондира олмайди, янги мақолалар ёзишга чоғланаверади. Киши бирон ҳодисадан завқланиб кетсагина, образли фикр юритишга киришади, қалбидаги туйғуни юзага чиқаришга интилади. О. Шарафиддинов Миртемир шеърисининг қудратли, жўшқин дарёга, ҳар шеърини ирмоққа ўхшатади. «Миртемир» портрети мана шундай маъжозий фикр билан бошланади. Борди-ю, танқидчи ўз портретида қудратли дарё, шўх ирмоқ ҳолатини очиб бермасе, юқоридаги ўхшатиш шунчаки кириш бўлиб қолади, холос. Танқидчи Миртемир шеърисининг илдизларини, қудратини, кимга хизмат қилишини ишонарли ёритиб беради.

Озод Шарафиддинов кайфият яратувчи шеърлар таҳлилига айниқса моҳир. У. Миртемирнинг «Булут», М. Шайхзоданинг «Баҳорда ёмғир» шеърларини берилиб, ҳис қилиб таҳлил этади.

«Мақсуд Шайхзода», «Миртемир» портретлари ишонарли, лекин тугал эмас. Маълумки, портрет яратилгандан сўнг ҳар икки шоир ҳам баракали ижод қилди. О. Шарафиддинов М. Шайхзода ва Миртемирнинг сўнгги ижоди ҳақида талай мақолалар ёзди. Назаримизда, ҳар икки шоир ижодининг сўнгги даврида шундай хусусиятлар борки, улар портрет учун зарур чизиқлар ҳисобланади. Мақсуд Шайхзода портретининг муҳим қирраси — унинг илмий-танқидий ижодидир. О. Шарафиддинов

М. Шайхзода қиёфасининг шу томонига эътибор қаратмаган.

Қизиқ, О. Шарафиддинов Ойбек портретини яратар экан, унинг шеърляти, насрининг асосий нуқталарини кўрсатиб, бутун диққатини унинг илмий-танқидий фаолиятини ёритишга киришади. Мақсуд Шайхзоданинг илмий-танқидий асарларидаги услуб Ойбек танқидчилигидаги услубдан фарқ қилади. Ҳар икки санъаткор Навоий ижодини ўрганишни мақсад қилиб кўяди. М. Шайхзода А. Навоий лирикасининг ўзига хос томонларини ҳиссий-образли услубда очади. Ойбек танқидчилик майдонига кириб келганида кўп муаммолар ҳали ўзининг илмий ечимини кутарди. Шунинг учун ҳам у ҳеч иккиланмасдан кўпгина масалаларни ҳал этишга киришди. Ойбек ҳар бир масалага фалсафий нуқтаи назардан ёндошарди. Унинг услубида фалсафийлик, масалаларни ички алоқадорликда ҳал қилиш етакчи эди. Озод Шарафиддинов Ойбекнинг ҳар бир масала илди-зига теран назар ташлашлигини тасаввуф масаласидаги қарашлари орқали исботлайди. Танқидчи ҳақиқий танқид асарининг умрбоқийлигини белгиловчи хусусиятларни Ойбек мақолалари мисолида тасдиқлайди: «Менимча, бундай омиллар иккита: биринчидан, Ойбек ҳеч қайси мақоласида осон йўлни танламади, қуруқ тавсифийлик ёки баёнчилик методига амал қилмади. Унинг ҳар бир мақоласи тинимсиз изланувчи фикр асосига қурилган. Унинг илмий асарлари доимо проблематиклик характериға эға. Ойбек адабиётнинг энг мураккаб масалаларини қўйишдан, ҳал қилишдан чўчимайди. Ойбекнинг илмий асарларидаги навқиронликни, умрбоқийликни таъминлаган иккинчи омил шундаки, ҳар бир мақоласида кўзга кўринмаган ҳолда авторнинг шахси мавжуд. Биз уларда тадқиқотчининг синчков тафаккуринигина эмас, санъаткорнинг қайноқ қалбини ҳис қиламиз».

Озод Шарафиддиновнинг Ойбек илмий-танқидий фаолияти ҳақидаги мақоласи мукамал портретнинг бир қирраси — етакчи чизиғи бўла олади.

Озод Шарафиддиновнинг Асқад Мухтор ҳақидаги «Ижоднинг катта йўлида» мақоласида муҳим назарий фикрларға дуч келамиз. Танқидчи бадиий асарда фикр ва ҳис мутаносиблигини, тавсифий ва тадқиқий асар, роман жанри мазмунида, шаклида рўй бераётган ўзгаришлар каби масалаларни Асқад Мухтор ижоди мисолида ҳал қилишға интилади, адиб асарлари атрофида

бўлиб ўтган тортишувларга ўз муносабатини билдиради, нуқтаи назарини баён қилади. Кези келганда айтиш керакки, О. Шарафиддинов мақолаларида баҳслилик, тортишув деярли сезилмайди. Танқидчи ўз касбдошлари мулоҳазаларига берилишдан кўра, назарий хулосалар чиқаришга — асар моҳиятини ёритувчи калитни топишга интилади. Бу тўғри йўлми? Танқидчилик аслида фикрлар, қарашлар, муносабатлар тўқнашадиган майдон. Озод Шарафиддинов мақолаларини баҳсдан холи дейиш анойилик бўларди. Чунки, танқидчи ўз асарларида вазиятни кўрсатишни эмас, масалани ечишни, исботлашни мақсад қилиб кўяди ва шу баробарида доимо адабиётимизнинг тараққий этишига монелик қилаётган камчиликларни кўрсатишга интилади. Тўғрироғи, камчиликларни баргараф этиш заруриятини исботлайди. Шундай қилиб, танқидчи асарларини ҳаракатга келтирувчи куч кураш, қаршиликларни енгиш, ўз қарашларини исбот қилишдир.

Зулфия ҳақидаги портретдагина Озод Шарафиддинов қотиб қолган, адабиётни ҳис қилмайдиган «бир танқидчи» ҳақида гапирди, унинг даъволари «куракда турмаслигини» ишонарли далиллар билан кўрсатади. О. Шарафиддинов ҳеч қачон ланж, пишиб етилмаган хулосани ўртага ташламайди: унинг тутган йўли аниқ, шубҳага ўрин қолдирмайдиган бўлади. Асқад Мухторнинг «Чинор» романи ҳақида жуда кўп фикрлар айтилди, баҳслар бўлди. Озод Шарафиддиновнинг «Чинор»га муносабати қуйидагича: «Аммо ҳамма гап шундаки, «Чинор»га традицион нуқтаи назардан ёндашиб бўлмайди, чунки бу асар жанр эътиборни билан ҳам, услубига, ғоявий-бадиий хусусиятларига кўра ҳам адабиётимизда янги ҳодисадир. Тасвирий санъатда мозаика деган гап бор, рассом турли-туман шиша парчаларини ёки рангдор тошларни бир-бирига мослаб шундай жойлаштирадики, охир-пировардида яхлит бир сурат пайдо бўлади. А. Мухтор «Чинор»да рассомликдаги ана шу мозаика усулидан муваффақиятли фойдаланганга ўхшайди. Дарҳақиқат, ҳаётнинг ўзи мозаикага ўхшаб кетади: у бениҳоя хилма-хил, қарама-қарши қирраларни ички яхлитликдан маҳрум, муайян қонуниятга бўйсунмайдиган тасодифлар йиғиндисидай кўринади. Фақат ҳаётни синчиклаб ўргангандагина, ўша хилма-хил ҳодисалар ва қарама-қарши қирраларнинг моҳиятига киргандагина ҳаётни бошқариб турувчи, тараққиётга муайян йўналиш бағишловчи қонуниятларни аниқлаш мумкин».

Асқад Мухтор ҳақидаги портрет-мақола етук, назарий жиҳатдан мукамал. Лекин, бизнингча, танқидчи А. Мухтор портретини яратишда санъаткор моҳиятини белгиловчи ҳужайралардан, тўқималардан келиб чиқмаётгандай туюлади. Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор портретларини яратишда танқидчи ўзликдан умумий хулосалар томон боради. А. Мухтор портретини яратишда катта назарий масалалардан ижодкор «сир»лари томон йўналиши сезилади. Ҳар ҳолда портрет А. Мухторнинг ўзидай, ҳеч кимниқига ўхшамайдиган мураккаб, мукамал бўлишини истар эдик. Ишонамизки, О. Шарафиддинов қўлига олган мавзунини қайта-қайта, маромига етмагунча ишлайверадиган танқидчи сифатида Асқад Мухтор портретига яна қайтади, ундаги ўзига хос чизиқларни тасвирлайди.

О. Шарафиддинов адабиёт майдонига ўзи билан бир даврда кириб келган ёзувчилар ҳақида ҳам кўп мақолалар ёзган. Чунончи, у Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодировнинг деярли ҳар бир янги асарига тақриз ёзди.

Мунаққид «Қора кўзлар» романига бағишланган «Улғайиш» мақоласида ёзувчи П. Қодировнинг адабиётдаги ўрни, қаҳрамонларини ҳаётийлиги ҳақида чуқур мулоҳаза юритади. Танқидчи романдаги қаҳрамонларни тавсифлайди, унинг барча қисмларини яхлит, бир бутунликда кўрсатишга интилади.

Одил Ёқубовнинг «Олма гуллаганда», «Ларза», «Эр бошига иш тунса» асарлари ҳақида ҳам О. Шарафиддинов биринчилардан бўлиб тақриз ёзди. Хусусан «Ижод довлари оша» портретида О. Ёқубовнинг ўзига хос томонлари, санъаткорлик услуби очиб берилади. Мақолада танқидчи О. Ёқубов ижодининг ўсиш йўлини, улғайиш машаққатларини ҳаққоний тасвирлайди. Танқидчи тўғри таъкидлаганидай, О. Ёқубов ҳаётдаги йўналишларни нозик кузатади. Ёзувчининг қиссалари 60—70 йиллар кишиларининг ўйлари, туйғуларини ҳаққоний акс эттиради. О. Ёқубов ҳар бир асарида тиш-тирноқли, қатъиятли, тиришқоқ инсон тимсолини ҳавас қилгулик даражасига кўтаради. Адабий портретда ёзувчининг «Улуғбек хазинаси» романи таҳлилига ҳам катта ўрин берилган. Танқидчи мазкур романининг адабиётимиздаги ўрнини, қимматини белгилаб беради. «Ижод довлари оша» ёзувчи сифатида шаклланган, ўзининг муҳим асарларини яратиш босқичига кўтарилган санъаткорнинг портрети сифатида ўзбек танқидчилигида, танқидчи ижодида алоҳида ўринга эга.

Озод Шарафиддинов Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов сингари ёзувчилар ҳақида қатор мақолалар ёзди. «Одам бўлиш қийин», «Дамир Усмоновнинг икки баҳори», «Шошма, Куёш» асарларига ёзилган тақризлар Ўлмас Умарбеков портретининг яратилишида асос бўлса ажаб эмас. «Қалб ёлқини» мақоласида Абдулла Орипов шеърининг муҳим белгилари кўзга ташланади. Танқидчи шоирнинг ўзига хос овозини, образлари дунёсини, туйғулари йўналишини кўрсатишга интилади.

Танқидчи янги-янги адабий портретлар яратиш йўлида ҳаракат қилмоқда. Адабий портрет яратиш — ҳеч кимникига ўхшамаган санъат дунёсини қайта кашф этиш, ундаги янги хусусиятларни ёритиб беришдир. Адабиётни ўзига хос услубдаги санъаткорлар яратади.

Ҳар бир санъаткор адабиётга ўз дидини, қарашларини, адабий образларини, қалбини бахш этади. Танқидчи адабий портрет яратиш орқали адабиётнинг бойлигини, ранг-баранглигини, услублар жилоларини очади.

Озод Шарафиддинов етук адабий портретлар яратиш йўлида тинимсиз изланмоқда. Олимнинг «Чўлпон», «Чўлпонни англаш», «Чўлпон ҳаракатга чорлайди» асарлари мукамал, мураккаб адабий портрет учун манба бўлишига ишонамиз. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Озод Шарафиддинов «Янги ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги учун Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов портрет-мақолаларини ёзди. Бу асарларда ҳам портретнавис Озод Шарафиддинов билими, талабчанлиги, уқуви ва маҳорати кўзга аниқ ташланади.

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ — ЧЎЛПОНШУНОС

Озод Шарафиддинов шеърят, наср, драматургия, умуман, бадий адабиёт турлари ҳақида кўплаб мақолалар, адабий шарҳлар ёзган. Унинг адабиётшунослик, истеъдод тарбияси, китобхонлик назокати ҳақидаги бадиа-ю адабий лавҳалари ўқувчилар томонидан самимий кутиб олинган. Лекин адабиётшунос ижодининг асосини ёзувчилар ҳаёти, ижоди, асарлари ҳақида ёзилган адабий-танқидий очерклар, тақризлар, адабий портретлар, муаммоли, мунозарали мақолалар ташкил этади. Биргина Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақида гўзал адабий

портрет; бадий лавҳалар, ҳужжатли, воқеи ҳикоялари жамул-жам бўлган катта китоб; ўнлаб мақолалар яратган. Фафур Гулом ва Ойбек ҳақида битилган барча асарларида улуг санъаткорларга бўлган чўнг ҳурмати яққол сезилиб туради. Олимнинг Шайхзода, Миртемир, Зулфия ҳақидаги адабий портретлари беназир, юксак маҳорат билан ёзилган. Унинг Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров ҳақидаги мақолаларидан самимийлик, нозик талқин кўзга ташланади. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Неймат Аминов, Ҳусниддин Шарипов, Худойберди Тўхтабоев, Ҳалима Худойбердиева, Анвар Обиджон, Эркин Аъзамов, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Усмон Азимов, Абдулла Шер, Турсуной Содикова, Шукур Қурбон, Фароғат Камол ҳақида шундай ёзадики, умид билан ўтқазган, парваришлаган ниҳолларининг ям-яшил, серҳосил даҳлатларга айланганлигидан боши кўкка етган миришкор боғбоннинг руҳий ҳолатини, гурурини ҳис қилади, китобхон. Лекин Озод Шарафиддинов қалбининг тўрида Чўлпон шахси, ижодига бўлган бир муҳаббат борки, уни зинҳор бошқа туйғулар билан таққослаб бўлмайди. Чўлпон шахси, бу санъаткорнинг нафис шеърляти, бетакрор насри, юксак савиядаги таржималари, донишмандлик билан битилган адабий-бадий мақолалари Озод Шарафиддинов борлигини бус-бутун қамраб олган. Ҳамма яхши билади: ота-онанинг меҳри бошига кўп иш тушган, хасталик азобларига тоб берган болага қаратилган бўлар экан. Тўғри, Озод Шарафиддинов бундай қараганда, Чўлпонга ҳеч ким эмас. Аммо у Абдулла Қодирӣ, Фитрат, Элбек, Ғози Юнус, Усмон Носир сингари қатағон қурбонлари, истеъдодли санъаткорларга бўлган меҳрини бир нуқтага — Чўлпон шахси, ижодига жамлай олди. 50-йилларнинг охирлариданоқ Чўлпон ижодини ўрганишга кенг йўл очиб қўйилганида, Озод Шарафиддинов бу санъаткорга бунчалик боғланиб қолмасмиди? Эҳтимол, Озод Шарафиддинов Чўлпон ижоди ҳақида ўша пайтлардаёқ докторлик диссертациясини ҳимоя қилган бўлармиди? Эҳтимол, ҳозиргача чўлпоншуносларнинг янги-янги авлоди етишармиди? Хуллас, Чўлпон ҳаёти, шахси, ижоди Озод Шарафиддиновнинг умр бўйи давом этган оғриқли ҳузурӣ; аламли роҳатига айланди. Озод Шарафиддинов ҳам «бор-е» деб Чўлпон ижодидан йироқлашиб, кўпнинг

бири бўлиб яшаб кетавириши мумкин эди-ку?! Озод Шарафиддинов тоифасидаги одамлар кўнгил райига қўл силтаб кета олмайдилар. Буюк Навоий бундай кишилар тилидан:

*Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгил
Ваҳки, кун-кундин батарроқ мубтало бўлдим санга!*

деб ёзган.

Озод Шарафиддиновнинг «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» бадиасида Чўлпон шахси, ижодининг шўролар даврида оёқ ости қилинганлиги ҳақида ёзилмаган. Лекин мазкур мақола руҳ-руҳидан шу нарса англашиладики, коммунистлар барпо этган тузум истеъдодни зинҳор қадрламас, умуман, инсоннинг инсонлигини, ўзлигини сариқ чақачалик кўрмас эди. Инсонни эъзозламаган, ноёб бойлик-истеъдодни қадрламаган тузум, давлатни ким ҳам улуғларди дейсиз?!

Озод Шарафиддиновнинг «Чўлпон», «Чўлпонни англаш», «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» асарлари аро ички боғлиқлик аниқ сезилиб туради.

Чўлпоншуносликда ҳам 4—5 йил ичида катта ўзгаришлар рўй берди. Озод Шарафиддинов Чўлпон ижоди — шеърляти, насри, танқидчилик фаолияти ҳақида ажойиб фикрларини биринчилардан бўлиб айтди. Домланинг шогидлари, ўзбек адабиётшунослигининг навқирон намояндаларидан Замира Эшонова, Улуғбек Султонов, айниқса, Дилмурод Қуронов адиб шеърляти, танқидчилик фаолияти, насрининг поэтик қурилмаси ҳақида нозик, бақувват тадқиқот яратдилар. Чўлпон шеърлари XX асрнинг етук шеърляти билан ҳамжиҳатликда, узвий бирликда ўрганила бошладики, у сўзсиз катта самаралар беради. Чўлпон насри ҳам бетакрор олам: унинг барча томонларини ёритиш истиқболдаги чўлпоншуносликнинг вазифаси.

Озод Шарафиддинов бахтли, худо суйган инсон: унинг Чўлпон асарларини рўёбга чиқариш орзуси ушалди, у улуғ санъаткор асарларини таҳлил, талқин қилди. Чўлпонни минглаб ўзбек китобхонлари мутолаа қилаётганлигини кўриш, улкан санъаткор ҳақида бадиий, илмий, оммавий асарлар пайдо бўлаётлигининг гувоҳи бўлиш олим қалбига таскин берди. Озод Шарафиддинов сценарийси асосида «Чўлпон» ҳужжатли фильми

яратилди. Халқ, гарчи экранда бўлса-да, Чўлпонни кўрди, унинг руҳини ҳис қилди.

1992 йил март ойида Озод Шарафиддинов юртга ош тортди. Биринчидан, устоз муборак ёшга етганликлари шукронасини ифода этдилар. Иккинчидан, набираларининг хатна тўйини ўтказдилар. Учинчидан, Озод Шарафиддиновнинг Чўлпон бадий дунёсини руёбга чиқариш, таҳлил-тадқиқ қилиш орзуси ушалганлиги нишонланди. Тўйга Андижондан Чўлпоннинг синглиси, минг ойнинг юзини кўрган Фоиқа ая келин-куёвлари, қариндош-уруғлари билан етиб келдилар. Ая Озод акани бағриларига босиб айланиб-ўрғилаётганларини кўрган меҳмону мезбонлар, Чўлпонни кўрган-билганлар, хусусан Мақсуд ота Юнусов кўз ёшларини тия олмадилар. Озод аканинг тўйида Чўлпон, у билан бирга қатл этилган адибларнинг руҳи шод бўлди.

Озод Шарафиддинов илк бор Чўлпон ижоди билан 30-йилларда танишган, аммо Чўлпон деган шоир таржимасини маза қилиб ўқиётганлигини хаёлига келтирмаган. Гап И. Криловнинг «Бўри билан кўзичоқ» масали ҳақида бораяпти. «Унинг иборалари содда ва тушунарли, оҳанги равон ва мазмунга жуда уйғун эди, — деб ҳикоя қилади О. Шарафиддинов «Чўлпон» рисоласида. — Сатрлар ҳам худди булоқ сувларидек бири кетидан бири ўз-ўзидан, табиий равишида кўшилиб келаётгандай... Хуллас, масал икки-уч ўқигандаёқ ўз-ўзидан хотирангизга ўрнашиб, ёд бўлиб қоларди». Дарҳақиқат, Чўлпон таржималари анча вақтгача китобдан-китобга ўтиб юраверди. Гуё Шекспир, Пушкин, Криловлар ўз асарларини ўзбек тилида ёзгандай. Китобхон «Гамлетни», Пушкин шеърини, Крилов масалларини маза қилиб ўқийверди-ю, уни ким, қачон таржима қилганини сурштирмади. Нашриётлардаги билагон одамлар Чўлпон асарлари яшаётганидан завқланиб, ўз ишларини амалга оширавердилар.

Уруш йилларида О. Шарафиддинов «Кеча ва кундуз» романини тасодифан қўлга киритди ва бир кечада ўқиб чиқади.

1958 йилда Чўлпон асарларининг чоп этилиши анча аниқлашиб қолди. 1958 йил 31 январ куни Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси Чўлпоннинг адабий меросини ўрганивчи комиссия тузди. «Комиссия раиси ёзувчилар уюшмасининг ўша пайтдаги биринчи котиби Баҳром Раҳ-

монов, аъзолари эса Уйғун, Мирзакалон Исмоилий, Фулом Каримов ва мен эдим, — деб ёзади О. Шарафиддинов «Чўлпонни англаш» асарида. — Шундан кейин мен ёзувчилар уюшмасига бир-икки мурожаат қилдим — ўртоқлар менга ошиқмасликни маслаҳат беришди. Менку ошиқмай юраверишим мумкин эди, бироқ бир кун эмас-бир кун жамоатчилик мендан «қани, биродар, комиссия аъзоси бўлиб нима иш қилдингиз? — деб сўраб қолади-ку! Нима деб жавоб бераман? Мен шу ўй билан ўзимча Чўлпоннинг баъзи асарларини топиб ўргана бошладим».

Чўлпон ижоди, айниқса, шеърляти билан танишгач, О. Шарафиддинов тинчи йўқолди. Наҳотки шундай улкан маънавий бойлик яширинлигича қолиб кетаверади? Чўлпон ижодини халқдан яшириш кимларга, нима учун керак экан? Айрим амалдорларнинг бепарволик билан: «Тўғри, биз Чўлпонни оқлаганмиз, лекин уни граждон сифатида оқлаганмиз. Чўлпонни шоир сифатида оқлаган эмасмиз ва оқламаймиз ҳам», — деган мантиқсиз гаплари фикрловчи Озод акани тутоқтириб юборди. У бир ўзи Чўлпон шаъни, гўзал асарларини рўёбга чиқариш учун курашга бел боғлади. Унинг чуқур эътиқодича, XX аср ўзбек шеърляти бир чаман бўлса, Чўлпон лирикаси шу чаманнинг файзи-таровати, хазон бўлмас анвоий гуллари. Бадиий адабиёт мўъжиза бўлса, Чўлпон яратган бадиий олам мўъжизанинг мўъжизаси, сеҳрли чўққиси. Коммунистик мафкура қора кўланкасини кенг ёйиб турган бир пайтда, Чўлпоннинг пайини кирққанлар давр-даврон суриб юрган йилларда улуғ санъаткор яратган руҳий-маънавий бойликни халққа қайтариш учун курашга бел боғлаш хаёлпараст Дон-Кихот шижотини ёдга соларди. Лекин О. Шарафиддинов эзгу ишга жиддий киришган эди. У ҳар вақт, ҳамма жойда Чўлпон ҳақида тўлиб-тошиб гапиришга, унинг гўзал шеърлярини ўқишга тайёр эди. ТошДУнинг филолог-талабалари, ёш ижодкорлари Чўлпон асарларини мукамал билар эдилар. Бир воқеа эсимда. 1974 йилнинг ёзида Озод Шарифиддинов, Бегали Қосимов ва мен Приморье ўлкасига саёҳатга жўнадик. Жўнашдан олдин сафар чоғида оғзимизга спиртли ичимлик олмасликка келишиб олдик Сафаримиз қариб қолган. «Владивосток» меҳмонхонасидамиз. Тушлик қилиш учун ресторонга кирдик, овқат, сув-шарбат буюрдик. Бир маҳал Бегали

ўрнидан турдида, буфет томон кетди. Ҳайрон бўлдиқ. Қарасак, Бегали уч қадаҳда коньяк кўтариб келяпти. Озод ака, гарчи ичкилари келиб турган бўлса-да, сафар аҳдини бузган шеригимизни койиб кетдилар.

— Кўйинг энди, — деди Бегали бамайлихотир — туғилган кунимда аҳдни бузсам бузибман-да...

Бугун 13 август, Бегали туғилган кун эканлигини эслаб қолдик: Энди совға-саломга ҳаракат қилиш бегойда. Шунда Озод ака бирам гўзал, бирам маънили суҳбат бошладиларки, ҳузур қилиб тингладик. Чўлпон ҳақида гапира туриб «Кўнгил» шеърини ўқидилар устоз:

*Кўнгил, сен мунчалар нега
Кишанлар билан дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен мунча сустлашдинг?..*

Шеърнинг сўнги бандини Озод ака ўттиз икки ёшини нишонлаётган Бегалига совға қилаётгандай бўлдилар.

*Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан,
Кишан кийма
Бўйинг эзма
Ки сен ҳам ҳур туғилгансан!*

Сўнги мисралар Япон денгизи тўлқинларига қўшилиб сузиб бораётгандай эди... «Ёлғиз отнинг донғи чиқмас», — деган нақл бор. Лекин Озод Шарафиддинов Чўлпон ижоди тарғиби йўлида шунчалик сидқидилдан ҳаракат қилдики, унинг интилишлари беҳуда кетмади. Чўлпон шеърлари тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб яшайверди.

Ўзбекистондаги қайта қуриш, кишилар онгидаги ўзгаришлар Чўлпонга муносабатда аниқ сезила бошлади. Ёшлар, Озод Шарафиддинов сингари фидоий кишилар Чўлпон асарларини чоп этиш ишига жон-жаҳдлари билан киришдилар. Адабий анжуманларда ёш шоирлар, юрагида ўти бор талабалар Чўлпон шеърларини гумбирлатиб ўқиб қолардилар. Расмий доиралар, Чўлпон тақдирига алоқаси бўлган тўртта-бешта казо-

казо ёзувчилар ҳамон унинг йўлида тўсиқ бўлардилар. Чўлпон адабиётдан ўз ўрнини эгалласа, бу ёруғ юлдуз ёнверигади юлдузчалар ўз-ўзидан «сўнар», кўзга кўринмай қолар, изсиз кетарди. Қолаверса, Чўлпон отилиб, унинг асарлари йўқ қилиб юборилгач, бу улуг санъаткор яратган қанчадан-қанча ёрқин характерлар сал-пал ўзгартирилиб, баъзан таппа-тайёр ҳолда соцреализм қолипида яратилган асарларга ўтказилди. Бу ўринда Чўлпон шеърятидан талон-тарож қилинган санъатлар, ташбеҳлар, тимсоллар, оҳанглар ҳақида гапириб ҳам ўтирмаймиз. Демак, Чўлпон учун кураш ҳаёт-мамот жангига, адолат ва адолатсизлик аро орани очиқ қилиб олиш масаласига айланиб кетди. Икки томон ҳам жонжаҳди билан курашарди. «Унинг йирикроқ асарини эълон қилиш эса ҳамон қандайдир ички қаршилиқларга учрар эди. Жумладан, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романининг эълон қилиниши шундай бўлди — роман «Шарқ юлдузи» журналида териб қўйилган ҳолда бир неча марта тўхтатиб қўйилди ва ниҳоят, юқориларга маъқул келадиган сўз боши билангина босишга рухсат берилди, — деб ёзади Озод Шарафиддинов «Чўлпонни англаш» китобида. — Бу сўзбошида, албатта, «Чўлпон миллатчи бўлган, гоъвий хатолари кўп, кейин совет воқелиги таъсирида ўзгарган» деган фикр олдинга сурилиши керак эди. Сўзбошини ёзиш менга топширилди. Бир вақтлар мен юқоридаги фикрлар тарафдори эдим, лекин энди — 1988 йилга келганда бу фикрларим ўзгарган эди. Шундай бўлса-да, нима бўлса-да, романнинг эълон қилинишини истаганимдан ўша фикрни марказга қўйиб сўзбоши ёзим».

Шу тарзда 1988 йилда роман эълон қилинди. 1991 йилда эса «Яна олдим созимни» эълон қилинди.

Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» шеърлар тўплами чоп этилган йили Озод Шарафиддиновнинг «Чўлпон» номли китоби «Чўлпон» нашриётида «Шоир ҳақидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар» остсарлавҳада босилди. Мазкур китобнинг остсарлавҳаси Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар» қиссасининг сўз бошиси — «Бир-икки сўз» идаги мана бу фикрга ҳаммаъно: «Китобнинг («Ўтмишдан эртақлар»нинг — А.Р.) газета ва журналларда босилиб чиққан айрим парчаларини ўқиган бир танқидчимиз ҳалитдан гашлик қилиб: «Жуда зулматку, китоб ўқувчида жуда оғир таассурот қолдирмасми».

кин? — деб қолди. (Кези келди, айтиб ўтай, Абдулла Қаҳҳор ғашлик қилган таниқидчи деганда Озод Шарафиддиновни назарда тутган — А. Р.). Ундан кейин туғилган ёшлар, шубҳасиз, бу мулоҳазани кескинроқ айтишини ҳам биламан. Мен китобни «Ўтмишдан лавҳалар» деб атамоқчи эдим, майли, шуларнинг ҳам кўнгли тўлсин, китобни «Ўтмишдан эртақлар» деб атай қолай». Озод Шарафиддинов Чўлпон учун кураша-кураша юрак олдириб қўйган. Бошқача айтганда, оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деган гап бор. Олим «Чўлпон» китобини «Шоир ҳақидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар» дер экан, эҳтиёткорлик қилгани, китоб қайсидир нуқтада тўхтаб қолишининг олдини олгани сезилади. Иккинчидан, китоб «Чўлпон» нашриётида чоп этилдики, муаллиф масаланинг бу томонини ҳам ҳисобга олди. Умуман, «Чўлпон» улуғ санъаткор ҳақидаги биринчи, хайрихоҳлик билан ёзилган илмий-таҳлилий, айтилиши вақтда оммавий, болаларбоп асар эди. Муаллиф ҳаммаша кимларга гапираётгани, фикрлари улуғ санъаткор ҳақидаги илк китобга (бу ўринда биз Чўлпон ҳақида Ўзбекистонда нашр этилган китобларни назарда тутяпмиз — А. Р.), не-не курашлар эвазига руёбга чиқаётган асарга киритилишини ҳис қилган. Китоб лўнда-лўнда беш бобдан — ҳаёти ва ижод йўли; шеърляти таҳлили; насри талқини; адабий-танқидий фаолиятига муносабат; таржимонлик маҳоратига бир назардан иборат. Озод Шарафиддинов Чўлпон ҳаёти ва ижоди ҳақидаги манбаларни архивлардан излаб-излаб йиққан, синчиклаб танлаган, саралаган. Чўлпон ҳақидаги биринчи китобнинг чиғириқдан ўтишини муаллиф ҳис қилган. Биринчи бобда муаллифнинг мушоҳадкорлиги, масаланинг илдизига назар ташлаши сезилди. Чўлпон поэзиясини таҳлил қилар экан, О. Шарафиддинов қалбининг аллақасерида чўчиш, фикрини юмшатиброқ айтишга мойиллик сезилади. Чўлпон насри ҳақидаги фикрларнинг аксарияти янги, илк бор айтилаётгани англашилади. Муаллиф Чўлпоннинг барча насрий асарларини тилга олишга ҳаракат қилади.

Чўлпоннинг танқидчилиги, таржимонлиги ҳақида ёзар экан, О. Шарафиддиновнинг қалами эркин ҳаракат қилади. Муаллифнинг ўзи танқидчилик касби моҳиятини чуқур англайди. Чўлпоннинг танқидчиликка муносабати, тушунлиши муаллифнинг гўзалликни ҳис

қилишига мос келганлиги ўзининг ижобий натижасини берган.

Чўлпон-таржимон ҳақида Озод Шарафиддинов завқ-шавқ билан ёзади. Муаллифнинг ўзи таржимонлик маънавиятини бошидан ўтказган, унинг паст-баланд томонларини яхши билади: «Чўлпоннинг шеърини таржимада бениҳоя моҳир эканини кўрсатмоқ учун яна бир мисол келтираман, — деб ёзади муаллиф. — Ўтмиш алломаларидан бири, «шеърда таржимон шоирнинг рақибини, насрда эса муаллифнинг қулидир», деган экан». Озод Шарафиддинов Чўлпон — таржимон маҳоратини икки асар-бир масал, бир ғазал таржимаси орқали мукамал ёритди.

Озод Шарафиддиновнинг «Чўлпон» асари чўлпоншунослик тандиридан узилган биринчи нон эди, мисоли. Озод Шарафиддинов шу китобнинг I боби асосида «Чўлпонни англаш» номли ниҳоятда теран мазмунли асар яратди. Чўлпон поэзияси Озод Шарафиддинов шогирди Замира Эшонова диссертациясида теран, дадил талқин, таҳлил қилинган. Озод Шарафиддинов «Жаҳон адабиёти» журнаlining биринчи (1997 йил) сониди Замира Эшонованинг Чўлпон поэзияси таҳлиliga бағишланган «Ҳақ йўли, албатта, бир ўтигуси...» номли катта мақоласини эълон қилди. Шу журналнинг 1997 йил 6-сониди устоз шогирдларидан бири, Дилмурод Куроновнинг Чўлпон эстетикаси, насри поэтикаси ҳақидаги «Жаҳон адабиётига йўл» мақоласи босилди.

Озод Шарафиддинов йигирмага яқин адабий-танқидий китоблар муаллифи. Унинг дарслик, дастур, таржима сингари асарларини кўшиб ҳисобласак санок эликдан ошиб кетади. Хуллас, олимнинг камида тўрт жиллик танланган асарларини чоп этиш мумкин. Лекин биз бошқа масалага диққатни тортмоқчимиз. На ёзувчи, на олимнинг истезодини, халқ орасидаги обрў-этиборини чоп этилган китоблари сони белгиламайди. Мазмунан салмоқли асарлар олимнинг олимлигини белгилайди. Озод Шарафиддиновнинг ҳамма асарлари ўз қиёфасига, салмоғига эга. Лекин, менимча, олим китоблари орасидаги энг митти асар «Чўлпонни англаш» ҳар томонлама мукамал, етукдир.

Бу асарини ёзиш учун олим архивларда кўп ўтирган, кўплаб ҳужжатларни ўрганган, асарларни ўқиган. Муал-

лиф Чўлпон ҳақида 20-йиллардан то шу кунларгача ким, қаерда, нима деганлигини яхши билади. Бу ўринда мен фақат ўзбек олим, ёзувчиларининг Чўлпон ҳақидаги фикрларининг назарда тутаётганим йўқ. Хорижий чўлпоншунослик тарихи ҳам О. Шарафиддиновга яхши таниш. Чўлпон ҳақидаги маълумот, манбаларни ўқиш бошқа, уқиш бошқа. «Чўлпонни англаш» муаллифи чўлпоншуносликдаги фикрларни уққан, англаган. Озод Шарафиддинов Чўлпон ҳақида ёзган мунаққидлар, олимлар, адиблар характерини, билим даражасини беҳато айтиб бера олади. Бу нарса «Чўлпонни англаш»да акс этган. Масалан, О. Шарафиддинов шароитга кўра ўзгариб турувчи А. Саъдий ҳақида пичинг билан ёзади. Туйғуннинг қулаётган одамни «тепишини» кечира олмайди. Муаллиф Олим Шарафиддинов, Миён Бузрукларнинг билимига тан беради. Уларнинг адабиётшуносликда ўрни борлигини таъкидлайди. Шу олимлар Чўлпон ҳақидаги салбий фикрларни ёзма-салар, эҳтимол, улуғ санъаткор тақдири бунчалик фожиали бўлмасмиди деган ўкинчнамо фикр ҳам ўтади...

Озод Шарафиддинов ўзининг асл ўғлони, истейдодли фарзанди Чўлпонни асраб-авайлай олмаган, муҳими, унинг шаъни-қадри учун курашмаган халқдан хафа бўлиб кетади. Улуғ санъаткорлар вақти-вақти билан халқнинг бепарволигидан, оломон, тўдалигидан ўкиниб кетганлар. Шўро давлати расмий ҳужжатларнинг ҳаммасида, конституцияда халқни улуғлади. Аслида, у халқни эзиб, янчиб ташлади. Даҳшатлиси, шўро ҳукумати халқдаги фикрлаш укувини йўқотишга интилди. Шу ҳақиқатни айтишга интилган одам балога қоларди: «Аммо халқнинг тафаккури чекланган, маданий савия чатоқроқ, халқ ўзининг асл фарзандларини унча эъозламайди деган гапларни айтиб бўлмасди ёки айтилмасди»—деб ёзади муаллиф «Чўлпонни англаш»да. Озод Шарафиддинов шу китобда шўро давлати, коммунистлар фирқасининг моҳиятини ёритади кўяди: «Гап ҳукмрон мафкуранинг шиддатли йўл-йўриғида, қолаверса, ҳокимият тепасидаги кучларнинг, биринчи навбатда, коммунистик партия арбобларининг санъатга, адабиётга душманлигида, ҳар бир фикрлайдиган ақлли одамдан, ҳар бир мустақил фикр эгасидан кўрқишида экан. Фикрлайдиган одам янги ҳокимиятнинг, улар барпо этаётган янги тузум-

нинг чинакам башарасини дарров пайқаб олиши ва ҳаммага ошкор қилмоғи мумкин. Шунинг учун уларнинг боридан йўғи яхши».

Озод Шарафиддинов Чўлпонни қанча ўқиса, англа-са, инсон эрки, руҳнинг озодлигини шунча аниқ ҳис қила бошлайди. Аксинча, у Шўро ҳукумати моҳиятини уқишга қанча интилса, эрксизлик, тутқунлик қонун-қоидалари аниқ-равшан кўринаверди. Демак, Чўлпон ижодининг моҳияти Шўро тузумининг асосларга зид эди. Шу ҳақиқатни фикрлайдиган одамлар ҳис этдилар, аммо бу ҳақда лом-мим демадилар. Ҳақиқий поэзия, инсоннинг эркин руҳини тасвирлаган асар ҳеч қандай тоталитар тузумда яшай олмайди. «Чўлпонни англаш»-нинг туб моҳияти мана шунда.

Озод Шарафиддинов табиатан озодлик, эрка талпинувчи шахс, эркини куйлаган ижодкорлар тарафдори. Шўро давлати ҳар томонлама инсон эркини бўғар, чеклар, поймол этар эди. Озод Шарафиддинов Чўлпон тоифасидаги эркесвар кишилардан бўлганлиги боис коммунистча, шўроча эътиқодини ўзгартириши зарурлигини англади.

«Чўлпонни англаш» китобининг пайдо бўлиши Озод Шарафиддинов эътиқодини ўзгартиришидан дарак берарди. Ниҳоят, бу воқеа 1997 йилда содир бўлди: Озод Шарафиддинов эътиқодини ўзгартирганлигини баён қилди.

Озод ака учун 1997 йил унутилмас бўлди... Шу йили Чўлпоннинг 100, Абдулла Қаҳҳорнинг 90 йиллиги нишонланди. Табиийки, О. Шарафиддинов ҳар икки юбилейда фаол иштирок этди. 1997 йил 24 ноябрда Ҳамза номли театрда Абдулла Қаҳҳорга бағишланган кеча бўлди. Озод Шарафиддинов ўз нутқида истеъдод масаласига эътибор берди. Истеъдодни ҳеч қандай куч маҳв эта олмайди. Шўро ҳукумати адибларни сунъий йўл билан тарбияламоқчи бўлди. Бу жабҳадаги барча хатти-ҳаракатлари сароб бўлди. 1932 йилда «Бизнинг довруқ» шеърлар тўплами нашр этилган бўлиб, унга юздан ортиқ шоирнинг шеъри киритилган эди. Қарангки, ўша юзта шоирдан фақат Шукур Саъдулла номи гоҳи-гоҳида тилга олинади, хояос. 1997 йил 28 ноябрда Фанлар академиясининг катта залида Чўлпоннинг 100 йиллиги нишонланди. Бу анжуманда ҳам О. Шарафиддинов нутқ сўзлади. Олим Чўлпон юби-

лейи муносабати билан «Чўлпон ҳаракатга чорлайди» мақоласини «Халқ сўзи» газетасида (1997 йил 28 ноябр) чоп эттирди. Мақолада Чўлпонни ўқиш, ўқиш лозимлиги таъкидланади. Чўлпон асарлари бизни эркини, озодликни, мустақилликни эъзозлашга ўргатади. Чўлпон орамизда бўлмаса ҳам, унинг асарлари миллий мафкурамизни шакллантиришга, маънавиятли-маърифатли инсонларни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Мана, қирқ-қирқ икки йилдирки Чўлпонни ўқиш, ўқиш, унинг руҳ-руҳига кириш Озод Шарафиддиновнинг доимий машғулотларидан. Олим Чўлпон юрган йўллардан юрди, унинг синглиси, жиянлари, қариндошлари, ҳамсуҳбатлари билан танишди. Уларни қалбига яқин тутди.

Озод Шарафиддинов характерида, табиийки, Чўлпонга хос хусусиятлар шакллана бошлади. О. Шарафиддинов истеъдодсиз одам бўлса, унинг Чўлпонга талпинишлари самара бермас эди. Чўлпонга интилиш О.Шарафиддинов истеъдодини тарбиялади, аниқ мақсадга йўналтирди. Чўлпон адабий танқидчи сифатида гапнинг индаллосини айтиб қўя қоларди. «Адабиёт надир?», «Улуғ ҳиндий», «500 йил», «Тарихнинг зарарли тақаррури» сингарилар фикримиз далили. Озод Шарафиддиновнинг «Шеър кўп, шоир-чи?...», «Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси», «Ҳақиқатга садоқат» мақолалари чўлпонона руҳда ёзилган.

Чўлпон жаҳон адабиётининг ўзбек адабиётидаги, таъбир жоиз бўлса, вакили, муҳбири эди. У дид-фаросат билан сара-сара асарларни танлаб-танлаб таржима қилар, Шекспир, Пушкин, Тагор, Тавфиқ Фикрат ҳақида ўз халқига кўпроқ маълумот беришга интилади. Озод Шарофиддинов-чи? У ҳам халқига манфаати тегадиган асарларни чертиб-чертиб таржима қилаяпти. Тўғри, Чўлпон ҳам, О. Шарофиддинов ҳам ўз даврида баъзи воқеликларга ортиқча баҳо бериб юборган эдилар. О. Шарафиддинов ўз фаолиятининг бу бесамар ўтган томонини эътироф этди.


Чўлпон театр шайдоси эди. Озод Шарофиддинов ҳам «Ҳамза», «Аброр Ҳидоят» театрининг мухлиси. Унинг кўплаб спектаклларга, санъаткорлар ҳақида ёзган мақолалари маълум.

Хуллас, Чўлпон характери табиати, ҳатто жисмида-

ги хасталик ҳам Озод Шарафиддиновга ўтган. Ўхшатмасдан учратмайди, деганлари шу бўлса керак-да!

Хурматли китобхон! Биз Озод Шарафиддиновнинг «Йўлбошчи», «Чўлпонни англаш», «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» асарлари ҳақида кўп тўхталиндик. Ўйлаёмизки, сизда ҳам бу асарларга қизиқиш ортди. Устоз Озод Шарафиддинов рухсатлари билан мазкур асарларни тўлалигича ҳукмингизга ҳавола қилишни лозим деб билдик.

ЙЎЛБОШЧИ



1991 йил 31 август куни Ўзбекистон республикасининг мустақиллигини эълон қилганида юртимизнинг биринчи Президенти ҳали 50 ёшдан эндигина ўтган миқти жуссали, ажинсиз юзларидан нур ёғилиб турган навқирон қиёфада эди. Албатта, у ўша куни улуғ бир тарихий вазифани адо этганини, Мустақилликнинг Бош меъмори бўлиш бахти насиб этганини ўйлаб, ўзини бахтиёр ҳис қилган бўлса, ажаб эмас.

Аммо, кўп ўтмай маълум бўладики, юксак минбардан туриб, мустақилликни эълон қилиш, унинг йўлбошчи сифатида бажарган ва келажакда бажармоғи лозим бўлган ишлари орасида нафақат энг шарафлиси, балки айни чоғда энг осони ҳам экан.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Президентлик лавозимига келган кезларда замон оғир, кечаги иттифоқда Ўлғов-далғов авж олган, кўп жойларда тўплар гумбирлаб, кўча-кўйлар танкларнинг ваҳимали садосига тўлиб кетганди. Ўзбекистон ҳам тўрт томони ёнғин билан қуршалган оролга ўхшарди. Мустақил юртнинг дўстлари ҳам, душманлари ҳам кўп бўлар экан. Аммо, «дўстинг юзта бўлса ҳам оз, душманинг битта бўлса ҳам кўп» деган мақол бор. Ўша душманларимиз ўта маккорлик билан мустақиллик йўлидаги биринчи қадамларимизданоқ бизнинг уйимизда ҳам ёнғин чиқаришга, халқ бошига қирғину ихтилофлар балосини ёғдиришга ҳаракат қилишди. Тошкент, Фарғона, Паркент, Ўш воқеалари ҳали эсимизда, ҳали уларнинг излари битгани йўқ.

Ўшанда эркинлик йўлида атак-чечак қадамларини кўя бошлаган халқ ҳам, унинг биринчи Президенти Ислом Каримов ҳам жуда жиддий ва қалтис синовга дуч келган эди. Қатъият ва матонат билан ҳаракат қил-

моқ, айна чоғда ҳамма нарсани етти эмас, етмиш ўлчаб, бир кесиш талаб қилинарди. Ислон Каримовнинг йўлбошчи сифатидаги иродаси, қатъияти, донолиги намоён бўлиб, унинг раҳбарлигида тутаб келаётган ёнғин ўчоқлари ўчирилди, ўлкада тинчлик ва осойишталик қарор топди. Ўша кезларда ва кейин ҳам турли вилоятлар ва туманларда юзлаб одамлар билан учрашганман. Улар, айниқса, қариялар эрта тонгда ҳам, кундуз ҳам, дастурхон устида ҳам, шунчаки суҳбатларда ҳам тинчлигимиз, хотиржамлигимиз учун шукроналар айтишар, шу барқарорликни барпо этишда жонбозлик кўрсатган йўлбошчимиз шаънига дуолар ўқишарди. Дарҳақиқат, ўша таҳликали кезларда Президент бир дақиқа ҳам тиним билгани йўқ, эртаю кеч воқеалар марказида бўлди, катта-кичиклар билан маслаҳатлашди, одамларга ҳамдард бўлди. Мен, масалан, Президентнинг машина боролмайдиган олис тоғ қишлоқларига от миниб борганини эшитганман. Юртимиздаги барқарорлик ана шундай катта жасорат ва улкан ғайрат эвазига барпо этилган.

Эҳтимол, сиз — азиз ўқувчим, ана, барқарорлик ҳам ўрнатилди, энди бундан буёғига бемалол яна роҳат қилса ҳам бўлаверади, деб ўйларсиз? Йўқ, дам, истироҳат, хузур қаёқда дейсиз? Яна узлуксиз меҳнат, яна изтиробли изланишлар, яна юрт учун, одамлар учун поёни йўқ куйиб-ёнишлар. Ҳа, Президентнинг қисмати шунақа, чунки унинг зиммасида шу ўлкада яшайдиган ҳар бир одам учун масъулият юки бор. Йигирма тўрт миллионнинг ҳар биттаси инсон, ҳар бир одамга кийим-кечак, бошпана керак, хўжаликларга боғча, мактаб, катталарга меҳнат қилиб, тирикчилигини бемалол ўтказмоқ имкони зарур. Хўш, уларни таъминламоқ учун нима қилмоқ керак? Умуман, қайси йўлдан борилса, тўқлик ва фаровонлик манзилига етиб борилади? Адолат ва диёнат салтанатига, ҳақиқат ва инсоф ўлкасига элтадиган омиллар қаерда? Бу саволларнинг аниқ жавобини ким билади? Ҳар кун оёқ остидан қўзиқориндай бодраб чиқадиган минглаб муаммоларнинг ечими қандай бўлади? Бу саволларга жавобни, муаммолар калитини ташқаридан биров олиб келиб бермайди, уларни ўз идрокинг, ўз билимларинг билан ўзинг ҳал қил-

моғинг керак. Хуллас, янги жамият қурмоқ зарур. Уни қуриш учун танланган йўл тўғри эканлигига одамларни ишонтирмоқ зарур, фақат шундагина одамлар комил ишонч билан бу йўлдан юрадилар. Муаммолар кўп эди, хилма-хил эди. Энг муҳими шундаки, уларнинг ҳаммаси ҳам муҳим, долзарб, ҳал қилиниши кечиктириб бўлмайдиган муаммолар эди.

Йўлбошчимиз Ислом Каримов ишни Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига эш қилишдан, уни дунёга танитиб, халқаро нуфузини оширишдан бошлади. Бу айтишга осон, аммо амалга ошириш ҳаддан ташқари қийин эди. Гап шундаки, ўтмишда инсоният тарихида катта роль ўйнаган Ўзбекистонни бурунги замонда ҳеч ким танимас эди. Чунки ўтмишда «Ўзбекистон» деган давлат бўлмаган, шўролар замонида эса номигагина шундай республика бўлиб, у жаҳон билан алоқасини фақат марказ орқали амалга оширарди. Марказнинг рухсатисиз бирорта ўзбекнинг хорижга бориб келиши ёки бирорта хорижликнинг Ўзбекистонга келиб-кетиши мумкин эмас эди.

Бир сўз билан айтганда, дунёда, ўзбекнинг кимлигини уқтирмоқ керак эди. Бунга қуруқ хитоблар, ҳужжатлар билан ёхуд бежирим дипломатик табассумлар ёрдамидагина ҳал қилиб бўлмасди. Жаҳоннинг манаман деган сиёсатчилари ўзбекнинг зукколигига, фаросатига, ҳалоллигига, бағри кенглигига тан бермоғи керак эди, шундагина Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кирмоғига йўл очиларди. Шундоқ бўлди ҳам. Жаҳон сиёсатчиларининг кўпчилиги — президентлар, қироллар, подшоҳлар, премьер-министрлар, вазирлар, дунёга донг таратган миллиардер-бизнесменлар, фан ва адабиёт намояндалари Президент билан учрашди, у билан суҳбатлашди, унга илмоқли ва илмоқсиз, мураккаб ва жўн саволлар берди, уни таниш орқали Ўзбекистон ҳақида ҳам, ўзбеклар тўғрисида ҳам тасаввур ҳосил қила бошлади. Бу тасаввур кўп ҳолларда ижобий бўлди.

Менга бир воқеани айтиб беришган. Парижда Президент китобининг тақдими бўлибди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор жаноблари бир ёққа учмоқлари керак экан, бироқ тақдимотни эшитиб, само-

дигни тўхтатиб қўйиб, мажлисга келибди-да, қисқа нутқ сўзлабди. У айтибдики, «мен дунёдаги икки юзга яқин мамлакатни кезиб чиққанман, уларнинг маданий-тарихий ёдгорликлари билан танишганман, лекин ҳеч қаерда Самарқандда бўлганимдаги каби ҳаяжонланмаган эдим. Улуғбек расадхонасида жаноб Президент менга устурлобни кўрсатди. Улуғбеклар, Али Қушчилар қўли теккан бу асбобни қўлга олар эканман, гўё ўзимни XV асрга бориб қолгандек, Улуғбек каби буюк олимлар билан ҳамнафасдай ҳис қилдим. Ҳозирга қадар ҳам ўша ҳаяжон бот-бот бутун вужудимни қамраб олади. Ушанда жаноб Ислом Каримов Улуғбекнинг «Зижи Кўрағони» асарини кўрсатди. Мен ҳам шарқ илмидан хабардорлигимни кўрсатиб қўйиш учун «Жуда зўр асар. Ҳозирги компьютерларнинг таҳлилига кўра Улуғбек юлдузлар ҳаракатини аниқлашда бор-йўғи ярим минутга адашган экан», дедим. Ислом Каримов ялт этиб менга қаради-да, лабларида ним табассум билан жавоб берди: «Йўқ, жаноб Федерико, Улуғбек адашмайди, компьютерларингиз хато қилган бўлиши керак». Бу жавобни эшитиб, жаноб Каримовнинг ўз халқини нечоқлик севишини, ўзбек олимларининг ютуқларидан нечоғлик фахр қилишини яна бир бор ҳис қилдим».

Жаҳоннинг кўпгина донгдор одамлари Президентимиз ҳақида, унинг салоҳияти тўғрисида ана шундай илиқ гапларни кўп айтишган. Қизиқ, ҳар гал шунақа фактларга дуч келганда, киши қалби ўз Президентини учун ифтихор туйғуларига тўлиб-тошар экан. Шу тарзда сон-саноксиз сафарларда, беҳисоб суҳбатдошлар, зиё-фатлар, симпозиумларда бирда ҳазил билан, бирда қатъият билан, бирда босиқлик билан бу дунёнинг «манаман» деган арбобларини ўзига ром этди.

Унинг саъй-ҳаракати боис Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ошгандан ошаборди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг пештоқида республикамиз байроғи мағрур ҳилпирайдиган бўлди, ўнлаб халқаро ташкилотларнинг эшиклари Ўзбекистон учун ланг очилди, қанчадан-қанча мамлакатлар Тошкентда ўз элчихоналарини ва бошқа ваколатхоналарини очди, ўзбек дипломатлари эса жаҳон пойтахтларида ўз қароргоҳларини танлай бошладилар. Бутун дунёнинг кўзга кўринган ишбилар-

монлари ўзбеклар билан ҳамкорлик қилишга киришди. Ўнглаб хорижий мамлакатларга ҳаво йўллари очилди. Жаҳон саноатининг янгиликлари Ўзбекистонга оқиб кела бошлади. Бугун буларни кўрган ҳар қандай кўнгли тўғри одам Ўзбекистоннинг келажаги чиндан ҳам буюк эканига имон келтирди. Бу улкан ишлар бор-йўғи етти йил ичида амалга оширилди.

Мамлакат ичидаги ишлар ташқи ишларга қараганда юз чандон қийин бўлса бўлдики, осон кечгани йўқ. Бизга ўтмишдан шўролар тарбиясини кўриб шаклланган, кўпгина фазилатларидан маҳрум қилинган, фикрлашга эринадиган, ҳамма нарсага лоқайд қарайдиган, миллат фурури онгидан ситиб чиқарилган одамлар мерос бўлиб қолган эди. Хуллас, Ўзбекистоннинг чиндан ҳам мустақил бўлишини таъминламоқ учун, унда зарурий ислохотлар ўтказиб, ҳаётни тубдан янги изга солиб юбориш учун, аввало, одамлар психологиясида, дунёқарашида ўзгариш ясаш керак эди. Бу осон иш эмас, албатта. Президент одамлар психологиясини ўзгартиришни жамиятда демократияни жорий этишдан бошлади.

Қизиқ, ҳеч қайси ривожланган жамият демократиясиз яшолмайди ва шу билан бирга «демократия нима?» деган саволга лўнда жавобни биладиган одам жуда кам учрайди. Шунинг учун ҳам бу масалада, у билан боғлиқ равишда инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқлари масаласида жуда кўп тортишувлар, баҳслар бўлди. Кўпгина одамлар «эркинлик чегарасиз бўлмоғи керак! Ҳар қандай одам демократия жамиятда кўнглига келган ишни қилаверсин! Унга ҳеч ким хўжайинлик қилмасин. Ҳеч қандай таъқиқлар, маън этишлар бўлмасин», деган гапни айтишади. Бир қараганда, бу гаплар тўғрига ўхшайди, ахир, нима биландир чекланган эркинлик тўмтоқ, кемтик эркинлик бўлмайдами? Лекин... Шу гапларни тўғри деб ҳаётга жорий қилсак, нима бўлади? Мен метро вагонига кирсаму «ёлғиз ўзим кетгим келаяпти» деб ундаги йўловчиларни қувиб чиқарсам? Ёки ёзувчи эркинлигини пеш қилиб, шаҳвониятни улуғлаган асарини менга тикиштира, мени ҳам ўзи билан бирга турли кир латталарни титкилашга, бўлар-бўлмас иғволар билан шуғулланишга ундаса? Биз «демократия» десак-да,

энди инсоний табиати шаклланиб келаётган ўғил-қизларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйсак, улар «эркинман», деб чекса, ичса, безорилик қилса, бошқа ёмон йўллarga кириб кетса... «Демократия» дегани шуми? «Эркинлик» дегани шуми? Бунақа меъёрлар билан иш юритсак, жамият боши берк кўчага кириб қолмайдами?

Демократиянинг ҳудудлари, эркинликнинг чегараси бўладими-йўқми, билмайман, лекин шўни аниқ биламанки, демократик жамият дегани тизгинсиз, бошбошдоқ, зўравонлик жамияти эмас. Эркинликнинг моҳияти нима эканини икки минг йил аввал яшаб ўтган машҳур рим нотиғи Цицерон чиройли қилиб айтган экан: «Эркин бўлмоқ истагидаги ҳар қандай одам қонуннинг қули бўлмоғи керак».

Президентимиз бу ҳақиқатни чуқур англаб етган. Шунинг учун у биз қурмоқчи бўлган янги жамиятда қонун устивор бўлишини тарғиб қилади. Қонун олдида ҳамма тенг бўлмоғи керак. Албатта, қонун қабул қилингандан кейин у ишламоғи лозим. Бироқ, афсуски, атиги етти йил ичида ҳаётнинг ҳар саҳифасида, ҳар бобида фақат қонун кучи билангина иш юритишга эришиб бўлмайди. Бизнинг жамиятимизда кечаги кундан қолган ва бугунги номукаммал шароитларда болалаб бораётган иллатлар анча-мунча бор. Ислом Каримов бу иллатларнинг нима эканлигини жуда яхши билади, уларга қарши ғоят қатъият ва шиддат билан кураш олиб боради. Энг муҳими шундаки, бу борада дастлабки ютуқларга эришилди.

Бир мисол. Эсингизда бўлса, яқин-яқинларда олий ўқув юртларида порахўрлик авжига чиққан эди. Бунинг оқибатида ҳар йили имтиҳонлардан ё зари борнинг, ё зўравоннинг боласи ўтар, бу эса жамиятдаги адолатсизликни кучайтирарди. Албатта, олий ўқув юртларининг домлалари орасида порадан ҳазар қиладиганлари, унга яқин йўламайдиганлари ҳам бор эди. Аммо улар ҳам юзлари шувут бўлиб, бошлари маломатдан чиқмас эди. Ислом Каримов қабул имтиҳонларида тестни жорий қилди, назоратни кучайтирди, уч-тўртта қўли эгриларни қаттиқ жазолади. Қарабсизки, ириб-чириб кетган соҳа кўз ўнгимизда ўзига кела бошлади, адолат тикланди, фақат билимли ёшларгина ўқишга кира бош-

лади. Ҳар ҳолда «фалон институтга фалонча бердим» қабиллидаги гаплар ўз-ўзидан тўхтади. Қанчадан-қанча оддий одамлар «қилса бўлар экан-ку» деб енгил нафас олди ва яна Президентнинг ҳақиға дуо қилмоқ учун қўл кўтаришди.

Президент Ислом Каримовнинг юртимиз равнақи йўлида қилаётган ишлари ҳақида гапирганда, уларнинг яна бир жиҳатини алоҳида таъкидлаш шарт. Бу — маънавият борасидаги ишлардир. Ислом Каримов тийран билим эгаси сифатида яхши биладикки, бугунги дунёда фақат моддий бойликлар, техника тараққиёти соҳасидаги ютуқлар билан чекланиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг келажаги буюк экан, буни фақат ҳар томонлама комил инсонларгина ярата олади. Маънавий қашшоқ одам фақат манқурт бўлиши мумкин. Манқурт эса на Ватанни билади ва на онани танийди. Манқурт ёвузлар қўлида қурол бўлади, холос. Ислом Каримов буни жуда яхши билади ва бизнинг одамларимиз маънавият масалалари ҳақида узлуксиз ўйламоқлари кераклигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам у ҳеч иккиланмай ўзини Ўзбекистондаги маънавиятнинг асосий ҳомийси деб эълон қилди. Шунинг учун халқ маънавиятининг юксалишига хизмат қиладиган бирорта соҳадан маблағ аяётгани йўқ. Кейинги икки-уч йил ичида Тошкентда, Самарқандда, Бухорода, Андижонда ва яна бошқа шаҳарларда шундай иморатлар қурилдики, улар бугун жаҳон меъморчилигининг энг ноёб ва мукамал намуналари қаторидан ўрин олмоғи мумкин. Ажаб эмаски, бугун биз Самарқанду Бухорода ёки Хивада бобокалонларимиз қуриб кетган бинолар билан қандай гурурланаётган бўлсак, бизнинг неварачевараларимиз ҳам ҳозир биз қураётган иморатларни ҳаммага кўз-кўз қилиб фахрланиб юрсалар.

Сўнгги йилларда халқ истеъодларининг гуллаб-яшнашига катта ғамхўрлик қилинмоқда. Кўп узоққа бормайлик. — фақат биргина 1997 йилда бўлиб ўтган байрамлардаги концертларни эслайлик. Мустақиллик куни, «Ўзбекистон — Ватаним маним» танлови, «Шарқ гароналари» ва яна... Шу концертларни кўриб ўтириб, кўзларимга ёш келди, уларнинг ҳаммаси ҳам мазмунан, ҳам шаклан турфа хил ва баркамол, бир-бирини

такрорламайди. Беихтиёр ўйлаб кетасиз — халқимиз бунча истеъдодли бўлмаса?! Қаерда ётган эди шунча истеъдод? Гўё улар ер остида ётган булоқ эди-ю, бирдан булоқнинг кўзи очилиб, истеъдодлар қайнаб чиқа бош-лади.


Кейинги йилларда шахсан Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маънавият» нашриёти, «Тафаккур» ва «Жаҳон адабиёти» журналлари, Хоразмда Маъмун академияси ва Тошкентда Бадиий академия ва яна бошқа ўнлаб ташкилотлар очилди, Абдула Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби буюкларимизнинг, бобокалонимиз Амир Темурнинг, олим ва давлат арбоби Улуғбекнинг улуғ сиймолари тикланди. Ҳозирги кунларда эса Имом Бухорий, ал-Фарғоний, Камолиддин Беҳзодларнинг саналарини, буюк халқ эпоси «Алпомиш»нинг минг йиллигини нишонлашга тайёргарлик кетяпти. Чиндан ҳам улуғвор ишлар! Улуғ халққа ярашадиган катта ишлар! Шуларни ўйлаганда, Мустақиллик эълон қилингандан бери ўтган бор-йўғи етти йил ичида шунча иш қилинганига мағрурланиб кетасан киши.

Кейинги пайтларда телевидение орқали ёхуд бошқа йиғинларда, учрашувларда, мажлисларда Ислом Каримов халққа мурожаат қилиб, чуқур ҳаяжон ичида «Азиз дўстлар, мен сизларни яхши кўраман, ҳаммаларингизни бағримга босгим келади» деган гапни бир неча марта такрорлади. Эътибор берган бўлсангиз, бу гапларда ясамалик йўқ эди, улар қалб қаъридан сизиб чиққан самимий гаплар. Президент чиндан ҳам Ўзбекистон халқини бағрига босгиси келади, бисотида бор жамики бойлигини, жамики муҳаббатини унга бағиш-лашни истайди. Бу гапни фақат сўзма-сўз тушунмаслик керак. У юртнинг келажагини ўйлайди, бу юртда ҳар бир хонадоннинг тинч, осойишта ҳаёт кечиришини, унинг дастурхонидан файз-барака кўтарилмаслигини истайди. Эҳтимол, бу кутлуғ орзу ҳали тўла ушалиб улгурмагандир, эҳтимол ҳали номукамал ҳаётимизда кемтиклар анча-мунча топилар. Бу табиий, янги жамият бир кунда қурилмайди. Энг муҳими, шу олижаноб ният йўлида изланмоқ ва меҳнат қилмоқдир.

Йўлбошчи бўлиш шарафли, лекин жуда қийин иш.

Ахир, йигирма тўрт миллион кишилик юртнинг юки энгил бўладими? Билмадим. Президент бирор куни лоқал уч-тўрт соатга юрт ташвишини қилмай, фақат ҳузур-ҳаловатга берилиб, истиқомат қила олармикин? Менимча, бунинг имкони бўлмаса керак. Йўлбошчилик — тинимсиз меҳнат, тинимсиз изланиш, туни тонгга улашиб кетадиган уйқусиз кечалар. Бунинг эвазига эса фақат бир мукофот — бугунги ўзбек дўшисини бошига қўйиб, ҳеч кимдан ўзини паст қўймай, қадини роз тутиб, гердайиб юрса, дунёнинг ҳар бурчагидаги одамлар «ўзбек» деганни эшитганда ички бир ҳурмат ва тавозеъ билан бир тин олиб қўйса, бас!

ЧЎЛПОННИ АНГЛАШ



Айтишларича, олим бирор оламшумул кашфиёт яратса, уни халққа англамоқ учун бу кашфиётини тафаккур юксакликлари кундалик турмуш заминига олиб тушмоғи, мавҳум ва мураккаб формулалар тилидан жўн, кўникилган тушунчалар, оддий тасаввурлар тилига кўчирмоғи лозим. Санъатда эса бунинг акси... Шоир ҳам оламшумул кашфиётлар қилади — бетакрор рангларга, мафгункор жилоларга, сеҳрли маъноларга, дурдона ҳикматларга тўла гўзал дунё яратади. Бироқ бу дунёни англамоқ ва англамоқ учун жўнлаштириб, оддий маишат тилига кўчириб бўлмайди. Жўнлаштиришимиз биланоқ гўзаллик ғойиб бўлади, асарнинг сеҳру жодуси йўқолади, ҳозиргина сизни ларзага солиб турган поэтик мисралар бетаъсир оддий сўз тизмаларига айланади... Шоир яратган кашфиётни англамоқ учун одам, албатта, ўша кашфиёт юксаклигига кўтарилмоғи шарт. Одамнинг юраги шоир юраги билан бир маромда тепсагина, одамнинг юраги ҳам шоир юрагидек нафосатга ташна бўлсагина, шоир юрагидек гўзалликка эшикларини ланг очиб қўйсагина шоир юраги инкишоф этган олий гўзалликни идрок этмоғи мумкин. Бу эса ғоят мураккаб иш... Албатта, ҳамма ҳам шоир кўтарилган юксакларга кўтарилиш бахтига муяссар бўлавермайди. Ахир, «халқ» деган тушунча тез-тез тилга олиниб турилса-да, ҳеч қачон ҳар жиҳатдан тенг, яхлит бир кучни англамайди. Ҳамиша халқ бор, оломон бор, авом бор, орифлар бор... Одатда, қалби уйғоқ, ҳақиқатга ва гўзалликка ташна орифларгина шоир яратган нафосат оламини идрок қиладилар ва ғофилларни унинг гўзалликларидан огоҳ этадилар. Шу тарзда шоирлар яратган гўзаллик халқ мулкига айланади ва унинг маънавият дунёсининг юксалишига хизмат қилади. Афсуски, юқорида айтилганидек, бу жараён сира-сира осон кечмайди — ўзининг англанилмаганидан зорланган, қадрсизлигидан шикоятлар қилган, замондошларининг меҳрсизлигидан изтироб чекиб ўтган

шоирлар озмунчами?! Ҳатто, Пушкиндай шоир ҳам қатор шеърларида гўзаллик кўчасига яқин юролмайдиганларни «авом» («чернь») деб атаб, уларга нафратини изҳор қилган эди. Ўз вақтида Пушкинни «буюк халқ шоири» деб атаган «марксист» адабиётшунослар ва шоирнинг бундай «шаккоклигини», «халққа нисбатан мутакаббирлиги»ни синфийлик қолипларига сиғдиrolмай роса хуноб бўлган эдилар. Ҳолбуки, буни изоҳлаш қийин эмас эди — бунинг учун «гўзалликнинг илоҳий даргоҳларига кўтарилиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди» деган ҳақиқатни эътироф этиш кифоя эди.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳам ўзига хос бетакрор шеърят оламини яратишга қодир бўлган ва бундай оламини яратган улуғ шоирлар сирасидандир. У ижодини 1914 йилдан бошлади, бироқ унинг парвози 20-йилларга тўғри келди. Айниқса, 1920 — 1927 йиллар мобайнида Чўлпон илҳоми жўшқин булоқдай қайнаб-тошди, пўртанадай қирғоқларга сиғмай кўпириб жўшурди — у учта шеърӣй тўпламидан ташқари кўплаб шеърлар, ҳикоялар, мақола ва очерклар яратди, ўнлаб драматик асарлар барпо этди, адабиётимиз хазинасини баркамол таржималар билан бойитди. Ана шу асарлари баъзи бир олимларга уни фавқуллодда юксак баҳолашга асос бўлди. Айниқса, хориждаги баъзи бир адабиётшунослар шоир ижодининг моҳиятини холислик билан тўғри белгилашга ҳаракат қилишди.

Улар Чўлпонни ҳароратли, айна пайтда ниҳоятда хассос, қалби нозик, шу боисдан бўлса ажаб эмаски, кўркмас санъаткор деб баҳолашди. Уларнинг фикрича, Чўлпон ўзини халқдан айри ҳолда шеърӣй илҳом булоғи бўлиб хизмат қилган замондошларининг ҳаёти, маънавий дунёсидан ташқарида деб тасаввур ҳам эта олмайди. Чўлпон лирикасининг бутун оҳанглари ана шу ҳолатдан келиб чиқади. Энди ана шу буюк шоирнинг тақдирига бир назар ташлайлик. Дунёдаги истаган адабиётнинг ифтихори бўлишга арзийдиган, ҳар қандай маданиятли жамиятда Худо ато этган буюк истеъдод эгаси тарзида қабул қилинадиган, устоз, муаллим сифатида эъзозланиши мумкин бўлган Чўлпоннинг қисмати қандай бўлди? Маълумки, «ўзини халқдан айри ҳолда, ...замондошларининг ҳаёти, маънавий дунёсидан ташқарида деб тасаввур қилолмайдиган» бу шоир деярлик етмиш йил давомида қораланиб келинди. Бу давр мобайнида шоир шаънига айтилмаган бўҳтон қолмади, уни қоралаш, таҳқирлаш бобида ким ўзар мусо-

бақалар авж олди. Юзлаб мақолаларда, китобларда, маърузаларда унга «буржуа шоир», «жадид», «мафкуриси бузуқ», «босмачилар куйчиси», «миллатчи», «аксилинқилобчи», «Октябрь инқилобини тушунмаган овсар», «ёшлар онгини заҳарловчи ёт унсур, «халқ душмани» ва яна алланима балолар деган тавқи лаънат ёпиштирилди. Бир йил эмас, ўн йил эмас, салкам етмиш йил давомида-я! Савол туғилади: наҳотки, шунча йил мобайнида ўзбек халқидай кўп сонли халқ ичидан Чўлпонни англаёладиган, унинг чинакам улуғ шоир эканини идрок этган ва бу ҳақиқатни айтишдан чўчимайдиган биронта ҳам ориф одам топилмади? Наҳотки, бизнинг халқимиз ўз олдидан оққан сувнинг қадрига етмайдиган, бу қадар ношукур халқ? Наҳотки, бизнинг одамларимиз гўзаллик қаршисида шунчалар сўқир ва кар? Фоят қийин ва мураккаб савол. Тўғрироғи, саволнинг ўзи эмас, жавоби қийин ва мураккаб. Негаки, совет замонасида биз халқ тўғрисида кўпинча умумий, тум-тароқ, баландпарвоз гаплар гапириб ўрганиб қолганмиз — халқ доно, халқ улуғ, халқ бағри кенг, халқ яратувчи, халқ ижодкор ва ҳоказо... Аммо халқнинг тафаккури чекланган, маданий савия чатоқроқ, халқ ўзининг асл фарзандларини унча эъозламайди деган гапларни айтиб бўлмасди ёки айтилмасди. Бунақа гаплар ҳақми, ноҳақми эканидан қатъий назар — халққа ҳурматсизлик, унинг шаънига туҳмат деб ҳисобланар эди. Холбуки, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир, Ҳабиб Абдулла... Яна қанчадан-қанча умри фожиалар ичида кечган буюклар номини эслаш мумкин. Уларнинг ҳаёти, фожиаси халқнинг кўз ўнгида кечди-ку! Бироқ халқ оғзига талқон солиб олгандай, чурқ этмай сукут сақлади, оддий томошабин бўлиб тураверди, туравердигина эмас, кези келганда, масаланинг моҳиятига етмай, биллиб-билмай, чапаклар чалиб, «миллатчиларга ўлим!» дея бўғила-бўғила ҳайқирди. Кўзлари ғазабдан қонга тўлиб, оғизларидан тупуклар сачратиб, жазавога тушиб ҳайқирди. Афсуски, «Ҳай биродарлар! Нима қиляпсизлар? Булар, ахир, миллатнинг гули-ку! Булар миллат йўлида жон фидо қилувчи қаҳрамонлар-ку!» дея овозини кўтарган биронта азамат чиқмади. Ҳа, бу — факт, бу кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бироқ, ана шу аччиқ ҳақиқатга қарамай, «етмиш йил давомида халқимиз ичидан Чўлпонни англашга қурби етадиган одамлар мутлақо чиқмади» деган гапни айтишга ҳам тил бормайди. Негаки, жуда кам бўлса-да, бундай азаматлар

бўлган. Юқорида мақоласидан парча келтирганимиз Боймирза Ҳайит билан бир қаторда татар-бошқирд маданиятининг йирик арбоби Заки Валидий, ўзбек муҳожирларининг раҳнамоларидан бири Вали Қажумхон, 20-йилларда Берлинга ўқишга бориб, ўша ёқларда қолиб кетган доктор Иброҳим Ёрқин ва бошқалар Чўлпон ҳақида жуда юқори фикр билдиришган, уни ХХ асрнинг энг истеъдодли санъаткорларидан бири деб аташган. Аммо шуниси борки, уларнинг ҳаммаси ўз фикрларини хорижда туриб айтишган ва бизнинг социалистик ватан билан хориж ўртасида ўрнатилган ғоят баланд, ғоят юксак темир девор туфайли уларнинг фикрлари бизгача етиб келган эмас. Хўш, бизда-чи? Ўзимизда Чўлпон тўғрисида бирон-бир холис фикр, бирон-бир илиқ гап айтилганми? Ҳа, ўзимизда ҳам айтилган бундай фикрлар. Шундай замонлар ҳам бўлганки, Чўлпон асарлари танқид томонидан илиқ кутиб олинган, уларга ижобий муносабат билдирилган.

Чўлпон ҳақида матбуотда биринчи бўлиб илиқ фикр билдирган одам Зариф Баширий бўлган эди. Бу одам асли Татаристондан бўлиб, 20-йилларда Ўзбекистонда яшаган, ўзбек тилида кўплаб мақолалар ёзган, ҳикоялар эълон қилган, табдиллар қилган, ўша давр мунозараларида фаол қатнашган, ҳатто замонавий ўзбек адабиётидан мажмуа тузиб, уни 1929 йилда Қозонда бостириб ҳам чиқарган эди. Зариф Баширий 1923 йилнинг 4 май куни «Туркистон» газетасида Чўлпоннинг биринчи тўплами «Уйғониш»га тақриз эълон қилади. У тақризнинг бошидаёқ «Чўлпон ўртоқ кейинги даврдаги ўзбек шоирларидан энг олдингиси ва чин маъноси билан шоир деб аталишга лойиқ бўлганидан унинг шеърларини чин адабиёт ва шеър кўзи билан кўриб, текшириш ва танқид қилишга ярайдир» дейди ва шундан сўнг «Чўлпон ўртоқнинг чин юрак ва ҳис шоири», яъни хассос лириклигини айтиб, бу фикрни тасдиқловчи мисоллар келтиради. Мунаққид таҳлил ёрдамида Чўлпон шеърларидаги тасвирийликни, туйғулар теранлигини, сўз қўллаш маҳоратининг юксаклигини кўрсатади.

Бошқа бир мунаққид Валуд Маҳмуд ҳам «Булоқлар» тўпламига ёзган тақризида бугунги ўзбек адабиётига янги бир тўн кийгизилди дейди ва бу тўнни кийгизган одам Чўлпон эканини маълум қилиб, «Булоқлар» тўплаганининг бадиий сифатлари ҳақида мулоҳаза юритади. Мунаққид «Амалнинг ўлими» деган шеърдан парча келтириб, унда «қанча шеърят, оҳанг уйғоқ» эканини

тасдиқлайди-да, «шу билан бирга юртнинг дардини, қулларнинг инграган жонлар бўлишини, кўнглида йиғлаган малакларнинг шарқ оналари, жувонларидан иборат эканини қанча очиқ, муассир ва ижод билан тасвир этадир» деган фикрни билдиради. Бу парчада Вадуд Маҳмуд жиндай баёнчиликка йўл қўяётган эса-да, у Чўлпон шеърятининг моҳиятига анча кириб борган дейиш мумкин.

1924 йилда «Зарафшон» газетасининг икки сонида «Ўзбек ёш шоирлари. «Чўлпон» деган мақола босилди. Унинг муаллифи Абдурахмон Саъдий Чўлпон ижодини анча батафсил текширади ва шоирни жуда «қисқа бир таъриф билан «у ёнадур ҳам ёндирадур», деб таърифлайди. Мақолада Чўлпоннинг «чин маъноси билан романтик бир юрак шоири (лирик)» экани ҳам далиллар билан очиб берилган.

Худди шунингдек, жуда ихчам шаклда бўлса ҳам Абдулла Қодирий Чўлпоннинг «Тонг сирлари» китобига ёзган шапалоқдеккина сўзбошисида матбуотда Чўлпон шаънига айтилган «Чўлпон йиғлоқи шоирдир» деган таъна-дашномларни рад этади, шоир шеърларида кўз ёши кўп учрасада-да, Чўлпон «улардан чечаклар ундирмоқчи эканини» айтади.

Чўлпон ҳақидаги илк мақолаларнинг яна бир муштарак хусусиятлари шундаки, уларнинг муаллифлари шоир шеърятини ҳақида батамом холис фикр яратишга интиладилар. Шунинг учун тақризларда Чўлпоннинг кучли томонлари билан бирга нуқсонлари, заифликлар ҳақида ҳам фикр юритилади. Бу заифликлар ҳар хил, ammo икки мақолада бир нуқсон таъкидланадики, кейинчалик айтилиши шу «нуқсон» Чўлпон шеърятини бутунлай қоралаш учун асосий далиллардан бири бўлди.

Зариф Баширий ёзади: «Чўлпон ўртоқ «эл» ва «халқ» сўзларини анча кўп ёзса ва сўзласа ҳам, ул халқ шоири эмас, халққа яқин бўлган зиёлилар шоиридир. Унинг услуб ва руҳида халқчиллик жуда оз».

Орадан бир йил ўтказиб, мақола эълон қилган Абдурахмон Саъдий ёзади: «Чўлпон омма-халқ шоири эмас, ўқимишлилар, зиёлилар шоиридир. Уни омма — ялпи халқ тез англайди. Лекин шунинг баробаринда, у халқ қайғуси билан (фақат ҳеч бир синфда айирмасдан) ёзгучи «халқчи» (народник) бир шоирдир. Чўлпонда асл кўзга қаттиғ берилиб турғон туб хусусият ҳам шундадир».

Бу ўринда шуни айтмоқ жоизки, бу гаплар ёзилган

вақтда, яъни 1923 ва 1924 йилларда ҳали «халқ шоири эмас, зиёлилар шоири» деган тасдиқ сиёсий айбдай қабул қилинмас эди. Шунинг учун бу «айблар» унча катта акс-садо бермай ўтиб кетган. Кейинчалик эса «халқ шоири эмас, зиёлилар шоири» бўлиш шоирни гап-сўзсиз ўлим чоҳининг лабига олиб борадиган даҳшатли сиёсий айбга айланган. Бу тўғрида ўз ўрнида батафсил гаплашамиз. Ҳозир эса Чўлпон ҳақидаги илк тақризлар муносабати билан юритган мулоҳазаларимизга яқун ясайлик — бу тақризлар ҳар қанча холисона ёзилган бўлмасин, уларнинг ҳаммасидан янги чиққан ёш шоирга нисбатан меҳр ва эътибор ҳар қанча барқ уриб турмасин, уларни биз Чўлпонни англаш йўлидаги бирон-бир жиддий ютуқлар деб атай олмаймиз. Улар жуда ёрлақаганда Чўлпон юксаклигига олиб борувчи улкан зинанинг биринчи пиллапоялари эди, холос. Эҳтимол, муайян шароит бўлса, жамиятнинг манфаатдорлиги сезилиб-турса, балки бу пиллапоялардан кўтарилиб бориб, Чўлпон яратган оламнинг баъзи бир жиддий қирраларини кашф этиш ҳам мумкин бўларди. Аммо бундай бўлмади, аксинча бўлди. Чўлпонни англаш йўлида қўйган илк қадамлар қўйиб улгурилмай, шу он бўғилди. Чўлпонни англаш учун унинг юксаклигига кўтарила олган шеърят шайдоси, юраги том маънода гўзаллик ва нафосат иштиёқида ёнган оташин ориф одам топилмади. Нега? Йўлимизда яна кўндаланг бўлаётган бу қонуний саволга жавобни кейинга қолдирайлик-да, Чўлпон теварагида ўша кезларда юз берган ғаройиб воқеаларга юз ўтирайлик.

* * *

«Тонг сирлари»да Абдулла Қодирийнинг муқаддими эълон қилингандан кейин бир йил ўтар-ўтмас, 1927 йилнинг 14 февраль куни «Қизил Ўзбекистон» газетасида Айн имзоси билан «Ўзбек шоирлари. Чўлпон» деган мақола босилди. Мақола сўнгида илова тарзида босилган изоҳда таҳририят шу мақола билан Чўлпон ҳақида баҳс бошлаганини маълум қилган ва «барча қизиққан ўртоқлар»ни баҳсда иштирок этишга даъват этган эди. Бундай «ўртоқлар» кўп зориктирмай топила қолди — орадан кўп ўтмай, газета саҳифаларида 22 ёшлик Ойбек «Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?» деган мақола билан чиқди. Ундан кейин эса Усмонхон баҳсга аралашди. — У «Мунаққиднинг му-

Шарафиддиновнинг шахсиятига беихтиёр эҳтиром уйғотади. Лекин «Афлотун, сен менинг дўстимсан, бироқ ҳақиқат мен учун қадрлироқ» деган гап бор. Факт фактлигича қолади — уни турлича шарҳласа бўлади, бироқ ўзгартириб бўлмайди. Факт эса шундан иборатки, олис 1927 йилда Олим Шарафиддинов адабиётни ҳукмрон мафкуранинг хизматкорига айлантиришдек номуносиб ишни бошлаб берган эди.

Олим Шарафиддинов мазкур мақоласида ўзбек адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб марксча методология принципларига амал қилган, яъни у адабиётга тўлалигича синфийлик назарияси нуктаи назаридан ёндошиб, унинг пролетар идеологиясининг қуроли бўлиши зарурлиги ҳақидаги қарашни олға суради: «Ёш шоирларимиз йўқсулларнинг синфий тилакларини, манфаатларини, мафкурасини жозибадор бир йўсинда тасвирлашга, жонлантиришга бошлади» — деб ёзади Олим Шарафиддинов мамнуният билан.

Албатта, Олим Шарафиддинов мақолада иложи борича ўзини холис қилиб кўрсатишга уринади, шунинг учун у шоирнинг баъзи бир ижобий сифатларидан кўз юммайди. У Чўлпоннинг «энг кўп ёзувчи», «адабиётда айрим ўрин тутувчи шоир» эканини эътироф этади. Олим бу фактни таъкидлаш билан чекланмай, бу «айрим ўрин»нинг моҳиятини ҳам очади: «эски классицизмнинг бор рамкасини бузиб, парчалаб, унинг (классицизмнинг) ифода йўсинини, оммага англашилмайдирган тилини соддалаштириб, оммага яқин қўйиш учун уринадир. Ҳам яна шул содда ифода йўсинда, содда тилда амалий намуналар билан бизни таъмин этадир».

Чўлпоннинг тили ҳақида гап кетганда, айниқса, Олим Шарафиддинов ўзини тўхтатолмади — у шоирни ёйилиб-ёйилиб мақтайди, унга жуда юксак таърифлар беради: «Бу кунги ўзбек адабий тили, шубҳасиз, Чўлпон тилидир. Бугун адабий ёшлик унинг тилини борар ўрнак танийдир. Унга тақлид қилади».

Бироқ Олим Шарафиддинов синфийлик кўз ойнагини кўзига тутиб олиши биланоқ ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетади — энди Чўлпоннинг шеърларидаги қуюшқондан жиндай чиқиб кетган жойлар жуда хавфли айбдай, совет ҳокимиятининг тағига сув қуюдиган гуноҳдай кўрина бошлайди.

«Синфийлик» принципи тадқиқотчидан бир саволга аниқ жавоб беришни талаб қилади — ҳўш, бу шоир ёхуд бу адиб қайси синфнинг вакили? Унинг асарлари

наққиди» деган мақоласида Ойбекнинг қарашларини кескин танқид остига олди. Ойбек мунозарада яна бир марта сўз олишга мажбур бўлади — у газетанинг 1927 йил 28 август сонида «Мунаққиднинг мунаққиди» мақоласининг эгасига» деган мақола билан чиқиб, у ўз қарашларини ҳимоя қилади. Шу мақола билан баҳс тўхтади — унинг якунини ўша йили октябрь ойининг 4—5 кунларида Самарқандда ўтган Ўзбекистон маданият ходимларининг II қурултойида маъруза қилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи котиби Акмал Икромов ясайди.

Мен қатъий аминманки, фақат Чўлпон тақдиридагина эмас, балки бутун ёш ўзбек адабиётининг кейинги ривожини белгилашда, шунингдек, адабиётшунослик ва адабий танқидчиликдаги йўналишларни маълум изларга солиб юборишда бу баҳснинг роли бениҳоя катта бўлди. Шунинг учун унинг мазмуни ҳақида, қандай масалалар атрофида баҳс кетгани тўғрисида, қандай хулосаларга келингани ва адабиётга кириб келаётган ёш ижодкорларга қандай йўл-йўриқлар берилгани борасида батафсилроқ мулоҳаза юритсак фойдадан холи бўлмас. Чунки ўзбек адабиётининг социалистик реализм адабиёти сифатида орттирган анча-мунча «фазилатлари»нинг томири худди шу мунозарага бориб тақалади.

Юқорида айтганимиздек, газета саҳифаларидаги мунозара Айннинг мақоласи билан бошланади. «Айн» — адабиётшунос ва мунаққид Олим Шарафиддиновнинг тахаллуси эди. Шуниси муҳимки, Олим Шарафиддинов адабиёт оламига шахсий манфаатларини ўйлаб кириб қолган тасодифий одам эмас эди. Кейинчалик у ўзининг кўпгина тадқиқотларида адабиёт тарихини чуқур билишни, адабиётнинг моҳияти ҳақида анча маънодор ва ибратли мулоҳазалар юрита олишини исбот қилган. Айниқса, унинг 1940 йилда нашр қилинган ва кейинчалик бир неча марта чоп этилган «Алишер Навоий» деган танқидий биографик очерки ўша давр адабиётида катта воқеа бўлди. Бу китоб ҳозир самарали ижод қилаётган кўпгина адабиётшунослар учун жуда яхши қўлланма бўлган эди. Шунинг учун 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси тузилганда, адабиётшунослар ичида биринчилардан бўлиб Олим Шарафиддиновнинг мухбир аъзоликка сайланиши ҳеч кимни ажаблантирганни йўқ. Бу одам кўнгилли равишда фронтга кетади ва жанг майдонларида ҳалок бўлади. Бу факт ҳам Олим

қайси синф манфаатларига хизмат қилади? Унинг ижодида қайси синфнинг қарашлари ўз ифодасини топган. Совет адабиётшунослари 70 йил мобайнида ҳар бир ёзувчи, наинки ёзувчи, балки ҳар бир асар тўғрисида мушоҳада юритганда ана шу саволларга жавоб беришга уриниб, адабиётни жуда хароб қилиб юборишди. Негаки, анчаинки жўндай кўринган бу саволларга жавоб бериш ғоят қийин эди. Негаки, ёзувчи ёки муайян асарни соқит қилиб, умуман олиб гапирганда адабиётнинг синфийлиги ҳақидаги гап тўғридай туюларди, аммо орага конкрет шахс аралашини биланоқ масалани тўғри ҳал қилиш амри маҳол бўлиб қоларди. Дарҳақиқат, Пушкинни қайси синфнинг вакили деса бўлади? Дехқонлар синфиними? Дехқонлар вакилими? Ёхуд шаҳарда яшовчи хунарманд-косиблар шоирими? Алишер Навоийничи? У кимнинг вакили бўлади? Ҳукмрон эксплуататорлар манфаатини кўзлаганми? Ё бошқа бирон синф вакилими? Кўриниб турибдики, масалани бу тарзда кўядиган бўлсак, адабиётнинг моҳиятини бузувчи, шоирни масхара қилишдан бошқага ярамайдиган хулосаларга келинади. Бироқ марксча принципнинг талаби қатъий — ҳўш, бу шоир қайси синфнинг вакили? Талаб қатъий бўлгач, олим жавоб беришга мажбур — фактлар унга хизмат қилмаса, у фактларнинг қулогидан чўзиб, ўзига бўйсунушга мажбур қилади. Шунинг учун Олим Шарафиддинов «Чўлпон йўқсул халқнинг шоири эмас, у миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шоиридир. Унинг мафкураси шуларнинг мафкурасидир. У шу мафкура йўлида уринадир, талпинадир. Уни қайнатган, илҳом берган нарсалар шулардир» деб ёзади.

Эътибор беринг-а — бу фикр Зариф Башир ва Абдурахмон Саъдий томонидан айтилган эди. Улар ҳам Чўлпон зиёлилар шоиридир деб даъво қилишган эди. Олим Шарафиддинов уларнинг фикрига жиндай аниқлик киритади, холос, яъни у зиёлиларга «миллатчи, ватанпараст, бадбин» деган сифатларни тақади. Қараб-сизки, ана шу жиндай аниқлик билан «Чўлпон йўқсул халқ шоири эмас» деган жўнгина гап даҳшатли айбномага айланади. Синфийлик принципи шунақа ғаройиб фокуслар қилишга ва шу йўл билан томошабиннинг кўзини (ёхуд китобхоннинг ақлини) боғлашга имкон беради. Бу гапларни қўяйлик-да, масалага бошқа томондан ёндошайлик. Майли, фараз қилайлик — Чўлпон зиёлилар шоири. Аммо ким, қачон, қаерда исбот қилганки, зиёлилар шоири халқ шоири бўлолмайди?

Мақоланинг давомидан аён бўладики, муаллиф Чўлпонни эркин қўмсагани учун, юртини озод ва обод қўрмоқни истагани учун, баданларда қонли излар қолдирувчи кишанларни нафратлагани учун, «кишан кийма, бўйин эгма» деб хўрланган одамларни гурурга чақиргани учун зиёлилар шоири деб атаётти. Бироқ савол туғилади — наҳотки, эрк туйғуси, озод яшаш истаги, бошда дўпли билан ҳар жойда мағрур юришни исташ фақат ва фақат зиёлиларга хос бўлса? Наҳотки, «йўқсул халқ» чоризм даврида ҳам, совет империализми даврида ҳам мустамлака зулмини тўла қабул қилиб, эрка лоқайд бўлиб яшаган бўлса? Аксинча, Чўлпон 20-йилларнинг биринчи ярмидаги шеърларида бутун юртнинг дарди-аламини ёрқин ифодалагани учунгина бутун халқнинг муҳаббатини қозонмадими? Унинг шеърларининг умрбоқийлигини таъминлаган биринчи омил худди шу эмасми?

Марксча принципнинг яна бир ажойиб «фазилати» шундаки, у ҳар қандай илмий тафаккурнинг заминида ётадиган энг оддий мантиқни ҳам тан олмаслиги мумкин. Олим Шарафиддинов ҳам худди шу йўлдан боради — у мақола давомида «Чўлпон халқ шоири эмас, зиёлилар шоири» деган бемаъни, тугуруқсиз даъвони нима қилиб бўлса-да «исботлаш»га уринади. Бу аснода борган сари мантиқ талабларидан узоқлашиб бораётганини ўзи сезмай қолади. У ёзади: «Чўлпон хаёлпараст. Чунки миллатчилар, зиёлилар ва шу мафкурани қабул қилганлар учун хаёлдан ширин, хаёлдан лаззатли нарсаси йўқ».

Қизиқ, нега энди хаёлпараст, фақат миллатчилар, зиёлилар маҳрига тушар экан? Нега энди бошқа тоифалар учун «хаёлдан ширин, хаёлдан лаззатли» нарсаларга берилиш имкони йўқ? Қўриниб туриптики, «хаёлпарастлик» негадир иллат, айб сифатида қаралапти ва ундан Чўлпонни қоралаш учун фойдаланиляпти. Буларнинг бари зўрма-зўраки, сунъий равишда қилинади. Шоир ҳақида, асар тўғрисида мулоҳаза юритадиган мунаққид учун бир зарурий қонуният бор — у биринчи навбатда асар матнига таяниши керак, унинг учун бадиий асар матни ҳар нарсадан муқаддас, ҳар нарсадан мўътабар манба бўлмоғи керак. Аммо Олим Шарафиддиновнинг мақоласида марксча принципга сифиниш оқибатида кейинчалик совет адабиётшунослиги ва танқидчилигида жуда кенг илдиз отган бир ёмон иллатга дуч келамиз — бу асар матнига беписандлик билан қарашдир. Шоир

шеърда бир гапни айтади, аммо мунаққид бу гапни англашга интилиш ўрнига, бу гапга асосланиш ва унга таяниш ўрнига, унга бутунлай эътибор бермайди-да, адабий фактларни ўзининг аввалдан белгилаб қўйилган мақсадига бўйсундиради. Масалан, Чўлпон жуда кўп шеърларида ўзининг «ер шоири» эканини, доимий излаган нарсаси, кўнглига яқин нарсаси «ер юлдузи — ер қизи» эканини, оддий бир баргни кўк малакларидан ортиқ кўришини айтган. Аммо мунаққид бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмай, ўзининг синфий хулосаларини чиқараверади: «Кўкларда «жинниларча ҳовлиқиб» юришда баъзан чарчайди, фақат ерга тушгиси келмайди, ундан лаззат олмайди. Мабодо, қайтиб ерга тушгудек бўлса, ўзини ҳақоратлар, сафолотлар, тубанликлар ичида ҳис қилади, кўнглининг кишанлар билан боғланганини кўради».

Мунаққид эҳтимол, «ерда чиндан ҳам ҳақоратлар, сафолотлар, тубанликлар кўпдир, шоир шундан изтироб чекса, унда нима айб?», деб ҳам ўйлаб кўрмайди, чунки «синфийлик принципи» унинг жавобни тайёрлаб қўйган — шоир миллатчи, шунинг учун ердаги ҳақоратларни шеърга солади:

«Ерга тушган онларида жуда қаттиқ миллатчи бўлиб кетади. Чунки бу тубанликка, сафолотга сабаб бўлувчи ажнабийларни кўради. Улар руслардан иборат. Русларни ҳеч қандай гуруҳга, қавмга ажратмайдир. Бутун руслар унинг назарида мустамлакачилардир».

Бу ўринда ҳам мунаққид ноҳақ — Чўлпон ҳамини русларни «гуруҳга, қавмга» ажратиб қараган, ҳеч қачон бутун русларни мустамлакачи деб ҳисоблаган эмас. Буни далиллайдиган фактлар анча-мунча. Бу ҳақда баҳслашмай қўя қолайлик-да, бир масалада мунаққиднинг чиндан ҳам ҳақлигини эътироф этайлик — Чўлпон кўп шеърларида юрт дардини куйлаган. У ўз ўлкасини мустамлака кишанлари остида эзилаётганидан қаттиқ изтироб чеккан ва буни турли-туман шаклларда, турли-туман поэтик образларда кўп ифодалаган. Савол туғилади — хўш, Чўлпон аксилмустамлакачилик руҳидаги шеърларида ёлгон гапирганми? Йўқ ердаги нарсаларни тўқиб чиқарганми? Ҳар хил афандиларга, келгиндиларга тўхмат қилганми? Уйлайманки, бу саволга ҳатто Олим Шарафидинов ҳам «ҳа, шундай» деб жавоб бера олмас эди. Чўлпоннинг ҳақиқатни куйлаганига шубҳа йўқ. Шундоқ экан, «ерга тушганда ўзини ҳақоратлар, сафолотлар, тубанликлар ичида кўради» деган таънанинг маъноси нима? Бу ўринда мунаққид шоирни ердаги «ҳақоратлардан» кўз

юмишга чақиряпти, бошқача айтганда, очикдан-очик ёлгон гапиришга, воқелик ҳақидаги ёлгон-яшиқ ривоятларни куйлашга чақиряпти. Бу чақиряқ ҳозирча паст оҳангларда, олазарак бўлиб, эҳтиёткорлик билан айтил-япти, лекин биз биламизки, орадан ҳеч қанча ўтмай, ёлгонга сифиниш социалистик реализм адабиётининг бош принципига айланади — ёзувчи ҳаётни келгуси воқелик нуқтан назаридан тасвирлашга чақирилади.

Олим Шарафиддинов ана шундай мулоҳазалардан сўнг хулоса чиқаради — бу хулоса илмий хулоса эмас — кўпроқ жиноятчи устидан чиқарилган суд ҳукмига ўхшайди:

«Халқни ҳеч қандай қатламга ажратмасдан, «халқ учун ёнаман» дейиш «мен миллатчиман» дейишдан иборатдир. Чўлпон бойлар, миллатчи зиёлиларнинг мафкурарачисидир, шуларнинг шоиридир. Шуларни иштаҳасини келтирадиган руҳий озук беради. Асарлари шуларнинг қарашларини, мафкурасини, манфаатларни акс эттирган ойнадир».

Мақола сўнгида Олим Шарафиддинов бундан кейин Чўлпонга нисбатан қандай иш тутиш кераклиги ҳақида кўрсатмалар беради: «Чўлпоннинг асарлари бостириллар экан, уни қаттиқ таҳлил қилиб, кучли цензурадан ўтказиб, мувофиқларини босиш керак».

Бу мақола жамоатчилик ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлди. Албатта, ўша шароитда Олим Шарафиддиновни қўллаб-қувватловчилар, худди унга ўхшаб фикрлайдиганлар оз эмасди. Шу билан бирга унинг фикрлари ижод эркинлигини чеклашини, адабиётни «ғоявийлик» ботқоғига ботириб, боши берк кўчага киритиб қўйишини ва бора-бора адабиётнинг санъатлигига путур етказишини тушунганлар ҳам етарли эди. Уларнинг қарашларини 22 яшар Ойбек «Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?» деган мақоласида ифодалади. Тўғри, айрим масалаларда Ойбек Олим Шарафиддиновдан кўпда узоқ кетмаган. У ҳам адабиёт «даврнинг мафкуравий кўринишидир», «адабиёт — синфий. Синфларнинг рангини қабул қилади», деб ҳисоблайди. Бу гапни айтгандан кейин яна «ундоқ бўладиган бўлса, Чўлпон қайси синфнинг шоири?» деган саволга жавоб бериш керак. Ойбек жавоб беради: «Чўлпон пролетар шоир эмас». У «пролетар шоири бўлмайди» ҳам. Негаки, «шоирларнинг кулоқларидан чўзиб юриб, йўқсуллар шоири бўл» дейиш мумкин эмас». Ана шундай чалкашликларга қарамай, мақоланинг қимматли томони ҳам

бор эди. Ойбек адабиёт ҳақида ҳукмрон мафкура қолип-ларидан келиб чиқиб эмас, санъат қонуниятлари асосида мулоҳаза юритишга чақиради. Ойбек русларнинг Пушкинга илиқ муносабатини мисол қилиб келтиради-да, шу асосда: «биз ҳам Чўлпондан қўл тортолмай-миз» дейди. Негаки, Чўлпоннинг адабиётдаги хизматлари катта: «Чўлпон янги адабиётга янги нарса яратди. Мувашшах адабиёти ўрнига бу куннинг бадиий завқига яраша ёқимли (бадиий) гўзал шеърлар ўртага чиқарди. Бу кунги ёш насл унинг содда тилини, тотли услубини, техникасини кўп севади. Ундан кўп гўзалликлари олади».

Шундан сўнг баҳсга Усмонхон аралашади. Усмонхон — Андижонлик тажрибакор журналистлардан бўлиб, бир вақтлар «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррирлик ҳам қилган ва Чўлпон билан ишлашган одам. Кейин — партия ходими бўлган. Комил Яшин «Ёдном» китобида бу кишининг қобилиятига, ишчанлигига, савиясининг кенглигига юксак баҳо беради. Кейинчалик Усмонхон ҳам бошқа кўп истеъдодли зиёлилар каби Сталин қатағонининг қурбони бўлган. Аммо, афсуски, 1927 йилдаги баҳсда Усмонхон билимини ҳам, савиясини ҳам намоёиш эта олган эмас. У «Мунаққиднинг мунаққиди» мақоласида Ойбекни кескин танқид қилади, унинг фикрларига қўшилмайди. Лекин гап бунда эмас — баҳс бўлгандан кейин бир-бири билан тортишади, бир-бирини танқид қилади. Гап шундаки, Усмонхон мақоласида ҳам кейинчалик совет танқидчилигида «гуллаб-яшнаб» кетган яна бир иллат кўзга ташланади: у «Чўлпон ва унинг «тузғон» «чўлпонизми» ёшлар учун ғоятда зарарли» деган фикрни ўртага ташлар экан, ҳар икки гапнинг бирида «шоир маънавийон ва шахсиятпараст», «Чўлпонда саботлик, мустақил дунёга қараш йўқ», «У у шохдан бу шохга қўниб юради», «Чўлпон ўзининг шоирлик вазифасини тўғри тушунмайди», «Чўлпон тараққийпарвар рассом эмас, таназзулпарвар хаёлпарастдир», деганга ўхшаш ҳақоратомуз ибораларни қўллайди. Холбуки, бу мақола ёзилган кезларда Чўлпон учта шеърлар тўплами эълон қилган, ўнлаб драматик асари саҳналаштирилган, юзлаб мақолалари босилган, кўпгина асарларини таржима қилган, жамоатчилик томонидан истеъдодли ижодкор сифатида тан олинган эди. Наҳотки, жиндай ўйлаб ўтирмай, жиндай андишага бормаи, шундай одамни «тушунмайди», «дунёқарашини йўқ», «беқарор, бетайин», «таназзулпарвар» деб ҳақоратлаш мумкин бўлса?! Ҳа, мумкин эди —

марксча адабиётшунослик, совет танқидчилиги ана шу беандишалиги билан ҳам машҳур бўлди. Кейинчалик яратилган минглаб мақолалар ва китобларда танқидчи ва адабиётшунослар истеъдод эгаларига мутлақо бепи-санд қарайдилар, шоир ва адибларни менсимайдилар, улар билан прокурорча оҳангда гаплашадилар, ўзлари айтаётган гапни энг баркамол, бекаму кўст ҳақиқат деб ҳисоблайдилар. Ҳар ҳолда, ижодкор ҳақида, асар тўғри-сида мулоҳаза юритишдан кўра, таҳлил ва тадқиқ қилишдан кўра, унинг ҳақида ҳукм чиқариш йўлидан борган совет адабиётшунослари ва мунаққидларининг анчаси бутун дунёда энг бетакаллуф, энг беандиша, энг кўпол ва энг дағал одамлар бўлиши керак. Шундай қусурларга қарамай, 1927 йилдаги баҳсдан муайян ижобий хулосалар чиқарса ҳам бўлар эди. Жумладан, Ойбекнинг мақолаларида шундай ўринлар бор эдики, улар адабиётшуносликдаги ақидапарастлик ва вульгар социологизмга қарши курашда, ижодкорларни беҳуда калтаклардан, ўринсиз зуғумлардан асраб қолишда дурустгина замин бўлиши мумкин эди. Аммо бундай бўлмади. Афсуски, расмий доиралар Олим Шарафиддинов билан Усмонхон қарашларини ҳимоя қилдилар. 1927 йилнинг 4—5 октябрида Самарқандда Ўзбекистон маданият ходимларининг II Курултойи бўлди. Унда маъруза қилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи котиби Акмал Икромов Чўлпон ҳақидаги мунозарага ҳам яқун ясаб шундай деди: «Бизда Айннинг Чўлпон ижоди ҳақидаги мақоласи баҳонасида қатор мунозаралар бўлиб ўтди. Айн Чўлпон ижодининг гоёвий тугуруқсизлигини тўғри таъкидлади. Бу тақризнинг адабиётшунослик жиҳатидан қандай қимматга эга эканлиги ҳақида гапиришга журъат этмайман, фақат шуни такрор айтаманки, мафкура соҳасида шундай соғлом танқид бўлиши зарурлиги шак-шубҳасиздир».

Шу тарзда «маданият ходимлари»нинг фатвоси билан Чўлпоннинг юзига қора тортилди — у йўқсул халқдан узоқ миллатчи зиёлилар шоири деб эълон қилинди, ижоди мафкуравий жиҳатдан зарарли деб топилди ва ўзи курултойдан ҳайдаб чиқарилди. Чўлпон устидан биринчи маънавий қатли ом шу тарзда содир бўлган эди. Тақдирнинг ғалати ўйинини қарангки, орадан роппароса ўн бир йил ўтгач, айни 4 октябрь куни уни отиб ташлайдилар, 5 октябрь куни эса уни ўлимга ҳукм қиладилар.

Умуман, социалистик жамиятдаги жорий тартиблар

ғоятда ғалати эди — бирон адиб ёхуд шоир мафкуравий жиҳатдан ишончдан қолса, унинг бўйнига ташланган сиртмоқ то бўғилиб, жони узилгунча қисилиб борилаверарди. Бу ишда мафкурачиларга дарров маъмуриятчилар ёрдамга етиб келишар ва ҳайрон қоладиган даражада ҳам-жиҳатлик билан даволаш жараёнини охирига етказарди.

1932 йилнинг 5 майдан 17 июлигача Ўзбекистон Олий Судининг прокурори Шамси Бадриддиновнинг «жиноий» иши кўрилган. Табиийки, бу одам халқ душмани сифатида отувга ҳукм қилинган. Шу судда Катанян деган одам айблов нутқи сўзлаган ва ҳар нима қилиб бўлса-да, Бадриддинов ишига сиёсий тус беришга уринган. Шу мақсади йўлида мафкураси «бузуқ» шоирларни ҳам номини айтмай бўлса-да, ишга аралаштиришга ҳаракат қилган. Катанян дейди: «Шу билан бир вақтда бунда 1927—29 йилларда мана шу йиғинда «қандайдир» шоирлар ўзларининг Фарғонага бағишланган хаёлий шеърларини ўқиб, декламация қилиб берадилар. Бу шеърларда гўзал Фарғона водийсида гуллар очилишдан тўхталгани, булбулнинг овози кесилгани, одамлар ҳазин бўлганликлари сўзланади. Бу ҳазинлар чиндан ҳам хонпомешчиклар замонасини хаёллаган кишиларнинг далилларини, яширин қочиб, ишлаша кетган, уйқусида қора реакциянинг қайтганини кўрган кишиларнинг юрагини тўлдиргон эди»*.

1927 йилдаги мунозара ва ундан кейинги воқеалар ҳақида бунчалик батафсил тўхтаётганимизнинг боиси бор, албатта. Гап шундаки, салкам етмиш йил аввал бўлиб ўтган ва ҳозир деярлик унутилиб кетган воқеалардан адабиётшунослик учунгина эмас, умуман, маънавий ҳаётимиз учун фавқуллодда муҳим бир хулоса чиқариш мумкин. Эсингизда бўлса, мақоламизнинг бошида халқимиз ичидан Чўлпон яратган поэтик юксакларга кўтарила оладиган орифлар чиқмагани ҳақида мулоҳаза юритган эдик. Маълум бўладики, гап халқнинг маданий-маънавий савияси пастлигида, Чўлпон кашф этган олам гўзалликларини идрок этишга қодир одамларнинг йўқлигида эмас экан. Гап ҳукмрон мафкуранинг шиддатли йўл-йўригида, қолаверса, ҳокимият тепасидаги кучларнинг, биринчи навбатда, коммунистик партия арбобларининг санъатта, адабиётта душманлигида, ҳар бир фикрлайдиган ақлли одамдан, ҳар

* Катанян. Бадриддинов судидаги айблов нутқидан. «Қизил Ўзбекистон», 1932 йил, 16 июнь.

Бир мустақил истеъдод эгасидан кўрқишида экан. Фикрлайдиган одам янги ҳокимиятнинг, улар барпо этаётган янги тузумнинг чинакам башарасини дарров пайқаб олиши ва ҳаммага ошкор қилмоғи мумкин. Шунинг учун уларнинг боридан йўғи яхши.

Эътибор берган бўлсангиз, 1927 йил баҳсидаги мақолалар ҳам, Акмал Икромовнинг нутқи ҳам, Катаняннинг таҳдидлари ҳам бир муштарак хусусиятга эга — улар «қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» қабилдаги гаплар. Албатта, улар, биринчи навбатда, Чўлпонга қаратилган, уни фош қилишга, шаҳдини қайтаришга, «ўзимиз қатори» шоирга айлантиришга қаратилган. Айни чоқда, уларда Чўлпон баҳонасида бошқа одамларга аталган ботиний мурожаат ҳам бор — эй биродар, кўзингга қараб юр, чизган чизигимиздан чиқма, буюрган ишни қил, буюрган гапни гапир, ҳаётинг кечаётган сассиқ ҳовузни зинҳор-базинҳор сассиқ дея кўрма. Акс ҳолда Чўлпоннинг куни сенинг ҳам бошингга тушади. Бир зумда синфий душман бўлиб қолганингни ўзинг ҳам билмай қоласан.

Бундай таҳдидлар ҳаётда ҳар қадамда амалга ошиб турган бир шароитда кўрқув салтанати вужудга келади. Одамлар юрагида кўрқув туйғуси ҳукмрон бўладиган бўлса, ундай одамларнинг руҳий ҳаёти карахтланади, гўзалликка иштиёқ ўтмаслашади. Ҳатто энг зўр орифлар ҳам ҳолсизланиб, гўзаллик самовиятларига кўтарила олмай қоладилар. Даҳо санъаткорлар яратган гўзалликни англаш, унинг моҳиятини идрок эта билиш, сирларини кашф этиб, бу гўзалликни қалб мулкига айлантириш учун, биринчи навбатда, санъаткорларга қассобдек, прокурордек, жаллоддек бўлиб эмас, унга муҳаббат ва хайрихоҳлик билан муносабатда бўлмоқ керак. Санъаткор инкишоф этган оламнинг калити «Сим-сим, оч эшикни!» деган афсонавий хитобда эмас, жамиятнинг санъаткорга эҳтиромида, хайрихоҳлигида, муҳаббатидадир! Бунинг учун эса жамият эркинлик салтанатида яшамоғи лозим, токи ҳар бир одам туйғуларини намоеън этишда, фикрларини баён қилишда бунинг оқибатидан, таъқиб-таъйиқларга учрашдан, жазога мустаҳиқ бўлишидан кўрқмасин!

* * *

«Адабиётшунослик ва танқиднинг манқуртга айланиши» деган кўп йиллик ва кўп пардалиқ фожианинг

биринчи пардаси шундай бўлганди. Савол туғилади: нега энди бу фожианинг биринчи пардаси келиб-келиб 1927 йилда, яъни большевиклар ҳокимият бошига келгандан кейин 10 йил ўтгач ўйналинди? Мен «Чўлпон» деган рисоламда бу саволга жавоб беришга уриниб кўргандим. Рисолада бу тўғрида шундай дейилган: «1925 йилнинг 18 июнида РКП(б) Марказий Комитетининг «Партиянинг бадиий адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида» деган резолюцияси қабул қилинди. Унда амалда ўша кезларда турли-туман адабий гуруҳлар ва оқимлар мавжудлиги айтилган ва улар ўртасида пролетар адабиётининг гегемонлигини таъминлаш асосий мафкуравий вазифа қилиб қўйилганди. Тўғри, резолюцияда бу гегемонликка «эркин ижодий мусобақалар» орқали эришиш кераклиги уқдирилади. Аммо қарор чиққандан кейин бир зумда «эркин ижодий мусобақа» ҳақидаги гаплар паққос унутилади-ю, зўравонлик билан, ёзувчиларни ур-калтак қилиш билан, ҳақорату хўрлашлар билан «пролетар адабиётининг гегемонлиги» таъминлана бошланади. Инқилобнинг илк йилларида бир неча муддат мобайнида мавжуд бўлган ижод эркинлиги барҳам топа бошлайди. «Йўқсулларнинг ҳаётини, мафкурасини, бошидан ўтказган аччиқ-аччиқ ҳолларини сувратлантириш... шуни тараннум этиш адабиётнинг бирдан-бир мақсади деб тарғиб қилинди. Хуллас, шу тарзда адабиётни янги тузумнинг маддоҳига айлантириш учун, уни сиёсатнинг муте бир оқсочи қилиш учун кураш бошланди». Ўз рисоламдан узунгина парча келтирганим учун узр. Рисола чиққандан сўнг юқоридаги парчани ўқиган айрим ўртоқлар: «Ие, қизиқ-ку? Наҳотки, мафкура соҳасидаги ур-йиқитнинг илдизи фақат 1925 йилга бориб тақалса? Наҳотки, большевиклар ҳокимияти 1917 йилдан то 1925 йилгача мафкура соҳасида, адабиёт соҳасида эркинликка йўл қўйиб қўйган бўлса?» дея таажжуб билдира бошладилар. Дарҳақиқат, 1927 йилда биринчи пардаси саҳнага қўйилган фожианинг муқаддимаси 1925 йилга эмас, тўғридан-тўғри 1917 йилга бориб тақалади. Большевиклар ҳокимият тепасига келишлари биланоқ мафкура жиловларини қўлга олишга ҳаракат қилдилар. Улар сўз эркинлигини тан олган бўлсалар-да, амалда ҳамма нарсани таъқиқлаш, ман этиш, тазйиқ остига олиш йўлидан бордилар. Лениннинг инқилобнинг илк йилларида ҳар хил муносабатлар билан сўзлаган нутқларини олинг. Уларда «улуғ дохий» зўр бериб совет ҳокимиятининг қаттиққўллигини, террор

сиёсатини оқлайди — унингча кўпчилик номидан қилинган зўравонлик, меҳнаткаш халқ манфаати йўлида амалга оширилган террор ҳақиқий эркинлик намуналари бўлар эмиш. Аслида эса, совет ҳокимияти, айниқса, зиёлиларга нисбатан ашаддий душманлик сиёсатини олиб борди. Ўша кезларда миллионлаб зиёлилар қамоққа олинди, моли мулки мусодара қилинди, бир қисми отилди, бир қисми хорижга бадарға қилинди. Большевиклар жамиятни зиёлиларга нафрат ва ишончсизлик руҳида тарбиялай бошладилар. Бу ҳолга фақат марказда, Россия ё Украинадагина содир бўлмай, жойларда, жумладан, Туркистонда ҳам кенг кўламда амалга ошириди. Большевиклар илк қадамлариданоқ маҳаллий зиёлиларни қаттиқ таъқиб остига олдилар, уларнинг бемалол фаолият кўрсатишларига йўл қўймадилар. Бу ўринда атоқли адабиётшунос олим Абдурауф Фитратнинг 1928 йилда эълон қилинган «Ёпишмаган гажаклар» деган мақоласида тилга олган бир фактни эслайлик. Олим 1919 йилда «Чигатой гурунги» тўғарагининг илмий мажлислари қуроли қизил гвардиячиларнинг назорати остида ўтганини эслайди. Шўрлик зиёлилар — пешонасига милтиқ тиралиб турган ҳолда қандай гурунглашдилар экан?

Большевиклар маҳаллий зиёлиларни чеклаш ва таъқиб қилиш борасида энг қабиҳ ва энг тубан усуллардан ҳам қайтишган эмас — улар дўстларинигина эмас, оила аъзоларини ҳам бир-бирига душманга айлантириб, бир-бирига айғоқчилик қилишга мажбур этган. Инқилоб йилларида йирик сиёсий арбоб ва жамоатчи сифатида танилган атоқли олим Закий Валидий хотираларида жуда характерли бир воқеани ҳикоя қилади. 1920 йилда у бир неча муддат Бухорода истиқомат қилган, лекин бухоролик зиёлилар билан эркин мулоқотда бўлишга чўчиган, негаки, шўроларнинг маъмурий идоралари таъқиб остидаги зиёлининг ҳузурига келадиган ҳар қандай одамдан айғоқчи ёки чақимчи сифатида фойдаланишга уринган. Адабиёт ва санъат масаласига келсак, бу соҳада ҳам шўро ҳукумати 20-йиллардаёқ «қаттиқ цензура» ўрнатиб улгурган эди — бу борада Олим Шарафиддиновнинг маслаҳати кечикиб қолганди.

Шундай қилиб, шўролар ҳукумати ўзининг илк қадамлариданоқ ижод эркинлигини чеклаш, зиёлилар фаолиятига тўсиқлар қўйиш, меҳнаткаш халқни уларга нисбатан ишончсизлик руҳида тарбиялаш сиёсатига амал қилдилар. Улар бу сиёсатни етарли даражада фаоллик

билан амалга оширдилар. Лекин шундоқ бўлса-да, конкрет шоирлар ёхуд адибларга нисбатан маънавий қатли ом 1925 йилдан кейин, РКП(б) Марказий Комитетининг резолюциясидан сўнг амалга оширила бошлади. Чўлпон шу қатли омнинг биринчи қурбонларидан бўлди. Чўлпонни қурултойдан ҳайдаб чиқариш учун кўл кўтарган «маданият ходимлари» эҳтимол, ўша кезларда партия манфаатига, халқ манфаатига хизмат қиляпмиз деб ўйлашгандир, лекин аслида улар мафкура жабҳасида, адабиёт ва санъат соҳасида Сталин истибдодининг қарор топишига хизмат қилишган эди. Улар Чўлпонни қоралаб чапак чалганларида, аслида ижод эркинлигини кўмиб, унинг гўри устида мотам маршини чалишганди. Шу тарзда энди қанот ёзиб келаётган янги навқирон ўзбек адабиётининг қанотлари қайрилди ва у 60 йиллик муддатта парвоз имконидан маҳрум этилди.

Орадан кўп ўтмай мафкура соҳасидаги большевиклар сиёсати «янги самаралар» бера бошлади. Бу аснода шу сиёсатни амалга оширишнинг асосий воситаси бўлган марксча адабиётшунослик ва танқидчиликнинг яна бир хислати намоён бўлди — адабиётшунослик ва танқидчилик ҳарбий санъатнинг анча-мунча усулларини ўзлаштириб олиб, ўз фаолиятида қўллай бошлади: темирни қизигида босишга уринди, биринчи зарбадан кейин довдираб қолган, саросимага тушган «душман»ларини ўзига келишига йўл қўймай, узил-кесил тор-мор қилишга ҳаракат қилди ва бунинг учун бутун мафкура fronti бўйлаб ялпи ҳужумни кучайтирди. Бунинг оқибатида биргина Чўпон эмас, кўзга кўринган ўзбек адибларининг ҳаммаси том маънода қақшатғич зарбага учрадилар. 1929 йилда Сотти Хусайн «Ўтган кунлар» ва ўтган кунлар» деган узундан-узоқ мақола ёзиб, алақачон халқ ўртасида жуда катта обрў орттирган Абдулла Қодирийни дунёқарашни чекланган, мафкураси бузуқ, ўзи йўлини тополмаган, майда буржуа таъсирига берилган, миллатчи, худбин, йўқсулларга ёт бир одамга чиқарди. Абдурауф Фитрат муттасил равишда танқиднинг тиғи парронига дучор қилинди. Кейин Боту қораланди ва ҳатто қамоққа олинди. Ўша кезларда энди адабиётга кириб келаётган Абдулла Қаҳҳор ва Миртемирлар ҳам қамоқ жазосидан бенасиб қолмадилар. Адабиёт қаддини рўстлаб олмаслиги керак эди, у доимо ҳукмрон мафкура қаршисида таъзим қилиб туриши, унинг истаган хоҳишини бажо келтиришга тайёр турмоғи лозим эди. Бунга эришмоқ учун эса қатли ом гулхани ўчиб қол-

маслиги, доим гуриллаб ёниб турмоғи, унга муттасил ўтин қалаб туриш талаб қилинарди. Бизнинг 30-йиллардаги олимларимиз ва танқидчиларимизнинг анча-мунчаси бу қора ишни мамнуният билан ва балки ифтихор билан ўринлатиб бажаришди.

1927 йилда қурултойдан ҳайдалгандан сўнг 30 ёшлик Чўлпон ҳаётининг фожиаларга, драмаларга тўла қора кунлари бошланди. Булар оз эмас, кўп эмас — ўн йил давом этди. Ўн йил мислсиз руҳий изтироблар шоир жисмини кемирди, асабларни қақшатди. Унинг асарларини босмай қўйишди, номлари қора рўйхатларга тушди, ҳатто ёру дўстлари кўришиб қолганда кўчанинг нариги бетига ўтиб кетиб қоладиган бўлишди. На совет ёзувчиси деб тан олинган, на буржуа ёзувчиси деб узил-кесил қораланган Чўлпон аросатда қолди. Аммо бу йиллар мобайнида Чўлпонни қораловчи мақолалар босилишдан тўхтагани йўқ. Албатта, қудратли истеъдод эгаси бўлган Чўлпон 1927 йилдан кейин ҳам асар ёзишдан тўхтагани йўқ, бироқ у қайси жанрда қандай асар ёзмасин, уларнинг ҳаммаси беистисно «ғоявий зарарли, миллатчилик руҳидаги асар» сифатида баҳолана бошлади, ҳатто унинг таржималаридан ҳам миллатчилик унсурларини кўплаб топа бошладилар.

Мақолаларда «чўлпончилик» деган атама борган сари тез-тез учрай бошлади. Замон эса ҳамон оғирлашиб бормоқда эди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати икки-уч йил ичида бутун қишлоқни абгор қилди — бу жараёнда миллионлаб асл деҳқонларнинг ёстиғи қуриши билан бирга, умуман, қишлоқ ишлаб чиқариши том маънода дабдала қилинди. Натижада, бутун мамлакатда даҳшатли очлик бошланди. Бу эса умумхалқ норозилигини туғдирди. Бундай шароитда халқнинг қаҳр-ғазабини бошқа томонга буриб юбориш керак эди. Яна эски саналган йўл қўл келди — ҳамма муваффақиятсизликлар «ниқобланган синфий душманлар» зиммасига, зимдан иш кўраётган аксилинқилобий кучлар устига қўйилди. Бу душманлар эса, албатта, зиёлилар эдилар. Шу тарзда «социализм ривожланган сари синфий кураш кучайиб боради» деган машғум назария вужудга келди. Бу шунчаки оддий назария эмас, йиртқич, қонхўр назария эди. У амалга кирса, унинг «тасдиғи» учун миллионлаб янги қурбонлар зарур бўлур эди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. 30-йиллардан бошлаб бутун мамлакатда янги қатағонлар тўлқини кўтарилди. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно қолгани йўқ. Бунинг

энг фоже намуналари сифатида Ўзбекистонда 30-йилларнинг бошида бўлиб ўтган Маннон Рамзий ва Боту устидан ва Ўзбекистон Олий судининг раиси Саъдулла Қосимов устидан суд процессини айтиш мумкин. Суд мажлислари атайин халқни кўрқувга соладиган, айниқса, биринчи навбатда, шаккок зиёлиларни тийиб қўйишга қаратилган эди. Табиийки, бундай шароитда Чўлпон бошидаги булутлар жуда қуюқлашиб қолади — уни сўкиб-қарғашлар, «миллатчидан» олиб «миллатчи»га, «синфий душман»га солишлар жамоатчилик фикрини тайёрлаб бориб, уни қамокқа олиш учун замин яратиши керак эди. Шунда Чўлпон Файзулла Хўжаевнинг маслаҳати билан Тошкентни тарк этди ва Москвага кўчиб бориб, СССР Марказий Ижроия Комитети аппаратида таржимон бўлиб ишлайди. Эҳтимол шу факт унинг қамокқа олинишини бир неча йил кечиктирган бўлиши мумкин. Аммо, Чўлпоннинг қамалиши орқага сурилган бўлса-да, унинг теварагидаги «жинлар базми» тўхтамаган эди. Яна уни таҳқирловчи, камситувчи, ёлғоняшиқ ва бўхтонларга тўлиқ мақолалар оқими матбуотда давом этди.

Расмий доиралар Чўлпондан шу даражада кўрққанларки, унинг ижодини жуда-жуда синчиклаб кузатиб борганлар. 30-йилларнинг бошларида Тошкентда ВКП(б) Марказий Комитетининг Урта Осиё бюроси иш олиб борарди. Уша кезларда унинг тепасида Зеленский деган одам турган. Баъзи маълумотларга қараганда Чўлпоннинг матбуотда босилган ва ҳатто босилмаган ҳар бир асари рус тилига таржима қилиниб, Зеленскийнинг қўлига етказилар экан. Шундай шароитда Чўлпон теварагидаги ҳақоратлар оқими жиндай сусайиб қолса, расмий доираларга яқин бирор одам йўл кўрсатувчи бирон мақола билан чиқар эди-да, бу урйикит ўйинини янгидан авж олдиришга берилган бир сигнал бўларди. Фикримнинг далили учун битта мисол келтираман. 1931 йилнинг 15 январ куни «Правда Востока» газетасида М. И. Шевердиннинг «Ўзбек йўқсул адабиётининг илк катта асари» деган мақоласи эълон қилинади. Қизиғи шундаки, ўзбек тилини билмайдиган, ўзбек адабиётидан йироқ турадиган бу одам ўзбеклардан чиққан ҳақиқий истеъдод эгаларини қоралаб, ерга уриб, уларга истеъдодсиз адибларни қарама-қарши қўйишни, уларни хом-хатала, тутуруқсиз асарларини кўкларга кўтаришни касб қилиб олган эди. У 1927 йилда Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини

ёмон отликқа чиқарди. Энди эса Умаржон Исмоиловнинг «Пахта шумғиялари» деган ўта бўш асарини «ўзбек йўқсул адабиётининг илк катта асари» деб кўкларга кўтарар экан, йўл-йўлакай Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийларни бир тепиб ўтишни ўзи учун ҳам қарз, ҳам фарз билади:

«Буржуй ёзувчилари Фитрат («Арслон»), Чўлпон («Ёрқиной»), Қодирий («Ўтган кунлар»), «Меҳробдан чаён»), Элбек Муҳаммаджонов («Турмуш уринишлари») ва бошқалар ўзбек адабиётининг ўта ўнг қанотини эгаллаб келишаётир. Бу ерда Фитратнинг қатор асарларидаги туркпарастлик ҳақида, Чўлпон ижодидаги босмачилик кайфиятлари тўғрисида, Жулқунбой — Қодирийнинг савдо буржуазиясини ва феодализмни мадҳ этгани хусусида, Муҳаммаджоновнинг шовинизми борасида гапириб ўтиришнинг ўрни эмас» (Услугнинг гажакдорлигига қаранг — гапирадиган гапини гапириб бўлиб, «гапириб ўтиришнинг ўрни эмас» дейди-да, юв-вошгина бир чеккага чиқиб қараб тураверади).

Матбуотда эълон қилинган бунақа гаплар, айниқса, Михаил Иванович Швердиндай мўътабар зотнинг оғизларидан чиққани учун кўпгина ўзбек адабиётчилари томонидан дастуруламал ўрнида қабул қилинарди. Шунанга пўписалардан кейин Чўлпонга яқин одамлар ҳам бутунлай қарашларини ўзгартириб, ҳукмрон мафкура хизматига бел боғлар эдилар. Юқорида Абдурахмон Саъдийнинг 1924 йилда Чўлпонга, умуман, илиқ муносабат билдириб мақола эълон қилганини айтгандик. Афсуски, домланинг эътиқоди унчалик мустаҳкам эмас эканми ёки бошқа бирон сабаб биланми, 30-йилларда энди Чўлпонни аямай дўппослай бошлади. Жумладан, «Ҳозирги пролетар адабиётида синфий кураш» деган мақоласида ёки «Ўзбек буржуа адабиёти» деган дарслигида Абдурахмон Саъдий Чўлпонни муттасил «жадид буржуа ёзувчиси, ашаддий миллатчи» деб таърифлайди. Яна бир мисол. 30-йилларнинг бошида жуда қобилиятли марксист олим сифатида шуҳрат қозонган ва ижтимоий фанлар ривожига анча катта ҳисса қўшган Отажон Ҳошим Чўлпонни жуда яхши кўрган, чин юракдан ҳурмат қилган ва ҳатто яқин қариндош-уруғларига Чўлпон шеърларидан ўқиб бериб турган ҳамда уларни ёд олишни тавсия қилган. Отажон Ҳошим Москвада ўқиб юрган кезларидаёқ Чўлпон билан яқиндан танишиб, дўстона муносабатлар ўрнатган. Бироқ, мақолаларида эса у Чўлпонни қоралашга мажбур бўлган. Хуллас,

30-йилларнинг биринчи ярмида зўр эҳтирос билан, жазавага тушиб Чўлпонни фош этган мақолалар жуда кўпайиб кетди. Албатта, уларнинг ҳаммаси тўғрисида тўхташнинг иложи йўқ. Шунинг учун бу ўринда ҳам бир-икки мисол билан чекланаман.

Чўлпонни «чуқур назарий асосларда» қаттиқ қоралаганлардан бири Миёнбузрук Солиҳов бўлган. Қизиғи шундаки, бу одам ўзбек адабиётшунослари ичида энг билимдонларидан бири бўлган. У ўнлаб китоблар ва мақолалар муаллифи — унинг ўзбек театри тарихига оид монографияси ҳозирга қадар материалга бойлиги билан тадқиқотчилар эътиборини жалб қилиб келмоқда. У нафақат Туркистон мадрасаларида, балки Истамбул дорилфунунида таҳсил кўрган, Кобулда дипломатик вазифаларда ишлаган одам эди. Аммо афсуски, шундай юксак маданиятли, пухта билимли одам ҳам Чўлпонга тош отишда фаол қатнашган. Афтидан у ҳам оёғи остидаги замин нураб бораётганини сезгану, ҳукмрон мафкурага садоқат кўрсатиб, жон сақлаб қолмоқчи бўлган. Шу мақсадда 1933 йилда «Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари» деган китоб эълон қилган, лекин бу садоқати уни қатагон бўронидан сақлаб қола олмаган. Айтиш керакки, Миёнбузрукнинг бу китоби ҳам материалга бой, аммо у нима қилиб бўлса-да, Чўлпон билан Фитратни миллатчига чиқаришни мақсад қилиб олади ва бу йўлда адабий матнларни бузиб талқин қилишдан ҳам қочмайди. Масалан, у «Уйғониш» тўплами ҳақида ёзади:

«Бундаги баъзи шеърлар худди уришиб турган аскарни руҳлантириш учун сўзланган нутқларни хотирлатади». Шундан кейин «Халқ» шеъридан парча келтирилади-да, унинг ғоявий зарарли асар экани ҳақида шундай дейилади:

«Табиий, бундаги халқни пролетар оммаси деб ўйлашга имкон йўқ. Бу халқ миллий демократчиларнинг ўйлаганларича бой, руҳоний ва босмачи, муштумзўрларни ўз ичига олган бир халқдир».

Қизиқ, мунаққид шоирдан нимани талаб қиляпти ўзи? Наҳотки, шоир ҳар гал шеърида «халқ» сўзини ишлатса, шунинг ичида «босмачи ва муштумзўр йўқ» дея изоҳ бериши керак бўлса?!

«Тонг сирлари» ҳақида Миёнбузрук «бу тўплам ўз эгасининг лирик ва санъат жиҳатидан анча ўсганин кўрсатадир» деб тан олади-да, шу ўриндаёқ «лекин»ни айтишни ҳам унутмайди: «...бу тўпламда шоирнинг маф-

куравий жиҳатдан шўролар тарафига қараб ўсув кўрсатгани ҳеч кўринмайдир».

Миёнбузрук талқинида Чўлпоннинг шеърий китобларигина эмас, ҳатто драматик асарлари ҳам миллатчилик оғуси билан заҳарланган. Масалан, «Ёрқиной» драмасида Чўлпон ошкора тарзда буржуа тузумини тарғиб қилади: бу пьеса «мамлакатда, у тарихларда ўлиб, сўниб бормоқда бўлган босмачилик ҳаракатини идеаллаштиради, бунинг натижасида миллий демократизм асосида бўлган машрутали-конституцияли, яъни мажлиси мабусанга эга бўлган бир хонлик бўла олишини кўрсатмоқчи бўладир».

«Ёрқиной» пьесасини холисона ўқиб чиққан ҳар қандай одам амин бўладики, пьесада Миёнбузрук айтаётган «босмачилик ҳаракатини идеаллаштиришдан» асар ҳам йўқ, унда «мажлиси мабусанга эга бўлган бир хонлик» тўғрисида ҳам лом-мим дейилмайди. Наҳотки, Миёнбузрук асар қаҳрамони Пўлатнинг адолат ва ҳақиқат талаб қилиб, зулмга қарши курашмоқ учун саройни тарк этиб, тоғу тошларга чиқиб кетганини «босмачилик»ни идеаллаштириш деб тушунган бўлса? Наҳотки, Пўлатнинг «Тоғу тахт... Салтанат... сизнинг юклаб қўйган юкингиз... Уни мен ҳар қанча оғир бўлса ҳам кўтариб олиб боришим керак... Тоғу тахтнинг орқасида юрт бор, эл бор, халқ бор... Уни ўйлаш керак. Унинг ғамини ейиш керак... Сиз менга тоғу тахтни бурунги хонлардай эмиб-сўриб ётиш учун олиб берган бўлсангиз, ўзингизга қайтариб бераман. Менга ундай тоғу тахтнинг кераги йўқ! Сиз олиб берган тоғу тахт юртнинг дардига даво бўлмаса, йўқ...» деган сўзларини «конституцияли» монархизмни тарғиб қилиш» деб тушуниш мумкин? Ундай бўлса, маърифатли подшо, адолатли шоҳ ғояларини куйлаган ўнлаб мумтоз шоирларимиз, ҳатто буюк Алишер Навоий ҳам «мажлиси мабусанга эга бўлган бир хонлик» тарғиботчилари бўлиб чиқмайдими? Шу мантиққа асосланиб, уларга ҳам «буржуа мафкурасининг тарғиботчилари» деган ёрлиқни ёпиштириш мумкин эмасми? Мунаққид матни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, хаёлидаги нарсани ёзувчига ёпиштирса-да, кейин бундай ўзига керакли «мафкуравий» хулосаларни чиқариб олса, бу, албатта, илм бўлмайди. Бу йўл билан истаган шоирга истаган айбни қўйиш мумкин.

Миёнбузрукнинг бундай хуружлари ўша пайтдаги бошқа кўплаб мақолалардан хавфлироқ эди — чунки мақолаларнинг кўпчилиги енгил-елпи ёзилган, уларда

далил ўрнига шаллақи одамлар қўллайдиган усул — «дигоним-дигон» қабилида иш тутиш устивор эди. Миёнбузрукнинг китоби эса ҳар ҳолда китоб эди ва унда «илмийнамо» далиллар бордай туюларди. Бу эса жамонатчиликни чалғитиб, «Чўлпон чиндан ҳам аксилинқилобчи унсур бўлган экан-да» деган тўхтамга олиб келиши мумкин эди.

Миёнбузрукнинг китоби муносабати билан яна бир муҳим гапни айтиш керак — 1927 йилдан бошлаб ўзбек танқидчилигида ҳам «марксча методология»ни қўллаш, «синфийлик принципи»га амал қилиш, социалистик реализм йўлларига ўта бошлаш туфайли вулгар социологизм деган иллат уч кўрсата бошлаган эди. 30-йилларнинг бошига келганда бу иллат анча чуқур томир отади. Миёнбузрукнинг китоби ҳам вулгар социологизм илллати билан жуда кенг қўламда заҳарлангандир. Вулгар социологизм шу даражада хавfli касаллик эдики, у билан оғриган вужуднинг шифо топиб кетиши жуда амримаҳол эди. Адабиётшунослик ва танқидчиликда ҳам шу ҳол юз берди — биз бу иллатдан ҳозирга қадар ҳам буткул қутулганимиз йўқ — шунақа яшовчан нарса эканки, эшикдан қувласанг, тешикдан киради, бир қур мажақлаб, йўқ қилиб ташласанг, иккинчи қур башарасини ўзгартириб, янгироқ қиёфага кириб, яна ишшайиб тураверади. Хўш, қаердан пайдо бўлди бу иллат? Унинг моҳияти нимада? Вулгар социологизмнинг илдизи «адабиёт ижтимоий ҳодиса, ундаги ҳар бир ҳаракат, ҳар бир ўзгариш, ҳар бир сифат ижтимоий ҳаёт билан, биринчи навбатда, синфий кураш билан белгиланади» деган таълимотга бориб тақалади. Бу ақидага қатъий амал қилган совет олимлари секин-аста адабиётнинг санъат ҳодисаси эканини унутдилар, унинг бадий табиатини мутлақо инобатга олмай қўйдилар. Натижада, асар фақат темалар, ғоялар йиғиндиси тарзида қаралди, қаҳрамонлар ҳақида ҳам фақат уларнинг синфий мансублигига қараб фикр юрита бошладилар. Бу, охир пировардида адабиётни санъат сифатида тутатишга олиб келса, «талант, истеъдод» деган нарсага эҳтиёж қолмади, гениал санъаткор билан оддий назмбоз ўртасида ёки «ёз-ёз» касалига учраган бирор руҳий шикаста одам ўртасида ҳеч қандай фарқ қолмади. Адабиётшунос ҳам ўз навбатида осон йўлга ўтиб олди — энди у матнни таҳлил қилмайди, бадий тафаккур қонуниятларини аниқламайди, балки бирда чечанлик билан, бирда нўноққина қилиб, асарнинг мазмунини айтиб бериб

қўя қолади. Унинг ғояларини ёки ғоявий проблематика-сини аниқлаб, ўша асосда ўзининг мулоҳазаларини ай-тиб қўя қолади. Бундай «методология»га амал қилганда, бадиий асар матнини эътибордан соқит қилиб иш тут-ганда, ҳар қандай ёзувчини асоссиз равишда мақтаб кўкларга кўтариш мумкин бўлганидек, ёмон отлик қилиб, «уриб» ерга киргизиб юбориш ҳам мумкин.

Шундай қилиб, 30-йиллар собиқ СССР таркибига кирувчи бошқа миллий адабиётлар қаторида ўзбек ада-биёти учун ҳам жуда оғир кечди. 20-йилларнинг иккин-чи ярмида пролетар адабиёти гегемонлигини ўрнатиш учун бошланган ҳаракат 30-йилларда адабиёт адрларига социалистик реализм байроқларини тикиш учун ялпи ҳужумга айланди. Бошқача қилиб айтганда, Чўлпон ва у билан бирга яна Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир ва яна бошқа ўнлаб ижодкорлар шафқатсиз ра-вишда мафкура тўнига тутилди. Адабиётшунослик ва ганқидчилик каби адабиётни ҳам манкуртга айланти-риш жараёни давом этмоқда эди. Ҳукмрон мафкурага қамиша честь бериб турадиган кул адабиёт, ҳаётдаги қамма нарсани маъқуллаб берадиган маддоҳ адабиёт керак эди. Ҳукмрон мафкура, айниқса, ҳар нарсани синчиклаб тагига етишга уринадиган, ўринсиз ва ил-моқли саволлар бериб, жонга тегадиган, мустақил фикр-ли, истеъдодли ёзувчилардан безор эди. Шунинг учун айни шу йилларда «талант» буржуа олимлари ўйлаб чиқарган нарсани деган гаплар чиқди, «станокдан ада-биётга» деган шиорлар ташланиб, илғор ишчилардан ёзувчилар ясала бошланди. 30-йилларнинг бошларида ана шундай ясама ёзувчиларнинг асарларини ўз ичига олган «Бизнинг довруқ» деган мажмуа чиқарилган эди. Унга юзга яқин муаллифнинг шеърлари, ҳикоя ва очерк-лари киритилган. Қизиги шундаки, оламга довруқ со-либ адабиётга кириб келган шу юз ёзувчидан лоақал биттаси кейинчалик адабиётда яшаб қолмади. Шунга қарамай, ҳукмрон мафкура йўқсуллардан чиққан қўлбола ёзувчиларни қўллаб-қувватлашда давом этди. Бу ишда унга манкуртликни мукамал эгаллаган, бичилган тан-қид ёрдам берди. Адабиётдаги давомли маънавий ва жисмоний террор, биринчи навбатда, ёзувчиларнинг, зиёлиларнинг иродасини синдиришга, уни эгиб олиш-га, ундаги инсоний ғурурни таг-томири билан суғуриб ташлашга қаратилган эди. Айтиш керакки, анча-мунча ҳолларда ҳукмрон мафкура бу қора ниятига эришди ҳам. Биргина мисол: 30-йилларда матбуот саҳифаларида Ан-

қабой Худойбахтов деган тез-тез учраб туради. Бахмалдан чиққан бу йигит журналист бўлган. Кейин партия ходими ҳам бўлган ва ёзувчиларнинг ишларига ҳам бот-бот араллашиб турган. 1930 йилда Боту қамалиб, отишга ҳукм қилингандан сўнг, Анқабой 1931 йилнинг 3 февраль куни «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Йиртилган ниқоб» деган мақола эълон қилади-ю, Ботунинг «чала қолган ниқобини» йиртади — уни йўқсулларнинг ёвуз душмани деб атайди. Шу билан у мафкуравий жиҳатдан соғломлигини намойиш этиб, ҳукмрон мафкурага содиқ фуқарочилиқ туйғуларини кўз-кўз қилади. Аммо орадан роппа-роса бир йил ўтгач — 1932 йилнинг 4 февраль куни яна ўша «Қизил Ўзбекистон» газетасида Х. Бурлақ билан Р. Чўрағулнинг «Зарарли икки китоб» деган мақоласи чиқади. Унда Анқабойнинг китобидаги сиёсий хатолар фош қилинади. Бироқ масаланинг энг таажжубли томони шундаки, газетанинг айнаи шу сониде Анқабойнинг танқидга жавоби ҳам босилган. Дунё тарихи ҳали бунақа тезкорликни кўрмаган бўлса керак. «Бошқармага хат»да Анқабой танқидни «большевикларча» мардлик билан тан олади: «...биринчи китобим бутунлай зарарли, уни қатъиян қўлга олмаслик керак... биринчи китобим жуда катта зарарларни келтирганлигини большевикларча масъулиятимга олиб, биринчи китобимнинг фойдаланишдан тўхтатилишини талаб этман». Баайни Гоголь асаридаги унтер офицернинг ўз-ўзини калтаклаган хотини! Албатта, ҳар қандай одам қилмишлари учун матбуот орқали узр сўраши — тавба-тазарру қилиши мумкин — бунинг ҳеч қанақа айби йўқ, лекин аммо китобини «қатъиян қўлга олмасликни» талаб қилиш учун», фойдаланишдан тўхтатилишини талаб этмоғи» учун одам ҳар қандай ғурурдан маҳрум бўлмоғи керак. Айтганча, бундай ялтоғланиб қилинган тавба-тазаррулар ҳам фойда бергани йўқ — кейинчалик Анқабой қамоққа олиниб, бошқа «халқ душманлари» қаторида 1938 йил 4 октябрда отиб ташланди.

30-йиллардаги ижодий муҳит ана шундай даҳшатли эди. Аммо муҳит ҳар қанча даҳшатли бўлмасин, айрим ёзувчилар унинг қутқусига учиб, эътиқодларига хиёнат қилганлари, иймондан воз кечганлари йўқ. Улар орасида Чўлпон ҳам бор эди. Албатта, «вазият Чўлпонга сира ҳам таъсир қилгани йўқ» десак, унча тўғри бўлмайди. Чўлпоннинг айрим шеърларида замонасозлик майллари кўринади. Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ —

замон унга боқмагандан кейин, у замонга боқингга мажбур-да. Лекин Чўлпонда бундай асарлар кўп эмас. Умуман, энг таажжубли жойи шундаки, шароит ҳар қанча оғир бўлмасин, Чўлпон ижод қилишдан тўхтагани йўқ. 1937 йилда ёзувчилар уюшмасида ўтган бир йиғинда сўзлаган нутқида Чўлпон қилган ишларини санаб беради: «Менинг Москвадан қайтганимга икки йил бўлди. Шу вақт мобайнида Горькийнинг «Она» романини, «Егор Буличев» пьесасини, «Дубровский»-ни, «Борис Годунов»-ни, яна 25 та шеърини, Лохутийнинг «Европа сафари»-ни таржима қилдим. Яна бошқа майда ишлар ҳам бўлди. Булардан ташқари, 1935—1937 йиллар мобайнида «Кеча ва кундуз» романи, «Соз» деган шеърлар тўплами тайёрланиб, нашриётга топширилди».

Энди ўзингиз тасаввур қилинг — бутун мамлакат бўйлаб, биринчи навбатда, зиёлиларнинг, ёзувчиларнинг шўрини қуритаётган қатағон бўрони кутуриб турган бўлса, тузукроқ ёзувчилар бирин-кетин ўз-ўзидан «ғойиб» бўлаётган бўлса, матбуотда оқ калтак-қора калтак компанияси давом этаётган бўлса, на дурустроқ ўйлаш, на ўтириб ёзишнинг имкони қолмаган бўлсаю, шундай шароитда ҳам шунчалик иш қилинган бўлса?! Бундай одамни нима деб баҳолаш керак? Менимча, бу фақат бир нарсадан далолат беради — Чўлпон нафақат темир иродали одам бўлган, унинг истеъдоди ҳам фавқулодда қудратга эга бўлган. Ер бағридаги булоқ ҳеч қандай тўсиқларни тан олмай, юзага ёриб чиққани каби, Чўлпоннинг истеъдоди ҳам теварак-атрофдаги булуғлар ҳар қанча қуюқлашиб, даҳшатли тус олмасин, зулматни ёриб чиқиб, Чўлпонни ижод қилишга мажбур этган. Бу Чўлпон шахсиятининг муҳим қиррасидир.

Адабиётшунослик ва танқидчилик холис бўлса, чи-накам илмий асосларга таянса, ҳукмрон мафкуранинг малайи эмас, ҳақиқатга хизмат қилишини муқаддас деб билган соҳа бўлса, Чўлпон-асарларини таҳлил қилиш билан бирга, шахсиятидаги ана шу фавқулодда жиҳатларни ҳам ўрганган бўларди. Афсуски, у пайтдаги танқидчилик бунга қодир эмасди. Тўғри, танқидчилик Чўлпонни сира-сира эътиборсиз қолдиргани йўқ, лекин эндиги эътибор аввалгиларидан янада даҳшатлироқ эди.

30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Чўлпонни қораловчи мақолалар оқими янада кучайди. Табиийки, уларда Чўлпонни англашга интилишдан асар ҳам йўқ эди. Ак-

синча, машғум 37-йил яқинлашгани сари бундай мақолалардан ҳар қандай андиша ва инсонийлик йўқолади. Мақолалар гўё муайян бир ташкилотнинг буюртмаси билан ёзилгандай бир-бирига жуда ўхшарди. Уларда фактлардан кўз юмилиб, шеърий парчалар ағдар-тўнтар қилиниб, бирорта далил-исбот келтирмаган ҳолда яна ўша эски айб — «Чўлпон — миллатчи» деган айб қайта-қайта такрорланаверарди. Аҳвол шу даражага етадики, Чўлпоннинг эълон қилинмаган китоблари ҳақида ҳам тақризлар эълон қилинади. Шундай тақризлардан бири Туйғуннинг қаламига мансуб бўлиб, Чўлпоннинг ҳибсга олиниши арафасида, яъни 1937 йил 22 май куни «Ёш ленинчи» газетасида босилган. Туйғун 20-йилларнинг охирларида адабиётга кириб келган, 30-йиллар бошида 4—5 та шеърий китоблар эълон қилган, кейинчалик драмалар ҳам ёзиб кўрган ўртамиёна ижодкор эди. Аммо қалам билан адабиётдан тузукроқ ўрин эгаллай олмагач, ўзини содиқ фуқаро қилиб кўрсатиш йўли билан обрў орттирмоқчи бўлди. Бу йўлда у қаламқаш дўстлари устидан ошқора чақувлар ёзишгача бориб етди, чунки юқоридаги мақолани мақола деб эмас, балки органлар қулоғига айтилган чақув десак тўғрироқ бўлади. Бу тақриз Чўлпоннинг нашриётга топширилган, лекин дунё юзини кўрмай қолиб кетган ва шу кўйи йўқолган «Жўр» деган шеърий тўплами ҳақида. Туйғун, афтидан, буни аввал ички тақриз сифатида ёзган-у, кейин ҳеч қандай андишага бормаи, матбуотда эълон қилган. Мақоладаги таҳлил йўли жуда жўн — муаллиф бирон шеърий парчани кўчиради-да, ундан баъзи ибораларни юлиб олиб, шулар асосида ўзинча «чуқур» ҳулосалар чиқаради. Масалан, шоирнинг «Кузак» деган шеърдан парча олинган:

*Мевалар шохлардан таппа-тап тушди,
Сўник чехра билан ерга уюшди.
Муздай тупроқлар шимтирашдилар,
Етимдай сарғайиб тентирашдилар.*

Сўнг бу парча ҳақида мулоҳаза юритилади: «Бу сатрлардаги «сўник чехра» «муздай тупроқлар», «етимдай сарғайиб тентира» каби ифодаларда Чўлпоннинг ўша миллатчи буржуазия руҳида ёзган шеърларидаги кайфият сингиб туради». Ана шундай мулоҳазалар асосида мақола муаллифи Чўлпоннинг ҳанузгача «ўзининг миллатчи буржуазия идеяларига» содиқ қолаётганини тас-

диқлайди. Бу ўринда тақризчининг «маҳорати»га тан бериш керак — «большевиклар ололмайдиган бирон кўрғон йўқ» деганларидек Туйғуннинг буржуа миллатчилигининг таъсирини қидириб тополмайдиган бирон шеър, бирон мисра йўқ — у истаган маънодаги ибораларни ўзи истаган томонга буриб юбора олади. Масалан, у тўпламга кирган «Бу ўлканинг кўклами» деган шеърдан парча келтиради:

*Бу ўлканинг кўклами жуда ҳам намгарчилик,
Қуёш булутлар билан ўйнашади, шекилли.
Қачон кўрсам яширинган ўйинқароқ боладай,
Мени энтиктирмоқчи ўйнашиб алдай-алдай...*

Оддий кўклам манзараси. Аммо Туйғун шу оддий манзара тагидан кир қидириб топади:

«Мана, равшандирки, Чўлпон 1936 йилда ҳали эски куйларини чуқурлаштиради. Ҳамон кўкламда кўкламни кўрмайди, ўзини булутлар қоплаган ҳолда кўради. «Қуёш» унга бевафо. Қачон қараса, уни яширинган ҳолда кўради, кўнгли зориқади, энтикиб қолади...»

Юқоридаги парчадан шунақа «сиёсий» хулосалар чиқармоқ учун юмшоқ қилиб айтганда, одам ноинсоф бўлмоғи керак. Шуниси эътиборга лойиқки, Туйғун Чўлпонни «фош қилиш»да жуда катта жонбозлик кўрсатган одамлардан бири — у биргина 37-йилнинг ўзида газета ва журналларда ўзбек ва рус тилларида Чўлпонга ҳамда бошқа «халқ душманлари»га қарши бештадан ортиқ мақола эълон қилган. Шунинг учун уни ўша кезларда ўзбек ёзувчилари ичида энг сиёсий ҳушёри бўлган дейиш мумкин. У Чўлпонни жазавага тушиб душманга чиқарган-у, аммо дурустроқ далил-исбот келтиришга ожизлик қилиб қолган. Бироқ шуниси ҳам борки, у замонларда бировни «миллатчи» ёхуд «халқ душмани» десанг, бунинг учун тузукроқ далил-исбот келтириш талаб қилинмас эди...

Туйғуннинг мақоласи эълон қилингандан сўнг Чўлпон қамоққа олинди. Мен бу ўринда «Чўлпоннинг қамалишига Туйғун ёлғиз сабаб бўлган» демоқчи эмасман. Ўша кезларда Чўлпонга қарши Туйғунникидан бошқа ҳам анча-мунча мақолалар эълон қилинган. Ўйлайманки, бундай мақолалар пайдо бўлмаган тақдирда ҳам маъмурий органлар Чўлпонни соғ қўймаган бўларди — чунки, биринчидан, йигирма йилдан бери Чўлпон устидан йиғиб келинган материаллар шоирни бир ёғлиқ

қилишни тақозо қилади, иккинчидан эса, 37-йилга келганда қатли ом машинасининг парраклари бутун мамлакат бўйлаб мисли кўрилмаган шиддат билан айлана бошлаган эди. Бироқ шунга қарамай, Туйғун ва уникага ўхшаш мақолаларни мутлақо беозор, қатли омга дахлсиз мақолалар деб бўлмайди. Ҳеч шубҳа йўқки, бундай мақолалар халқнинг онгига адиблар ва шоирлар ҳақидаги тухмат ва бўҳтонларни қўйиб, ёлгон-яшиқ гапларни сингдириб, қатагон тегирмонига сув қуйди. Сталин жаллодларининг ишини осонлаштирди.

Шундай қилиб, 1937 йилнинг ёзида Чўлпон қамоққа олинди, бир йиллик даҳшатли қийноқлардан кейин 1938 йилнинг 4 октябрь куни отиб ташланди.

Муаллифи ва режиссёри шўро ҳукумати ҳамда большевиклар партияси бўлган, ижрочилари маъмурий жазо органлари, маҳаллий адабиётшунос ва мунаққидлар бўлган кўп йиллик ва кўп пардалик даҳшатли фожианинг иккинчи пардаси шундай кечди ва бу гал Чўлпонни жисмонан маҳв қилиш билан якунланди.

* * *

Чўлпон отилди. Чўлпон билан бирга яна юзлаб, балки минглаб миллатнинг энг асл фарзандлари — адиблар, шоирлар, олимлар, давлат арбоблари, саркардалар, хўжалик ходимлари, ишнинг кўзини биладиган деҳқонлар отилди. Лекин бу билан ҳам қоронғи кечаларнинг тонги отмади — халқ бошига тушган даҳшатли фожа тугамади — ҳали унинг кейинги пардалари ўйналиши керак эди. Бу орада фашистлар мамлакатга бостириб кирди-ю, тарихдаги энг қонли, энг шафқатсиз, энг қиргинли уруш сусайгандай бўлди, аниқроғи, сусайди эмас, бошқачароқ тус олди. Ниҳоят, 1945 йилда уруш ғалабамиз билан якунланди. 1945 йил баҳори халққа янги умидлар бахш этди — ғолиб халқ энди жиндай бўлса-да, тузукроқ яшашдан, лоақал бир парча бахтга муяссар бўлишдан умидвор эди. Ғалаба учун совет халқига таъзим қилган, унга миннатдорчилик билдирган генералиссимус энди зулмни бўшаштиради, одамларга енгиллик беради, яшаш энди чиндан ҳам масрур ва қувноқ бўлиб қолади! Кўпчилик шундай бўлишига астойдил ишонган эди. Одамзод ҳайрон қоладиган даражада ғалати махлуқ — унинг ландавурлигини ҳам, донолигини ҳам билиб бўлмайди. Одам ўзи истаган вақтда кўр ва қар бўлиб олаолади — у кўришни истама-

ган нарсасини кўрмайди, билишни истамаган нарсасини билишга уринмайди ҳам. Шундай бўлмаганда, у босиб ўтилган ўттиз йиллик тарихидан хулосалар чиқармасмиди? Чеккан мислсиз азобларидан, тортган жафоларидан, адоқсиз хўрликлардан сабоқ олмасмиди? Йўқ, ундай бўлмади. Бу гал ҳам «халқлар отаси»нинг уч-тўртта баландпарвоз нутқига, тум-тарақ ваъдасига учиб-кўйди ва белидаги камарини янада таранг тортиб, енгини шимариб, «порлоқ келажак» сари шаҳдам юриб кетди. Ҳа, ҳукмрон коммунистик мафкура жуда маккор ва жуда тадбиркор мафкура эди — у адабиёт ва санъатдан фойдаланиб, оммавий ахборот воситаларини ишга солиб халқ онгини захарлаб улгурган эди. Халқ «Правда» газетасининг бош мақоласига қараб фикрлайдиган бўлиб қолган ва шунинг учун уни лақиллатиш жуда осон эди. Урушдан кейин ҳам шундай бўлди — халқ ўзининг «бахтиёр» ҳаёти учун «улуғ доҳий»га миннатдорчилик билдириб, саждалар қилар экан, «улуғ доҳий» янги қатағонлар тўлқинини бошлаб юборди. 1949—1950 йилларда Сталиннинг оғир гурзиси, биринчи навбатда, яна ёзувчилар бошига тушди. Бу гал Шухрат, Шайхзода, Саид Аҳмад, Мирзакалон Исмоилий, Ҳамид Сулаймон ва яна бошқа кўпгина ўзбек адиблари ва шоирлари қамалди. Бундай шароитда, албатта, Чўлпонни англаш эмас, унинг номини тилга олиш ҳам мумкин эмас эди. Дарсликларда ҳатто «Чўлпон — миллатчи» деган иборалар ҳам йўқолиб, уларнинг ўрнига анча мавҳум ва мужмал бир ибора — «бир гуруҳ буржуа миллатчилари» деган ибора қўллана бошлади.

1953 йилнинг март ойида Сталин вафот этди. Ўша йили март ойи бошидан охиригача мотам ойи бўлди — бутун халқ — миллатидан, ёшидан, жинсидан қатъий назар Сталин учун аза тутди. Ҳар корхонада, ҳар хонадонда майдонларда, кўчаларда аза, йиғи-сиғи! Газеталарда қора рамкаларда дунёнинг ҳамма гўшаларидан келган таъзия телеграммалари... Ўшанда камдан-кам одам халқ бошига тушган бу мотамсаро қора кунлардан кейин кўп ўтмай ёруғ кунлар бошланишини кўз олдига келтирган бўлса керак. Партиянинг XX съездида Никита Хрушчев жуда катта жасорат билан Сталин ҳақидаги ҳақиқатни тўкиб солди, унинг шафқатсизлигини, мустабид бўлганини, миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритганини очиқ айтди. Ўшанда чиндан ҳам қуёш чақнаб турган осмонда тўсатдан момақалдироқ гумбурлагандек бўлганди. Бу гапдан кимлардир эсанкираб, дов-

дираб қолди — чунки улар неча йиллардан бери сиғиниб келган идеалларидан маҳрум бўлгандилар. Кимлардир эса бу гапларни хушнудлик билан кутиб олишди. Айниқса, зиёлилар, айниқса ёзувчиларнинг катта гуруҳи ҳаётга яна умидбахш нигоҳ билан қарай бошлади. Кўп йиллар мобайнида уларнинг кўксига биринчи марта илиқ шабада теккан эди. Бу илиқ нафас кетидан батамом янгича шароит, янгича ҳаёт, янгича ижод келиши керак эди. Кейинги уч-тўрт йил ичида чиндан ҳам адабиётда эркин руҳ билан яратилган турли асарлар пайдо бўла бошлади. Адиблар ва шоирлар, драматурглар ва публицистлар, ҳатто адабиётшунослар ва танқидчилар ҳам борган сари ўткирроқ ва дадилроқ таразда совет ҳокимияти ҳукмронлик қилган йилларда тоғ-тоғ бўлиб йиғилиб қолган иллатларни фош қила бошладилар. Лекин адабиёт бу масалаларда чуқурлашган сари бир қатор саволлар кўндаланг бўла бошлади, шу пайтгача мақталиб келган социалистик жамиятда бу қадар қонунсизликларга йўл қўйилган экан, миллионлаб одамлар мутлақо гуноҳсиз бўла туриб, ҳибсга олинган, бадарға қилинган, отилган экан, биз қурган жамият чиндан ҳам «ёвузлик салтанати» экан-да!» Агар шундай бўлса, бунга ким айбдор? Сталинми? Сталин айбдор бўлса, унинг ёнидаги Сиёсий бюро қаерда эди? Жонажон партиямизнинг мияси ҳисобланган Марказий Комитет қаёққа қараб турганди? Гап фақат бир шахсдами? Ёки, умуман, социалистик тузумда шахсга сиғинишни ўз-ўзидан туғдираверадиган хислат борми? Кўряписизки, кавлаган сари масала чуқурлашиб, энг нозик сирлар ҳам очилиб қоладиганга ўхшайди. Шундоқ бўлгач, дарҳол чора кўриш керак. Шундай қилиб, орадан кўп ўтмай илиқ шабадаларнинг йўли тўсилди, жиндай янги ҳаво кириб турган тешиклар беркитилди, чала-чулпа берилган эркинликлар бекор қилинди, оёғи тагидаги замин қимирлаб қолган мафкура бир силкиниб яна аввалги кудратини касб этди, яна тақиқлашлар, ман этишлар, қолипга солишлар, таъқиб остига олишлар бошланди. Яна ғоявий душманлар қидирила бошланди. Н. С. Хрушчев Сталиннинг «социализм ривожланган сари синфий кураш кучаяди» деган «назарияси»ни дабдаба қилиб танқид қилган эди. Энди «социалистик лагер билан капиталистик лагер тинч-тотув яшаши мумкин, лекин улар ўртасидаги мафкуравий кураш бир лаҳза ҳам тўхтамайди, аксинча, кучайгандан кучая боради» деган «назария» чиқди. Бу — «биров билан дўст

бўлсанг, ёнингда ойболтанг бўлсин» деганга ўхшаш бир гап эди. Хуллас, раҳбарларнинг кўрган талбирлари туйфайли яна «эски ҳамом, эски тослитича» қолди. Тўғри, бир марта бир лаҳза бўлса-да эркин ҳаволардан нафас олган одамнинг яна қайтиб қафасга кириши қийин, аммо бутун мамлакат битта яхлит қафас бўлса, иложи қанча?

Бу гапларнинг ҳаммаси, албатта. Чўлпоннинг тақдирга ҳам бевосита алоқадор — шундай шароитда Чўлпон фожиасининг учинчи пардаси ўйналди.

Чўлпон отилгандан кейин ҳам ҳукмрон мафкура муҳиблари унинг номидан ўтдан кўрққандек кўрқишда давом этишди. Шунинг учун улар Чўлпоннинг номини адабиёт тарихидан бутунлай йўқ қилиб юбориш ҳаракатига тушдилар. Кутубхоналарда унинг китоблари ҳибсга олинди — уларни темир эшикли махсус хоналарда сақлашар, улардан фойдаланиш ман қилинган эди. Журналларда бир замонлар чоп этилган Чўлпон сувратларига қора сиёҳ чапланди, китоблар ва мақолаларда унинг исмлари ўчирилди. Уни фақат «ватан хоини, миллатчи, жосус, халқ душмани» дебгина тилга олиш мумкин эди. Шунда ҳам унинг душманлигини далиллаш мақсадида шеърларидан парча келтирилса, бу «танқид ниқоби остида Чўлпон ижодини тарғиб қилиш» деб баҳоланиши мумкин эди. Табиийки, унинг китобларини ўқиш қатъиян ман қилинган эди. Аммо қуёш нурини ҳеч нарса билан тўсиб бўлмайди. Ҳақиқат йўлида айтилган оташин Сўз мангу яшайди. Бу Сўзнинг одамлар юрагига бериш йўлига ҳеч нарса гов бўлолмайди. Ўша шароитларда ҳам Чўлпон ва Абдулла Қодирий асарларини яшириб ўқиган одамлар бўлган. Шахсан, мен ҳам «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз»-ни уруш йилларида — мактабда ўқиб юрган кезларимда ўқиган эдим. Бир ўзим эмас, бутун синф ўқиган эдик. Ҳозир бу китобларни қаердан топганимиз эсимда йўқ. Шуниси эсимдаки, ҳар қайси китоб бир болага жуда хуфья тарзда фақат бир кечага бериларди — эрталабгача ўқиб тугатиб, қайтариб бериш керак эди. Шуниси қизиқки, ҳаммамиз шунга улгурардик — кечкурун ўқишга бошлагандан кейин тун билан аллақанча нашъали ҳисларни ва изтиробларни кечириб, тонг саҳарлаб сўнгги саҳифани ёпардик. Биз, албатта, Қодирийнинг ҳам, Чўлпоннинг ҳам «миллатчи» эканини эшитгандик, уларнинг «заҳарли ғоялари»га берилмаслик кераклигини ҳам билардик. Аммо мурғак онгимиз билан бу, «заҳарли

ғоялар» нимада эканини англаёлмас эдик, романларни ўқий бошлаш билан уларнинг сеҳрига маст бўлиб, муаллифларнинг «миллатчилиги»ни унутиб кўярдик. Шу тарзда юракда уларнинг асарларидан олинган илиқ ва ёрқин таассуротлар билан онгда эса «улар душман, ватан хоини» деган ақида билан 1956 йилгача яшадик.

Ўша йилдан бошлаб отувлардан омон қолган, сургунларда, лагерларда умр кечираётган гуноҳсиз қурбонлар қайтиб кела бошлади. Ўзбек зиёлиларининг қурултойида ўша пайтдаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи котиби Нуриддин Акрамович Муҳиддинов бутун залнинг тик туриб чалган гулдурос қарсақлари остида улуг ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг оқланганини эълон қилди. Ўша кезларда залда Абдулла Қодирийни кўрган, эҳтимолки, у билан шахсан мулоқотда бўлган одамлар анча-мунча эди. Кўплар ўшанда ошқора йиғлаган эди. Орадан бироз вақт ўтгач, Чўлпон ҳам оқланди. Ёзувчилар уюшмаси ҳайрон қоладиган даражада чаққонлик билан бошқа қатагон қилинганлар қатори Чўлпоннинг ҳам меросини ўрганувчи комиссия тузди. Комиссия раиси Ёзувчилар уюшмасининг ўша пайтдаги биринчи котиби Баҳром Раҳмонов, аъзолари эса Уйғун, Мирзакалон Исмоилий, Ғулом Каримов ва мен эдим. Албатта, мен «Чўлпон ижоди энди объектив ўрганилади, холис баҳоланади, унинг ғоявий кемтиклари, миллатчилиги аниқланади-ю, ижодининг соғлом қисми халққа қайта тақдим этилади» деган ўйлар билан мерос комиссиясига кирганимдан хурсанд бўлдим. Лекин аҳвол «ҳа» деганда мен кутганчалик бўлавермади — комиссия негадир иш бошлашга ошиқмади. Кейин Баҳром Раҳмонов дунёдан ўтиб қолди-ю, иш яна чўзилиб кетди. Шундан кейин мен Ёзувчилар уюшмасига бир-икки мурожаат қилдим — ўртоқлар менга ошиқмасликни маслаҳат беришди. Менку ошиқмай юраверишим мумкин эди, бироқ бир кун эмас, бир кун жамоатчилик мендан «қани, биродар, комиссия аъзоси бўлиб нима иш қилдингиз?» деб сўраб қолади-ку! Нима деб жавоб бераман? Шу ўй билан ўзимча Чўлпоннинг баъзи асарларини топиб ўргана бошладим. Қарасам, Чўлпон бинойидек шоир, ҳатто ўша кезларда керилиб юрган анча-мунча шоирлардан зўрроқ. Унинг асарлари ичида «миллатчилик» руҳидагилар ҳам бор, албатта, лекин бугун ҳам (яъни 60-йилларнинг бошларида) ўқувчиларга ҳеч иккиланмай тақ-

дим қилса бўладиганлари кўп. Шу тўхтама келгандан кейин мен Ёзувчилар уюшмасидаги йиғинларда бу фикрни айта бошладим. Мен айтган асосий фикр бундай эди: «Чўлпон мураккаб шоир. Унинг 20-йиллардаги шеърисида миллатчилиқ бор, ғоявий жиҳатдан бизга ёт асарлар учрайди. Лекин совет воқелиги ривожланган сари у Чўлпонга ҳам ижобий таъсир кўрсатган ва у 20-йилларнинг охирига келиб совет позициясига ўтган. Уни совет шоири деб аташ мумкин. Шундай зўр шоирни, яхши адибни совет адабиёти доирасидан чиқариб ташлаш тўғри бўлмайди». Бугунги кунда бу фикрнинг нотўғрилиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Бу анча чала ва анча думбул гап, муросан мадорага бориб айтилган гап. Ҳали унда ҳукмрон мафкура томонидан онгимизга қуйилган заҳарнинг қўланса ҳиди мана ман деб сезилиб турибди. Лекин буни қарангки, ҳатто шундоқ юмшоқ фикр ҳам баъзи бир ўртоқларни, ва, айниқса, мафкура бошлиқларимизни ғазабга келтирди. Кейин билсам, улар бир томондан, «Ўзбек совет адабиётининг асосчиси, буюк классигимиз Ҳамза Ҳакимзоданинг» обрўйига путур етказмаслик учун, иккинчи томондан эса, 37-йилдаги қинғир ишларни кавлаштириб, Чўлпон фожиасининг асл сабабларини ошқора қилиб қўймаслик учун Чўлпонни тирилтириб, сафга қайтаришга тиш-тирноқлари билан қарши эканлар. Раҳбарларимиз менга тушунтиришди: «Сиз, биродар, кўп ҳам ҳовлиқаверманг. Тўғри, биз Чўлпонни оқлаганмиз, лекин уни граждан сифатида оқлаганмиз. Чўлпонни шоир сифатида оқлаган эмасмиз ва оқламаймиз ҳам».

Ўшанда баъзи бир юқори рутбалик ўртоқлар шундай катта кетишдики, ҳатто кўкракларига уриб, «Чўлпонни фақат мени ўлдириб оқлайсан!» деб ўшқаришди. Мен мафкура бошлиқларимизнинг изоҳига сира тушунолмадим. Очигини айтсам, ҳозиргача ҳам тушуна олганим йўқ. Ахир, шоирнинг шоирлиги билан гражданлигини қандай қилиб ажратиш бўлади? Улар ўртасидаги чегара қаердан ўтади? Белдан ўтармикан? Унда қайси қисми шоиру, қайси қисми граждан? Ахир, ҳар қайси шоирнинг гражданлиги шеърида намоён бўлади-ку?! Ва, аксинча, шоирлиги гражданлигида ифодаланади. Хуллас, менинг бу саволларимга ҳеч ким тузукроқ жавоб бергани йўқ. Шунинг учун мен ҳам фикримдан қайтганим йўқ. Билъакс, бу қарашларимни 1967 йилда эълон қилинган «Йиллар ва йўллар» деган мақоламда анча батафсил баён қилдим. Иш шу билан тугадики, мен совет адабиё-

тининг асосига, ғоявийлигига, партиявийлигига болта кўтараётган ишончсиз бир одам деган таъриф олдим. «Чўлпоннинг тарғиботчиси», бинобарин, миллатчиликка майли бор одам сифатида қора рўйхатларга тиркалдим.

Менга яна бир оғир «ғоявий» зарба 1969 йилда берилди. Бу «Тирик сатрлар» китоби атрофидаги воқеалар эди. Мен бу воқеалар ҳақида «Тирик сатрлар»нинг қийин тақдири» деган мақолада батафсил ёзган эдим. Шунинг учун бу ерда жуда қисқа гапириб кўя қоламан. «Тирик сатрлар»га Чўлпоннинг 23 та шеъри киритилган эди. Адашмасам, 1967 йилда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида Чўлпоннинг 3—4 та шеъри билан «Шўро ҳукумати ва санъе нафиса» деган мақоласи эълон қилинганди. Чўлпон қоралангандан кейин 30 йил ўтгач, бу журналда унинг асарлари биринчи марта дунё юзини кўрди. «Тирик сатрлар»да эса унинг шеърлари нисбатан кенг берилган эди — бу китобнинг нашр этилиши моҳият эътибори билан Чўлпонни шоир сифатида ҳам оқланганини билдирарди. Албатта, 23 та шеърнинг ҳаммаси цензуранинг синчков назаридан ўтган эди. Фақат цензура эмас, ўша даврнинг таомилига кўра, Марказий Комитетнинг Мафкура бўлими ҳам китоб билан икки марта синчиклаб танишиб чиққач, уни босишга рухсат берган эди. Китобнинг тиражи босилди, кейин унинг тарқалишига қўл кўйилди. Бироқ китоб савдо тармоқларига етиб боришга улгурмади, у Шароф Рашидовнинг қаҳру ғазабига учради ва ман этилди. Китобнинг тарқалган нусхалари битталаб йиғиб олинди ва кейинроқ бутун тираж маҳв этилди. Ҳа, 1967 йилга келиб бизнинг жамиятимиз мафкура соҳасида 1937 йилдан анча илгарилаб кетди, жонажон партиямиз адабиёт соҳасида таъқибу ман этишларга барҳам бериб, янгича сиёсат юрита бошлади дейиш учун асос йўқлиги очик кўриниб турипти. Ҳамон ҳамма нарсани бир киши — энг юқори мансабни эгаллаб турган одам ҳал қилади, қолган ақли норасолар фақат унга бўйсунуши, қўлини кўксига қўйиб, унинг гапини маъқуллаб туриши керак. Ижод эркинлиги ҳақидаги гаплар эса ҳамон бир афсона холос.

«Тирик сатрлар»нинг тақиқланиши Чўлпон асаларини қайта босиш ишини номаълум муддатга кечиктириб юборди. Бу ишларнинг яна бир таажжубли томони шунда эдики, Россияда ҳам, Украина ва Белоруссияда ҳам, шунингдек, бизга қўшни Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон каби республикаларда эндиликда

оқланган «собик миллатчи» ёзувчиларнинг асарларини нашр этиш қатъий режалар асосида, тезкорлик билан амалга оширилмоқда эди. Фақат биздагина бу масалада ҳамон сусткашлик ва қатъиятсизлик ҳукм сураб эди. Бу, эҳтимол, ортиқ даражада содиқ фуқарочилик касалига чалинганимиздан ёхуд «бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруғ на қилур?» деган гапга қаттиқ ишонганимиздан-дир.

Мен бу даврга келиб мафкуравий ишимизнинг баъзи бир сиру асрорларига фаҳмим етиб қолганди — мафкурани айлантирадиган машина жуда бесўнақай ва жуда баҳайбат бўлса-да, жуда қудратли эди, унинг парраклари орасига тушиб қолган одам мажақ бўлиши аниқ эди, шунинг учун унга қарши ёлғиз курашиб ҳеч нарсага эришиб бўлмас эди. «Беҳуда уриниш белни синдирар» дейдилар — мафкура машинаси ҳеч кимни аяб ўтирмас ва, умуман раҳм-шафқатни билмас эди. Шунинг учун Чўлпонни ҳам «йўқлайдиган яхши замонлар» келишига умид боғлаб, сабр қилишдан ўзга илож йўқ эди. Аммо мен бир нарсани сира тушуна олмайман — кўпни кўрган, қилни қирқ ёрадиган, ҳақиқатга хизмат қилиши лозим бўлган баъзи бир адабиётшунос олимларимизга нима бўлган? Нега улар ҳам Чўлпоннинг ярми гражданин, ярми шоир экани ҳақидаги танқиддан тубан турадиган бемаъни гапга чиппачин ишониб қолдилар? Биламан, олимлар ҳам одам, уларга ҳам жон ширин, улар ҳам тириклик қилмоқлари керак. Тириклик йўлида эса муросаи мадора деган гап бор, замон сенга боқмаса, сен замонга боқмоғинг керак бўлади. Ҳукмрон мафкура «Чўлпон миллатчи, душман» деб турса, бунга ошқора қарши чиқишга ҳамманинг ҳам журъати етавермайди. Аммо нима учун олим одам «Рим папасидан ҳам ортиқроқ художўй бўлишга» уриниш керак? Нима учун ҳақиқатга хиёнат қилиб, виждонини ютиб, Чўлпоннинг «душманлигини» ёлғон-яшиқ далиллар билан «исботламоғи» керак? Мен бу ўринда баъзи бир нопок одамларнинг ўз манфаатлари йўлида илмга ҳам, одамгарчиликка ҳам тупуриб, ҳеч қандай туҳмат ва бўҳтонлардан қайтмай ёзиб ташлаган мақола-лари ёки ҳимоя қилган диссертацияларини назарда тутаётганим йўқ. Бунақа мунаққидлар ёхуд «олимлар» ноғорачининг баччасига ўхшайди — ҳали ноғоранинг так-туми эшитилмасдан, ноғорачи чўпини қўлига олиши биланоқ муқом қилиб, йўрғалай бошлайди. Мен жиддий олимлардан — уларнинг ноҳолисликларидан,

эринчоқликларидан, ўзлари ўрганаётган, балки бир вақтлар ҳамнафас, ҳамқадам бўлган, эҳтимол, бирга улфатчилик қилишган ёки баҳс-мунозара қилиб талашиб-тортишган шоирнинг тақдирига лоқайд қаровчи олимлардан нолиб гапиряпман. 1965 йилда Маҳмудали Юнусовнинг «Традиция ва новаторлик проблемалари» деб аталган китоби чиқди. Китобда 20-йиллар ўзбек поэзияси материаллари асосида традиция ва новаторлик проблемалари ҳақида мушоҳада юритилган. Муаллиф ўша йилларнинг даврий матбуотида эълон қилинган мақолаларни, айрим китобларни кунт билан синчиклаб ўрганган. Албатта, тадқиқотда анча-мунча ўринли мулоҳазалар, кузатишлар бор. Бироқ, айтиш жоизки, у бой фактик материаллар таҳлилидан илмий хулосалар чиқариш йўлидан бормайди, балки ҳамма материалларни аввалдан белгилаб қўйилган хулосаларга мослаштириш йўлидан боради. Бу эса, ўз навбатида, ҳукмрон мафкуранинг 20-йиллар воқелиги ҳақидаги маълум концепциясини тасдиқлашга хизмат қилади. Тадқиқотнинг бир боби «Поэзияда буржуа миллатчилик йўналиши ва унинг инквизицияси» деб аталадики, шунинг ўзи муаллифнинг масалага тайёр қолиплар асосида ёндошганини кўрсатади. Тадқиқотчи ўша давр воқелигининг мураккаблиги ёхуд ижодкор йўлининг ҳаммиша зиддиятли бўлиши ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайди — унинг учун Чўлпон, Фитрат, Элбек ва Ботуларнинг миллатчилиги сира ҳам шубҳа туғдирмайдиган факт. Шунинг учун у Чўлпоннинг «ғоявий эволюцияси» ҳақида ўйлаб ўтиришга ўрин қолдирмайдиган қатъият билан шундай деб ёзади:

«Ўтмишни қайтадан тиклашга қанчалик уринмасин, барибир, «куёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботган» бу шоир асарларини кўздан кечирганда, ундаги ўзига хос «эволюцияси», тўғрироғи, буржуа миллатчилик қарашларидаги ўзгариш этапларини пайқаб олиш қийин эмас. Бу этаплар дастлаб агрессив ниятнинг кучлилиги, аксилинқилобий ҳаракатга ташвиқ қилишда, кейин ўз уринишлари беҳуда эканини сезиб, ноилжликдан қайғуга чўмгани ва «кўзида сўнгги ёши қолиб, амалга етмак истагани»да, охирида эса унинг кўнглида «на исён, на тўлқин, на тўфон, на ўт» қолиб, фақат кўзида «оғир бир таслим нури бор»лигида равшан кўрилади».

1967 йилда А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти уч йиллик «Ўзбек совет адабиёти тарихи»ни

босмадан чиқарди. Табиийки, бу китобда ҳам, ундан кейин 1970 йилда Москвада рус тилида нашр этилган «История узбекской советской литературы» китобида ҳам 20-йиллардаги адабий жараён ҳукмрон мафкура қолипига солиниб тақдим этилган, яъни Октябрь инқилоби инсоният тарихида янги давр очди, буржуа миллатчилари инқилобни қабул қилмади, улар билан ёш шўровий кучлар ўртасида кураш кетди ва бу курашда шўро мафкураси ғалаба қозонди. 20-йиллар воқелигидан олинган ҳар қандай ҳодиса ёхуд ҳар қандай факт ана шу схема асосида талқин қилинади. Агар ҳодиса ёхуд ҳар қандай факт ҳадеганда бу схемага тушавермаса, унинг кулогидан чўзиб, тортиб схемага солинади.

Даъвомиз куруқ бўлмасин учун мисол келтирамиз.

Китобнинг биринчи жилдида Чўлпоннинг миллатчилиги, совет тузумини кўролмагани ҳақида кўп марта-лаб гапирилади-да, кейин бу фикрни далиллашга ҳаракат қилинади. Шу мақсадда шоирнинг «Баҳорни соғиндим» деган шеърдан парча берилади:

*Тала-туз,
Экин-текин
Сарғайиб япроқ,
Бўяниб тупроқ
Ўла бошлади, ўла бошлади.*

Бу парча қуйидагича шарҳланади. «У далани туз, аччиқ, заҳар деб ҳаётда фақат йўқолишни кўради».

Буни ўқиб қулишингни ҳам, йиғлашингни ҳам билмайсан киши. Муаллифнинг «фош қилиш жазаваси» шу қадар жўш уриб кетганки, шеърдаги «туз» овқатга ишлатиладиган «намак» эмас, «яланглик, кенглик» деган маънода эканини ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Борингки, «туз» улар айтгандек, «намак» ҳам бўла қолсин. Нега энди овқатга таъм киритадиган намак «аччиқ» ёхуд «заҳар»ни англатиши керак?

Иккинчидан, муаллифлар шу шеърнинг давомини ўқишдан эринмасалар амин бўлардиларки, шоир «ҳаётда фақат йўқолишни кўраётгани» йўқ. Мана, ўша шеърнинг давоми:

*Йўқ, ўлим йўқдир!
Ёлғиз бир ўчиб, бир сўниш бордир.
Бир ўчиб... сўниб, яна ёниш бор.
Яна баҳорлар,*

мақолалар пайдо бўлган эди — кўп ўтмай уларнинг дамини қирқшди. Теварак-атрофда жимжитлик — гўристон сукунати! Қатагон қилинган ёзувчиларнинг ижоди ҳам сусткашлик билан ўрганилди. Аммо Чўлпон масаласининг жойидан жилишидан дарак йўқ эди. Негаки, қайта қуриш кўп соҳаларнинг мағиз-мағизига кириб борган бўлса-да, ҳали партия ҳукмронлиги, коммунистик мафкура ҳукмронлиги амалда эди. Зиёлилар ҳамон мустақил фикр билдириш имконига эга эмасдилар, улар ҳамон марксизмнинг оғзига қараб туришга мажбур эдилар. Марксизм эса ўзининг мафкуравий истеҳкомларидан бир қаричини ҳам беришга сира-сира мойил эмасди. Марказкомнинг бундай мавқеи борган сари ҳаёт талабларига зид кела бошлади. 80-йилларнинг бошларида рус тилида «Ўзбек совет адабиёти тарихи» деган беш жилдлик китоб нашр этиладиган бўлди. Китобни Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти тайёрлаган ва унга москвалик адабиётшунос Кедрина муҳаррирлик қилган эди. Китоб тайёр бўлди-ю, барибир уни нашрга топширишнинг иложи бўлмади. Негаки, бир қатор масалалар ҳал қилинмаган эди. Китобда жадид адабиёти, миллатчилик адабиёти, айрим ёзувчиларнинг адабиётдаги ўрни каби масалаларга замон руҳидан келиб чиқиб, янгича баҳо бермоқ лозим эди. Буни ҳеч ким ўзича ҳал қилолмасди, совет замонида қарор топган анъанага кўра бу масалани фақат партия ҳал қилиб бериши мумкин эди. Олимлар яна Марказкомга мурожаат қилишди. Ниҳоят, 1987 йилнинг 7 февраль кuni Марказком котибаси Раъно Абдуллаева 32 та одамни ҳузурига чақирди. Ёзувчилардан Комил Яшин, Эркин Воҳидов, адабиётшунослардан Иззат Султон, Сарвар Азимов, Матёқуб Қўшжонов, Лазиз Қаюмов ва бошқалар таклиф қилинган эди. Раъно Абдуллаева мажлисни очар экан, адабиётшунослар олдида турган долзарб вазифаларни тушунтириш, адабиётшунослик илми ҳаёт талабларидан ортда қоляпти, ўзбек совет адабиётининг янги тарихини яратиш керак, бу тарих изчил синфий нуқтаи назардан ёритилиши керак, унинг ҳар саҳифасидан чуқур партиявийлик руҳи уфуриб турмоғи керак. Олимлар, биринчи навбатда, ўзбек адабиёти ривожига Ленин таълимотининг ҳаётбахш таъсирини очиб бермоғи даркор ва ҳ. к. Бугун бу талабларнинг бари кулгили кўринади, бироқ ўшанда залда ўтирганларнинг ҳаммаси бу кўрсатмаларни, гарчи улар гоётада мавҳум ва умумий бўлса-да, жонажон партиямизнинг адабиётта

*Яна лолалар
Яна сиз, ой... эркин тилаклар!*

Кўринадикки, муаллифлар ё шеърни умуман, тушунмаган ёхуд ундан ўзларининг мақсадларига мос келадиган бир бўлакни ажратиб олишгану, «шеърнинг қолганини бошқалар ҳеч қачон ўқимайди» деган ишонч билан юқоридаги иғвони тўқиганлар.

Шунга ўхшаш мисолларга дуч келганда хаёлимга бир фикр келади — одатда, коммунистик мафкура даргалари ўта шафқатсиз ва қаттиққўл бўлган деб нолишадди. Чиндан ҳам шундай. Улар йўлларида кўндаланг бўлган ҳар қандай тўсиқни аёвсиз супириб ташлаганлар. Улар на халқни, на ижодкорларни менсимай, улар билан мутлақо ҳисоблашмай ҳукмронлик қилганлар. Бироқ улар нима сабабдан шу даражада сурбет ва беандиша бўлишган? Уларнинг бундай бўлишига, қисман бўлса-да, олимпаримизнинг мутелиги, мустаҳкам эътиқодларининг йўқлиги, мабодо бор бўлса, уларни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга журъатлари етишмаслиги, талаб қилинганда ҳар қандай одамни ҳам оёқ-қўлини боғлаб, ўша даргалар оёғи остига ташлаб беришга тайёр турганлари сабаб бўлмаганми?

80-йилларнинг ўрталарида собиқ СССРда қайта қуриш бошланди; ошкоралик демократия деган гаплар оралаб қолди. Тарихимизнинг кўп саҳифаларини, шу жумладан, кўпгина маънавий қадриятларимизни, анча мунча бадиий асарларни қайта баҳолаш зарурлиги аён бўлиб қолди. Шу жумладан, шу пайтгача адабий мероси ўрганилмай ташлаб қўйилган адибу шоирларнинг ижодига қизиқиш кучайди. Россияда, шунингдек, собиқ қардош республикаларнинг деярлик ҳаммасида яқин-яқингача энг ашаддий аксилинқилобчи, совет ҳокимиятининг баттол душмани деб ҳисобланган ёзувчиларнинг ҳам асарлари босилиб чиқди. Матбуотда социализмни, коммунистик партияни, унинг собиқ доҳийларини, ҳатто Ленинни ҳам танқид қилувчи мақолалар пайдо бўлди. Улар шу даражада ошкора ва шу даражада кескин эдики, кўп йиллар мобайнида коммунистик мафкура оғулари билан заҳарланган биздай одамлар уларни кўрқа-кўрқа ўқидик. Бу мақолалар ҳар қандай мудроқ орифни ҳам уйғотишга, ўз аҳволини ўйлаб кўришга ундашга қодир эди. Замонлар бутунлай ўзгарди — янги амаллар, янги ҳаракатлар даври етиб келди. Фақат биздагина ҳамон аҳвол эскича эди. Баъзи бир янгича руҳдаги

кўрсатган навбатдаги гамхўрлиги тарзида қабул қилиб, мумтишлаб ўтириб эшитишди. Бироқ умумий шиорлар билан чекланадиган замон эмас эди — конкрет масалаларга конкрет жавоб керак эди. Шундай қилиб, мажлисда «Чўлпон ва Фитрат ижодига қандай қараш керак, ҳамон уларни советларнинг душмани деб ҳисоблашда давом этамизми ёки асарларига ҳолисона баҳо бериб, уларни адабиёт сафига қайтарамизми?» деган масала кўндаланг бўлди. Сўзга чиққанларнинг кўпчилиги уларнинг асарларини босиб чиқариш зарурлигини, ўзларини эса адабиёт сафига қайтариш кераклигини ишончли далиллар билан исбот қилишди. Фақат Юсуф Султонов, Ҳафиз Абдусаматов ва Комил Яшингина уларнинг асарларини босиб чиқариб бўлмаслигини, бундай қилсак, ғоявий душманларимиз тегирмонига сув қуйишимизни, бу аксилпартиявий иш бўлишини айтдилар. Булар ичида, айниқса, Комил Яшиннинг гаплари мени таажжубга солди. Чунки Комил Яшин билан бу масалада илгарилари ҳам бир-икки суҳбатлашган эдим. Яшин айниқса, Чўлпон ижодини жуда чуқур билар эди. У Чўлпон шеърларининг кўпини ёд билар ва фикрини далиллаш учун уларни бемалол келтира берарди. Гарчи у ўз оғзидан «Чўлпон шеърларининг мухлисман» деган гапни айтмаган бўлса-да, бу шеърларга хайрихоҳлиги шундоққина сезилиб турарди. 60-йилларнинг бошидаги суҳбатда Чўлпон шеърларини босиш масаласига ўта эҳтиёткорлик билан қараганини тушуниш мумкин — ҳар қалай, унда замон бошқа эди. Аммо энди-чи? 1987 йилда-чи? Наҳотки, ҳамон ҳадиклар, кўрқувлар замони бўлса? Нима бўлганда ҳам, ўша куни Комил Яшин Чўлпон ва Фитратларни қайтаришга қарши овоз берди. Аввалги замонлар бўлганида, албатта, бу қараш устун келган бўларди, лекин 1987 йилда ҳатто Марказком котиби ҳам кўпчиликнинг фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўлиб қолган эди. Шундай қилиб, ўша кенгашда Чўлпон ва Фитрат асарларини нашр этиш ва ижодларини янгича баҳолаш тўғрисида бир қарорга келинди. Лекин шундан кейин ҳам яна анча вақтгача бу борада сира ўзгариш бўлгани йўқ. Тўғри, газета ва журналларда Чўлпоннинг асарларидан намуналар ва унинг тўғрисида баъзи бир маълумотлар кўрина бошлади, лекин бу иш ҳануз тасодифийроқ характерда эди. Унинг йирик-роқ асарини эълон қилиш эса ҳамон қандайдир ички қаршиликларга учрар эди. Жумладан, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романининг эълон қилиниши шундай

бўлди — роман «Шарқ юлдузи» журналида териб қўйилган ҳолда бир неча марта тўхтатиб қўйилди ва ниҳоят, юқориларга маъқул келадиган сўзбоши билангина бошига рухсат берилди. Бу сўзбошида, албатта, «Чўлпон миллатчи бўлган, гоъвий хатолари кўп, кейин совет воқелиги таъсирида ўзгарган» деган фикр олдинга сурилиши керак эди. Сўзбошини ёзиш менга топширилди. Бир вақтлар мен юқоридаги фикрлар тарафдори эдим, лекин энди — 1988 йилга келганда бу фикрларим ўзгарган эди. Шундай бўлса-да, нима бўлса-да романнинг эълон қилинишини истаганимдан, ўша фикрни марказга қўйиб сўзбоши ёздим. Шу тарзда 1988 йилда роман эълон қилинди. 1991 йилда эса «Яна олдим созимни» эълон қилинди.


Аммо Чўлпонни англаш йўлидаги дадил қадамлар моҳият эътибори билан 1991 йилдан кейин — республикамиз мустақил тараққиёт йўлига киргандан кейин қўйилди. Республикамининг биринчи Президенти И. А. Каримов қатор нутқларида ўзбек халқининг кўнглидаги туйғуларни ифодалаб Чўлпонга жуда катта баҳо берди ва унинг шеърларидан парчалар келтириб, бу шоирнинг бугунги кун билан ҳамнафаслигини таъкидлади.

Республикамизда янги таъсис этилган Алишер Навоий номидаги давлат мукофотининг Абдулла Қодирӣ, Абдурауф Фитрат билан бирга Чўлпонга ҳам берилиши жуда теран рамзий маънога эга.

Ҳар йили республикамизда шоирнинг туғилган юрти Андижонда Чўлпон кунларининг ўтказилиши ҳам халқимизнинг бу улўғ ижодкорга ихлосидан нишона. Ҳозирги кунда кўпгина хайрли ишлари билан юртга танилиб қолган, адабиётнинг нафас олиб туришига бақадри имкон ёрдам бераётган «Ҳазина» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси Чўлпоннинг уч жилдлик «Асарлар»ини ва «Чўлпон дунёси» деган тадқиқотлар китобини нашр қилишга тайёрланмоқда. Чўлпон номидаги нашриётда эса шоирнинг «Адабиёт надур?» деган китоби босмадан чиқади. Буларнинг бари Чўлпоннинг сафимизга қайтаётгани чин эканидан далолат беради. Булар яхши, албатта. Лекин бу ишлар ҳар қанча яхши бўлмасин, ҳали улар Чўлпонни англаб етганимизни билдирмайди. Чунки Чўлпонни англаш уни мақтаб, кўкларга кўтариш эмас, уни идеаллаштириш эмас, унинг номига кўчалар, санъат қошоналари қўйиш эмас, Чўлпонни англаш — сўз санъатининг ботиний қонуниятларини теран англаш, уларнинг шоир ижодида қандай зоҳир

топишини англашдир. Чўлпонни англаш — унинг буюк умумбашарий ғояларини, унинг юксак инсоний туйғуларини юракка сингдириб олишдир. Чўлпонни англаш — ватанни, кўҳна Туркистонимизни Чўлпон кўзи билан кўриб, Чўлпон юраги билан сеза билмоқдир. Бир сўз билан айтганда, Чўлпон ҳар бир адабиёт мухлисининг юрак мулкига айланмоғи шарт. Бунинг учун эса Чўлпон меросини янги тафаккур асосида бағри кенглик билан тадқиқ этмоқ лозим. Шунинг қувонч билан таъкидлашни истаётгани, бугун бизнинг орамызда ана шу тадқиқотни амалга оширишга қодир, шу ишга маънавий ҳаққи бор зукко олимларимиз бор. Бу борада Наим Каримов, Салоҳиддин Мамажонов, Умарали Норматов, Сирожиддин Аҳмедов, Шерали Турдиев каби тажрибали олимларимиз анча иш қилиб қўйишди. Аммо мени келажакка умид билан қарашга ундайдиган нарса шундаки, бугунги чўлпоншунослар қаторида Замира Эшонова, Дилмурод Куронов, Улуғбек Султонов, Нормамат Йўлдошев сингари жуда қобилиятли ёшлар бор. Уларнинг тафаккури бизнинг мияларимизни заҳарлаган мафкуравий оғулардан холи, уларнинг адабиётга ёндошиши, адабиётни тушуниши бизнинг авлодга хос бўлган қилиплардан ташқарида. Энг муҳими эса — уларнинг кўнглида кўрқув туйғуси йўқ, улар ўз асарлари билан кимларгадир хушомад қилиш, кимларнингдир кўнглини олишни ўйламайди. Эҳтимол, шунинг учунмикин, мен уларнинг адабиётшуносликни ўзининг асл изига солиб юборишларига ишонаман. Ва яна ишонаманки, улар Чўлпонни англашда чинакам жонбозлик кўрсатадилар ва ҳаммамизни Чўлпон юксакликларига элтувчи кўприкларни бунёд этадилар. Иншоолло!

ЭЪТИҚОДИМНИ НЕГА ЎЗГАРТИРДИМ?



*Эскиган, чуриган тамаллар
Йўқликка эгри йўл изларкан,
Нега мен ундан юз ўгирмай?*

Боту

1996 йилнинг бошларида «Труд» газетасида Россия Коммунистик партиясининг раҳбари Геннадий Зюгановнинг суҳбати босилди. Унда қуйидаги гаплар ҳам бор эди: «Бутун умрини тинч яшаб ўтган, мамлақати, халқи ҳақида яхши гаплар гапириб келган, кейин айналган одамни кўрсам, ундан ҳазар қиламан. Агар у бутун умри давомида ёлғон гапирган бўлса, ҳар куни уйига қайси юз билан кирди экан, яқинлари билан қандай мулоқотда бўлди экан? Одам 60 ёшга кирганида чинакамига кўзи очилиши ва ўтмишини қаҳру қазаб билан қоралаб, оёқости қилиши мумкинлигига унча ақлим бовар қилмайди».

Аввалига бу гапларга унча эътибор берганим йўқ — бамайлихотир юравердим. Лекин негадир юрагим гашланаверди, аллақерим зирапча киргандек лўқ-лўқ қилиб тинчлик бермасди. Ўйлаб қарасам, бу аччиқ гаплар тўғридан-тўғри менинг шаънимга айтилган экан. Ахир, мен 30 йиллик партия аъзоси эдим, 60 ёшга кирганда партиядан чиқдим, бутун умрим давомида мамлакат ҳақида, халқ тўғрисида яхши гаплар айтиб келгандим, бугун эса ўзимнинг коммунистик ўтмишимни астойдил қоралаш билан бандман. Эндиликда эса эътиқодимни ўзгартирганим учун ўртоқ Зюгановнинг маломатига қолиб ўтирибман. Зюгановнинг дашноми ачиб турган ярага туз сепгандай бўлди. Негаки, эътиқодсизлик чиндан ҳам ёмон нарсаси. Ўзим ҳам бўлар-бўлмасга эътиқодимни янгилайверадиган беқарор ва бевурд одамни ёмон кўраман. Айниқса, ўз манфаати йўлида дўстини, оға-инисини, устозини чакса кепакка сотиб юборишдан тоймайдиганлардан мен ҳам ҳазар қиламан. Бироқ эътиқодларинг ҳаёт синовига дош беролмаган бўлса, у сени аллақачон боши берк кўчага киритиб қўйгани исботланган бўлса, муқаддас деб ҳисоблаб келган байроғинг ёлғон чиқиб қолган бўлса, нима қилмоқ керак? Шунда ҳам одам миси чиққан

этиқодига кўр ҳассасига ёпишгандек ёпишиб олмоғи керакми? Шунда ҳам у Кўқон бозоридаги ўжар деҳқонга ўхшаб, «дигоним-дигон» деб безрайиб туравериши керакми? Йўлингдан устун чиқиб қолса, «мен фақат тўғри юраман» деган ақида билан бориб унга пешонангни уриш доноликдан эмас-ку! Шундай қилиб, мен 60 ёшимда этиқодимни ўзгартдим ва Зюгановнинг маломатига қолдим. На чора? Бу ҳам бир кўргилик-да! Ўртоқ Зюганов менга таъна тошларини отиб, анча-мунча хумордан чиқиб олган бўлса ажаб эмас. Аммо масаланинг битта «лекин»и бор. «Лекин» шундаки, ўша кезларда этиқодини ўзгартган биргина мен эмас эдим. Ёки фақат Эшмат билан Тошмат эмас эди. Улар минглаб, юз минглаб, ҳатто миллионлаб эди. Ўзингиз ҳисоблаб кўринг, бир замонлар РСДРП, кейин РКП(б) ундан сўнг — ВКП(б) ва ниҳоят КПСС деган номлар билан машҳур бўлган партияда 80-йилларнинг охирига келганда тахминан 20 миллион аъзо бор эди. 20 миллион-а! Айтмоққа осон! Бирон-бир ўртача Оврупо мамлакатининг аҳолисига тенг келади. Бугун уларнинг ҳаммаси бўлмаса-да, мутлақ кўпчилиги коммунистик мафкурадан узил-кесил юз ўгириб, этиқодини ўзгартирди. Тузукроқ ўйлаб қаранг: маънавия суянчиғи барбод бўлган, ихлос билан ишонган идеаллари сароб бўлиб чиққан салкам 20 миллион одам! Ҳаёт йўлининг ярмидан кўпини ўтиб қўйгач, бирдан ўтган умри беҳуда кетганини англаб қолган, дунёни поклашдек олий ниятга хизмат қиляпман деб ўйлаган, аслида эса бунинг ўрнига ўзи буткул кирланиб битган 20 миллион инсон! Инсоният тарихида ҳали ҳеч қачон бунақа катта фалокат, бунчалик ҳудудсиз фожиа рўй берган эмас эди ва, эҳтимолки, бундан кейин ҳеч қачон рўй бермас ҳам. Бу шундай мислсиз фалокатки, шундай улкан маънавий емирилишки, унинг оқибатида курралар меҳвардан чиқади, жамиятнинг руҳий мувозанати бузилади, қанчадан-қанча одамлар тўсатдан ўзини жунун водийсига тушиб қолгандай ҳис қилади ва янги суянч тоғларини излаб ҳар томон сарсари югурадилар. Шундоқ экан, беқиёс фалокатдан озурда бўлган миллион-миллион одамлардан «ҳазар қилиш» билан масала ҳал бўлармикин? Улар «ўз ўтмишларини оёқости қилмоқдалар» дея таъна қилган билан иш битармикан? Тўғри, ўтмишни қоралашдан фойда йўқ. Чунки ўтмиш — ўтмиш! У аллақачон Тарихга айланган. Унинг бирор кемтигини бутлаб қўйиш мумкин бўлмагани-

дек, бирор бўсунақай жойини пардозлаб, текислаб ҳам бўлмайди. Ундан фақат сабоқ олишгина мумкин.

XX аср сўнггида юз берган бу мислсиз маънавий ҳалокат жуда кўп одамларни гарангситиб, саросимага солиб қўйди. Олимлар, мутафаккирлар унинг сабабларини ўрганишга киришди. Ҳозирнинг ўзида бу тўғрида ўнлаб, юзлаб салмоқли тадқиқотлар майдонга келди. Келажакда эса улар янада кўпроқ барпо этилади. Албатта, улкан тарихий эврилишлар силсиласида битта одамнинг бошидан ўтганлари махсус эътибор бериб ўтиришга арзийдиган катта воқеа эмас. Масалан, мен нега эътиқодимни ўзгартдим, бу жараёнда қандай изтироблар чекдим, қандай ўйлар, ўкинчлар, афсусу надоматлар кўнглимдан кечди, бунинг кимга ҳам қизиги бор дейсиз? Аммо ҳамма йиғлаб-сиқтаб, зулматни қоралаётган чоғда битта одам битта кичкинагина шамчироқ ёқса, ўша зулматнинг бир чеккаси сал бўлса-да ёришармиди? Дарёлар ирмоқлардан, ирмоқлар томчилардан ташкил топади. Шундоқ экан, бир одамнинг ачиқ тажрибаси ҳам нимагадир асқотиб қолиши мумкин-ку! Ҳамма бўлмаса ҳам, лоақал неварачевараларим ўқиб, мен бошимдан кечирган адашишлар ва хатоликлар йўлига қадам қўйишдан ўзларини тиярлар.

* * *

Абдулла Қаҳҳорнинг ибораси билан айтганда, мен партияга чақириқ қоғози билан кирган эмасман. Бинобарин, менинг коммунистик эътиқодим ҳам қандайдир мажбуриятлар туфайли, кимларнингдир қийин-қистови билан шакланган эмас. Аксинча, эсимни танибманки, мен юрган йўллар тўппа-тўғри партияга олиб келувчи йўллар бўлган эди. Балоят ёшига қадам қўйишим биланоқ партияга аъзо бўлиш, коммунистлар сафида одим отмоқ ҳаётимнинг бош мақсадига айланган эди. Мени бунга ҳеч ким мажбурлагани йўқ, лекин бутун турмуш тарзи, мактабда кечирган ҳаётим ҳам, оиламиздаги шароит ҳам, умуман, мен яшаб нафас олган муҳит бошидан оёғигача буткул менда шу иштиёқни туғдирди ва яшнатиб авж олди.

Бутун йиллар қаъридан назар ташласам, болалигим қирмизи алвонлар ял-ял товланиб турган, тантанавор музыка садолари янграб турган, гулларга тўла, чароғон нурларга кўмилган муаззам бир майдондан чиқиб келгандай туюлади. Айниқса мактаб йиллари... Барабан са-

долари, горн оҳанглари, пионер бўйинбоғларининг ҳил-пирашлари, қувноқ кўшиқлар, сафларда шахдам юришлар... Қоматлар тик, бошлар мағрур кўтарилган. Том маънода ўзимизни бахтиёр ҳис қилар эдик. Тўғри, устимиз юпунгина эди, қорнимиз бирда тўйса, бирда тўймай ҳам қолар эди. Кўча-кўйларда, дала-даштларда ҳам бизга беташвиш, ҳамма нарсадан мамнун одамлардан кўра, тунд, қовоғи солиқ, пешонаси тиришган, тажанг одамлар кўпроқ рўпара келарди. Улар қандайдир ташвишлар остида эзилгандай кўринарди. Аммо бу ташвишлар билан бизнинг ишимиз йўқ эди. Биз бахтиёр эдик ва бахтиёрлигимиз учун меҳрибон отамиз доҳий Сталинга раҳматлар айтишдан бўшамасдик. Табиийки, у пайтларда биз дунёни боланинг кўзи билан кўрар, кўрганларимизни боланинг ақли билан идрок этар эдик. Ҳеч ким бизни «бахтнинг ўзи нима?» деган саволни бериб кўришга ундамас, «менинг бахтиёрлигим нимада?» деб ўйлаб кўришга рағбатлантирмасди. Мабода ундаганда ҳам, бунақа масалалар устида фикр юритишга қурбимиз етмасди. У кезларда биз юмшоққина мумдек эдик — бизни истаган кўйга солса бўларди, истаган кўғирчоқни ясаш мумкин эди. Бизга нимани уқтиришса, шуни ҳақиқат деб қабул қилардик, қулоқдан кирган панднасихатлар кўзимиз кўрган шиору чақириқлар юрагимизга бажарилиши, албатта, зарур бўлган ҳарбий буйруқлардек ўрнашиб қоларди.

Кейин балоғат ёшига етдик. Кечаги юриш-турмушимизда ўйинга мойил томонлар кучли бўлган бўлса, бугун уларнинг ҳаммаси жиддий тус олди. Биз ўзимизни анча улғайган, ҳамма ишларни мустақил ҳал қила оладиган одамлар сифатида ҳис қилдик. Комсомолга кирдик. Бу — ҳаётимизнинг илк босқичидаги энг жиддий, энг аҳамиятли воқеа бўлганди. Анкеталар тўлдирдик, ижтимоий келиб чиқишларимизни баён қилдик, мажлисларга масала бўлдик, район комсомол кўмиталарининг бюро мажлисларида тик туриб саволларга жавоблар бердик, уставда айтилган талабларга тўла амал қиламан деб қасамёдлар қилдик ва уни бажаришга бақадри имкон тиришдик ҳам. Комсомол билети биз учун энг муқаддас ашё эди — уни кўз қорачиғидек асрар эдик. Комсомоллик йилларимиз уруш даврига тўғри келди. Биз ҳали ҳам юпун, чалакурсоқ эдик, яшаш шароитимиз жуда қолоқ ва оғир эди. Турмушда ҳали тузукроқ рўшнолик кўрганимиз йўқ, хонадонларимизда биримиз икки бўлгани йўқ, юртимиз ҳам ободончи-

ликдан йироқ эди. Биз буларнинг барини урушга йўярдик-да, ҳамон ўзимизни бахтиёр ҳисоблашда давом этардик. Тўғри, юрагимизнинг аллақасерида бу бахтимиз кемтиклигини гира-шира ҳис қилардик. Лекин «нега шунақа? Бу кемтиклик нимада?» деб ўз-ўзимиздан сўрамасдик. Сўролмасдик ҳам. Биров ман этгани учун эмас, балки сўраб ўрганмаган эдик. Умуман, бизнинг совет ҳаётимизнинг бирор жиҳатига шубҳа билдириш, бирон ишимизга шак келтириш, бирон ақидамиздан гумон қилиш бизга ёт эди. Биз бахтиёр эдик, чунки бизга «сенлар бахтиёрсан!» деб уқтиришган эди. Биз Сталиннинг фарзандлари эдик. Сталинга садоқатимиз шу қадар улуғ эдики, уни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмас эди. Биров «Сталин учун жон беришинг керак» деса кўпчилигимиз сира иккиланмасдан «Мен тайёр!» дея олдинга чиқардик. Биз ана шундай садоқатли ва фидокор эдик. Анча йиллар ўтиб кетгандан кейин билдим — фашистлар Германиясидаги бизга тенгқур ёшлар ҳам Гитлерга садоқатда худди ўзимизга ўхшар эканлар, улар ҳам ўзларининг фашистик идеаллари йўлларида жон фидо қилишга тайёр эканлар. Қизиқ — бир-бирига ашаддий душман икки мамлакат, бир-бири билан ҳаёт-мамот жанги олиб борган икки партия ўз ёшларини бир хил йўлда тарбия қилишяпти, уларни бир хил фазилатлар эгаси қилиб етиштирмоқчи бўлишяпти. Кейин-кейин улгайиб, тажриба орттириб, беш-олти кўйлақни йиртгандан сўнг мулоҳаза юритиб кўрсам, садоқат деганлари ҳам шак, гумон деганлари ҳам ҳар хил бўлар экан. Садоқат деганлари жуда яхши, қимматли фазилат, аммо у кўр-кўрона бўлса, садоқат гуйғулари ақл ўтхоналарида тобланмаган бўлса, уни фазилат деб аташ қийин. Бундай «фазилат»дан фақат кулфат келиши мумкин. Худди шунингдек, ҳар қандай эркин фикр, ақлиёт бобидаги ҳар қандай кашфиёт гумондан, шакдан бошланади, лекин «гумон» ҳам кўр-кўрона бўлса, меъёр ва чегаралардан чиқиб кетса одамни беҳаёоват қилади, ҳамма нарсадан юз ўгирувчи, ҳар қандай неъматни оёқости қилувчи, ҳатто ўз имонини ҳам сустлаштирувчи махлуққа айлантиради. Аммо биз комсомоллик йилларимизда бу ҳақиқатлардан тамом беҳабар эдик, комсомолга, Сталинга, коммунизмга садоқатимиз билан ҳеч нарсани ўйлашга, фикр юритишга қобил бўлмаган, бунинг ўрнига ҳар қандай буйруқни сўзсиз бажаришга тайёр турган манқуртларга яқинлашиб қолганимизни билмас эдик.

Яна йиллар ўтди. Уруш тугади. Бизнинг ғалабамиз билан тугади. Биз мактабни тугатиб, талаба бўлдик. Талабалик йиллари чиндан ҳам олтин йиллар. Беш йиллик ўқиш мобайнида онадан бутунлай янги туғилгандай бўласан. Ҳар куни бир янги кашфиёт, ҳар куни ақлингга янги ақл қўшилгандай бўлади. Очиқ кўзларинг янгидан очилади — сен ҳайрат билан амин бўласанки, оламнинг ранглари аввал кўриб юрганларингдан бўлакча экан, авваллари жўн, оддий деб ўйлаб юрган нарсаларинг ғаройиб сеҳру асрорга тўла экан, одамларнинг табиати ҳам, кадр-қиммати ҳам бутунлай бошқача бўлар экан. Буларнинг бари сени бойитади, янгилайди, албатта. Лекин сезасанки, эски, кўниккан одатларинг сени тарк этишга шошилаётгани йўқ, айниқса, асосий масалаларда сен ҳамон уларнинг исканжасида. Бир вақтлар сени чирмаб олган кишанлар яна ҳам мустаҳкам бўлса бўлдики, асло бўшашгани йўқ. Ҳамон газеталардан, радиодан, китоблардан, кино экранларидан қулонингга социализмнинг улуғлиги, доҳиймизнинг донолиги, партиянинг қудрати ҳақидаги ҳақиқатлар куйилиб турипти. Албатта, бу гал ҳам уларнинг ҳақлигига заррача шубҳа қилмайсан ва бизда — дунёнинг олтидан бирини ташкил қилувчи улуғ мамлакатимиздагина бахтлар салтанати қурилганига имон келтирасан. Албатта, сен чинакамига эркин фикрлаш иқтидоридан маҳрумсан, ҳаёт ҳодисаларини мустақил таҳлил қилиб, ўтмишни ва бугунни мустақил таққослаб, мустақил ҳулосалар чиқара олмайсан. Шунинг учун партия доҳийларига эргашиб, «бизнинг давримизда ҳамма йўллар коммунизмга олиб боради!» дея ҳайқириб юраверасан. Энди «коммунизм» деган сўз сенинг ҳам тилингдан тушмай қолади, коммунистик ғоялар студентлик нигоҳи қаршисида жозибадор ранглар билан намоён бўлади. Биласанки, «коммунизм» деган сўз аслида лотинча бўлиб, «умумийлик, муштараклик, биргалик, аҳиллик» деган маъноларни билдиради. Яна биласанки, коммунистик ғояларда инсониятнинг энг олижаноб орзулари, энг инжа тилаклари мужассам топган. Ахир, инсон инсон бўлгандан бери яхшилиқни қўмсайди. Яхшилиқ салтанатини барпо этишни орзу қилади. Бу салтанатда ҳамма тенг бўлади, бир-бирига меҳрибон, ғамхўр бўлади. Унда ҳар қадамда, ҳар ишда адолат қарор топган бўлади, зулм, ҳақсизликлар унутилган бўлади, урушлар бўлмайди. Ҳамма юртлар, ҳамма элатлар, ҳамма халқлар бир-бирларига қўлни бериб, бир-бирига қўмаклашиб, яратувчи ижодкор меҳ-

нат билан банд бўладилар. Ҳақиқатан ҳам қандай олижаноб ғоялар! Одам бутун умрини тикиб хизмат қилса арзийдиган ғоялар! Мафтункор, жозибадор ғоялар! Умумбашарий ғоялар. Уларни рад этиш, уларга қарши чиқиш асло мумкин эмас. Аммо билмайсанки, ҳаёт жуда ғалати нарса — унда ҳар қадамда қалбакиликка, алдамчиликка рўпара келасан. Унда кўпинча гап бошқа-ю, амал бошқа, суврат ўзгача-ю сийрат бўлакча бўлади. Ҳаётда бир ҳовуч ёвуз кучлар бор — улар қораниятларини ниқоблаб, ана шу умуминсоний, олижаноб ғояларни ўзларига шиор қилиб олганлар, уларни ўзларича талқин қилиб, шу ғоялар соясида даври-давррон суришга жаҳд қилганлар. Улар одамларнинг соддалиги ва ҳар нарсага осон ишонувчанлигидан фойдаланиб, ўзларининг қора мақсадларига эришишда улардан восита сифатида фойдаланмоқчи бўлганлар. Бироқ, бу ҳақиқатни сен анча кейин — кўп йиллар ўтгандан сўнггина англайсан — буни англаш учун бутун умрингни сарфлашинг, жуда кўп қурбонлар беришинг, кўп изтироблар ва азоб-укубатларни чекишинг керак бўлади. У пайтларда эса ҳали олдига похол солса кўниб кетаверадиган, ҳар нарсага лаққа тушадиган, осонгина алданаверадиган, кўзи очиқ бўлса ҳам, аслида ҳеч нарсани кўрмайдиган ёшгина толиб йигитсан. Ҳали ҳаётнинг паст-баландини унча кўрмагансан, аччиқ-чучугини етарли тотимагансан, ҳали оёғинг ерда бўлса ҳам, кўнглинг самоларда, романтик хаёллар оғушидасан. Шунинг учун ёшинг улғайиб, комсомол сафини тарк этишинг биланок Коммунистлар партиясига киришга қатъий аҳд қиласан. Шундай қилиб, мен 20 ёшга тўлиб-тўлмай, — 50-йилларнинг бошида партияга кириш ҳаракатига тушиб қолдим. Бир қарашда бу йўлда мен учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ эди: партиянинг программаси ва устави билан танишман, уларни тан оламан, ўқишларим яхши, жамоатчилик ишларида фаолман, ижтимоий келиб чиқишим ҳам ёмон эмас — қариндош-уруғлар орасида бирон гумон туғдирадигани йўқ, комсомол тавсия берган, мени биладиган коммунистлар ҳам тавсия беришга тайёр. Хуллас, ҳамма нарса жойида. Йўқ, барибир бўлмади — ҳозир зиёлилардан камроқ қабул қилаяпмиз, деб жавоб беришди. Дарҳақиқат, ўша кезларда зиёлилар яна «қовун» туширишган эди — уларнинг ичидан бир гуруҳ халқ душманлари чиқиб қолди. Буни қарангки, бу галги халқ душманларининг ҳаммаси ўзимиз яхши билган, яқиндан мулоқотда бўлган, элу юрт олдида катта хур-

матларга эга бўлган Шайхзода, Саид Аҳмад, Шухрат, Шукрулло, Мирзакалон Исмоилий, Ҳамид Сулаймон каби одамлар эди. Одам оласи ичида деганлари шу экан-да! Бўлмаса, Ҳамид Сулаймон бизга Фарб адабиётидан бир йил дарс берган эди. Ҳали роса гўр эканмиз — бир йил бу одамнинг маърузаларини эшитибмиз-у, бир марта ҳам «душман»лигини пайқамабмиз-а! Асл қиёфаларини зўр маҳорат билан яшириб юришар экан-да! Шунча таниш-билишлар қамалган бўлса-да, биз бир дақиқа ҳам уларнинг айбдорлигига шубҳа қилганимиз йўқ, чунки бизга «шонли чекистларимиз сира хато қилмайди» деб сингдиришган эди. Шунинг учун биронта одам қайсарлик қилиб, бирон қамалга одамнинг гуноҳкорлигига шубҳа билдирса, гашимиз келарди. Саида Зуннунова деган ёш шоира бизнинг факультетда ўқирди. Энди биринчи китоби чиққан, умидли шоира ҳисобланарди. У андижонлик бўлиб, яқинда Саид Аҳмадга турмушга чиққан эди. Раҳбарият Саидадан эридан воз кечишни, кўпчилик олдида эрини қоралашни талаб қилди. Негаки, студентлар сафи гоёвий соғлом бўлмоғи керак, унда халқ душманларининг хотинларига ўрин йўқ эди. Саидаси тушмагур эса ўзи жинқарчадай бўла туриб, «чиқадиган эрим йўқ, эрим гуноҳсиз» деб оёқ тираб туриб олди. Саидага ачинамиз — ҳар қалай нима бўлганда ҳам ўзимизга ўхшаган толиба, турмушга чиқиб, ҳали бирон-бир рўшнолик кўргани йўқ, энди эса «хе» йўқ, «бе» йўқ боши очик қолса алам қилади-да! Бунақа десангиз, топган эри душман чиқиб қолган бўлса, нима дейсиз! Хуллас, Саида эридан ажрамади — уни университетдан ҳайдадилар. Биз эса томоша қилиб, бақрайиб туравердик. Хуллас, мен университетни тугатаётганимдаёқ партия аъзоси бўлмоғим керак эди, лекин бир гуруҳ «душман» зиёлилар бунга ҳалақит берди.

Шунақа ташвишлар билан университет ҳам ортда қолди. Кейин Москвага аспирантурага кетдим. Жаҳон адабиёти институтининг аспирантурасида ўқидим. Бу ерда ҳам аспирантлар орасида олдингилардан эдим. Ҳатто, икки йил давомида институт комсомол ташкилотининг котиби ҳам бўлдим. Табиийки, бу ерда ҳам партиёга кириш орзуси мени тарк этгани йўқ. Аксинча, бу орзу янада кучлироқ ўт олди. Бунинг боиси қуйидагича эди: институтимиз Воровский кўчасида жойлашган бўлиб, Краснопресненск районида қарар эди. ВКП (б) тарихининг қисқа курсини хатм қилган ҳар бир сўтакка яхши маълумки, Краснопресненск рус инқилобининг мар-

казларидан бири бўлган. 1905 йил инқилоби кунларида рус пролетариати баррикадаларда эксплуататорларга қарши қонли жанглар қилган. Ҳозир ўша жойларда ҳатто «Баррикада» деган кинотеатр ҳам бор. Хуллас, қутлуг жой. Ана шундай тарихий жойда жойлашган институтда ўқишнинг ўзи қандай буюк шараф! Борди-ю шу районда партияга кирсангиз-чи? Бунинг савобига нима етсин! Бу билан бутун умр фахрланиб юрсангиз арзийди! Бу ерда ҳам ишларим анча силжиб қолган эди — ҳатто район кўмитаси котибининг суҳбатидан ҳам ўтган эдим, фақат бюро мажлисидан ўтмоғим қолган эди, холос. Аммо, партияга кириш бу гал ҳам насиб қилмаган экан — 1953 йилнинг март ойида Сталин вафот этди-ю, ҳаётимиздаги жуда кўп нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Табиийки, Краснопресненск райкомининг Тошкентдан келган бир ўзбекни партияга қабул қилишдан кўра муҳимроқ ташвишлари кўпайиб кетган эди. Шундай қилиб, 1955 йилда Тошкентга қайтдим ва шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Тошкент Давлат дорилфунунида ишлай бошладим. Бу ерда фаолият бошлашим биланоқ, албатта, яна ўша асосий орзуим — партияга кириш орзуси менга раҳнамо бўлди. Ниҳоят, 1959 йилнинг январь ойида орзуим ушалди — мен партия аъзоси бўлдим.

* * *

Ҳа, мен партия аъзоси бўлдим. Ҳаётимда жуда катта ўзгариш содир бўлди — мен ниятлари пок, виждони тоза, олижаноб, мард, фидокор ва содиқ одамлар гуруҳига қўшилган, улар билан бирга дунёда энг улуг, энг бахтиёр, энг адолатли жамият қуришдек катта иш йўлида ҳаммаслак бўлган эдим. Мен партияга бирон мансаб излаб ёхуд бирон имтиёзга эга бўлиш мақсадида кирганим йўқ эди. Партия мабодо бирор имтиёз берса, ҳаммаша жангларда биринчи сафда бўлиш имтиёзини, жабҳаларнинг энг оғир жойларида чолишиш имтиёзини, масъулиятнинг энг оғир қисмини зиммасига олиш имтиёзини беришини яхши билардим. Коммунист дегани мен учун энг фаол ижодкор, эски дунёни таг-туғи билан барбод қилиб, унинг ўрнига янги дунё яратувчи курашчи эди. Авваллари у мен учун етиб бўлмас олисликларда эди, энди эса мен улар билан ҳамсаф, ҳамнафас бўлдим. Бугун бу гапларнинг ҳаммаси жуда анойи, гўл одамнинг ҳавойи гапларидек туюлади, лекин ўша

кезларда буларнинг бари чинлигига астойдил ишонардик. 1959 йил мен учун ана шундай кўтаринки кайфият билан бошланди, аммо йилнинг охирига бориб, шундай воқеалар бошимга тушдики, улар мендаги партияга ишончнинг томирига болта урди, биринчи марта танлаб олган йўлимнинг тўғрилигига шубҳа қила бошладим. Тўғри, ҳали шубҳа-гумонларимни ҳеч кимга ошкор қилганим йўқ эди, лекин, барибир гумон қуртлари мени ич-ичимдан кемира бошлаган эди. Воқеа бундай бўлган эди: табиийки, мен партияга кирганим билан ҳали ўзимни эски коммунистларга тенг деб ҳисобламас эдим, ўзимни ёш коммунист деб ҳисоблардим. Ёш коммунист эса ёши улуғ ҳаммаслақларига етиб олиш учун, уларга муносиб бўлиш учун ўн чандон ортиқ хизмат қилмоғи, партиянинг ҳамма топшириғини елиб-югуриб ортиғи билан адо этишга тиришмоғи керак. Мен шундоқ бўлишга ҳаракат ҳам қилдим: маърузаларимнинг мазмундор бўлиши, талабаларга манзур бўлиши учун қайгурдим, жамоатчилик ишларини сидқидилдан бажардим, мунаққид сифатида фаол иш олиб бордим, ҳатто Москвада ўзбек адабиёти декадасида қатнашиб, у ердан «Шавкатли меҳнати учун» деган медаль билан қайтдим. Орадан кўп ўтмай, жамоамизда менинг елиб-югуришларим сезилди, менга ҳурмат анча ошгандай бўлди. Бунинг оқибатида мени бошланғич партия ташкилотига котиб қилиб сайлашди. Бу менга билдирилган жуда катта ишонч эди. Айни чоғда, зиммамга ҳаддан зиёд масъулият ҳам юкланган эди. Бундан буён мен жамоамиз ҳаётининг ҳамма соҳаси учун жавобгар эдим. Ҳаммаслақларимнинг ишончини оқламасликка ҳаққим йўқ эди. Шундай қилиб, ғайратимни ўн чандон орттириб ишлай бошладим. Партия бюросининг мажлисларини мунтазам ўтказиб тура бошладим, уларда енгилелпи масалалар эмас, ўқиш, ўқитиш ва тарбиянинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилдик, партия хўжалигини, умумий мажлисларнинг қарорларини, бюро мажлисларининг қайдномаларини тартибга келтирдим, ҳар бир бюро аъзосининг бирон тайинли иш билан шуғулланишига эришдим, меҳнат интизомини қаттиқ назорат қила бошладим, кафедраларда ишни жонлантиришни талаб қилдик, ётоқхоналардаги аҳвол билан шуғулландик, факультет бўйича ягона сиёсий-тарбиявий ишлар режасини туздик ва шу режа асосида иш олиб бора бошладик. Мен бу ишларга бош-қош бўлган эканман, азборойи худо, бунинг учун бирон мукофотга

эришаман ёхуд бирон мақтовга сазовор бўламан деб қилганим йўқ. Менинг назаримда бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди — ёш коммунист астойдил гайрат билан енг шимариб ишлаши, роҳат-истироҳат унга бутунлай ёт бўлмоғи керак эди. Албатта, ўшандаги ишларимизда қандайдир нуқсонлар ҳам бўлган бўлиши мумкин. Лекин биз астойдил «тўғри қилияпмиз» деган ишонч билан иш олиб бордик. Орадан кўп ўтмай одамлар бу ишларимизни маъқул кўришаётганини сездим. Лекин шу билан бирга бу ишлар кимларгадир маъқул бўлмагандай, кимларнингдир энсасини қотираётгандай бўлди. Баъзан-баъзан: «Югур, ҳа, югур, бир нарсадан куруқ қоляпсан» дегандай истеҳзоларни ҳам ими-жимиди сезиб қолардим. Яна қайтариб айтаман — бу гаплардан ўша пайтдаги ишларимиз мутлақо нуқсонсиз эди, деган хулоса чиқармаслик керак. Жамоамиз унча катта эмас, лекин коммунистларнигина эмас, умуман, партиясиз ўқитувчилар ва талабаларни қўшиб ҳисобласак, унча кичкина ҳам эмас эди. Ҳар қандай ўртача жамоа каби бизнинг жамоада ҳам ҳар хил одамлар, ҳар хил ёшлар бор эди. Ўша кезларда вазият анчагина мураккаб эди. Партиянинг XX съезди бўлиб ўтган, унда Сталин шахсига сиғиниш қаттиқ танқид қилинган эди. Бу жамиятда фикрий уйғонишни вужудга келтирди. Ҳар хил тарзда эса ақидаларни ревизия қилиш бошланди. Бир-биридан қалтис саволлар устма-уст ёғила бошлади. Улар жавоб беришни талаб қиларди. Албатта, бунақа саволларнинг берилмагани, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолавергани яхши бўларди, аммо бунинг иложи йўқ эди — гишт қолипдан кўчган, тўғон ўпирилган эди. Шундай шароитда партия бошланғич ташкилотларда бунақа шаккокликларнинг бўлмаслигига алоҳида аҳамият берди. Аммо қаяқда дейсиз?! Кунлардан бирида университет кутубхонасининг катта дафтарида «Социалистик реализм сохта метод! Ундан воз кечиш керак!» деган ёзув пайдо бўлиб қолди. Бу ҳам майли-я, муаллиф ёзувнинг тагига катта қилиб, «филология факультетининг талабаси Долгов» деб исм-шарифини ҳам ёзиб қўйибди. Тўполон бўлиб кетди, Қидирсак, ҳақиқатан ҳам бизнинг талабалар ичида Долгов дегани бор экан ва ҳақиқатан ҳам ўша гапларни ёзган экан. Парткомга югуришлар, райкомга чопишлар бошланди. Гап горкомгача бориб етди. Жуда ёмон воқеа рўй берган эди — бу жамоамизнинг бутун фаолиятига қора чизик тортгандай гап эди. Чунки социалистик реализмни инкор

қилиш совет тузумини инкор қилиш билан баробар эди. Буни тўғридан-тўғри ошқора аксилшўровий фаолият деб баҳолаш мумкин эди. Зудлик билан Долговни қайта тарбиялаш бошланди — ўзи билан бир неча марта суҳбатлар ўтказиб, гапини қайтариб олиш таклиф қилинди. Аммо Долгов ёмон ўжар экан, ўз гапида оёғини тираб туриб олди. Ҳатто совет адабиётидан кўп йиллар дарс бериб келган, китоблар ёзган донгдор профессорлар ҳам бу талабага «социалистик реализм бор наrsa» деб ишонтира олишмади. Нима қилмоқ керак? Бунақа шаккок талабани даф қилмаса, кўз очиб-юмгунча яхши талабаларни йўлдан оздириши ҳам ҳеч гап эмас. 30-нчи ёки лоақал 40-йиллар бўлганда-ку, бунақалар билан тегишли жойларда гаплашилларди-ю, дами ўчирилларди. Аммо, энди замон бошқа эди — муҳит жиндай илий бошлаган эди, биз ҳам бўйи-бастимизга демократларнинг либосини ўлчаб кўра бошлаган эдик. Шунинг учун мустақил фикрга эга бўлиш важдан талабани ўқишдан ҳайдаш ноқулайроқ эди. Юқори ташкилотлар бизга маслаҳат беришди — Долговни бир-икки йилга бирор заводга жўнатинглар, ҳаётни кўрсин, чиниқсин, кейин хуши жойига келганда қайтариб оларсизлар. Шундай қилдик, Долгов шу кетганича тинчиб кетди. Ўшандан кейин десангиз, талабалар ичида бунақа намоёиш қиладиган бошқа талабалар чиқмади. Тинчидик. Тинчиди-гу бу воқеадан юрагимда ёмон чандиқ қолди. Мен ўша пайтга қадар соддалигимга бориб, ишчилар жамоасига аъзо бўлиш ҳар бир инсон учун улуг мукофот, шон-шараф иши деб ўйлаб юрар эдим. Партиявий раҳбарларимиз бироз бошқачароқ ўйлашар экан — бирор гуноҳ қилиб қўйган нобоп одамни жазолаш учун ишчилар жамоасига жўнатишар экан. Демак, завод ва фабрика ҳам ўзига хос ахлоқ тузатиш меҳнат лагери экан-да! Ана холос! Бу нохуш воқеанинг захри кетиб улгурмасдан жамоамизда яна бир воқеа рўй берди — иккита профессор кўпчилик олдида айтишиб қолибди, ва бири иккинчисини қаттиқ ҳақорат қилипти. Албатта, профессор одамнинг урушиб юриши уят, лекин наилож? — ҳаёт-да! Баъзан шунақаси ҳам бўлади. Бунинг ваҳима қиладиган жойи йўқ, иккала уришганни чақириб «бунақа қилманглар, уят!» деб танбеҳ бериб қўя қолса бўладиган гап. Лекин бу гап ҳам тўполон бўлиб кетди. Гап шундаки, профессорлардан бири юқорироқ доираларга яқин эди. Шунинг учун «ювиндихўр» деган таъна унга қаттиқ ботибди. У партия Марказий Комитетига

шикоят ёзибди. Дарҳол шаҳар партия комитетининг комиссияси тузилди. Комиссия раиси Октябрь район комитетининг биринчи котиби Рафиқ Нишонов эди. Комиссия қаттиқ ишлади: фақат икки профессор можаросини эмас, бутун факультет ҳаётининг ҳамма томонини атрофлича, чуқур ўрганиб чиқди. Таомилга кўра, комиссия бизнинг ҳам мулоҳазаларимиз ва таклифларимизни инобатга олган ҳолда шаҳар партия кўмитаси бюросининг қарор лойиҳасини тайёрлаб бермоғи керак экан. Бундай лойиҳа тайёрланди, — унда аҳвол холисанилло баҳоланган ва маъқул таклифлар айтилган эди. Бироқ бюро мажлисида бирдан иш чаппасига кетди. Факультетда кекса журналистлардан Расул Муҳаммадий деган одам ишларди. Беайб парвардигор деганларидек, домласи тушмагур бироз майда гапга мойилроқ эдилар. Факультетда Турсун Собиров деган домла билан сира чиқишмас эдилар. Бу тўғрида икковлари билан ҳам бир неча марта гаплашдик, ҳатто партбюро мажлисида ҳам кўриб чиқиб, икковларига ҳам жиддий танбеҳ берган эдик. Шу домла горком бюросида сўзга чиқди-ю, заррача уялмай, ёлғон-яшиқларни кўшиб, жуда қаттиқ гапирди. У кишининг гапига қараганда, факультет жуда катта ўпирилиш ичида эди ва ҳеч ким аҳволни тузатиш йўлида ҳеч нарса қилаётгани йўқ эди. У Турсун Собиров билан ўрталаридаги можарони жуда муҳим, принципиал тортишув тарзида кўрсатди-да, бу масалада партбюро унга мутлақо ёрдам бермаётганини айтди.

— Ҳай, ҳай, бу гап ғирт ёлғон-ку! — дедим мен ўрнимдан сапчиб туриб.

— Ўтиринг! — деб жеркиб берди мажлисни бошқариб бораётган горком котиби Қаюм Муртазоев. — Сизга гап берилгани йўқ! Гап берилганда гапирасиз.

Расул Муҳаммадийнинг гапи вазиятни кескин ўзгартириб юборди, шундай таассурот қолдики, гўё комиссия аҳволни тузукроқ ўрганмаган, лойиҳада кўп камчиликлар хаспўшлаб кўрсатилган. Муртазоев қўлидаги қаламнинг кети билан столга бир-икки урди-да, танаффус эълон қилди. Танаффус чоғида бюро аъзолари қарорни ўзгартириш ҳақида келишиб олишди, шекилли, танаффусдан кейин Муртазоев факультетдан икки-уч кишини қаттиқ жазолаш ҳақида таклиф киритди. Булар ичида мен ҳам бор эдим.

— Бошланғич ташкилот котиби Озод Шарафиддиновга шахсий варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинсин. Розимисизлар; ўртоқлар. Қани,

ўртоқ Шарафиддинов, ўзингиз нима дейсиз? Розимисиз?

Буни эшитдимۇ ҳанг-манг бўлиб қолдим. Чунки шахсий варақага ёзиладиган қаттиқ виговор жуда оғир жазо эди. У одамга умрбод ёпиштирилган тавқи лаънат билан баробар эди. Албатта, бир-икки йил яхши ишласангиз бу жазони берган ташкилот уни олиб ташларди. Бироқ, бунинг сиз учун ҳеч қанақа аҳамияти йўқ эди. Бундан кейин сиз бошқа бирон ишга ўтасизми, чет элга борадиган бўласизми, ё бошқа бирон сабаб биланми, анкета тўлғазадиган бўлсангиз, албатта, «партия жазоси олганмисиз?» деган саволга жавоб беришингиз талаб қилинарди. «Ҳа, олганман» деган жавоб эса дарҳол қаршингиздаги истиқбол эшигини бутунлай тамбалаб ташларди — сиз эски ҳаммом, эски тослигингизча қолаверардингиз. Мен ёш коммунист бўлсам ҳам бу жазонинг одам учун нақадар даҳшат эканини, бу жазога мустаҳиқ бўлган одам ўз-ўзидан иккинчи сорт одамга айланиб қолажагини яхши билардим. Муртазоевнинг саволидан кейин ичим бутунлай ағдар-тўнтар бўлиб кетгандай бўлди, тиззаларим қалтиради, рангим бўзарди. Бир зумда хаёлимдан аллақанча ўйлар қуюндай ўтди. Котибнинг саволига нима деб жавоб беришимни билмасдим. Ногаҳон бир фикр: тўғрироғи, бир савол миямга келди:

— Ўртоқ котиб! — дедим ҳол-жонимни босолмай. — Менга горком бюросига эътироз билдириш мумкин эмас, деб тушунтиришган эди. Шунинг учун саволингизга нима жавоб беришни билолмай қолдим. Фақат битта илтимосим бор — мен партияга кирганимда ҳукумат мени юксак мукофот — медаль билан мукофотлаган эди. Тўққиз ой партия сафида бўлганимдан кейин менга шахсий варақамга ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилипти. Қандай қилиб медалга сазовор бўлган ёш бир одам тўққиз ой партия тарбиясини кўриб, қаттиқ виговор оладиган даражада тубан кетиши мумкин? Шунинг мантиқини тушунтириб берсангизлар, майли, ҳар қандай жазога розиман.

— Нима деяпсиз? — деди котиб. — Нега тўққиз ой?

— Шунақа-да! Партияга кирганимга энди тўққиз ой бўлди.

Котиб қаттиқ ғазабланди. Кўлидаги қаламнинг кети билан столга қаттиққина урди.

— Қани, дорилфунун парткомининг котиби борми? Ўрнидан турсин!

Партком котиби ўрнидан турди.

— Сиз қанақа одамсиз, ўзи? — Энди унинг бошида калтак қасир-қусур сина бошлади. Иш бунақа томонга айланиб кетишини мен хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Хижолат ичида гўдайганимча турибман. — Сиз уставни биласизми? Бу кишини котиб қилишганда қаёққа қараган эдингиз. Ахир, уставда аниқ ёзиб қўйилган-ку — бир йиллик стажи бўлмаса, бошланғич ташкилотга котиб қилиб сайлаб бўлмайди. Мен қолиб кетдим, гапнинг қуюғини бечора партком котиби эшитди. Ниҳоят, бюро аъзолари уни сўка-сўка чарчапти шекилли, яна менга қайтишди.

— Қани, нима дейсизлар? Шарафилдиновни нима қиламиз? — деди Муртазоев.

— Оддий виговор бера қолайлик, — деди бюро аъзоларидан бири.

Мен яна эътироз билдирмоқчи бўлиб, ўрнимдан кўзғолган эдим, ёнимда ўтирган кексагина одам қўлимдан тортиб ўтқазиб қўйди.

— Бас, бўлди. Енгиллик қилаверма.

Ноилож жойимга ўтирдим. Мен берган саволга ҳеч ким жавоб бермади. Лекин мени жазолашти. Оддий виговор деганлари партиявий жазолар ичида энг енгилларидан бири эди, лекин, барибир жазо эди. Бир йилдан кейин мендан виговорни олиб ташлашти. Енгил тортидим — гўё баданимга ёпишиб олган алланечук кирдан поклангандай бўлдим. Аммо, бу бир йил мобайнида гавдамга ювган билан кетказиб бўлмайдиган аллақанча янги кирлар ёпишиб улгурган эди.

* * *

Ўша кунни бюро мажлисидан кейин юрагимда бир нарсани чирт этиб узилди — назаримда эътиқодимнинг бир томири узилган эди. Кейинчалик мен уни аслига қайтаришга уриндим, аммо гишт қолипдан кўчгандан кейин бу жуда қийин экан. Ахир, партия, унинг раҳбар органлари менинг учун олий саждагоҳ эди, мен унга садоқатли фарзанддай хизмат қилмоғим, у ҳам мени ўз ўғлидай ардоқламоғи керак эди. Энг муҳими, партия ўз фарзандларининг ҳар қандай саволларига ҳаққоний жавоб бермоғи, ҳар қандай мушкулотни адолат билан ечиб бермоғи лозим эди. Ўша кунни шу ишончим дарз кетди. Мен партия учун жонимни жабборга бериб шунчалик хизмат қилсам-у, бир офиз «раҳмат» ўрнига энг

олий жазога мустаҳиқ бўлиб ўтирсам? «Адолат» деганлари шуми ҳали? Бу уччига чиққан ноҳақлик эмасми? Сен партияни бошингга кўтариб ардоқлаганинг билан партия олдида сенинг қилча ҳам қадринг йўқ экан-да! Сидқидилдан унга кўрсатган хизматларинг нима-ю, ўзинг нимасан? Бувим раҳматли айтиб юрадиган бир нақл бўларди: «Қозиқнинг учи ҳам бўлма, кети ҳам бўлма, учи бўлсанг ерга кирасан, кети бўлсанг тўқмоқ ейсан. Қозиқнинг бели бўл, болам». Бунақа ақида менга буржуа ахлоқининг ақидаси бўлиб кўринар ва мен уни қабул қилолмас эдим. Аммо жонажон партиям оғушида кечирган ҳаётим мени бу масалага бошқача қарашга ундади. Унчалик гўл бўлмаслик керак экан, теварак-атрофингга кўзни каттароқ очиб қараш керак. Кўзни каттароқ очиб қарасам, менинг қаршимда шундай ҳақиқатлар намоён бўла бошладики, уларнинг олдида ақл шошиб қолди. Кўзни каттароқ очиб қарасам, партиямнинг ҳаёти инсоний мантиқдан холи, ҳақиқат ва адолатдан узоқ, кўпинча ёлғон асосга қурилган ҳаёт эди. Нафақат партия ҳаёти, партия раҳбарлигида барпо этилган жамият ҳаётида ҳам ақлга зид, ҳар қандай мантиқдан холи ишлар кўп бўларди. Уларнинг тагига етаман деб ҳарчанд уринманг, уринишларингиз бекор кетарди.

Бир неча йил мобайнида бизнинг факультетимиз Хадрада беш қаватлик катта бир иморатда фаолият кўрсатди. Бир вақтлар унинг ёнида «Родина» кинотеатри бўларди. У 40-йилда қуриб битказилган, жуда чиройли кўринишга эга, олд томонида баланд-баланд устунлари бор, пештоқлари Оврўпача иморатларникига ўхшатиб ишланган эди. Одамлар бу кинотеатрни жуда яхши кўришар, унда ҳар доим янги фильмлар намоиш этилар ва у ҳамиша жуда гавжум бўларди. Кунларнинг бирида тўсатдан кинотеатр ёпилди-ю уни ремонт қила бошладилар. Биз ҳайрон бўлдик — кинотеатр янги бўлса, ҳали бирор жойи дарз кетмаган бўлса, унинг нимасини ремонт қиладилар? Бунақа нарсани биздан сўраб ўтиришармиди? Шундай қилиб, ремонт давом этаверди. Орадан кўп ўтмай биз ярим вайрона ҳолга келтирилган кинотеатр манзарасига кўникиб ҳам қолдик. Секин-аста бир йил ўтди, икки йил ўтди, учинчи йил ўтди. Ремонт эса сира охирига етмайди. «Нега бундай?» деб суриштирадик, бу ерда ремонт бўлаётгани йўқ, Ҳамза номидаги театрга янги бино қурилаётган экан. Ҳамза театри чиндан ҳам янги бинога муҳтож эди, бу бинони чиндан ҳам Хадра майдонининг бирор жойига қурмоқ даркор

эди. Аммо нега энди келиб-келиб «Родина» кинотеатрининг ўрнига қурмоқ керак? Нега яп-янги, муҳташам, шаҳарга кўрк бериб турган бир бинони олиб ташлаб, унинг ўрнига бутунлай бошқа бир бинони қўндирмоқ зарур? Уша бинони бошқа жойга қуришганда Эски шаҳардаги муҳташам бинолар сони биттага кўпаяр эди-ку? Яна бир масала — Ҳамза театрининг янги бинони қуриб битказилганча ўтган вақт ичида «Родина» кинотеатри ишлаб турганда, бунақа театрлардан икки-учтасини қуришга етадиган даромад берарди-ку? Нега бунинг ҳисоби қилинмади? Бу тарихий «таъмирлаш» сирини кейин аён бўлди. Уша кезларда давлатимиз ҳар доимгидан сал камхаржроқ бўлиб қолган экан. Шунга кўра, ҳар хил томошахоналар қуриш учун маблағ берилмай қўйилипти. Лекин биноларни таъмирлаш учун ҳар қанча маблағ керак бўлса, берилар экан. Қайси бир уддабурон каттамыз шундай фойдаланибди-ю, Ҳамза театрига янги бино қуриб берилди. Руслар бунақа ишни «афера» дейди. Афера — ўғирликнинг бир тури ҳисобланади. Ўзбекчада буни «фирибгарлик» дейдилар. Фирибгарлик биздан аввалги ҳамма жамиятда уят иш деб билинган. Фақат биздагина, коммунистик партия раҳнамолигида хўжалик юритишнинг ҳамма соҳаларида қўлласа бўлаверадиган оддий ишлар қаторига кирди. Бундай фирибгарликлар ҳамманинг кўз ўнгида содиқ бўлар, лекин ҳеч ким бунга қарши лом-мим деб оғиз очмас эди.

Ҳар йили талабалар пахтага — ҳашарга олиб чиқиларди. Бунга ҳамма кўникиб қолган, ҳатто ҳар йили «қачон пахтага жўнаймиз?» деб сабрсизлик билан кутадиганлар ҳам бўларди. Чунки пахтага чиқишнинг ўзига яраша нашидаси ҳам бўларди. Аммо режани бажариш кечикса, талабалар ёгин-сочинли кунларга қолиб кетса, совуқ бошланиб қолса ёмон бўларди. Айниқса, декабрь ойига қолиб кетсак, аҳвол жуда оғирлашарди. Эрталаблар ерлар музлаган, қаҳратон аёз, кун илигандан кейин музлар эриб, ҳамма ёқ билч-билч лойга айланади. Оёққа ботмон-ботмон лой илашиб юриб бўлмайди. Лекин шўрлик талабалар шунда ҳам далани тарк этишмайди, ушукдан кўкариб кетган панжаларига ухлай-ухлай теримда давом этадилар. Баъзан эса пахта қолмаган бўлади. Аммо раҳбарларимиз шунда ҳам даладан кетишга рухсат беришмайди. Талаба эрталабдан кечгача далада бўлмоғи керак. Болалар ичида касал кўпаяди, интизом бўшашади. Лекин, барибир, рухсат йўқ. Машиналарда райком котиблари ва бошқа катталар изғиб юради.

— Қани, бу талабаларнинг раҳбари ким?

— Мен, — дейман ботқоқ даладан судралиб чиқиб, каттамизнинг олдига борар эканман.

— Нега терим пасайиб кетди? Мана кечаги маълумотномангиз, киши бошига ярим килограммдан ҳам тушмаяпти. Бу қанақаси бўлди?

— Кўриб турибсиз-ку, далада пахта қолмаган. Кун бўйи қиртишлаганда ярим кило чиқмайди. Умуман бундай шароитда талабаларни далада тутишдан нима маъно бор?

Каттамиз менга еб юборгудай ўқрайиб қарайди, ранги бўзаради, ижирғаниб дейди:

— Сизни ким раҳбар қилиб қўйган? Партиянинг пахта сиёсатини тушунмас экансиз. Сиз билан бошқача гаплашамиз.

Каттамиз кетгандан кейин анча вақтгача «партия-мизнинг пахта сиёсати»ни тушуниб олишга тиришиб, миямни ишлатаман — мияларим торс ёрилиб кетгудай бўлади. Бу тиришишлар оқибатида фақат бир нарсани тушуниб етаман — қиш даласида пахта сира қолмаган бўлса-да, катталаримизга «пахта йўқ» деб бўлмас экан, уларга фақат «хўп бўлади, бажарамиз!» деб турмоғинг керак экан. Шундагина уларнинг қаҳр-ғазабидан омон қолишинг мумкин экан. Шундай қилиб, ҳаловатингни сақлаб қолиш учун, беҳуда жазоларга мустаҳиқ бўлмаслик учун жиндай ёлғон ишлатсанг бўлаверади. Бунинг айби йўқ.

«Ёлғон» деган нарса юқумли касалдай жуда тез тарқадийган нарса бўлар экан — унга бир марта йўл очиб берилса, у баҳор селидай ҳамма ёқни қоплаб олади. Шу тарзда ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларига ёлғон суқилиб кирди, керак бўлса-бўлмаса ундан кенг фойдалана бошладик, ҳатто санъат соҳасида ҳам бошдан-оёқ ёлғонга асосланган, ёлғонга сажда қилиб яратилган, ёлғонни байроқ қилиб олган асарлар пайдо бўлди. Ўнлаб-юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Мен фақат биттагинасини келтираман. Ҳамза ҳақидаги кўп серияли телефильмни эсланг. Номи — «Оловли йўллар» эди, шекилли. Ҳамза — курулфуруш, курашчи. Робиндранат Тагорнинг дўсти, Миср инқилобининг ташкилотчиларидан ва ҳоказо ва ҳоказо. Инқилобчилик бобида шунақа чўққиларга кўтариладики, ҳатто Ленинни ҳам бир чўқишда қочиради. Назаримда, бу телефильмнинг номини «Ҳамза мавзуидаги хом хаёллар» деб қўйса тўғрироқ бўлармиди? Қизиғи шундаки, шундай фильм ҳам жамиятда ҳеч қандай

эътироз туғдирмади, аксинча, унинг тўғрисида матбу-
отда кўпдан-кўп мақтовли мақолалар эълон қилинди.
Фильмни ясаганлар ҳам, уни томоша қилганлар ҳам
хижолат чекиб, бир-бирларидан кўзларини олиб қоч-
мадилар. Негаки, ёлғон гапириш, ёлғонга сажда қилиш
жамиятда аллақачон одат тусига кириб кетган эди.

Жонажон партиянинг бағрида юриб кашф этган
ҳақиқатларимдан бири яна шу бўлдики, бу партия тили
бошқа, дили бошқа партия экан. Катта-катта мажлис-
ларнинг қарорларида, тантанали йиғинларда, шиорлар
ва хитобларда бир хил гап айтилди-да, амалдаги иш
бу гапларга сира тўғри келмас эди. Масалан, партияни
алдаш, унга ёлғон гапириш энг оғир гуноҳлардан ҳисоб-
ланарди, аммо партия аъзоси ҳар қадамда ёлғон гапир-
маса, бошига фалокатлар ёғилар, куни ўтмас эди. Ма-
салан, ўтмишда ота-боболаримиздан бирортаси руҳоний
бўлган бўлса ёхуд савдогарчилик билан шуғулланган
бадавлатроқ одам бўлган бўлса, буни, албатта, яшир-
моқ даркор эди. Тўғриси айтиб қўйсангиз, бошингиз
маломатдан чиқмас эди. Назаримда, партияга ҳақиқат-
ни гапирадиган ростгўй ва самимий одамлар эмас,
балки керакли гапни гапирадиган, раҳбарларга маъқул
гапларни айтадиган, керак ўринда ҳар қандай ёлғонни
қўллашдан тап тортмайдиган чечан ва уддабурролар
керак эди. Келинг, яхшиси, мен бир воқеани гапириб
берай, хулосани ўзингиз чиқариб олинг.

Бир домламиз бўларди — Тоҳирий деган. Бу одам
яхши маънодаги эски зиёлилардан эди. У киши педаго-
гикадан дарс берар, лекцияни артистларга ўқшаш ма-
ҳорат билан ўқир, том маънода қомусий билимларга
эга эди. Талабалар у кишини жуда ёқтирар, маърузала-
рини мароқ билан тинглар, теварагидан сира одам ари-
мас эди. Домла ёши бир жойга етиб, ишни тарк этиш
муддатлари яқинлашганда, партияга киришни ихтиёр
қилиптилар. Анча елиб-югуришлардан кейин ҳужжат-
лар тайёр бўлган. Кунлардан бирида дорилфунун парт-
комининг мажлисида домланинг аризаси кўрилди. Одат-
дагидек, домла партиянинг программаси ва уставини
тан олишини айтди, саволларга жавоб берди. Мажлис
аҳлидан бири ҳаммани қизиқтирган бир саволни ўртага
ташлади:

— Нега шу пайтгача партияга кирмай, қариганда бу
ишга аҳд қилдингиз?

Домла кутилмаган бир жавобни берди:

— Шу пайтгача мен ўзимни партияга нолойиқ деб

ҳисоблаб келдим, негаки яқин-яқинларгача мен миллатчи эдим. Эндигина шу иллатдан қутилдим.

Бирдан бомба портлагандай бўлди — негаки, мажлис аҳлининг кўпчилиги «миллатчи» деган сўзни эшитган бўлса ҳам, тирик миллатчини кўрмаган эди. Умуман, бу даврда «мен миллатчи эдим, энди тузалдим» деган гап ҳали янграмаган бўлса керак. Ҳамма ҳангманг бўлиб қолди. Домласи тушмагур «партияни алдаб бўлмайди, унинг қаршисида самимий бўлмоқ керак», деб ўйлаб бор гапни ошкора айтди-қўйди. Айтди-қўйди-ю, лекин ишнинг пачавасини чиқарди — чунки собиқ миллатчини, албатта, партияга қабул қилмадилар. «Ахир, у миллатчилигидан халос бўлган-ку! Шундай бўлмаса, ўтмишини бу қадар ростгўйлик билан айтиб ўтирмасди. Уни самимияти учун жазоламайлик» деган гаплар ўтмади. Кейин анча вақтгача ҳар хил партиявий йиғинларда собиқ миллатчини партияга олишга сал қолгани ҳақида гапириб, университетга таъна тошларини ёғдириб юришди.

Партиянинг ички ҳаётида ёлғоннинг тўрға чиқиши жамият орасида жуда кўп иллатларнинг томир отишига олиб келди. Одамлар ҳам ошкора тилёғламалик, қалб амрига қарши бориб, виждонни сотиб иш тутиш, фақат ўз манфаатини ўйлаб фаолият кўрсатиш каби қусурлардан ҳазар қилмай қўйдилар. Мен нафақат олий ўқув юртида дарс берган педагогман, айни чоқда танқидчилик ҳам қилганман. Фаолиятимнинг анча қисми Ёзувчилар уюшмаси билан боғлиқ ҳолда кечган. Бу ердаги муҳим-муҳим йиғинларда ёзувчи дўстларимнинг икки-юзламалигини, бебурдлигини, риёкорлигини кўриб, кўп изтироблар чекканман. Бир куни Ёзувчилар уюшмасида катта йиғин бўлди. Унда Пастернак деган ёзувчининг хиёнаткорона ишларини қоралашимиз керак эди. Борис Пастернак шоир ва таржимон эди. Шеърят мухлисларининг айтишича, у жуда истеъдодли, ўзига хос, ялмоқликдан узоқ шоир бўлган. У ўзбеклар ўртасида унча машҳур эмас эди. Ва умуман, бу шоирнинг расмий доиралар билан муомаласи ёмон бўлиб, уни имкони борича қаторга қўшмасликка, китобларини чиқармасликка, ўзининг борлигини сезмасликка ҳаракат қилишарди. Шу одам «Доктор Живаго» деган роман ёзипти. Романда инқилобни қоралапти, оқ гвардиячи йигитларни тузуккина одам сифатида тасвирлапти. Бунақа асарнинг бизда нашр бўлиши мутлақо мумкин эмас эди — уни чет эллардаги аллақайси буржуа нашриётла-

ри босиб чиқаряпти, унга ҳатто Нобель мукофоти беришипти. Шундан кейин адабиёт оламида катта ҳангома-лар бошланди. Партиянинг буйруғи билан Москвада таниқли ёзувчилардан бир қанчаси Пастернакка очиқ хат ёзишиб, уни ватанфурушликда, ғоясизликда, буржуа мафкурасига мойилликда айблашди, Нобель мукофотидан воз кечишга ундашди. Бутун мамлакат бўйлаб ҳамма Ёзувчилар уюшмасида уни қоралаб, йиғинлар ўтказилди. Албатта, бундай йиғинларнинг ажабланидиган жойи йўқ — шўролар замонида қолипга сиғмаган ёзувчилар ҳамма вақт ҳар хил йўллар билан қораланиб келинган. Мени лол қолдирган нарса бошқа эди — бизнинг уюшмамизда йиғинган тўпланганлар ичида Пастернакни биладиган одамларгина, эмас, умрида унинг номини эшитмаган одамлар ҳам кўп эди. «Доктор Живаго» романини ўқиганлар эса умуман йўқ эди. Шунга қарамай, сўзга чиққан нотиклар «Мен «Доктор Живаго»ни ўқиган эмасман, лекин Пастернакни бутунлай қоралайман, бунақа хоинга совет ёзувчилари сафида ўрин йўқ!» деб ҳайқиришди. Мажлис Пастернакни якдиллик билан қоралади. Ёзувчилар, яъни энг пешқадам, энг фикри очиқ, энг ҳақпарвар зиёлилар йиғинида бир одам топилмадики, «эй биродарлар, асарни ҳеч қайсимиз ўқимаган бўлсак, гап нима тўғрисида бораётганидан беҳабар бўлсак, ва умуман, Пастернакнинг ўзини тузукроқ билмасак, унинг фикр-мулоҳазаларини эшитмаган бўлсак, қандай қилиб уни қоралашимиз мумкин? Бу виждонга, инсофга хилоф иш-ку!» деса... Ушанда биз донолик билан эмас жоҳиллик билан Пастернакнинг юзига тупурган эдик. Аслида эса... Пастернакнинг эмас, ўзимизнинг башарамизга туфлагандик.

Афсуски, партиянинг ички ҳаётидан ҳам, умуман ўша даврлардаги жамият ҳаётидан ҳам бунақа мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг бари бир партия раҳбарлигида социалистик жамият эмас, аллақандай тўнқарилган тесқари жамият қурганимиздан далолат беради. Тўғри, ҳаётимиз аввалгидан бирмунча дуруст бўлиб қолганди. Ёб-ичишимиз ҳам, кийим-кечагимиз ҳам, яшаш шароитларимиз ҳам анча эпақага келиб қолганди. Бироқ, жамият ҳаётида ёлғон-яшиқнинг кучайиши, инсоний қадр-қимматларнинг камайиши, ҳаромхўрлик ва нопокликнинг авж олиши ахлоқни хароб қила бошлаган, эътиқодларнинг томирини қурита бошлаганди.

Мен онамни «ая» дердим. Аям Кўқоннинг ёнгинасидаги Охунқайнар қишлоғида туғилиб ўсган, сўнг тақдир тақозоси билан аввал Кўқонга, сўнг Тошкентга келиб туриб қолган. Аям чамаси 10 йилча савдо соҳасида меҳнат қилганларидан кейин — 1938 йилда партиёга кирдилар. У киши партиёга чин юракдан ихлосманд эдилар. Аёлликларига қарамай, у кишини том маънода партиёнинг солдати деса бўларди. Партиё қайси ишга, қандай лавозимга қўймасин, аям уларни гап-сўзсиз, эътирозсиз бажарар, партиёнинг ҳар бир топширигини сидқидилдан адо этишга тиришарди. Биз оилада тўрт фарзанд эдик; очигини айтганда, болаликда она меҳрига тўйганмизми-йўқми, аниқ айта олмайман. Биз уйқудан турмасдан аям ишга кетиб қолар, кечқурун у киши ишдан қайтганда биз ухлаб қолардик. Шу алпозда йиллар ўтди — биз улғайдик, уйли-жойли бўлдик, аям ҳам салкам ярим асрлик аъзолик стажига эга бўлган партиё фахрийсига айландилар. Аммо бир кун келиб, кексалик кор қилдими, ё кўп йиллик «қадрдон» касаллари — диабет енгдими, ҳар ҳолда аям ётиб қолдилар. Бутун умри одамлар орасида, ҳаракатда, фаолиятда ўтган одам ётиб қолмасин экан — ташқи дунёдан узилиб, тўрт девор ичига қамалиб қолиш ёмон бўлар экан. Биз — фарзандлар, албатта, қўлимиздан келгунча аямнинг аҳволини енгиллатишга ҳаракат қилдик, лекин у киши алам ва изтироблар ичида ҳаётдан кўз юмдилар. Кейин ўйлаб қарасам, у кишининг умрига завола бўлган нарса фақат қанд касалининг тажовузларигина эмас экан. Гап йўқ, ўлим ҳақ! Аммо одамни қисматидан беш кун бурун бу дунё билан видолашувга мажбур қиладиган сабаблар ҳам кўп экан. Аямнинг ҳадеганда тилга чиқавермайдиган алланечук оғир пинҳоний бир дарди бор эди. Кўпинча ишдан қайтиб, ҳузурларига кирсам, кўзлари намиққан, юзлари тунд бўларди.

— Яна йиғладингизми, ая?

— Йўқ, болам, нега йиғлай? Шунчаки сиқилдимда, — дердилар аям шикаста овозда.

Бир куни ўзлари ёрилдилар:

— Нега бунақа-а, ўғлим? Мен эллик йиллик умримни партиёга бағишладим, сочимни супурги, қўлимни косов қилиб унинг хизматини қилдим, энди эса партиё ширамни сўриб олиб, пўстимни туфлаб ташлади. Шунча хизматларим қумга сингиб кетдими?

Дарҳақиқат, аям ётиб қолганларидан кейин у киши

аъзо бўлган ташкилот аямни ҳисобдан чиқариб, маҳалладаги мактабнинг партия ташкилотига киритиб қўйганди. Бу тўғрида бир одам келиб хабар бериб кетди-ю, ундан кейин бошқа ҳеч ким келмади. Орадан ойлар ўтди. Партия аъзоси ҳар ойда аъзолик бадали тўлаб турмоғи керак эди. Бу — партия аъзоси учун сўзсиз бажарилиши лозим бўлган темир қонун эди. Агар уч ой аъзолик бадали тўланмаса, у ўз-ўзидан партиядан чиқиб кетарди. Аям шундан қаттиқ безовта бўлди ва мени мактабга жўнатди.

— Э, домла, шунга ташвиш қилиб юрибсизми? — деди беғамгина оҳангда котиб. — Нафақадаги одам бор-йўғи 20 тийин бадал тўлайди. Ўзимиз тўлаб юборяпмиз.

Аямнинг куйганича бор эди — партия ўзининг хасталикка учраб, ишга ярамай қолган аъзосидан буткул юз ўгирган эди. Аям ҳар йиғлаганда дард азобидан эмас, хўрликдан йиғлардилар. Мен эса у кишининг аламли саволига тузукроқ жавоб топиб беролмай гаранг эдим. Ҳа, бизнинг партия учун одам чўт эмас эди — инсон қадри ҳақида оғизда кўп баландпарвоз гаплар айтилсада, амалда зарур бўлиб қолса, партия ҳар қандай одамнинг бахридан ўтиб кетаверарди.

Орадан кўп ўтмай шунга ўхшаш кўрғилик ўзимнинг ҳам бошимга тушди.

80-йилларнинг бошларида одамларга чорбоғ тарқатиш расм бўлди. Бир гуруҳ ёзувчилар ҳам бу насибадан куруқ қолишмади. Уларнинг орасида мен ҳам бор эдим. Ростини айтсам, менга бир шапалоқ ер текканига жуда суюндим — одам ёши ўтиб борган сари ерга яқинроқ бўлишни хоҳлаб қоларкан. Тўғри, жиндай узоқлиги бор — Тошкентдан 35 чақирим келади. Нима қилипти — 20 йилдан бери гижинглатиб миниб юрган машинам бор — ҳар қандай узоғимни яқин қилади. Ер ташландик, заранг экан, тупроғи шўр экан. Бунисини ҳам эплеймиз. Жойимиз дўнгроқ экан — сув чиқиши қийин экан. Бу ҳам шаштимизни қайтара олмади. Аммо ишни бирор бошпана барпо этишдан бошламоқ керак эди. Бутун оила аъзоларимиз баҳамжиҳат ишга киришдик. Қурилиш материалларини топиш қийин эди, уларни топсангиз машина топилмайди, машина топилса, сабил қолгур пул топилмай хуноб қилади. Ҳар қалай ёру дўстлар, ошна-оғайнилар жонга ора киришди. Ўша йили ёзи билан ҳар куни чорбоғимизда ҳашар бўлди ва бу ҳашарларда иштирок этмаган биронта ёш ижодкор ёхуд шогирд қолмади. Хуллас, иморатни кўпчиликлашиб тик-

лаб олдик. Лекин унинг пардоздан чиқиб, узил-кесил битишига ҳали уч-тўрт қовун пишиғи бор эди. Шапалоқдек ерни эпақага келтириш, бошпана бўладиган муъжазгина бир кулбани битириб олиш шунақа қийин бўлишини билганимда, чорбоғ деганни сира ҳам ҳавас қилмаган бўлардим. Аммо на илож — бошлаган ишни охирига етказиш керак. Шу аҳволда кунлар ўтиб турарди, кунлардан бирида газетада «Чорбоғчилар» деган фельетон чиқиб қолди. Қарасам, уч-тўрт киши қаторида менинг ҳам фамилиям бор. Фельетончиси тушмагур росса бошлапти — унинг гапига қараса, мендай расво, мендай бойликка ружу қўйган махлуқ йўқ, нафсим ҳаққалак отиб, икки қаватли шоҳона қаср қуриб олибман. Ё тавбангдан кетай, ёлғон ҳам эви билан-да... Аммо партия ташкилоти учун матбуотда чиққан материал жиддий сигнал ҳисобланарди. Асосий машмашалар фельетон чиққандан кейин бошланди. — Партия мажлисида масалам кўрилди, кетма-кет парткому райкомларга чақирилдим, изоҳномалар, тушунтириш хатлари ёздим. Ниҳоят, мендан уйнинг иккинчи қаватини бузиб ташлашни талаб қилишди. Яхшими, ёмонми — ўз қўлинг билан барпо этган нарсани бузиш жуда оғир бўлар экан. «Тайёр битган иморатни нега бузмоқ керак, ундан кўра уни олинглар, болалар боғчаси қиларсизлар, — дедим. «Йўқ» — дедилар. Бўлмаса, болохона қурганим учун жарима тўлай, лоақал йўлимизни асфальт қилишга ҳаржларсизлар» — дедим. «Йўқ» дейишди. «Бузинг, бўлмаса, партиядан ўчирамиз». Мен албатта, партиядан ўчишни истамас эдим. «Майли, бузаман. Лоақал ёзгача фурсат беринглар», — дедим. «Йўқ!» дейишди. Баҳорнинг илиқ кунларидан бирида уч-тўрт киши бўлиб, болохонани кўпориб ташладик. Лекин томини ёполмадик. Кейин ёгингарчилик бошланди. Аксига олиб, ўша йили баҳор жуда серёгин бўлди. Ёзгача иморатнинг бари шўралаб, шувоклари кўчиб тушди, деворлари ҳам уқаланиб яроқсиз ҳолга келди. Уч ой олдин бежиримгина турган иморат бомба тушган вайронага айланди-қолди.

Ўша пайтдаги изтиробларимни эсласам, ҳозир ҳам қуйиб, ўртаниб кетаман. Чорбоғ деган нарсадан буткул кўнглим совиди. Ҳар гал ўша вайронани кўрганда чаласига ўзим ўт қўйиб юборгим келарди. Лекин бундан ҳам ёмонроқ алам қилгани бошқа нарса бўлди. Менинг қандай ноҳим бор эдики, шунчалар бадном қилдилар? Ўғирлик қилган бўлмасам, бировнинг ҳақини еган бўлмасам, чорбоғни қуриб, даромад манбаига айлан-

тирган бўлмасам? Ахир, менинг ёшимдаги донороқ дўстларим сира жонларини койитмай, ҳатто ойлик ижара ҳақларини ҳам тўламай, ҳукумат қуриб берган ҳашаматли чорбоғларда яшайпти-ку! Мен бўлсам, ҳукуматни чиқимдор қилмай деб ҳаммасини ўз меҳнатим билан қилиб ўтирибман. Ва «рахмат» деган сўз эшитиш ўрнига яна фельетон бўлиб ўтирсам? Мени элу юрт олдида бадном қилсалар? Ахир, одамлар назарида жиндай обрўга эга бўлсам, мен бу обрўни йиллар мобайнида ҳалол меҳнатим, тўғрилигим эвазига мисқоллаб тўплаган эдим. Менинг обрўим мен аъзо бўлган партиянинг обрўи эмасмиди? Нега партия мени бу адолатсизликдан ҳимоя қилмади? Демак, унга менинг обрўим ҳам, ўзим ҳам керак эмас эканман-да? Ўшанда мен бу саволларнинг биронтасига жавоб тополганим йўқ. Ўйлашлар оқибатида афсусу надоматларга тўлиқ яна бир хитоб туғилди, холос, «Бу дунё нега бунчалар телба-тескари бўлмаса?!»

Албатта, бунақа хўрликлар ва ноҳақликларга дош бериш жуда қийин эди. Ўйлай-ўйлай бир нарсадан тасалли топдим. — Бунақа ишлар ҳаётимизда янгилик эмас-ку! Сен-ку партиянинг бир оддий аъзосисан, сендан юз чандон катта одамлар, том маънодаги улуғ одамлар ҳам бунақа тескари қисматдан бенасиб қолмаганлар-ку. Уларнинг ҳам ҳеч қанақа гуноҳлари йўқ эди. Шундай деб ўйлаганларимда улуғ инсон ва улуғ олим Ҳабиб Абдуллаевнинг қисмати кўз олдимда гавдаланади. Дунёга донғи кетган олим. Олтин топишнинг самарали йўлларини кашф этган: у топган конлардан миллион-миллион даромад кўрилган ва ҳозир ҳам кўрилмоқда. Унинг раҳбарлигида Фанлар академияси ҳам беқиёс ўсди. Бунақа олим юз йилда бир туғилади, миллат у билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бундай олим хорижий мамлакатдан биронтасида яшаганда, шубҳасиз, жудда катта иззат-икром кўрган ва фаровон яшаган бўларди. Аммо, шундай одам эллик ёшга кириб-кирмай оламдан ўтди. Ҳа, умри қисқа экан. Аммо унинг умрини қисқа қилишга ўзимиз ҳам анча-мунча ҳисса қўшдик-ку! Узининг ҳалол пулига арзимаган иморат қургани учун уни бадном қилган, тупроққа қориштирган ўзимиз эдик-ку! Гуё бир томонда сон мингта Ҳабиб Абдуллаев қалашиб ётипти-ю, бунисини улоқтириб ташлаб, янгисини қўйиш мумкиндай. Олим теваарагида гийбат қозони қайнаб ётганида партиядан «ҳой биродарлар, бир катта олим дурустроқ уй қуриб олган бўлса нима

бўлипти? Бу ўзимизга обрў олиб келади», деган садо чикмади-ку! Йўқ, арзимаган «гуноҳлар»ни баҳона қилиб одамларни ёмонотлиқ қилиш, бурнини ерга ишқаб, қанотини қайириб олиш партиянинг севимли ишларидан эди. Ҳар хил йўллар билан одамни хўрлаш, таҳқирлаш ва шу тарзда «попугини пасайтириб» қўйиш бизнинг ҳаётимизда оддий иш бўлиб қолганди. Шу гапларни ёзипман-ку, кўз ўнгимда улуг санъаткоримиз Шукур Бурҳоновнинг нуроний сиймоси гавдаланади. Уйлайманки, юртимизда биронта одамга Шукур Бурҳоннинг кимлигини тушунтириб ўтиришга эҳтиёж бўлмаса керак. Шукур Бурҳон бетоб ётган кунлардан бирида унинг иштирокисиз, орқасидан мажлис қилишибди-да, ишдан бўшатишиб, «паттаси»ни уйига элтиб беришипти. Ҳолбуки, санъаткорнинг бутун умри шу театрда ўтган, у ҳаётини театрдан ташқарида тасаввур ҳам қилолмайди. Буни қандай тушуниб, қандай изоҳлаш мумкин? Ҳар қанча узрлик сабаблар рўкач қилинмасин, улар Шукур Бурҳонни театрдан қувган одамларнинг бағри тошлигини оқлай олармикин? Ахир, биз бағри кенг, серсаховат, меҳри дарё халқ сифатида танилган эдик-ку? Дини ислом, мусулмон ахлоқи асрлар мобайнида бизга одамийликни, раҳмдилликни, шафқатни сингдириб келганди. Нега энди бугунга келиб, шу қадар меҳрсиз ва бағри тош бўлиб қолдик. Яқинларимизга қанча қаттиқ озор етказсак, шунча кўпроқ ҳузурланамиз. Бу иллат бизга қачон, қандай ёпишган. Шўролар замонида кенг томир ёйган инсонга лоқайд қараш, уни қадрламаслик шундай оқибатларга олиб келмадими? Албатта, бу мулоҳазалар кимгадир маъкул бўлмаслиги, кимгадир эътироз туғдириши мумкин. Кимдир «муболаға ҳам эви билан-да! Уч-тўртта ҳодисани санаб, шундан инсонга лоқайд қараш партия амалиётининг умумий тамойили бўлган дейиш мумкинми?» деб ўйлаётгандир ҳам. Бунга нима деб жавоб берса бўлади? Менинг гапларимда муболаға йўқ, биродарлар. Сизларни бунга яна бир бор амин қилмоқ учун қуйидаги далилни келтираман. Сизлар, албатта, Динмуҳаммад Қунаевни эшитган бўлицинглар керак. У катта-катта кашфиётлар қилган атоқли геолог олим эди. Аммо кенг халқ оммасига геолог бўлиб эмас, йирик давлат арбоби ва донгдор партия ходими сифатида кўпроқ танилган эди. Қунаев қирқ йилдан мўлроқ раҳбар ишларда ишлади, шундан йигирма бир йил мобайнида партия Марказий Комитети Сиёсий бюросига аъзо бўлди. Албатта, бу одам партия-

нинг ички ҳаётини беш бармоғидай яхши билган, унинг бу борада айтган гапларини сира шубҳа туғдирмайдиган ишончли гаплар тарзида қабул қилса бўларди, Яқинда Алматида унинг «Менинг даврим тўғрисида» деган хотиралар китоби чиқди. Унда шундай гаплар бор: «...сен ҳокимият курсида ўтирган бўлсанг, ҳурматга сазовор муносиб одамсан. Мансабдан кетишинг билан эса сени эртасигаёқ унутиб юборишади. Кўп ҳолларда эса менинг аҳволимга тушасан — янги чиққан раҳбаринг билан менинг устимга ҳар хил бўлар-бўлмас айблар тўнкашди ва ўзимизни оқлагани бирон оғиз гап айтишга мутлақо имкон беришмади».

Кунаевнинг бошига тушган можаролар партия ўз аъзоларини қандай «қадрлагани»ни яққол кўрсатади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Коммунистик партиянинг раҳбарлари оғизда гуманистик ақидаларни алқаган бўлсалар-да, амалда одамларга ўз мақсадларига эришиш йўлида бир восита деб қараганлар. Шунинг учун коммунистик жамият қуриш ёки уни ҳимоя қилиш йўлида миллион-миллион одамларни қурбон қилиб юбораверишган. Улар бу қилмишларини оқлаш учун махсус назариялар ҳам тўқиб чиқаришган. «Одамлар давлат машинасининг мурватлари ва паррақларидир» деган эди Сталин. «Буюк доҳий» яна бир жойда «Бизда алмаштириб бўлмайдиган одам йўқ!» деган шиорни олдинга сурган эди. Бугунга келиб, бу гаплар нақадар аксил инсоний мазмунга эга экани аён бўлади. Ахир, бу дунёда инсондан буюкроқ, инсондан мўъжизавийроқ маҳлуқот йўқ! Инсоннинг чиқити бўлмайди — унинг бири тош, бири гул. Ўз ўрнида иккови ҳам керак. Аммо коммунистик партия инсон тақдири ҳақида гап кетганда, бу ақидани буткул унутар эди.

Қарс икки қўлдан, деган гап бор. Партияки ўз аъзосини қадрламаса, аъзолар ўз партиясини нечук қадрласин?

* * *

Мен нафақат мунаққид ва адабиётшуносман, балки мунтазам равишда таржимонлик ҳам қилганман. Таржима қилган асарларим орасида Ленинга бағишланганлари кўп. У пайтларда мен Ленин ҳақида очерклар ва ҳикоялар, қиссалар ва романларни ўзбек китобхонига етказиб беришни жуда муҳим иш деб ҳисоблардим. Ўзбек ёшлари бу китобларни ўқиб доҳийдан ибрат олса, унга

хам ўхшаган баркамол бўлишга ҳаракат қилса яхши! У кезларда кўпгина совет кишилари каби Ленин парвардигордек, бенуқсон деб билардим. Жиндай тили чучуклигини айтмаса, бошқа айби йўқ эди. 20-йиллардаёқ матбуот саҳифаларида «Ленин пайгамбарми, йўқми?» деган мавзуда жуда жиддий баҳс ўтган эди. Ҳар ҳолда, унинг бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси эканига совет кишиларида заррача шубҳа йўқ эди. Лекин бир гал менга алланечук гумон пайдо бўлганди. Ўшанда мен биринчи марта хорижий сафарга чиқиб, Мисрга боргандим. Сафар давомида мисрлик оддий одамлар билан мулоқотда бўлишга ҳаракат қилдим. Лениннинг тасвири зарбланган нишонлардан анча-мунча олиб олган эдим. Мисрликлар нишонларни бажонудил олишди, у ёқ-бу ёғини айлантириб томоша қилишди, сўнг расми кўрсатиб «бу ким?» деб сўрашди. Қизиқ-а, улар меҳнаткаш бўла туриб, ўз доҳийларини танимадилар. «Бу — Ленин!» дейман ранжиганимни билдирмасликка тиришиб. Улар эса менга бақрайишда давом этадилар, «Ленин ким?» деб сўрайдилар. Кейин-кейин билдимки, хорижда Лениннинг шухрати унчалик эмас экан, у ердаги одамлар Ленинсиз ҳам бинойидек кунларини кўриб турар эканлар. Бизнинг назаримизда эса, Ленин бўлмаса, ер юзидаги ҳаёт тўхтаб қоладигандай эди. Мабодо, одамда бирон мангу турадиган нарса бўлса, бу — Ленин бўлмоғи керак эди.

Кейин ошкоралик ва қайта қуриш бошланди.

Илгари яшириб келинган ҳақиқатлар юзага чиқа бошлади. Кўзимиз очилди. Лекин... Шу ўринда Чўлпоннинг бир байти эсимга тушади:

*Нечун очилди кўзим, қайга кетди уйқуларим?
Бу уйғонишда тўлиб-тошди, ошди қайғуларим.*

Кўзимиз очилиб кўрдикки, Ленин бобо ҳам ўзимиз қатори эканлар, кўпда бенуқсон эмас эканлар, аксинча, анча-мунча жиноятларга ҳам қўл уришдан қайтмаган, анча-мунча одамнинг ҳаётига зомин ҳам бўлган эканлар. Ленин бобо ҳам нафс балосига гирифтор бўлган осий бандалардан эканлар, фақат еб-ичиш, молу дунё орттириш касалига эмас, бутун дунёни ўз бичимига мослаб қайта қуриш дардига мубтало бўлган эканлар. У киши фаолият майдонига кириб келишлари биланоқ Архимеднинг машҳур гапини ўз манфаатларига мослаб, «Менга таянч нуқтасини беринг, бутун дунёни

ағдар-тўнтар қиламан!» деб ҳайқирган эдилар. Кейин партияни ўзлари учун шунақа таянч нуқтаси қилиб олдилар, партия аъзолари ва партияга аъзо бўлмаган оддий одамларни ўзларининг хом хаёлларини рўёбга чиқаришда восита қилиб олдилар. Бу гаройиб ҳодисани идрок этмоқчи бўлиб ҳарчанд уринаман, лекин тагига етолмайман. Қандоқ бўлдики, Россия империясидек катта бир мамлакат бир ҳовуч найрангбознинг тузоғига илинди? Нечук эс-ҳуши жойида, ақли расо миллион-миллион одамлар большевиклар тўқиган афсоналарга чиппа-чин ишонди. Ўтмиш ҳақида қанча кўп ўйласам, бунақа саволлар шунча кўпроқ пайдо бўлади.

Аммо биз савол бериб ўрганмаган эдик. Негаки, савол бермоқ учун одам синчков бўлмоғи, ҳар нарса-нинг тагига етишга, моҳиятини англашга тиришмоғи керак, фикрлайдиган одам бўлмоғи шарт. Биз айна шу фикрлаш масаласида оқсар эдик, юқоридан айтилган ёхуд матбуотда ёзилган ҳар қандай гапни таҳлил чиғирғидан ўтказмай, ҳақиқат деб қабул қилишга кўникиб қолган эдик. Бунинг натижасида ҳар хил ёлғон-яшиқларни, бўлар-бўлмас афсоналарни онгимизга сингдиришарди. Ҳар куни такрор-такрор айтавергандан кейин ёлғон ҳам ростга ўхшаб кўриниб қолар экан. Гап қуруқ бўлмасин, бир-иккита мисол келтирай.

Кўп йиллар мобайнида «Улуғ Октябрь инқилоби инсоният тарихида янги давр очди» деган ибора бизнинг «бисмилло»миз бўлган. Ҳар бир маърузада, ҳар бир мақолада, ҳар бир китобда бу гап қайта-қайта таъкидланар, қайта-қайта қулоққа кўйиларди. Лекин ҳеч ким «1917 йил октябрида ўзи инқилоб бўлганми ёхуд шунчаки давлат тўнтаришими? Ё бир ҳовуч саргузаштгалаб унсурлар уюштирган фитнами? Тўнтариш ёки фитна бўлса, уни «улуғ» деб бўладими? Бу тўнтариш очган «янги давр» нималарда акс этади?» деган саволларни бермас эди.

Кўп китобларда Ўзбекистондаги фуқаролар уруши ҳақида гапирганда «Фарғона водийсида шонли аскарларимиз юз минг босмачини қириб ташлади» деб ёзиларди. Буни, ўқиб, «О, Фрунзенинг шоввозлари-ей! Роса босмачиларнинг таъзирларини беришган экан-да!» деб юраверганмиз. Ҳолбуки, жиндай фикр юритилса, жиндай таҳлил қилинса, бир зумда бу сафсатанинг миси чиқарди: ажабо, юз минг босмачи қирилган бўлса, тирик қолгани қанча эди экан? Боринг, ана босмачиларнинг бешдан бири қирилган бўлсин. Унда қўлда

курол билан шўроларга қарши курашган босмачилар 600.000 кишини ташкил қилади-ку! Водий аҳолисининг ҳаммаси оёққа турган экан-да? Ундай бўлса, бутун халқни «босмачи» деб бўладими? Шўро ҳукумати ҳам халқнинг хоҳиш-иродасига қарши ўрнатилган экан-да?!

Фикрлашдан қочиш, «оч қорним — тинч қулогим» фалсафаси одамни лоқайд қилади. Фирқа арбоблари эса бундан фойдаланиб, оммани ўзларининг ногорасига истаганча ўйнатаверадилар. Ҳеч ким уларнинг мушугини «пишг» дейишга журъат қилолмай қолади. Қайта қуриш авж олган кезларда Сатин деган бир кимсани аллақердан топиб келиб, Тошкент шаҳар партия қўмитасига саркотиб қилиб қўйишди. Бу одамнинг ўзбекларда қасди бор эканми, ҳар қалай, кўп одамни қийратди. У одамларни айблаганда даъволарни қалаштириб ташлар, лекин далил-исботни ўйлаб ҳам ўтирмас эди. Бир куни, у катта бир йиғинда Тошкент дорилфунунини миллатчилик уяси сифатида таърифлади ва бунинг далилига «талабаларнинг 50 фоизи ўзбек экан» деган гапни айтди. На ўша мажлисда, на йиғиндан кейин биронта одам чиқиб, «дорилфунуннинг талабаларининг ярмини ўзбеклар ташкил этса, жуда оз экан, ахир, дорилфунун бошиданоқ маҳаллий миллат болаларига олий таълим бериш мақсадида тузилган» деган гапни айтмади. Шу тарзда Сатин ҳам миллатчиларни фош қилиш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Қайта қуриш даври кўп-да узоқ давом этгани йўқ. Аммо 5—6 йиллик қисқа муддат мобайнида нафақат Ленин тўғрисида, балки партиянинг бошқа дохийлари ҳамда партиянинг ўзи ҳақида шунақа ҳақиқатлар очилиб кетдики, улар эътиқодимизнинг қолган-қутганини ҳам барбод этди. Бу даврда эълон қилинган хужжатларда жинояткорлар бир тўда экани, 70 йил мобайнида дунёнинг олтидан бир қисмини ёвузлик салтанатига айлантиргани, одамларни имон ва виждондан, фаоллик ва ҳалолликдан маҳрум этгани узил-кесил исбот қилинди. Партия қулади. У елга учраган тутундай ғойиб бўлди. Ундан хотира сифатида мамлакат тарихида сира битмас бир яра бўлиб қора ўпқон қолди. Партия қулади-ю, унинг харобалари остида миллионлаб оддий партия аъзолари қолди. Мен шулардан бири эдим. Мен партия асоратидан қутулдим — эндиликда бўлар-бўлмас мажлисларда соатлаб қалалиб ўтиришларга, ҳисобот беришларга, ёлғон гапиришларга, ўзингда йўқ фази-

латларни сотишга, риёкорликка ҳожат қолмади. Аммо бу — 30 йил мобайнида вужудимга сингиб кетган парти-
явий иллатларнинг қўланса бўйидан буткул халос бўлдим, деган маънони билдирмайди. 30 йил давомида кўнглимга жо бўлган, онгимга ўрнашиб олган оғуларни Мустақиллик йиллари йўқ қилдим. Партия сафида ўтган 30 йиллик умримни сарҳисоб қилиб, «Нима орттирди-
му нималардан маҳрум бўлдим?» деган саволни қўйсам, орттирганим бир ҳовуч бўлса, йўқотганим тоғдай бе-
қиёс.

Мен партиёга жуда катта орзу-умидлар билан кир-
ган эдим. Мақсадим — мансаб эмас, имтиёзлар эмас, балки маслакдош дўстлар билан биргаликда улуг иш-
ларни амалга ошириш, маънавият юксакликларида пар-
воз қилиш, инсон деган номга доғ туширмай яшаш эди. Минг афсуски, бу орзулар ушалмади. Аксинча, партиё сафида юриб жиндай риёкор, жиндай алдамчи, жиндай иккиюзламачи бўлиб қолдим, меҳнат қилиш ўрнига ўзини меҳнат қилаётган қилиб кўрсатишни ўргандим, сафсатабозликка, кўзбўямачиликка кўникдим. Оскар Уайльд деган инглиз ёзувчисининг «Дориан Грейнинг портрети» деган ажойиб романи бор. Роман қаҳрамони Дориан Грей бўйи-басти келишган, ҳар қандай қиз бир кўрса ошику беқарор бўлиб қоладиган баркамол йигит. У мустақил ҳаётга энди қадам қўяр экан, Иблис билан учрашади. Иблис унинг имони эвазига то вафотига қадар навқиронлиги ва жозибаторлигини сақлаб қолиш-
ни ваъда қилади. Дориан рози бўлади — бутун умрини айшу ишратда, ҳузур-ҳаловатда ўтказди, у сира қари-
майди — умрининг охиригача ёшликдаги баркамолли-
гини сақлаб қолади. Ниҳоят вақти-соати-етиб оламдан ўтади. У ўлим тўшагида ётар экан, кўз ўнгида йиллар давомида шаклланган ҳақиқий қиёфаси намоён бўлади. Бу қиёфа одамни ижиргантирадиган даражада хунук — пешоналар тиришган, кўзлар чақчайган, пастки лаблар осилиб тушган, сўйлоқ тишлар йиртқич ҳайвонники-
дай туртиб чиққан... Ҳузур-ҳаловат, роҳат-фароғат, маи-
шатнинг баҳоси бу... Дориан Грейнинг ўлим тўшагида намоён бўлган асл қиёфаси — имонсизлик ва маънави-
ятсизликнинг қиёфаси. Мен партиё сафларида кечир-
ган ҳаётимга яқун ясамоқчи бўлсам, ҳар гал Дориан Грейнинг асл қиёфаси кўз олдимда гавдаланади. Партиё-
нинг сохта талаблари, шафқатсизлиги, ғайриинсоний-
лиги мени иккиюзламачи, риёкор қилди, имондан маҳ-
рум этди, қинғир йўлларга бошлади. Шундоқ экан,

нечук мен бундай партиядан кечмай? Нечук эътиқодимни ўзгартирмай? Бунинг учун мендан ҳазар қилиш керакми? Аксинча, мени ва менга ўхшаш бошқа миллионларни шу кўйга солган партиялар ҳазар қилмоқ керак эмасми? Ҳа, кўзлар жуда кечикиб очилди, ақл кечикиб кирди. Лекин мен кечикиб бўлса ҳам кўзим очилганига шукурлар қиламан. Компартия тарқаб кетганидан кейин янги партиялар тузилди. Мени ҳам улар сафига киришга таклиф қилишди. Аммо сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади. «Мени кўйинглар, биродарлар, — деб жавоб бердим, — партия билан бирга хато қилавериш жуда жонимга тегди. Келинг, энди бу ёғига адашсам, ўзим адашай, ўзим тузатай ва ўзим жавоб берай». Мендан сўрашлари мумкин — хўп, коммунистик эътиқоддан воз кечибсиз, бошқа партияларга киришдан бош тортибсиз, энди эътиқодсиз яшамоқчимисиз? Нега энди эътиқодсиз яшар эканман? Аксинча, бугун имоним бутроқ, эътиқодим мустаҳкамроқ бўлиб қолди. Бугун мен умумбашарий қадриятларга, яхшилиқка, ҳалолликка, диёнат ва инсофга кўпроқ сиғинадиган бўлиб қолдим. Менинг бахтимга, менга ўхшаган миллионларнинг бахтига жонажон юртимиз бошида мустақиллик байроғи ҳилпирай бошлади. Мустақиллик бизга эркинлик олиб келди ва шу билан бирга ҳар биримизга юксак масъулиятлар юклади. Энди биз теранроқ ва дадилроқ фикрлайдиган бўлмоғимиз керак, маънавиятимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Биз янги, мустаҳкам ва юксак имонга эга бўлмоғимиз даркор. Янги имонга эга бўлмоқ учун эса одам бутунлай покланмоғи шарт. Бунинг учун қолган умр етиб берса, бас!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
И. А. КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг қимматли вақтингизни олишдан хижолатда бўлсам-да, Сизга мактуб билан муурожаат қилмасликнинг имкони бўлмади. Сўнгги кунларда мен бениҳоя тўлқинланиб, ажойиб ҳисларга, ёрқин ҳаяжонларга тўлиб яшамоқдаман, яшайпман эмас, гўё юртимиз кўкида юксак-юксакларга парвоз қилиб юргандайман. Менинг 70 га киришим муносабати билан матбуотда мақолалар эълон қилинди, радио ва телевидение махсус кўрсатув ва эшиттиришлар уюштирди. 23 март куни эса жуда катта хушxabардан бошим осмонга етди — Сиз мени Ватанимизнинг энг нуфузли мукофотларидан бири бўлмиш «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлаш ҳақидаги Фармонга имзо чекибсиз. Бир неча кун ўтиб уйимизга мен учун гоятда қадрли совғаларингиз етиб келди. Ниҳоят, Ҳамза театрида катта издиҳом бўлиб, унда элу юрт кўз ўнгида менга олий мукофот топширилди.

Етмишга кирган одамнинг ўзини бахтиёр ҳис этмоғи учун яна нима керак? Афсуски, мен анча-мунча оғир дардга чалиниб қолганман, бироқ бу эътибору ардоқлар, ҳурмату иззатлар дардимни бир мунча аритгандай, умримга умр қўшилгандай бўлди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мен яхши биламан — менга кўрсатилган эъзоз ва эътиборнинг асосий сабабчиси — Сиз. Бунинг учун ўзим ва оиламиз номидан чексиз миннатдорчилигимизни қабул қилгайсиз.

Мен Сизни ўн йилдан бери шахсан таниш бахтига мушаррафман. Шу йиллар давомида неча марталаб меҳмурувватингиздан баҳраманд бўлдим, эъзоз-эътиборингиздан бошим осмонга етди. Мен кўп ўйладим — мен юртимизнинг оддий бир заҳматкаш зиёлисиман, нима сифатларим борки ёки қандай ишни дўндириб қўйибманки, Юртбошимизнинг бундай юксак эътиборига

сазovor бўлдим? Кейин амин бўлдим — буларнинг бари Сизнинг элу юртимизга, халқимизга муҳаббатингиздан бир нишона экан. Ахир, Сизнинг мурувватингиздан баҳраманд бўлган бир менми? Сиз юзлаб оддий одамларга мактублар йўллайсиз, совғалар юборасиз, турли саналар билан муборакбод қиласиз. Булар оддий одамлар учун бениҳоя қудратли мададир, бир умрга уларнинг кўнглини тоғдай кўтарадиган эҳсондир. Бағрикентлик, саховатпешалик, фуқаронинг пешонасини силаш, унга куч-қувват ва қанот бағишлаш фақат улўф юртбошиларга хос фазилатдир.

Сизни билган йилларимда Сиз кўз ўнгимда йирик давлат арбоби сифатида ҳам янги қирраларингиз билан намоён бўлдингиз. Сиз мустақиллигимизнинг меъмори-сиз. Мустақиллик туфайли юртимиз дадил ўсиш йўлига қадам қўйди, юртимиз билан бирга эса Сиз ҳам олий иқтидорли сиёсатчи, доно юртбоши сифатида улғайдингиз ва камолотга етдингиз.

Афсуски, қисқа мактубда Сизнинг ҳамма фазилатларингизни санаб чиқиш қийин. Лекин бир сифатингизни айтмай илўжи йўқ — Сиз бағри кенг, серсаховат бўлишингиз билан бирга жуда довюрак, жуда матонатли инсон ҳам экансиз. Ахир, қайси Президент ўзига суиқасд қилинган жойга ярим соат ўтмай етиб бориб, ўша ерда аҳволни таҳлил қила олади ёхуд ўша кўннинг ўзида мажлис ўтказа олади?

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Айтай десам гапим кўп, лекин шундай ҳам мактуб чўзилиб кетди. Яна бир карра Сизга чексиз миннатдорчилигимни изҳор қиламан. Юртимиз бахтига, биз — зиёлилар бахтига ҳамиша омон бўлинг, бакувват эътиқод ва юксак қатъият билан жонажон Ўзбекистонимизни буюк келажак сари бошлайверинг.

Озод ШАРАФИДИНОВ

«ХАЛҚ СЎЗИ» газетаси, 22 апрель 1999 йил

ЁНГАН ЧИРОҚЛАР ЁХУД БАХТЛИ ЛАҲЗАЛАР

Чўлпон «Улуғ ҳиндий» мақоласида ўзи билан олдин-ма-кейин адабиёт майдонига кириб келганлар ҳақида: «Боту, Ғайратий, Олтой, Ойбек, Жулқинбойларни ўқиймен, қувонтирадир, холос! Улар менинг учун ёнган чироқлар...», — деб ёзган эди. Ёнган чироқ... Инсон умри давомида не-не одамларни учратмайди, не-не одамлар билан турлича муносабатга киришмайди... Лекин шу одамлардан қанчаси ёнган чироқ бўлиб, нур бўлиб қалбда сақланиб қолди? Инсон умри, гарчи у бир асрнинг нари-берисида бўлса ҳам, лаҳзалардан иборатдир. Шу лаҳзаларнинг қанчаси уйқуда, нафс ғамида, руҳий-жисмоний азобларда ўтдию, қанчаси тирик қолди — қалбнинг ардоқли меросига айланди. Бизда минглаб латифалар бор. «Насриддин афанди бир куни...», — дея латифа айтмаган ўзбекни топа олмайсиз. Миллионлаб ўзбек айтадиган юзлаб латифалар орасида битта зўр «Афанди» бор: «Афанди бир куни қабристонни зиёрат қилибди. «Фалончи фалон йили туғилди, фалон йили вафот этди, аммо бир йил (икки, уч...) йил яшади», — деган ёзувлар деярли ҳар бир қабрда бормиш. «Мен ўлсам: «Фалончи йилда туғилди, фалончи йилда ўлди, аммо бир кун ҳам яшамади», — деб ёзинглар», — деган экан Афанди. Жиддийроқ ўйлаб кўрилса, инсоннинг бахтли онлари икки-уч йилга ҳам бормайди. Қолаверса, умри давомида, боринги, юз бор 10—15 лаҳза давом этган қувонч, бахтни ҳис этган одам: «яшадим, умримдан розиман», — деса арзийди. Шарт шуки, ўша юз бор бир неча лаҳза давомида рўй берган ҳолат қалбнинг машъали бўлсин; инсон ўша онларнинг ҳар бири ҳақида тўлиб-тошиб, энтикиб гапирсин; ижодкор ҳар бир бахтиёр дамлар ҳақида асарлар ёзсин — авлодларга тирик фурсатлар ҳақида УЛКАН ГАП айта олсин. Умрининг безағи — тирик лаҳзалари ҳақида инсон ҳаммиса ҳузурланиб хаёлга чўмади. Улар ҳақида худ-бехуд гапираверишни истамайди.

Инсон ҳаётини тоғу тошлари, серсув, шўх дарёлари, ястаниб ётган водийлари, қир-у ўрлари бор юртга қиёслаш мумкин. Умрнинг кузи келиб, қорли-қировли киши яқинлашга, инсон ортга — ёз, баҳор фаслларига синчков назар ташлайди: ҳисоб-китоб қила бошлайди. 50, 60, 70... ёш — чегарачиларнинг назорат мезаналари, мисоли. Озод Шарафиддиновнинг эллик ёшлари муносабати билан ўтказилган йиғилиш бугун Қаршида ўтган бўлса, эртасига Фарғонада, икки-уч кундан кейин Бухоро, Самарқандда, қўйинг-чи, Ўзбекистоннинг жуда кўп туман, вилоятларида ўтди. Озод акага ҳамроҳ бўлган ижодкорлар, шоғирдлар чарчаб қоларди, аммо Домла юриб чарчамас, учрашувлардан толиқмас эдилар. Озод ака тиним билмай ниманидир излардилар, нимагадир интилардилар, руҳларида бесаранжомлик бор эди. Эҳтимол, Устоз инсон орзу қиладиган бир қанча он давом этадиган хузурни, бахтни излагандирлар. О. Шарафиддиновнинг 60 йилликлари расмана нишонланмади. Домла узоқ касал бўлдилар. Орадан уч йил ўтгач, Озод ака юртга ош тортдилар. Узоқ-яқиндан тўйга ташриф буюрганларни Устоз эғниларида ўша пайтда расм бўлган ялтироқ тўн, бошларида дўппи билан кутиб олдилар, кузатдилар. Тўйга вилоятлардан, олис-олис шаҳарлардан тумонат одам келди. Лекин барибир Озод аканинг кўнглилари тўлмаётганлиги, сал бўлса-да, сезиларди. Гарчи бу пайтда Озод аканинг ўғил-қизлари ёнларига кирган, неваралар атрофларида парвона, шоғирду ҳам-касблар хизматда эди.

Озод Шарафиддиновнинг 70 йиллик юбилейлари 1999 йил 16 апрелда «Ҳамза» театрида нишонланди. Саҳна очилганда Озод ака, Шарофат опа ён-верлари гулларга бурканган ором курсиларда ўтиришарди. Саҳна очилиши билан театр залини тўлдириб ўтирган кишиларни аллақандай руҳ чулғаб олди: халқ тик туриб Озод акани қутларди. Саҳнадаги икки нуруний инсон ўтирган жойларида халққа миннатдорчилик билдирар, қўллари кўксиларига қўйиб таъзим қилар эдилар. Озод акани табриклаб сўзлаганлар ўзбекона одоб, лутфни ўрнига қўйдилар. Эркин Воҳидов Озод аканинг 45 йил олдинги ҳаётларига оид воқеаларни ўрнига қўйиб гапириб берди. Залда қаҳқаҳа янгради. Абдулла Орипов табрик сўзини тугатди-да, Озод аканинг елкаларига бошини қўйиб турди. Ўткир Ҳошимов гапириб бўлди-да, Озод аканинг қаршиларига келиб тиззалаб ўтирди, устознинг қўлларини кўзларига суртди. Булар — мангу

лаҳзалар эди. Озод ака 70-йилликлари ўтказилган вақтнинг ҳар бир лаҳзасида яшадилар, яйрадилар. У кишининг юз, кўзлари шундай файзли нурга чулгандики, уни сўз билан ифода этиб бўлмайди. Озод ака юбилей тантанаси пировардида сўзладилар: айтилаётган ҳар бир сўз, ибора, гапда қониқиш ҳисси, миннатдорчилик туйғуси бор эди. Юбилей тантаналаридан 3—4 кун ўтгач республика марказий газетасида Озод Шарафиддиновнинг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ёзган мактуби чоп этилди. Унда бахтиёр инсоннинг дил сўзлари ўз ифодасини топган эди (Китобда О. Шарафиддиновнинг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга йўллаган мактуби чоп этилмоқда — А. Р.).

Юбилей — фаройиб ҳодиса. У лакмус қоғози мисоли, инсон моҳиятини юзага чиқаради. Айримларни йўқ ором курсига ўтқазиб, йўқ саруполарга буркаб ташлайди. Тагида ором курсиси бўлмай туриб ялпайиб ўтирган одамни, шир яланғоч-у ўзини шоҳона кийимларда тасаввур қилаётган кишини кўз олдингизга келтиринг: нақадар аянчли ҳолат. Озод Шарафиддиновга юбилей куч-қувват, саломатлик, муҳими, руҳий тетиклик бахш этди. Озод домла бир ярим йил ичида муҳаррир, таржимон, ёзувчи — бадианавис, мунаққид, жамоат арбоби сифатида шунчалик иш қилдиларки, куч-қувватга тўлган ёш йигит ҳавас қилса арзийди. 2000 йилнинг ўзида О. Шарафиддинов Чархий Домла («Жаннати одам эди», «Ёзувчи» газетаси, январь), Аюб Фуломов («Тил илмининг дарғаси», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 21 январь 2000), Ингеборг Балдауф («Қалбимизга яқин олима», «Ёзувчи» газетаси, 9 июнь 2000), Зоҳиджон Обидов («Шундай шоир яшаган эди», «Тошкент оқшоми», март, 2000), Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор («Бағримиздаги буюклар», «Ўзбекистон овози», 7 сентябрь 2000), Пиримқул Қодиров («Ёзувчи» газетаси, июн, 2000) сингарилар ҳақида мақолалар ёзди.

Озод Шарафиддиновнинг америкалик футуролог — олим Элвин Тоффлернинг «Учинчи тўлқин» китоби ҳақидаги таҳлилий тақризи («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 18 август, 2000) каттадан кичик зиёлига кучли таъсир этди.

О. Шарафиддиновнинг мақолалари, уларнинг қаҳрамонлари ҳақида ўйлар эканман, бир қанча хулосаларга келдим. Биринчидан, Озод Шарафиддинов умрининг мазмунли, тирик лаҳзаларини мақола — бадиаларида шакллантиряпти. Асқарали Чархий тўғрисидаги мақола-

да жуда катта гап йўқ. О. Шарафиддинов камтарин инсон Чархий билан учрашув дамларида туйган мунир лаҳзаларни ёдга оладилар, холос. Лекин шу лаҳзалар мазмуни бекордан-бекорга ўтказилган йиллардан аъло, залворли. Аюб Фуломов тил илмининг дарғаси, ўзига хос сиймо, ўта маданиятли инсон эди. Озод Шарафиддинов қалбларига муҳрланган, ўчмас из қолдирган Аюб Фуломов ҳақида, бетакрор йўсинда ҳикоя қиладилар. Озод ака бирдан машҳур танқидчи, моҳир педагог, уста таржимон бўлиб қолмаганлар. Пиримқул Қодиров ҳақидаги мақолани ўқиб, «Уч илдиз», «Юлдузли тунлар», «Авлюдлар довони» сингари ўлмас асарлар муаллифига бўлган ҳурматим ортди. Пиримқул ака, ўйлаб кўрсак, устозимизнинг устози эканлар. П. Қодиров тўфайли Озод ака адабий жараёнга аралашган, танқидчи сифатида шакллана борган эканлар.

Дейлик, Чархий домла — мумтоз адабиётнинг кенжа вакили тийнатида Муқимий, Фурқат, Ҳамзага хос сифатларни сақлаб қолган мавлоно сифатида; Аюб Фулом филойи, истеъдодли олим қиёфасида; Пиримқул Қодиров адабиёт муҳиби, жонли адабий жараённинг жонкуяри сифатида Озод ака қалбида ўчмас чироқ бўлиб қолибди, узоқ Олмонияда яшаган, Хумбольт университети қошидаги илмий-текшириш марказида фаолият кўрсатаётган увовқина аёл — Ингеборг хоним қайси жиҳати билан О. Шарафиддинов қалбини ром этди? Ингеборг Балдауф хонимда О. Шарафиддинов ҳақиқий олимларга хос синчковликни, саранжом-саришталиликни кўрди, унга ҳавас қилди.

О. Шарафиддинов мақола-бадиалари фақат бир рангда эмас: муаллиф ўз қаҳрамонининг салбий томонларини ҳам аёвсиз кўрсатади. Аюб Фуломов домлада аллақандай биқиклик бор эди. Зоҳиджон Обидов мисоли бир қоп ёнғоқ эди: қаҳқаҳаси ўзига хос, латифалари қизиқарли... Лекин умрининг поёнида у кишида ёмон бир иллат пайдо бўлди. О. Шарафиддинов З. Обидов ҳаётининг ачинарли якуни ҳақида гапирар экан, одам яхши ишининг ажрини, ёмон ишининг жазосини олишини кўрсатади.

О. Шарафиддинов, гарчи битта одам ҳақида ёзса-да, кўпчиликка ибрат бўладиган хулосаларни чиқаради. О. Шарафиддинов яхшилик ўлмади, элга-юртга хизмат қилган одам завол кўрмади, деган гоёни «Буюқларимиз бағримизда» мақоласида аниқ-тиниқ кўрсатади. Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳорларнинг ҳаётдан

кетганларига 35 йил бўляпти. Аммо янги авлод бу Буюкларни қайтадан кашф қиляпти. Муҳими шундаки, халқ ўз тақдирига, келажагига эга бўлса, эзгуликларни унутмас экан.

Озод домла ҳақидаги яна бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман. Домла хонанишин бўлиб қолдилар. Лекин у кишининг файзли хонадонларидан мухлислар, шогирдлар қадами узилмайди. Устоз, эҳтимол ҳар бир меҳмонга ош-сув қилмаслар, лекин бу қутлуғ хонадонга қадам ранжида қилган инсон борки, ўз имкониятига кўра, ҳаёт, адабиёт, одамлар тийнати ҳақида албатта янги бир фикр олиб кетади. О. Шарафиддинов аввалги пайтлардагидай кўп вақтларини китоб дўконларига бориш билан ўтказмайди. Лекин, ажабо, қаерда янги, оҳорли китоб чиқса, О. Шарафиддинов домлани «излаб топади».

Домланинг хонадонларига қачон ташриф буюрмайлик, дунёнинг турли бурчакларида чоп этилган китоблар ҳақида ё хабар топамиз, ё ўша китобларни кўрамиз.

Ниҳоят, О. Шарафиддинов домла пир-бадавлатлик босқичига ўтдилар. У зотни тавоф айлаган киши борки, мунир, бахтли лаҳзалардан баҳраманд бўлади.

Озод Шарафиддинов ҳозир кам юради, ўқувчилар билан кам учрашади, талабаларга маъруза қилмайди. Лекин олим-адабиётшунос асарлари халқ орасида кенг тарқалган: ўзбек адабиётини юракдан севадиган мухлиснинг уйида — китоб жавонида О. Шарафиддиновнинг ҳеч бўлмаганда битта, иккита асари борлигига ишонаман. Бирон кун йўқки, О. Шарафиддинов асарлари — адабий портретлари, бадиалари, мақолалари, таржималари ўқилмасин, муҳокама қилинмасин. Олим-адабиётшунос асарларини қидириб, излаб ўқийдиган, ҳақиқий мухлислар кўп: улар О. Шарафиддиновга мактублар битадилар, у билан матбуот воситасида фикрлашадилар. Мамлакатимизда, дейлик, ўнта ҳақиқий китоб шайдоси бўлса, шубҳасиз, улардан биттаси О. Шарафиддиновдир. Олим вақти-вақти билан китобхонлик муаммолари ҳақида мақолалар ёзади: қизгин баҳс—мулоҳазаларни бошлаб беради.

Озод Шарафиддинов яратган олтита адабий портрет — «Чўлпон», «Абдулла Қаҳҳор», «Мақсуд Шайхзода», «Миртемир», «Асқад Мухтор» ва «Ўткир Ҳошимов» мамлакатимиздаги университетлар, педагогика институтлари бакалавр даражасини олувчилар учун ту-

зилган дарсликка («Тошкент, «Ўқитувчи» — 1999) киритилган. Бошқача айтганда, Озод Шарафиддинов асарлари мамлакатимиздаги толиби илмларга расман ўқитилади, ўргатилади. Устоз О. Шарафиддинов дарслик, «Янги ўзбек адабиёти тарихи»ни яратишда бой тажрибага эга. 1962 йилда чоп этилган «Ўзбек адабиёти тарихи очерки»да О. Шарафиддиновнинг «Мақсуд Шайхзода», «Миртемир» адабий портрети чоп этилган эди. Шундан бери О. Шарафиддинов шарҳ-тадқиқотлари, адабий портретлари бир неча бор чоп этилган «Ўзбек адабиёти тарихи»дан жой олди.

Дарслик яратиш, дарсликда адабий портрет, шарҳ-мақолалар билан иштирок этиш ўта масъулиятли ишдир. Дарслик яратувчи ўзлаштириш ёхуд рецептив эстетика қонуниятларини мукамал ўзлаштирган бўлмоғи жоиз. Ўзлаштириш — ўқиш, уқиш, ўрганиш ҳолати. Дарслик — давлат томонидан тасдиқланган расмий асар. Дарслик яратувчи кимни, қандай ўқитиш масаласини чуқур англаб етган бўлмоғи зарур. Дарсликка ҳақиқий истъдод эгалари сиймо-фигура сифатида киритилишлари, уларнинг энг етук, онтологик имконияти кенг асарларигина ўзлаштириш учун ҳавола қилиниши керак. Дарслик муаллифи адабий сиймонинг бетакрор томонларини, асарларидаги мангу яшаб қоладиган ўқилдиэларни талқин этиб бермоғи лозим. Дарсликка киритилган материал-даврлар шарҳи, адабий портретлар, талқин қилинган асарлар ўқувчи-ўзлаштирувчига фикрлаш, тафаккур қилиш имкониятини бериши асосий шартлардан ҳисобланади. Озод Шарафиддинов бакалавр-талабалар учун тузилган дарсликка олтига истъдодли ёзувчи портрети билан иштирок этган. Чўлпон ижоди билан танишган талаба гўзалликка ошно бўлади, чин поэзия қандай бўлишлигини ҳис қилади. Абдулла Қаҳҳор асарлари бадийлик сир-асрорларидан хабардор қилади. Мақсуд Шайхзода ва Асқад Мухтор асарлари — бадий адабиёт тафаккур ёлқини, нафис фикрлашнинг ёрқин мисоли эканлигининг намунасидир. Миртемир асарларидаги ҳар бир сўз қоронғу кечада нур таратиб турган юлдуз, мисоли. Ҳар бир сўз — юлдузда ўзбекнинг ўзлиги, бетакрор хусусияти акс этади.

Ўткир Ҳошимов — насрнинг шоири. Китобхон Ўткир Ҳошимов асарлари орқали наср нафосатини, тароватини ҳис этади. Иккинчидан, Ўткир Ҳошимов ўз ижодида бадий публицистика обрў-эътиборини орттиради. Унинг

публицистик мақолаларидаги ҳар бир сўз, мисоли, ўқ— куйдирувчи, ёндирувчи восита. У. Ҳошимов асарларида нафосат ва жасорат бирбутунлик, яхлитликни ташкил этган.

О. Шарафиддиновнинг қаҳрамонлари бадиий ижод завқини ҳар нарсадан устун қўядилар. Чўлпоннинг қисқа умри тўс-тўполон, алғов-далғов, тазйиқу ғийбатлар гирдобидида ўтди. Унинг энг хузурбахш онлари ижод жараёнида кечди. Абдулла Қаҳҳор одамлардан кўрган алам-хўрликларини меҳнат жараёнида унутди. Китобхоннинг асарни ўқиб туриб қаҳқаҳа отиб, ўзини тўхтата олмай баралла кулиб юбориши ёзувчи учун олий мукофот эди. Дарвоқе, М. Шайхзода ҳам, Миртемир ҳам унвонлару ҳар хил нишонлардан йироқ бўлди. Улар ҳам барча завқни, хузурни ижоддан топдилар. Асқад Мухтор унвону нишонлар йўқлигиданмас, ҳақиқий, содиқ дўстлар йўқлигидан зорланиб ўтди. Ўткир Ҳошимовни жуда яхши биламан: у янги асарни ёзиб бўлганида ниҳоятда файзли бўлиб кетади, шундай ҳазиллар қиладики, одам яйраб-яйраб кетади. Хуллас, ижод — яратиш ҳаётининг бош мақсади бўлган ёзувчилар ҳақида ёзиш, ёзилган материалларни дарсликларга киритиш улкан савоб, муҳими, маърифий юмушдир.

Озод Шарафиддинов яратган адабий портретлар — олий ўқув юртлари дарслигининг материаллари талабаларни ўйлашга ундайди, ўзлаштириш ҳолатининг хузурини ҳис этишга йўналтиради.

Озод Шарафиддинов дарслик яратиш, дарслик учун адабий портрет, шарҳлар ёзиш машқини чуқур ўзлаштирди. Ўйлаймизки, Домла яратилажак дарсликларга ҳам пишиқ-пухта портретлар, адабий шарҳлар ёзиб беради.

Озод Шарафиддинов, Элвин Тоффлер назариясига кўра, иккинчи тўлқин — илмий-техника тараққиёти даври кишиси. Бу давр одамлараро алоқа турларини кўпайтирди. Ўнлаб кинофильмлардаги қаҳрамонлар, Озод Шарафиддинов таржималари боис, ўзбек томошабинига ўзбек тилида равон, ширали гапиряпти. Устоз О. Шарафиддинов сценарийлари асосида «Чўлпон» ва бошқа ҳужжатли фильмлар суратга олинди. Ниҳоят, радио ва телевидение туфайли Озод Шарафиддинов ўз халқи билан бот-бот учрашиб, суҳбатлашиб туради. Одамни халққа танитишда телевидениенинг ҳиссаси беқиёс. Ўзбек телетомошабини борки, Озод Шарафиддиновни ақлли, фикрловчи, гаплари бурро, гапириши ёқимли

сиймо сифатида танийди. Айтиш мумкинки, ўзбекнинг каттаю кичиги Озод Шарафиддиновни устоз, серфайз инсон сифатида танийди. Устоз баъзи сабабларга кўра телеэкранда камроқ кўриниб қолсалар, кўча-кўйда, тўй-томошаларда шогирдларга ҳам тинчлик йўқ: «Нега Озод Шарафиддинов домла телевизорда кам кўриняптилар? Соғлиқлари яхшими? Айтиб кўйинг, кўриниб турсинлар, соғинтириб кўйдилар...»

Одам учун одамлар қалбига кириб бориш, унинг учун ёнган чироққа айланишдан ортиқ бахт борми?! Халқ қалбига кирган, одамларга тилига тушган Сиймонинг умр лаҳзалари доим мазмунли, барҳаёт бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Ота-она қаерда, қандай лавозимда ишлаганидан қатъи назар пайти келиб фарзандларга суяниб қолади. Фарзанд камоли, эл-юртдаги обрў-эътибори ота-она қалбини тоғ қилади. Озод ака ва Шарофат опа — фарзандлардан ёлчиган ота-онадирлар. Қизлари Муҳаббат Шарафиддинова — филология фанлари номзоди, доцент. У ҳозирги пайтда докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда: рус-ўзбек адабий алоқалари ҳақида мақола — тадқиқотлар яратмоқда. Катта ўғиллари Шерзод — шарқшунос. Кичик ўғиллари Алишер Шарафиддинов Ўзбекистон Мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвонига сазовор бўлди. Озод аканинг икки набиралари уйли-жойли, бола-чақали. Катта набира бобоси йўлидан боряпти: ўзбек адабиётшунослиги соҳасида илмий изланишларни давом эттиряпти.

Эл-юрт ардоқлаётган, фарзандлар ҳаётда ўз ўрнини топаётган, илмий-ижодий ишлар давом этаётган, муҳими, янгидан-янги илмий, бадий асарлар мутолаа қилинаётган бўлса, инсон қалбидаги чироқ янада пориллаб ёнмайдими, умр лаҳзалари мангулик, барҳаётлик касб этмайдими?! Ҳар кимга ҳам Озод аканикидай кексалик, пиру бадавлатлилик насиб этсин.

МУНАҚҚИД, МУТАРЖИМ

(Сўнги сўз ўрнида)

Бундан ўн-ўнбеш йил муқаддам ўзбек танқидчилиги майдони гавжум, серғалаён, баҳсу мунозараларга тўлиқ эди: каттаю кичик мунаққидлар фаол ҳаракат қиларди. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида Раҳмон Кўчқор, Янгар Қосимов, Сувон Мели, Аҳмад Отабой, Абдулла Улуғов, Баҳром Рўзимухаммад, Улуғбек Абдуваҳоб, Раҳимжон Раҳмат, Холли Норбой сингари ёшлар ижод қилмоқдалар. Умарали Норматов, Наим Каримов, Ҳафиз Абдусаматов сингари устозлар мақолалари босилиб турибди. Шукур Холмирзаев, Машраб Бобоев, Йўлдош Эшбек сингари ижодкорлар адабий жараённи таҳлил-талқин қилишга ҳисса қўшмоқдалар. Профессор Нўмон Раҳимжоновнинг мақолалари диққатни жалб этмоқда.

Кечаги фаол танқидчилардан Матёқуб Қўшжонов, Бахтиёр Назаров, Озод Шарафиддинов, Салоҳиддин Мамажонов, Собир Мирвалиев, Иброҳим Ғафуров, Маҳкам Маҳмудов, Аҳмад Аъзам, Исмоил Тўлаков, Раҳимжон Отаев сингарилар бадий ижод, соф адабиёт-шунослик, таржимонлик, журналистлик, ноширлик соҳасида фаолият кўрсатмоқдалар.

Уйлаб кўрилса, кечаги танқидчилик билан бугунги адабий танқид орасида ер билан осмонча фарқ пайдо бўлганлигини англаш мумкин. Аввало, адабий танқид энди-энди ўзининг асл вазифасини бажара бошлади. Иккинчидан, адабий танқид методологияси, фалсафий асоси ўзгарди. Учинчидан, бугунги ўзбек танқидчиси қарашлари, тушунчалари жаҳон эстетикасидаги етакчи тушунчаларга ҳамоҳанг. Танқидчиликни ҳаракатга келтираётган назарий қараш, инсон моҳиятини англашдаги тушунчалар миллий, ҳудудий тўсиқни тан олмайди. Адабий танқид ҳамма ерда инсоннинг моҳияти, қарашлари, руҳияти қандай акс этаётганлигини, ижтимоий муҳитни ҳисобга олган ҳолда, акс эттирмоғи жоиз. Шўро даврида ҳам адабий танқид «жамиятнинг интеллектуал

тараққиёти кўрсаткичи», «ҳаракатдаги адабий, эстетик қараш», «санъатнинг узлуксиз ишлайдиган онги», «ловуллаб ёниб турувчи гўзаллик олови», «бебошвоқ ҳисларни, мудроқ туйғуларни ақл нури-ла ҳаракатга келтирувчи куч» эканлиги таъкидланарди. Лекин моҳиятан адабий танқид коммунистик мафқуранинг бадиий ижод жабҳасидаги назорат таянчи — кўзи, қулоғи, ақл-идроқи эди. Маълумки, коммунистлар фирқаси Марказий Кўмитаси 1925 йилнинг 18 июнида «Партиянинг бадиий адабиёт соҳасидаги сиёсати» номли қарорини қабул қилган бўлиб, унда адабий танқид партия ихтиёридаги тарбиявий воситалардан асосий эканлиги уқтирилганди. Адабий танқид коммунизм ғоясидан, йўқсил мафқурасидан қилча ҳам чекинмагани ҳолда, бадиий адабиётдаги аксилинқилобий кайфияту хатти-ҳаракатларга қақшатқич зарба бериши шартлиги таъкидланганди. Шўро адабий танқидчилиги коммунистик тузум парчаланиб кетгунича ўз вазифасини адо этиб келди. Коммунистик мафқура асосчиларидан бири А. Луначарский «Марксча танқиднинг вазифалари ҳақида тезислар» («Новый мир» журнали 1928, 6-сон) мақоласида Марксча-мунаққид ёзувчининг, китобхоннинг устози эканлигини аниқ-тиниқ ифодалайди. Устозлик, аввало, марксизмни мукамал ўзлаштирганликда, унга ҳамиша риоя қилишликда кўринади. Шунингдек устоз нозик дид-фаросатли, билимли бўлишлиги таъкидланади. Озод Шарафиддинов «Чўлпон», «Чўлпонни англаш» китобларида на марксизмни мукамал ўзлаштирган, на ўзининг изчил қарашларига эга бўлган қанчадан-қанча танқидчиларнинг замонасозлигини, сиёсат куйига монанд муқом қилганлигини кўрсатади. Танқидчи тўғри таъкидлаганидек, оқ билан қорани аниқ-тиниқ фарқлайдиган, ҳақиқий асарни сохтасидан бехато ажратадиган олим-танқидчилар ҳам сиёсатга, замона зайлига қараб иш қилдилар.

Шўро адабиётида ғайритабиий бир ҳолат рўй берди: адабий танқидчи ҳам ёзувчи деб қарала бошланди. Танқидчининг қандай ижодкор эканлиги ҳақида ўйлаб кўрилмади ҳам. Натижада, 60-70 йилларда адабий танқид фанми, санъатми деган масала ўта жиддийлик билан муҳокама қилина бошлади. Адабий танқидни бадиий адабиёт тури деб қаровчилар битта муҳим ҳужжатни дастак қилиб олдилар. Маълумки, 1934 йилда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ ёзувчиларининг I съездида қабул қилинган низомга кўра «Социалистик реализм шўро

чукур таҳлил қила билиши, асардаги воқеа ва ҳодисаларни, характерларни ҳаёт ҳодисалари билан, ҳаётдаги жонли одамлар билан таққослай билиши ва бу таққослардан жамият ҳаёти учун зарур ҳамда фойдали хулосалар, умумлашмалар чиқара олиши керак. Ниҳоят, танқидчилик истеъдодининг учинчи унсури сифатида сўз санъатига нисбатан эҳтиросли, оташин муҳаббатни айтиш мумкин. Танқидчи бўлишни истаган одам адабиётни бутун вужуди билан севиши, унга сидқидилдан фидойидик билан хизмат қилиши лозим». (Талант—халқ мулки» китоби, 1979, 174-176-бет).

Мунаққид ўз илдизи китобхонлар орасида эканлигини, унинг фикр-мушоҳадалари аҳли дарк — бадий асар руҳи, моҳиятини нозик англайдиганлар билан биргалигини ҳис этади. Мунаққид фаолияти китобхон дидини тарбиялашга хизмат қилади, аниқроғи, адабий танқидчи фаолияти кўпроқ малакали, мушоҳадали китобхонни тарбиялашга йўналтирган бўлади. Китобхон ва танқидчи бир дарахтнинг меваларидир. Бадий асар қанчалик мукамал яратилган бўлса, устига устак танқидчи томонидан талқин қилиб берилган бўлса, ундай асарнинг китобхон томонидан ўзлаштирилиши осон кечади, маданий—адабий муҳитдаги умри узайган бўлади. Борди-ю, асар заифроқ яратилган бўлса ҳам, танқидчи талқини, таҳлили ўша асарнинг ўрнини беҳато белгилаб беради.

Бадий асар маъно-моҳиятини англашда ижодкор руҳига кира билиш, унинг кечинмаларига кечинмадош бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Танқидчида кечинмадошлик қанча кучли бўлса, ўзлигини намоён этиш шунча осон бўлади. Асарни ич-ичидан англаш ҳеч қачон ижодкор кечинмаларининг такрори эмас. Кечинмадошлик, аслида танқидчи (китобхон) ижоди, бетакрор мушоҳадасидир. Жаҳон адабиётининг ўлмас асарлари ҳамisha янги талқинлар уфқини очиб беради. Улар бизни матн-мураккаб қурулма сифатида эмас, тарихан мангу ва очиқ маъно-мазмун манбаи сифатида ўзига жалб этади. Бошқача, айтганда, бадий маъно ва қадрият муаммоси онтологик қурилманинг сирлари, ички алоқадорлиги масаласига уланиб кетади. Бадий матн ўзгармагани ҳолда ўлмас асарлар қандай қилиб замонлардан-замонларга ўтиб юраверади? Қандай қилиб бир миллат вакили томонидан ўша миллат тилида яратилган матн байналмилаллик даражасига кўтарилади, умуминсоний маъно-қиммат касб этади? Онтология фани

бадий адабиёти ва адабий танқидининг асосий методи бўлиб, санъаткордан воқеликни инқилобий тараққиётда ҳаққоний, тарихан аниқ тасвирлашни талаб этади. Айни пайтда воқеликни ҳаққоний ва тарихан аниқ бадий тасвирлашга меҳнаткашларни социализм руҳида ғовий қайта қуриш ва тарбиялани вазифаси билан бирлаштириш лозим».

Эстетика нуқтаи назаридан қараганда бадий ижод ва адабий — танқидий фаолиятнинг мақсади муштарак: китобхонга мукаммал бадий асарни бериш, унинг маъносини ёритиш, ҳақиқий баҳосини аниқлаш. Лекин бадий ижоднинг ўз қонун-қоидалари бўлганидай, танқидий тафаккурнинг ҳам ўз йўриқ-йўсини мавжуд. Ижодкор ва танқидчи фаолиятида бир-бирини тўлдирадиган томон бор. Ёзувчи бадий матнни яратади. Танқидчи ундаги камчиликларни кўрсатади, муҳими, ёзувчи матнидаги гўзалликларни кашф этади. Натижада, матн бадий асарга айланади. Бадий асарнинг ижтимоий моҳияти, китобхон томонидан тўлдириладиган асоси танқидчи фаолиятига боғлиқ. Бошқача айтганда, танқидчи талқини, баҳоси асарга «бадий олам фуқароси» ёрлигини беради. Шундай қилиб, ёзувчи-ижодкор ҳам, танқидчи—талқинчи ҳам катарсис—руҳий-маънавий покланувга хизмат қилади. Мақсад томон ҳар қайси ижодкор ўз йўли билан боради. Бадий ижод жараёнида ғайришуурийлик, савқитабийлик етакчилик қилади. Адабий—танқидий фаолиятда, аксинча, онглилик, мантиққа риоя қилиш илғорлик қилади. Мана шу ўзига хослик бадий ва танқидий ижодни ўзаро яқинлаштиради.

Озод Шарафиддинов «Танқидчилик касби ҳақида» мақоласида ёзади: «Истеъдодсиз ёзилган танқидий мақолалардан фойдадан кўра кўпроқ зарар келади. Бу ўринда табиий савол туғилади: хўш, танқидчи истеъдодини қандай тушуниш керак? Танқидчи таланти нима дегани? Бу саволга жавоб бериш унча мушкул эмас. Менимча, танқидчи таланти уч унсурдан ташкил топади. Буларнинг биринчиси адабиётдаги гўзалликни, ғоявий ва бадий бойликни ҳис қила билишдир. Бошқача қилиб айтганда, танқидчи бўлишни истаган одамда, биринчи навбатда, эстетик туйғу бениҳоя ўткир бўлиши лозим, у санъат гўзаллигини нозик ҳис қила билиши, бадий адабиётдан чинакамига завқлана олиши шарт. Танқидчи истеъдодининг таркибига кирувчи яна бир унсур фикрлаш қобилиятидир. Танқидчи ўқиган нарсаларини

мангу яшаш ҳақидаги қарашларни изчил ҳолда ифода-лайди. Онтология бадий асарнинг яшовчанлигини, унинг табиатидаги ички ҳаракат-зиддиятлар курашига асосланган руҳий қурилмани назарда тутди. Онтология китобхон (мунаққид, мутаржим) истеъдодига, ижодкорлик уқувига боғлиқ. Китобхон, мунаққид, мутаржим ўлмас асар руҳига қанча чуқур кириб борса, ундаги ҳаётийлик, жонлилик, таъсирчанликни шунчалик ёритиб беради. Биз мунаққид фаолияти билан таржимон ижоди аро боғлиқлик ҳақида гапира бошладик. Бу икки соҳа бир-бирига жуда боғлиқ. Мунаққид асар ҳақидаги қарашлари, тушунчалари, таассуротлари ҳақида очиқ матн билан ёзади. Мутаржим асар ҳақидаги қарашларини таржима сатрларига, остки маънога сингдиришга интилади. XX аср ўзбек адабиётида учта ижодкор борки, улар ҳам мунаққидлик, ҳам таржимонлик билан шуғулланганлар. Чўлпон Шекспир, Пушкин даҳоси ҳақида ёзган, уларнинг асарларини таржима қилган. Озод Шарафиддинов ва Иброҳим Ғафуров танқидчилик касби сир-синоатларини қанчалик ўзлаштирган бўлсалар, таржима соҳасининг ҳам етук мутахассисидирлар. Гап Озод Шарафиддинов ижоди устида бораётганлиги учун биз шу ижодкор таржималари хусусида фикр-мулоҳаза юритамиз.

Озод Шарафиддинов мунаққидлик ва мутаржимликни ҳамиша бир йўла давом эттирган. Унинг таржимасида ўнлаб асарлар ўзбек китобхонига маънавий-руҳий озиқ бериб келмоқда. Мустақиллик даврида Озод Шарафиддинов танқидчиликдан кўра таржимонлик фаолиятига кўп эътибор бермоқда. Истиқлол туфайли жаҳон адабиётининг ажойиб асарларини ўқиш, ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Аниқроғи, қайта қуриш давридаёқ ажойиб-ажойиб асарлар китобхон қўлига тутқизилди. Озод Шарафиддинов ўқиди, завқланди, руҳий олами бойиб бораётганлигини ҳис қилди. У А. Рибакوف романини таржима қилишга киришди. Юрий Андреевнинг «Очиқчасига суҳбат» асари О. Шарафиддинов таржимасида «Бахтли бўл, ўғлим» номи билан босилди.

Озод Шарафиддинов Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарорига биноан ташкил этилган «Жаҳон адабиёти» журнаliga бош муҳаррир қилиб тайинлангач, қайси асарларни ўзбек китобхонига тавсия этиш лозимлиги ҳақида ўйлай бошлади. Шўро даврида О. Шарафиддинов Ленин ҳақидаги асарларни кўплаб ўқиган, таржима қилган эди. Қайта қуриш, истиқлол шарофати билан О.

Шарафиддинов Лениннинг асл қиёфасини акс эттирувчи кўплаб асарларни ўқиди. Социалистик тузумнинг асосчиси ҳақида шундай маълумотлар, далиллар аён бўлдики, уларни ўқиган, билган кишиларнинг Лениндан ҳафсаласи пир бўлди. О. Шарафиддиновга Игорь Буничнинг «Партия олтинлари» номли ҳужжатли-публицистик асари қаттиқ таъсир этди. У мазкур асарни ўзбек тилига таржима қилди, «Жаҳон адабиёти» журнаlining бир неча сониди чоп эттирди. Асарда коммунистик фирқа, шўро давлати раҳбарларининг очкўзлиги, юртни талон-тарож қилганлиги, халқни аёвсиз қирганлиги, қамаганлиги, хўрлаганлиги ифборли кўрсатилган. Масаланинг илдизига қаралса, 1937 ва ундан кейинги йиллардаги қатли оmlарнинг бошланиш нуқтаси Ленин ҳукмронлик қилган йилларга бориб тақалар экан: «Мамлакатда даҳшатли очлик бўрони қаттиқ хуруж этмоқда эди. Очлик Волга бўйи ва Украинанинг жуда кенг ҳудудларига ёйилди. Тахминан болаларни ҳам қўшганда 20 миллион одам очликдан ўлиш хавфи остида қолди. Кремл ҳукумати пул йўқлигини рўкач қилиб, амалда очларга ҳеч қандай ёрдам кўрсатгани йўқ.

«Ҳамёнимизда ҳемири йўқ» деб такрор-такрор айтарди Ленин минбарлардан ҳам, Алексей Максимович Горький билан қилган хусусий суҳбатларида ҳам, Америка бизнесменлари билан бўлган муҳобасаларда ҳам. Пул йўқ, аммо очларнинг ғалаёнлари ўта шафқатсизлик билан оммавий отиш орқали бостирилади. 1921 йилнинг июнида Екатеринбургнинг оч темирйўлчилари иш ташлашди. Ишчиларни пулёметдан ўққа тутдилар» («Жаҳон адабиёти» журнали, 1997, 4-сон, 63-бет).

Озод Шарафиддиновни Шўро давлатининг парчаланиб кетиши сабаблари қизиқтиради. У жуда кўп бадиий, илмий, оммавий асарлардан Шўро ҳукуматини инқирозга олиб келган сабабларни билиб олади. У СССРнинг парчаланиб кетишининг руҳий-маънавий, иқтисодий сабабларини Эфраим Севеланинг «Тўхтагинг самолётни, тушиб қоламан» қиссасида топгандай бўлади. Қиссада Аркадий Рубинчик ва Коля Мухин саргузаштлари орқали Шўро даврининг авра-астари ағдариб ташланади. Бу икки қаҳрамон қандай воқеага аралашса, нимани кўрса, ўша ерда давлатнинг омонат, сунъий томонлари акс этади:

«Гапни Шўро ҳоқимиятидан бошлайлик. Рус халқи ниҳоят масаланинг тагига етди. Энди у Шўро ҳукуматининг онасини Учқўрғондан кўрсатиб қўяди.

Коля Мухин Шўро ҳукуматига қўл кўтармайди. Буни орзу қила кўрманг. Унинг нархи бозор куни қанча бўлишини Коля яхши билади. Очиғини айтганда, Коля уни жуда ёмон кўради ва ичиб олган пайтларида чангитиб сўкиб қолади. Лекин шуларнинг ҳаммасига қарамай, ўрни келиб қолганда, Шўро ҳукуматини ўзиникидай пеш қилади ва ҳатто мен ишчи одамман, яъни мамлакатнинг эгасиман деб гердайиб ҳам кўяди.

У юз йилдан бери алоҳида квартира кутиб навбатда туради, лекин уни бошқалар илиб кетаверади. Ё зари билан, ё зўри билан. У бўлса «ишчиман, хотиним ҳам ишчи» деганича қолаверади. Эр-хотин ўзларининг маҳрига тушган йигирма квадрат метрда қариб-чуриб умр ўтказишга маҳкум. Шу сабабли хорижийлар учун ёки мамлакатнинг ҳақиқий хўжайинлари бўлмиш шўро амалдорлари учун қурилган ҳашаматли қасрга кириб қолса, уларга ўзининг овсар эмаслигини кўрсатиб кўйиш учун майнавозчилик қилишга тушади.

Аммо қани, биронта ажнабий унинг ҳузурида унга тушунарли тилда шўро ҳукумати тўғрисида бирон оғиз ёмон гап гапириб кўрсинчи? Коля шу ернинг ўзида унинг тумшугига тушуради. Ҳатто эриниб ўтирмай, тегишли жойга олиб бориб топширади». («Жаҳон адабиёти» журнали, 1998 йил, август сони, 21-бет).

Озод Шарафиддинов халқ маънавияти-руҳиятини бойитишга хизмат қиладиган мақола, халқ китоби, бадий асар бўлсин, таржима қилишга киришаверади. «Тафаккур» журналининг 1998 йил, 4-сонида О. Шарафиддиновнинг «Умрбоқий ҳикматлар» таржимаси босилди. Мутаржим диққатини бу гал «Агада» (яхудийча, «ривоя», «афсона» дегани—А. Р.) китобидан олинган ривоятлар жалб қилади. Мана, «Агада» китобидан олинган баъзи ривоятлар таржимаси:

«Худо битта одамни — Одам Атони яратган. Бу билан нимага ишора қилинади: кимда-ким лоақал бир одам жонини нобуд этса, бутун оламни нобуд қилган бўлади. Кимдан-ким лоақал бир одамнинг жонини сақлаб қолса, бутун оламни сақлаб қолган бўлади» (71-бет).

«Яхудийлар худо олдидаги тўрт хизмати эвазига Миср асоратидан холос этилган экан. Улар асоратида юриб номларини ўзгартирмаган, она тилини сақлаб қолган, муқаддас сирларини очмаган ва суннат қилиш одатини тарк этмаган» (71-бет).

Мана бу Агада ниҳоятда ибратли: «Бир домла шундай ҳикоя айтибди:

— Мен раввинга шогирд тушганимда у мендан сўради. «Нима иш қиласан, ўғлим?»

— Муқаддас китобларни кўчираман.

— Ўғлим, — дебди устоз — ўз ишингда ҳаддан ташқари эътиборли бўл. Бир ҳарфни тушириб қолдирсанг ҳам, бир ҳарфни ортиқ ёзиб юборсанг ҳам бутун дунёдаги одамларнинг ақл-идрокида инқилоб юз бериши мумкин». (73-бет).

«Жаҳон адабиёти» журналининг 1998 йил, июнь соҳиби Тамара Грум — Гржимайлонинг «Шостакович жумбоғи» мақоласи Озод Шарафиддинов таржимасида чоп этилди. Мен мақолани синчиклаб ўқиб чиқдим. Озод Шарафиддиновни бу мақолада нима ром этди экан? Таржимон Буюклар, Улкан Истеъдодлар ҳаётининг энг нозик нуқтасини топгандай бўлади: «Дм. Шостакович ўта камсуқум, ўта камгап одам. Лекин унинг қалбида улғу бир денгиз тўлқинланмоқда. Ҳамма гап шу денгиз оқимига тушиб олишда. Бирдан Дм. Шостакович Радион Шchedрин ижоди ҳақида гап очиб қолади:

— Мана, сиз «авангард» дейсиз. Хўп майли. Мисол учун Радион Шchedринни олайлик? Нима унинг мусиқаси? Авангардми, авангард эмасми? Умуман, бунинг нима аҳамияти бор?

Ана шу мафтункор сиймонинг майдонга келганидан мамнун ҳолда завқ билан давом этади:

— У жуда истеъдодли бастакор. Унинг сўнгги пайтда яратган ҳамма асарлари салмоқли. Иккинчи симфонияси ҳам, иккинчи фортепиано учун концерти ҳам, нафис «Карменсюита»си ҳам, «Шоирона»си ҳам ва ниҳоят энг сўнгги асари ҳам. Бетоблигим туфайли концертга боролмадим, аммо ёзиб олинганини икки марта тингладим. Ажойиб асар!

Суҳбатдошимдан ораториянинг матнига муносабати қанақа эканини сўрайман. Унинг баъзи жойларида халқ оғзаки ижодидан фойдаланишда зўрма-зўракилар йўқмиди?

— Балки меъёр жиндай бузилган бўлиши мумкин, — деди Дмитрий Шостакович хаёл оғушида. Кейин бирдан жонланди, гўё излаётган изоҳига рўпара келгандай бир сесканиб тушади. — Лекин, биласизми? Гап аллақандай маиший тафсилотлар ҳақида бораётганининг аҳамияти йўқ. Сиз Зошченконинг баъзи бир ҳикояларини ўқиганмисиз? Ажойиб асарлар! Бундай қарасангиз жуда арзимас нарсалар ҳақида ҳикоя қилинаётгандай кўринади. Лекин шунга қарамай, ҳикоядаги асосий об-

разнинг салмоғи тушмайди. Аксинча, у улугворлик касб этади». (77—78 бетлар).

Мақола ниҳоясида куйидаги фикр берилганки, у тераң мушоҳада юриштиши тақозо этади:

«Йўқ, Дмитрий Шостакович ўзининг машаққатли ижод йўлида биронта ҳам фидони, биронта ҳам бадиий топилдиғини, оҳанг, композиция, саришталашнинг бирор деталини бой бергани йўқ; фақат ижодининг охирида Инсон, Тақдир ва Даврни бир-бирига боғловчи Коинот туйғуси энг олий уйғунлик касб этади».

Бу — ниҳоятда ибратли якун. У нафақат Дм. Шостакович, балки барча истеъдодли одамларга ҳам тааллуқлидир. Хусусан, Озод Шарафиддинов ҳамма кишилар сингари яшади, ижод қилди, изланди, сиқилди, қувонди. Лекин унинг ижоди—танқидчилиги ва таржимонлиги заминида замон ва замондошлар ҳақидаги залворли ҳақиқат бутун мураккаблиги, мукамаллиги билан акс этди:

Инсон-Тақдир-Давр тушунчалари ўзаро яхлитлик, бирбутунликни бунёд қилди. Истеъдодли мутафаккир, мунаққид, мутаржим Озод Шарафиддинов ҳамон ижод этипти—халқига, истиқлолга хизмат қилипти.

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВНИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ТАНҚИДЧИЛИККА ОИД КИТОБЛАРИ

1. Замон — қалб — поэзия. Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти. Т., — 1962.
2. Адабий этюдлар. Фафур Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Т., — 1968.
3. Яловбардорлар. (Меҳнат қахрамонлари — ёзувчилар ҳақида танқидий-биографик очерклар). «Ёш гвардия» нашриёти. Т., — 1974.
4. Истеъдод жилolari. (Адабий портретлар). Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., — 1976.
5. Биринчи мўъжиза (Адабий-танқидий мақолалар). Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., — 1979.
6. Талант—ҳалқ мулки. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Т., — 1979.
7. Адабиёт—ҳаёт дарслиги. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., — 1980.
8. Ҳаёт билан ҳамнафас. «Ёш гвардия» нашриёти. Т., — 1983.
9. Гўзаллик излаб. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., — 1985.
10. Абдулла Қаҳҳор. «Ёш гвардия» нашриёти. Т., — 1988.
11. Ҳақиқатга садоқат. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., — 1989.
12. Чўлпон. «Чўлпон» нашриёти. Т., — 1991.
13. Истиклол фидойилари. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Т., — 1993.
14. Чўлпонни англаш. «Ёзувчи» нашриёти. Т., — 1994.
15. Сардафтар саҳифалари. «Ёзувчи» нашриёти. Т., — 1999.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
Шаклланиш	8
Инсон меҳрга муҳтож	15
Сехрли олам талқини	24
Фикрлаш бахти, мушоҳадакорлик машаққати	50
Портретчи маҳорати	67
Озод Шарафиддинов — чўлпоншунос	86
Йўлбошчи	99
Чўлпонни англаш	109
Эътиқодимни нега ўзгартирдим?	155
Юртбошига мактуб	188
Ёнган чироқлар ёхуд бахтли лаҳзалар	190
Мунаққид, мутаржим (сўнгги сўз ўрнида)	198
Озод Шарафиддиновнинг адабиётшунослик ва танқидчиликка оид китоблари	207